ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Ш. ШУКУРОВ

# ЎЗБЕК ТИЛИДА ФЕЪЛ МАЙЛЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ

Масъул муҳаррир
ЎзССР ФА мухбир аъзоси
Э. И. ФОЗИЛОВ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
1980

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу асар авторнинг ўзбек тилида феъл майллари ва замонлари тараққиётини ўрганишга бағишланган тадқиқотининг давоми бўлиб, бунда буйруқ-истак ва шарт майлларига алоқадор масалалар кўрилган. Автор шу майлларни ифодаловчи формаларнинг шаклланиши, стабиллаша бориши, тарихий тараққиёт процессида бу формаларнинг активлаша бориши ёки пассивлаша бориши, уларда юз берган формал ҳамда семантик ўзгаришлар ва унинг сабаблари каби масалаларни ёритишга ҳаракат қилган.

Китоб тилшунослар, олий ўқув юртлари филология факультетининг ўқитувчилари, аспирантлар, студентлар ҳамда туркий тиллар тарихини ўрганувчиларга мўлжалланган.

Тақризчилар:
филология фанлари докторлари
*Ф. Абдуллаев, А. Рустамов*

Ш $\frac{70103-1088}{М 355(06)-80}$ 204—79

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1980 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# КИРИШ

§ 1. Ҳозирги ўзбек тилида феъл майллари масаласи анча кенг ўрганилган ва бу ҳақда қатор ишлар эълон қилинган. Лекин бу соҳада ҳали ўз ифодасини топмаган масалалар ҳам оз эмас. Масалан, феълнинг майл турлари ва уларнинг номланиши масаласида тилшунослар ўртасида бирлик йўқ. Тўғри, кўпчилик ишларда ҳозирги ўзбек тилида феъл майлларининг уч тури борлиги эътироф қилинади: 1) аниқлик майли; 2) буйруқ-истак майли (ёки буйруқ майли); 3) шарт майли. Лекин буйруқ, истак, тилак, илтимос каби маъноларни ифодаловчи майл формалари бу ишларнинг айримларида «буйруқ майли», бошқаларида «буйруқ - истак майли» номи билан аталади. Баъзи ишларда эса буйруқ - истак майли икки мустақил майл тури сифатида қаралиб (буйруқ майли, истак майли), феъл майллари қуйидаги тўртта турга ажратилади: 1) буйруқ майли; 2) аниқлик майли; 3) шарт майли; 4) истак майли[1].

Т. Хўжаевнинг феъл майллари ва замонлари масаласига бағишланган мақоласида ҳам буйруқ - истак майли икки мустақил майл турига ажратилган. Бундан ташқари, автор *айтса ҳам (айтса - да)* типидаги формаларни, шунингдек, *айтиши керак (лозим, зарур)* типидаги бирикмаларни ҳам алоҳида майл турлари сифатида қарайди ва булардан биринчисини *(айтса ҳам, айтса - да)* «тўсиқсизлик майли», иккинчисини эса *(айтиши керак)* «вазифа майли» номи билан атайди. Шундай қилиб, Т. Хўжаев ҳозирги ўзбек тилида қуйидаги олти майл тури бор, деб кўрсатади: 1) аниқлик майли; 2) буйруқ майли; 3) истак майли; 4) шарт майли; 5) тўсиқсизлик майли; 6) вазифа майли[2].

Ҳозирги ўзбек тилида феъл майллари масаласи А. Ҳожиев томонидан яна бошқачароқ қаралади. Автор, биринчидан, «аниқлик майли» термини шу майл группасига кирувчи формаларнинг характерига мос келмаслиги ҳақида гапириб, бу майлни «ижро май-

[1] Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960, с. 202.

[2] Хўжаев Т. Ўзбек тилида феъл ва майл, замон ва майл масалалари. «Труды СамГУ». Новая серия. Вып. №124. Самарканд, 1963, 103-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ли» деб аташ маъқул эканини айтади. Иккинчидан, *-моқчи* аффиксли *ишламоқчи* типидаги формани алоҳида майл тури сифатида қарайди ва уни «мақсад майли» деб атайди[3], учинчидан, одатда «ўтган замон давом феъли» деб аталувчи *ишлар эди* типидаги аналитик формани омоформа ҳисоблаб, бу форма рус тилидаги «сослагательное наклонение»га ўхшаш маъноси бўйича алоҳида майл турини ташкил этади, деб қарайди ва бу майлни «шартли майл» номи билан атайди. Демак, авторнинг кўрсатишича, *-(а)р+эди* ёрдамида ҳосил бўлувчи *ишлар эди* типидаги форма ,бир томондан, аниқлик майлининг (А. Ҳожиевда — «ижро майли») ўтган замон феъли вазифасини бажаради, иккинчи томондан, мустақил майл турини ташкил этади[4]. Шундай қилиб, А. Ҳожиев ҳозирги ўзбек тилида қуйидаги беш майл тури бор, деб ҳисоблайди: 1) буйруқ-истак майли; 2) шарт майли; 3) шартли майл; 4) мақсад майли; 5) ижро майли[5].

Ҳозирги ўзбек тилида «буйруқ майли» ва «истак майли» номлари билан икки мустақил майл турига ажратилган формаларни, кўпчилик авторлар таъкидлаганидек, «буйруқ - истак майли» номи билан бир майл группасига бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳол ушбу формаларнинг характерига мос келади. *Айтса ҳам (айтса - да)* типидаги формалар ҳамда *айтиши керак (лозим, зарур)* типидаги бирикмалар майл талабларига жавоб бермайди ва буларни майл формаси сифатида қараш тўғри бўлмайди. *-моқчи*[6]

---

[3] *Қиёсланг: -моқчи* аффиксли формани У. Турсунов, Ж. Мухторов, С. Усмонов ва Ж. Жўраевалар келаси замон феъли сифатида қарайдилар ва уни «келаси замон мақсад феъли» (ёки «келаси замон мақсад формаси») деб атайдилар (Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1965, 72-бет; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1966, 152-бет; Джураева Дж. (Мухиддинова). Категория будущего времени глагола в современном узбекском языке. АКД. Ташкент, 1961, с. 13). Бошқа авторлар бу формани замон категориясига ҳам, майл категориясига ҳам киритмайдилар. Масалан, А. Н. Кононов модал маъноларни ифодаловчи феъл формалари қаторида беради ва уни «модальность на -моқчи» деб атайди (Кононов А. Н. Кўрсатилган асар. 278-бет) В. В. Решетов «отглагольные имена» (ҳаракат номлари) группасига киритиб, «форма намерения» (мақсад формаси) номи билан атайди (Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Ташкент, 1965, с. 202). Лекин бу авторларнинг иккаласи ҳам ушбу форманинг замон маъносига эга эканлигини таъкидлайдилар (А. Н. Кононовда — «ҳозирги-келаси замон» В. В. Решетовда — «келаси замон»).

[4] *-(а)р+эди* ёрдамида ҳосил бўлувчи *ишлар эди* типидаги аналитик формани А. Қ. Боровков ва А. А. Кокляновалар ҳам омоформа ҳисоблайдилар (Боровков А. Қ. Краткий очерк грамматики узбекского языка.— «Узбекско-русский словарь». М., 1959, с. 706, 709; Коклянова А. А. Категория времени в современном узбекском языке. М., 1963, с. 95). А. А. Юлдашев бу формани бошқа туркий тиллар учун ҳам икки мустақил грамматик категорияни ташкил этувчи омоформа ҳисоблайди (Юлдашев А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. М., 1965, с. 128, 251).

[5] Ҳожиев А. Феълнинг майл турлари ҳақида.— «Ўзбек тили ва адабиёти», 1969, 6-сон, 53—56-бетлар.

[6] *-моқчи* аффиксли форма эски ўзбек адабий тилида деярли қўлланмаган. А. Ҳожиев эса характерли бўлмаган баъзи фактларга асосланиб «*-моқчи* аффиксининг ҳаракатни бажариш мақсадини ифодаловчи феъл формасини ясаши



www.ziyouz.com kutubxonasi

аффиксли *ишламоқчи* типидаги ва -*(а)р+эди* ёрдамида ҳосил бўлувчи *ишлар эди* типидаги формаларнинг алоҳида майл тури сифатида ажратилиши исбот талаб қилади. «Аниқлик майли» термини эса, унинг шу майл группасига кирувчи формаларнинг характерига мос келиши ёки мос келмаслигидан қатъи назар, ўзбек тилшунослигида аллақачонлар сингишиб кетган. Шунинг учун уни «ижро майли» ёки бошқа бирор термин билан алмаштиришга зарурат йўқ.

Шундай экан, ҳозирги ўзбек тилида феъл майлларини, кўпчилик ишларда кўрсатилганидек, қуйидаги уч турга бўлиш тўғри бўлади: 1) аниқлик майли; 2) буйруқ - истак майли; 3) шарт майли.

Майл ва замон категориялари ўртасидаги чегарани белгилаш, бу категорияларни ифодаловчи формаларни классификация қилиш каби қатор масалалар бўйича ҳам тилшунослар ўртасида бирлик йўқ. Бу ҳол баъзи формаларнинг майл ва замон категорияларидан қайси бирига алоқадорлигини аниқлаш масаласида ҳар хилликлар келиб чиқишига сабаб бўлган. Масалан, тилшуносларнинг бир группаси баъзи формаларни у ёки бу белгисига кўра майл категориясига киритсалар, бошқалари шу формаларни бошқа хусусиятларига асосланиб, замон формаси сифатида қарайдилар. Шарт ва буйруқ - истак майллари ва бу майлларни ифодаловчи формаларнинг замон категориясига муносабати масаласида ҳам ҳар хил қарашлар бор[7].

§ 2. Ўзбек тилида феъл майлларининг тарихи ва тараққиёти масаласи кейинги йилларгача монографик текшириш объекти бўл-

---

анча қадимдан бошланган», «-*моқчи* аффикси билан ясалган феъл формаси XIV—XV асрлардаёқ феълнинг ҳаракатни бажариш мақсадини ифодаловчи формасини ясаш учун хизмат қилган», «...Бу хусусиятлар мазкур формага анча қадимдан хос бўлган» (Таъкидлар бизники.— Ш. Ш.) тарзида қатъий ва масъулиятли хулосалар чиқаради (Ҳожиев А. -*моқчи* аффикси билан ясалган феъл формаси ҳақида.— «Ўзбек тили ва адабиёти», 1966, 4-сон, 25—27-бетлар).

Автор А. М. Шчербакнинг «Грамматика староузбекского языка» (М.—Л., 1962, с. 124) китобида келтирилган *қошулмақчы болды, атланмақчы эрдүк* бирикмалари ҳамда XVI асрга оид «Бобирнома» ва «Мифтаҳул адл» асарларида қайд қилинган *таҳқиқ қилмоқчи бўлдилар, бормоқчи бўлуб* бирикмалари асосида шундай хулосалар чиқарган.

Бу ўринда шуни эслатиб ўтмоқчимизки, биринчидан, -*моқчи* аффиксли форманинг мустақил қўлланиши эски ўзбек тилига оид ёзма манбаларда учрамайди, бошқа туркий тиллар тарихига оид манбалар учун ҳам хос эмас. Иккинчидан, -*моқчи* аффиксли формага *бўл-* феъли қўшилиши билан ҳосил бўлувчи *бормоқчи бўл-* типидаги бирикмалар XIV—XV асрларга оид манбаларда ҳам, ундан олдинги даврларга оид манбаларда ҳам қайд қилинмаган, кейинги даврларга оид манбаларнинг эса баъзиларидагина учрайди. А. М. Шчербакнинг китобида келтирилган *қошулмақчы болды, атланмақчы эрдүк* бирикмалари эса Мирза Меҳдихоннинг «Мабониул луғат» асаридан олинган.

Демак, -*моқчи* аффиксли форма фақат ўзбек тили эмас, балки бошқа туркий тиллар тарихи учун ҳам хос бўлмаган. Шундай экан, -*моқчи* аффиксли форма ва унинг мақсад маъносида қўлланиши ҳақида «...анча қадимдан бошланган», «XIV—XV асрлардаёқ...», «Бу хусусиятлар мазкур формага анча қадимдан хос бўлган» деб қатъий ҳукм чиқариш тўғри бўлмайди.

[7] Бу масалалар ҳақида «Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти» (Тошкент, 1976, 8—13-бетлар) номли ишимизда тўхталганмиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ган эмас. Айрим ёзма ёдгорликларнинг тил хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган ишларда ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларида ёки текширилаётган ёдгорлик тилида қўлланган майл формалари ҳақида ҳам бошқа грамматик категориялар сингари умумий маълумотлар берилган. Бу ишларнинг характери ва вазифаси ҳам шуни тақозо қилади.

Бу ишларнинг бир группасида текширилаётган давр ёки ёдгорлик тилида феъл майлларининг қуйидаги уч тури кўрсатилади: 1) аниқлик майли, буйруқ - истак майли[8]; 3) шарт майли (Э. Фозилов, У. Санақулов, Ж. Лапасов, Ҳ. Бектемиров, А. Матғозиев Ф. Исҳоқов ва бошқалар). Бошқаларида эса буйруқ-истак майли формалари икки мустақил майл тури сифатида қаралади ва феъл майллари қуйидаги тўртта турга ажратилади: 1) аниқлик майли; 2) буйруқ майли; 3) истак майли; 4) шарт майли (А. Н. Кононов, С. Н. Иванов, Г. Ф. Благова, А. Рустамов, М. Туробова, Ў. Мирзакаримова ва бошқалар). Демак, эски ўзбек тили бўйича, агар буйруқ-истак майлининг икки майл турига ажратилиши ҳисобга олинмаса, тадқиқотчилар ўртасида зиддият йўқ.

Ёзма ёдгорликлар материалларининг кўрсатишича, буйруқ, истак, тилак, илтимос каби маъноларни ифодаловчи феъл формаларини эски ўзбек тилида ҳам «буйруқ - истак майли» номи билан бир группага бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шундай экан, эски ўзбек тилидаги феъл майлларини ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги каби қуйидаги уч турга бўлиш тўғри бўлади: 1) аниқлик майли; 2)буйруқ-истак майли; 3) шарт майли.

§ 3. «Ўзбек тилида феъл майллари тараққиёти» деб номланган ушбу асар авторнинг ўзбек тилида феъл майллари ва замонлари тараққиёти масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқотининг давоми бўлиб, бунда буйруқ-истак ва шарт майллари ҳақида гап боради[9]. Автор текширилаётган формаларнинг қадимги даврлардан бошлаб ҳозирги қадар босиб ўтган тарихий йўлини аниқлаш, бу формаларнинг шаклланиши, тараққиёти ва стабиллаша бориши каби масалаларни ёритишга ҳаракат қилган. Ишда текширилаётган ҳар бир форманинг маънолари ва қўлланишидаги ўзига хос хусусиятлари баён қилинади. Тарихий тараққиёт процессида бу формаларнинг активлаша бориши ёки пассивлаша бориши ва бунинг сабаблари изоҳланади.

Ишнинг асосий текшириш объектини эски ўзбек тилида битилган ҳар хил жанр ва характердаги асарлар ташкил этади. Бу асарлар илмий-танқидий текстлар ва қўлёзма нусхалар асосида фойдаланилди («Шартли қисқартмалар» бўлимига қаранг). Ёзма манбалардан келтирилган мисоллар, айрим ҳоллардан ташқари, хронологик тартибда берилди. Ҳар бир мисолнинг манбаси

[8] А. М. Шчербакда — «форма повелительного (предположительно-желательного) наклонения» (Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка. М.— Л., 1962, с. 152).

[9] Аниқлик майли бўлими алоҳида китоб шаклида эълон қилинган: Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. Тошкент, 1976.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ва бу манбанинг саҳифаси кўрсатилди. У ёки бу форма ўзбек тили тараққиётининг фалон даврларида истеъмолдан бўлган ёки унинг қўлланиши фалон даврдан бошлаб кузатилади дейилганда, биринчи навбатда, текширилаётган ёзма манбалардаги фактларга асосланилди[10].

Ишда текшириш объекти бўлган тил ҳодисалари ҳозирги ўзбек адабий тили фактлари билан қиёслаб борилди, зарур ўринларда ўзбек шевалари фактларига ҳам мурожаат қилинди. Бошқа туркий тиллар ва бу тилларнинг тарихига оид материаллар ҳам қиёс учун фойдаланилди. Бунда, биринчидан, эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган майл формаларининг характери ва ўзига хос хусусиятларини кенгроқ ва тўлароқ ёритиш, иккинчидан, ушбу формаларнинг бошқа туркий тилларда қай даражада тарқалгани ва булар туркий тилларнинг қайси бири ёки қайси групласи учун характерли эканини аниқлаш мақсади кўзда тутилди. Ишда қадимги туркий ёзма ёдгорликлар — ўрхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликлари ва «Девону луғотит турк», «Қутадғу билиг» каби ёзма манбаларнинг материаллари ҳамда Ўрта аср Шарқ филологларининг асарларида қайд қилинган фактлар ҳам ҳисобга олинди ва бу манбаларда текширилаётган формаларнинг қай даражада акс этгани кўрсатиб борилди.

---

[10] Текшириш объекти бўлган ёзма манбаларнинг характери ва буларнинг ўзбек тилига муносабати, эски ўзбек тилига оид текстларни транскрипция қилиш принциплари ва ишда қабул қилинган транскрипцион белгилар ҳақида «Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти» (17—20-бетлар) номли ишимизда гапирилган бўлиб, бу ўринда яна такрорлашни лозим топмадик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## БУЙРУҚ-ИСТАК МАЙЛИ

§ 4. Маълумки, ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда «буйруқ-истак майли» номи билан бир группага бирлашувчи формалар ясалиши жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга (ҳар бир шахс учун махсус формалар мавжудлиги, II шахс бирлигининг нуль кўрсаткичли бўлиши ва ҳоказолар).

Ҳозирги ўзбек тилида буйруқ-истак майли масаласи бўйича дарслик ва грамматикаларда берилган маълумотлардан ташқари кандидатлик диссертацияси ҳам ёзилган[1]. Лекин бу майл группасига кирувчи формаларнинг ўзаро муносабатини белгилашда ва уларни номлашда ўзбек тилшунослари ўртасида бирлик йўқ. Масалан, айрим тилшунослар, жумладан, А. Ғ. Ғуломов бу формаларни «буйруқ майли» номи билан бир группага бирлаштиради[2]. А. Н. Кононов булардан II ва III шахс формаларигина буйруқ майлини ташкил этади, I шахс формалари эса семантик жиҳатдан ҳам, формал жиҳатдан ҳам буйруқ майли формаларига мос келмайди, деб қарайди. Шунинг учун II ва III шахс формаларини «повелительное наклонение» (буйруқ майли), I шахс формаларини «желательное наклонение» (истак майли) номи билан алоҳида майл турларига ажратади[3]. Т. Хўжаев ҳам буйруқ майлига II ва III шахс формаларинигина киритади. Шунинг учун автор ўзининг кандидатлик диссертациясида II ва III шахс формаларинигина текшириш объекти қилиб олган[4]. В. В. Решетов эса бу формаларни «повелительное наклонение» (буйруқ майли) номи

---

[1] Ходжаев Т. Повелительное наклонение в современном узбекском языке. АКД. Самарканд, 1963.

[2] Ғуломов А. Ғ. Феъл. Тошкент, 1954, 45-бет. А. Ғ. Ғуломов I шахс формалари «буйруқдан бошқа маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади», деб тушунтиради. Лекин автор I шахс формаларини махсус группага ажратмасдан «Буйруқ майли» сарлавҳаси остида II ва III шахс формалари билан бир қаторга қўяди.

[3] Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960, с. 205—207, 234—235.

[4] Ходжаев Т. Повелительное наклонение в современном узбекском языке, с. 9.


www.ziyouz.com kutubxonasi

билан бирлаштириб, ҳар бир шахс формаларини маъносига кўра махсус номлар билан алоҳида группаларга бўлади: I шахс формаларини «желательная форма», II шахс формаларини «собственно повелительная форма», III шахс формаларини «пожелательная форма» номи билан атайди[5]. Буйруқ-истак майли формаларини Е. Д. Поливанов ҳам шу хилда уч группага ажратган. Лекин у ҳар бир шахс формаларига мустақил майл категорияси сифатида қараган, яъни I шахс формаларини «желательное наклонение», II шахс формаларини «повелительное наклонение», III шахс формаларини «пожелательное наклонение» номи билан алоҳида майл турларига бўлган[6]. Кейинги йилларда нашр этилган дарсликларда[7] ҳам, майл масаласига бағишланган мақолаларда[8] ҳам бу формалар «буйруқ-истак майли» номи билан бир группага бирлаштирилган. ЎзССР «Фан» нашриёти томонидан чоп қилинган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» номли коллектив асарда ҳам бу формалар «буйруқ-истак майли» номи билан берилган. Лекин бу формалар «маъносига кўра икки хил бўлади: 1) буйруқ майли; 2) истак майли», деб изоҳ берилган ва «буйруқ майли» группасига фақат II шахс формалари, «истак майли» группасига I ва III шахс формалари киритилган[9].

Эски ўзбек тили бўйича ёзилган асарларда ҳам ушбу масала бўйича шу хилда ҳар хилликлар кузатилади (*Қаранг:* § 2). Қисқаси, бу масалада фақат ўзбекшуносликда эмас, балки бошқа туркий тиллар бўйича ҳам тадқиқотчилар ўртасида бирлик йўқлиги маълум.

Ушбу формаларнинг маъноси ҳақида гап борганда, буларнинг ҳар бирида ҳам истак, ҳам буйруқ маънолари (ёки маъно оттенкалари) мавжудлиги фактини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу билан бирга, бу формаларнинг айримлари учун (хусусан I шахс формалари учун) истак маъноси, айримлари учун (хусусан II шахс формалари учун) буйруқ маъноси биринчи ўринда туради. III шахс формалари учун эса истак маъноси ҳам, буйруқ маъноси ҳам характерлидир. Шунга кўра, биз ҳам бу формаларни эски ўзбек тили учун «буйруқ-истак майли» номи билан бир группага бирлаштиришни маъқул топдик.

**§ 5.** Эски ўзбек тилида буйруқ-истак майли кўп формали бўлиб, булар қуйидаги аффикслар ёрдамида ясалган:

---

[5] Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Ташкент, 1965, с. 158—163.

[6] Поливанов Е. Д. Краткая грамматика узбекского языка. Часть вторая. Глагол. Ташкент—Москва, 1926, с. 6, 50—51.

[7] Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1965, 82-бет; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1966, 152-бет.

[8] Жўраева Ж. Феъл майллари классификациясига доир.— «Ўзбек тили ва адабиёти», 1965, 2-сон, 63-бет; Ҳожиев А. Феълнинг майл турлари ҳақида.— «Ўзбек тили ва адабиёти», 1969, 6-сон, 56-бет.

[9] Ҳозирги ўзбек адабий тили. I том. Фонетика, лексикология, морфология. Тошкент, 1966, 282—283-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

| Шахслар | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | 1. *айын/-әйин...*<br>2. *ай/-әй (-й)*<br>3. *-айым/-әйим...*<br>4. *-(й) ам/-(й) әм*<br>5. *-гайым/-гәйим*<br>6. *-ғайын/-гәйин*<br>7. *-ғам/-гәм* | 1. *-алы/-әли...*<br>2. *-алың/-әлиң...*<br>3. *-алым/-әлим...*<br>4. *-ғалым/-гәлим*<br>5. *-ғалың/-гәлиң*<br>6. *-ғалы/-гәли*<br>7. *-авуз/-әвуз...*<br>8. *-алық/-әлик...*<br>9. *-айлық/-әйлик...*<br>10. *-айық/-әйик...* |
| II шахс | 1. *-ғыл/-гил//-қыл/-кил*<br>2. *-ғын/-гин//-қын/-кин*<br>3. (нуль кўрсаткич)<br>4. *-у (-ү)* | 1. *-ың/-иң...*<br>2. *-ыңыз/-иңиз...*<br>3. *-ыңлар/-иңләр...*<br>4. *-ыңызлар/ -иңизләр...* |
| III шахс | 1. *-сун/-сүн...*<br>2. *-дик (-тик)* | 1. *-сунлар/ -сүнләр*<br>2. *-дикләр (-тикләр)* |

Эски ўзбек тилида буйруқ-истак майлининг, айниқса, I шахс бирлик ва кўплигининг бундай кўп формали бўлиши[10] маълум шароитлар билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. Булардан айримлари қадимги формаларни ташкил этса, баъзилари диалектал хусусиятларга эгадир ёки бошқа туркий тиллардан ўтган формалардир. Шунинг учун ҳам бу формаларнинг кўпчилиги ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларида истеъмолда бўлган ёки айрим ёдгорликлардагина акс этган.

Эски ўзбек тилида буйруқ-истак феъли маъносида *-ғай* аффиксли *алғай-мэн* типидаги форма ҳам қўлланган. Лекин бу форма семантик тараққиёти бўйича ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ўзбек ва бошқа туркий тилларда маълум даврларгача келаси замон феъли вазифасини бажарган. Шунинг учун бу формани келаси замон феъли группасига киритдик[11].

### I шахс бирлик формалари

§ 6. **-айын/-эйин** (унлидан, кейин **-йын/-йин**) аффикси билан ясалувчи **алайын** типидаги форма буйруқ-истак майлининг I шахс

[10] Буйруқ-истак майли I шахс бирлик ва кўплигининг кўпформали бўлиши кўпчилик туркий тиллар учун хос бўлган ҳодисадир (*Қаранг:* Рагимов М.Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке. АДД. Баку, 1966, с. 24, 35—42, 49—50; Благова Г. Ф. Строение форм желательного наклонения в тюркских языках и тенденция к сверхнормальному их усложнению.— «Советская тюркология», 1973, № 1; Щербак А. М. Формы желательного наклонения в тюркских языках.— «Turcologica. К семидесятилетию академика А. Н. Кононова». Л., 1976.

[11] Бу форма ҳақида қаранг: Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. Тошкент, 1976, 135—145-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

бирлик маъносини ифодаловчи асосий форма сифатида эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврлари учун характерли бўлиб, барча ёзма ёдгорликларда актив истеъмолда бўлган. Мисоллар: *Мэн сэңә узу б а р а й ы н, ш ā г и р д л и к қ ы л а й ы н* (Таф., 11а). *Мэн б а р а й ы н, узрумны қ о л а й ы н* (Рабғ., 75а). *Күчүм йэтмишчә көп х и д м а т қ ы л а й ы н* (МН, 292а). *Т а р т а й ы н көзгә айақың гардыны* (Лутф., 226б). ***Йығлаб*** *йүзүңиздин а л а й ы н зулф ниқāбы* (Отойи, 20б). *Чāра қыл ким, б о л м а й ы н бу мулк ара* (Нав. ЛТ, 122). *Мэн в а з қ ы л а й ы н* (БН, 144). *Мэн аңа йол б э р ә й и н* (ШН, 43). *Оғуз элинә й ы б а р а й ы н* (Ш. тар., 59). *Кимгә изҳāр ә й л ә й и н, эй йāр, ишқ асрāрыдын?* (Мунис, 138). *А р з э т ә й и н эмди йазыб нāмалар* (Муқ., 37).

*Алайын* типидаги форма ўзбек тилининг Октябрь революциясидан кейинги тараққиёт даврларида ҳам буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик маъносини ифодаловчи асосий форма сифатида актив истеъмолда бўлган. Лекин ҳозирги ўзбек тилида бу форманинг қўлланиши чегараланган бўлиб, асосан ёзма адабий тилда ишлатилади, оғзаки нутқда эса асосан унинг қисқарган варианти бўлмиш *олай* (<*алай*) типидаги форма қўлланади. Шунинг учун бўлса керак, ҳозирги ўзбек тили бўйича олий ўқув юртлари учун тузилган баъзи қўлланмаларда буйруқ-истак майлининг I шахс бирлиги ҳақида гап борганда, *олай* типидаги формагина кўрсатилиб, *олайын* типидаги формага ўрин берилмаган[12].

*Алайын* типидаги форма қадимги ёдгорликлар тили учун ҳам характерли бўлган. Ўрхун-енисей ёдгорликларида, қадимги уйғур тилига оид текстларда, «Девону луғотит турк» ва «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларида буйруқ-истак майлининг I шахс бирлиги учун фақат шу форма қўлланган[13]. «Қутадғу билиг»да эса *алайын* типидаги форма билан бир қаторда унинг қисқарган вариантлари бўлмиш *алайы* (<*ал+айы*) ва *алай* (<*ал+ай*) типидаги формалар ҳам истеъмолда бўлган (*Қаранг:* § 7).

Ўғуз группасидаги туркий тиллар тарихида буйруқ-истак майлининг I шахс бирлиги учун асосан *-айым/-әйим* аффиксли *алайым* типидаги форма қўлланган бўлиб, бу тилларнинг олдинги даврларига оид ёзма манбаларда, масалан, «Китоби Дада Қўрқут» асарида *алайын* типидаги форма ҳам анча кенг истеъмолда бўлган[14]. Лекин кейинчалик бу тилларда *алайын* типидаги форманинг

---

[12] Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили, 153-бет.

[13] Насилов В. М. Язык орхоно-енисейских памятников. М., 1960, с. 58; Уша автор. Древнеуйгурский язык. М., 1963, с. 68; Батманов И. А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности. Фрунзе, 1959, с. 87; Кондратьев В. Г. Очерк грамматики древнетюркского языка. Л., 1970, с. 30; Абдурахманов Г. А., Шукуров Ш. Ш. Грамматический очерк старотюркского языка XI века.— «Девону луғотит турк. Индекс-луғат». Ташкент, 1967, с. 499; Шукуров Ш. Феъл тарихидан. Тошкент, 1970, 8—11-бетлар; Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. Тошкент, 1972, 135-бет.

[14] Бу манбаларда унли билан тугаган феълларга *-йын/-йин* эмас, балки *-йайын/-йәйин* қўшилган (*бағла+йайын, ейлә+йәйин* каби).



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлланиши пассивлаша борган ва, ниҳоят, истеъмолдан чиққан[15]. Шу группага кирувчи туркман тили бундан мустасно. Туркман тилида *алайын* типидаги форма буйруқ (ёки буйруқ-истак) майлининг I шахс бирлик формаси вазифасида тарихан кенг қўлланиб келган бўлиб, ҳозирги туркман адабий тилида шу функцияни бажарувчи ягона формадир[16].

Қипчоқ группасидаги туркий тиллар тарихида *алайын* типидаги форманинг қўлланиши яна ҳам чегарали бўлган. Шу тилларга мансуб бўлган XIV аср ёдгорлиги «Қодекс куманикус» асарида буйруқ-истак майлининг I шахс бирлиги учун *алайым* типидаги форма қўлланган бўлиб, *алайын* типидаги форма учрамайди. Шу давр қипчоқ тиллари ҳақида ёзилган «Аттуҳфатуз закияту филлугатит туркия» асарининг автори ҳам фақат *алайым* типидаги формани кўрсатган[17]. Лекин ҳозир қипчоқ группасидаги қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ каби тилларда буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формаси вазифасини *алайын* типидаги форма бажаради[18]. Бу форма ҳозир олтой, тува, шўр тилларида ҳам қўлланади[19].

**§ 7. -ай/-эй** (унлидан кейин: **-й**) аффикси билан ясалувчи **алай** типидаги форма, ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, туркий тилларда нисбатан кейинги даврларда пайдо бўлган (ўрхун-енисей ва қадимги уйгур тили ёдгорликларида қўлланмаган). Бу форма XI XIV асрларга оид ёдгорликлардан асосан «Қутадғу билиг» ва «Хисрав ва Ширин» асарларида қўлланган:

*Бу шукруг кэзү-тэк өтәй, өз өзүн,*
*Мунуң шукры сэн қыл, сәңә эй түзүн* (ҚБ, 44а).

*Ушалуқ танай, тэб тэсә сэн узун,*
*Эрәт орта йақыны йүри, эй тузун* (ҚБ, 151а).

---

15 Дамирчизаде Э. М. «Китаби-Дэдэ Горгуд» дастанларынын дили. Баку, 1959, 90-бет; Мирзэзадэ Һ. Азэрбајчан дилинин тарихи морфолокијасы. Баку, 1962, 231–233-бетлар; Рагимов М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 35; Грунина Э. А. Формы времени на -п/-с по памятникам турецкого языка.— «Тюркологический сборник. К 60-летию Андрея Николаевича Кононова». М., 1966, с. 30.

16 Хыдыров М. Н. Түркмен дилиниң тарыхыдан материаллар. Ашгабад, 1958, 130-бет; Ходжаев Б. Х. Некоторые вопросы наклонения туркменского языка.— «Вопросы категорий времени и наклонения глагола в тюркских языках». Баку, 1968, с. 167; Грамматика туркменского языка. Часть I. Фонетика и морфология. Ашхабад, 1970, с. 299—300.

17 Аттуҳфатуз закияту филлугатит туркия (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов). Тошкент, 1968, 119-бет.

18 Кондратьев В. М. Киргизский язык.— «Языки народов СССР» (в 5-и томах). Т. 2. Тюркские языки. М., 1966, с. 496; Современный казахский язык. Фонетика и морфология. Алма-Ата, 1962, с. 333; Баскаков Н. А. Очерк грамматики каракалпакского языка.— «Каракалпакско-русский словарь». М., 1958, с. 858.

19 Баскаков Н. А. Алтайский язык.— «Языки народов СССР» (в 5-и томах). Т. 2. Тюркские языки. М., 1966, с. 517; Исхаков Ф. Г., Пальмбах А. А. Грамматика тувинского языка. Фонетика и морфология. М., 1961, с. 401–405; Бабушкин Г. Ф., Донидзе Г. И. Шорский язык.— «Языки народов СССР» (в 5-и томах). Т. 2. Тюркские языки. М., 1966, с. 376.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сорар эрсәң башымдын кэчмишини,*
*Тәлим иш кэчти* а й т а й *барчасыны* (ХШ, 28б).

*Балэ, қоптум,* б а р а й *душманқа қаршу,*
А л а й *эл йа* б а р а й *уш җāным уршу* (ХШ, 44б).

«Қутадғу билиг»да *алай* типидаги форма *алайын* типидаги формага нисбатан кам қўлланган[20]. «Хисрав ва Ширин»да эса *алай* типидаги форманинг қўлланиши анча активлашган.

Ўзбек тилида XV асрдан *алайын* типидаги форма билан бир қаторда *алай* типидаги форма ҳам анча кенг қўллана бошлаган бўлиб, шу даврдан бошлаб ёзма ёдгорликларнинг деярли ҳаммасида учрайди. Мисоллар: *Гул кэлди йүзүң даврыда ким, ҳусн* с а т а й *дэб* (Лутф., 189а). *Мэн қашың мэҳрāбына* э л т э й *дуāдын ийдлық* (Отойи, 30а). *Танбура-дэк йүзни* қ ы л а й п а й-м ā л (Аҳмадий, 324а). *Бу балāдын сэни* қ у т қ а р а й (Нав. МҚ, 103). *Аз фурсатта андақ* қ ы л а й *ким,...* (БН, 222). С а л а й *ағзыңа шакар* (ШН, 215). *Имāм Қули хāнға* «к э т э й» *дэдим* (Ш. турк, 167). *Мэн сэни* ш и ф ā а т қ ы л а й (ТН, 12а). *Қөрүб ҳуснуңны, ҳайраның* б о л а й (Мунис, 168). *Икки танāбын* қ ы-л а й *он танāб* (Муқ., 38). *Кэлиб-мэн бир димāғым* ч ā ғ э т э й *дэб* (Фурқ. II, 107).

Ҳозирги ўзбек тилида *алай* типидаги форманинг қўлланиши яна ҳам активлашган бўлиб, буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик маъносини ифодаловчи асосий форма ҳисобланади. Бу форма ҳозир уйғур ва шўр тилларида ҳам қўлланади. Уйғур тилида буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик маъносини ифодалаш вазифасини асосан шу форма бажаради[21]. Шўр тилида эса бу функцияни асосан *алайын* типидаги форма бажариб, *алай* типидаги форма кам қўлланади[22].

§ 8 **-айым/-эйим** (унлидан кейин: **-йым/-йим**) аффиксли **алайым** типидаги форма XIII—XIV асрларга оид манбалардан «Тафсир», «Қисасул анбиё», «Наҳжул фародис», «Хисрав ва Ширин», «Гулистон бит туркий»[23] асарлари тили учун анча характерли бўлган: *Мэн сэңэ аны* а й т м а й ы м (Таф., 134б). *Мэн қолдашларым бирлэ* к э ң э ш э й и м (Рабғ., 86б). *Нэ қылсам* қ ы л а й-

---

[20] «Қутадғу билиг»да *алайын, алай* типидаги формалар билан бир қаторда **-айы/-эйи** (унлидан кейин: **-йы/-йи**) аффиксли **алайы** типидаги форма ҳам актив истеъмолда бўлган (*Қаранг:* Ш у к у р о в Ш. Феъл тарихидан, 9-бет): *Бу нэңлэр мэңэ бэрсэ-сэн, эй илиг//өзүм* қ у л қ ы л а й ы, б э р э й и *элиг* (КБ, 137б). *Йана барғу эрсэ,* б а р а й ы *өзүм//нэгү айғу эрсэ,* а й а й ы *сөзүм* (КБ, 141б). *Алайы* типидаги форма ҳозир шимолий ўзбек (ўғуз) шеваларида сақланган (А б д у л л а е в Ф. А. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. Тошкент, 1978, 90-бет).

[21] Һазирқи замон уйғур тили. II қисм. Морфология ва синтаксис. Алмута, 1966, 216-бет.

[22] Б а б у ш к и н Г. Ф., Д о н и д з е Г. И. Шорский язык, с. 476.

[23] «Гулистон бит туркий»да буйруқ-истак майлининг I шахс бирлиги учун асосан шу форма қўлланган (Н а д ж и п Э. Н. Тюркоязычный памятник XIV века. «Гулистан» Сейфа Сараи и его язык. Часть первая. Алма-Ата, 1975, с. 206).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ым, ҳэч мэңэ азāб-у уқубат қылмағыл* (НФ, 279). *Сизиң учун шаҳарда бир йахшы имāрат қ ы л а й ы м* (СС, 69а). *Қонаққа қайра хизматқа қ э л э й и м* (ХШ, 20б).

XV асрдан бошлаб ўзбек тилига оид манбаларда бу форма деярли қўлланмаган. «Бобирнома», «Шажараи тарокима» каби айрим асарлардагина учрайди[24]: *К ө р э й и м ким, қайсыңыз қашымға кэлэ алур-сиз* (БН, 144). *Таңрим бэрсэ, сизлэргэ б э р э й и м* (Ш. тар., 25).

«Тафсир»да *-айым/-эйым* (*-йым/-йим*) аффикси лаб унлиси билан *-айум/-эйүм* (*-йум/-йүм*) формасида ҳам қўлланган. Маълумки, бирор аффикснинг лаб унлиси билан келган формаси одатда сўз ўзагидаги лаб унлиси таъсирида вужудга келади. Лекин «Тафсир»да бу аффикснинг лаб унлиси билан келган формаси, аксинча, таркибида лаб унлиси бўлмаган феълларга қўшилган. Масалан: *Қамуғны сизгэ... қ ы л а й у м қисмат* (Таф., 81а). *Сэниң көңлүң ичиндэ с а қ л а й у м* (Таф., 130б). *Аңа к и р э й ү м* (Таф., 143а). *Б и л э й ү м бир аввал нэтэк болғай ҳāллары* (Таф., 145б).

*Алайым* типидаги форма ўғуз ва қипчоқ группаларидаги туркий тиллар учун характерли бўлиб, бу тилларда қадимдан актив қўлланиб келган[25]. Қипчоқ тилларига оид бўлган XIV аср ёдгорлиги «Кодекс куманикус» асарида буйруқ-истак майлининг I шахс бирлиги учун фақат шу форма қўлланган. Шу даврда яратилган «Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия» асарининг автори ҳам қипчоқ тилларида буйруқ-истак майлининг I шахс бирлиги учун шу форма қўлланганини қайд қилган[26].

Ўғуз ва қипчоқ группаларига оид туркий тилларнинг кўпчилигида *алайым* типидаги форма буйруқ-истак (ёки истак)[27] майлининг I шахс бирлик формаси сифатида ҳозир ҳам (турли фонетик вариантларда) актив қўлланади. Масалан, т у р к: yazayım, sözleyim; қ а р.: *турайым, изляйим;* қ.-б а л қ.: *барайым, тилейим;* т а т.: *барайм, жирлыйм, укыйм, эшлим;* б о ш қ.: *алайым, бирейим;* н ў ғ.: *барайым, келейим;* қ у м.: *барайым, гелейим.*

Шу билан бирга, ушбу группаларга оид туркий тилларнинг айримларида *алайым* типидаги форма кейинчалик истеъмолдан чиққан. Масалан, бу форма эски озарбайжон тилида актив қўлланган ҳолда, ҳозирги озарбайжон тилида ишлатилмайди. Лекин озарбайжон тилида бу форма бутунлай йўқолиб кетмаган. Озарбайжон тилида XV асрдан бери қўлланиб келаётган, ҳозир актив истеъмолда бўлган ва озарбайжон тилшунослигида буйруқ май-

---

[24] К о н о н о в А. Н. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана хивинского. М.—Л., 1958, с. 150; Щ е р б а к А. М. Грамматика староузбекского языка. М.—Л., 1962, с. 156.

[25] Д э м и р ч и з а д э Э. М. «Китаби-Дэдэ Горгуд» дастанларынын дили, 99, 101-бетлар; Р э һ и м о в М. Азэрбајҹан дилиндэ фе'л шэкиллэринин формалашмасы тарихи. Бакы. 1965, 44-бет; Г р у н и н а Э. А. Форма времени на -a/-e по памятникам турецкого языка, с. 30.

[26] Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия, 119-бет.

[27] Бу тилларга оид адабиётларнинг кўпчилигида *алайым* типидаги форма «истак майли» (желательное наклонение) номи билан аталади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лининг I шахс бирлик формаси сифатида талқин қилинувчи[28] *алым* (*ал+ы+м*), *йэйим* (*йэ+йи+м*) типидаги форма ана шу *алайым* типидаги форманинг қисқариши натижасида вужудга келган (ал+ajым>ал+ыjым>ал+ыым>ал+ым>алым; je+jejим[29]> je+jиим>je+jим>jejим).

*Алым* типидаги форма ҳозир хокас (*пар+ы+м*), яқут (*ыл+ыым, көр+үүм*) ва бошқа айрим туркий тилларда ҳам мавжуд бўлиб, адабиётларда буйруқ майлининг I шахс бирлик формаси сифатида талқин қилинади[30].

§ 9. **-(й)ам/(й)әм** аффиксли **алам (башлайам)** типидаги форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да қўлланган: *Қамуғ шаҳарларны байран қылғам, ағачларын к э с т и р э м, буларны қ ы р а м* (Таф., 49б). *Андын Абара бушты, чэрик тартты, айды: мэн барғам, Макка хāнасын й ы қ а м тэди* (Таф., 143а). *Мэн сэңә аны а й т м а й а м* (Таф., 139б). *Аввалынча айрўқ ч ы қ м а й а м, ...ҳаргиз қ а й ғ у р м а й а м* (Таф., 44б). *Т а п у ғ қ ы л м а й а м аңа ким, сиз тапар-сиз, бу ҳāлда б у т м а й а м мэн аңа ким, сиз бутар-сиз* (Таф., 144б).

Бу форма ўзбек тилига оид бошқа манбаларда қайд қилинмади, ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланмайди.

*-(й)ам/-(й)әм* аффиксли *алам* типидаги форма тарихан ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерли бўлиб[31], тўла парадигмага эга бўлган (масалан, о з а р б.: *алам, аласан, ала; алавуз (алаг), аласыз//аласыныз, алалар;* т у р к.: alam, alasın, ala; alavuz, alasız, alalar) ва XVI—XVII асрларга қадар истак маъносидан ташқари ҳозирги замон, келаси замон, «умумзамон» маъ-

---

[28] Р а г и м о в М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 24—27; Г а д ж и е в а Н. З. Азербайджанский язык.— «Языки народов СССР» (в 5-и томах). Т. 2. Тюркские языки. М., 1966, с. 78; Грамматика азербайджанского языка. Фонетика, морфология, синтаксис. Баку, 1971, с. 114.

[29] Ўғуз группасидаги озарбайжон, турк тилларида *алайым* типидаги формани ясовчи аффикс унли билан тугаган феълларга *-йым/-йим* эмас, балки *-йайым/-йәйим* (-jajым/-jәjим) формасида қўшилган (*Қаранг:* Р ә һ и м о в М. Азәрбајчан дилиндә фе'л шәкилләринин формалашмасы тарихи, 44-бет; Г р у н и н а Э. А. Форма времени на -а/-е по памятникам турецкого языка, с. 28—30).

[30] Грамматика хакасского языка. М., 1975, с. 189, 190; Х а р и т о н о в Л. Н. Современный якутский язык. Фонетика и морфология. Якутск, 1947, с. 135—136.

[31] Д ә м и р ч и з а д ә Ә. М. «Китаби-Дәдә Горгуд» дастанларынын дили, 106—107-бетлар; Р а г и м о в М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 51—60; Г р у н и н а Э. А. Форма времени на-а/-е по памятникам турецкого языка, с. 32—33; R a d l o f f W. Über alttürkische Dialekte. I. Die seldschukischen Verse im Rebâb-Nâmeh.—«Melanges Asiat. tir. du Bull. de l'Acad. imp. des scinces de». t. X. SPb., 1890, S. 63; B r o c k e l m a n n C. 'Ali's qissa'i Jusuf, der älteste Vorläufer der osmanischen Literatur.— APAW. Iahrgang 1916. Phil.-Hist. Klasse. Nr. 5. B e r l i n, 1917, S.16; Z a j a c z k o w s k i A. Studia nad jezykiem staroosmanskim. I. Wybrane ustepy z anatoljiskotureckiego przekladu Kalili i Dimni. Krakow, 1934, SS. 168, 169; Z a j a c z k o w s k i A. Studia nad jezykiem staroosmanskim. II. Wybrane rozdialy z anatolijskotureckiego przekladu Koranu.Krakow, 1937, S. XYIII.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ноларида, шунингдек, баъзан сабаб, тахмин, шарт, зарурлик (долженствование), буйруқ каби маъноларни ифодалашда ҳам қўлланган. Шунинг учун бу форма адабиётларда турлича изоҳланади ва ҳар хил номлар билан аталади[32]. Ҳозирги озарбайжон тилида бу форма тўла парадигмаси билан сақланган ва «истак майли» (желательное наклонение) формаси сифатида шаклланган[33]. Турк тилида эса кейинчалик бу форманинг парадигмаси бузила бошлаган ва, ниҳоят, ҳозирги турк адабий тилида унинг II шахс бирлик ва кўплик формаларигина сақланган (alasın, alasiniz)[34].

-*(й)ам/-(й)әм* аффиксли *алам* типидаги форма буйруқ майлининг I шахс бирлик формаси сифатида ҳозирги чуваш тилида ҳам қўлланади. Лекин чуваш тилида унли билан тугаган феълларга бу аффикс *-йам/-йәм* (*башла+йам*) эмас, балки *-м* (*башла+м*) формасида қўшилади: *тут+ам* (тутайин), *есле+м* (ишлайин)[35].

§ **10.** **-ғайым/-гәйим** аффиксли **алғайым** типидаги форма XIV асрга оид ёдгорликлардан «Хисрав ва Ширин», «Гулистон бит туркий», «Наҳжул фародис» асарларида қўлланган[36]: *Карам қылыб, қулақ тутсаң, жаваб̄ айғайым* (СС, 22б). *Мэн бу қушны аның бирлә йэгәйим, танаввул қылайын* (НФ, 138).

*Кимгә дэгәйим, нэчүк қылайым, билмән,*
*Мэн буйла йырақда, ул йақынрақ жāндын* (СС, 55а).
*Мэни қазғу йэмәккә қойсу дāйим,*
*Чун йэмүм қазғу болды, хуш йэгәйим* (ХШ, 57а).
*Қара тупраққа кирмиш толун айым,*
*Нэлүк башымқа тупрақ қоймағайым?* (ХШ, 68б).

Бу форма Абу Ҳайённинг «Китобул идрок ли-лисонул атрок» асарида ҳам қайд қилинган[37].

Ҳозир бу форма олтой (*барғайым, кэлгәйим*), шўр (*барғайым, күлгәйим*), чулим (*атқайм, келгейм*), қарайим (*барғайм, келгейм*) тилларида[38] буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формаси сифатида қўлланади.

---

[32] Рагимов М. Ш. Кўрсатилган асар, 65—66; Гаджиева Н. З. Азербайджанский язык, с. 49—60; Грунина Э. А. Форма времени на -а/-е по памятникам турецкого языка, с. 32—33.

[33] Рагимов М. Ш. Кўрсатилган асар, 65—66; Гаджиева Н. З. Азербайджанский язык, с. 78.

[34] Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М.—Л., 1956, с. 246; Грунина Э. А. Форма времени на -а/-е по памятникам турецкого языка, с. 35.

[35] Андреев И. А. Чувашский язык.— «Языки народов СССР» (в 5-и томах). Т. 2. Тюркские языки. М., 1966, с. 52.

[36] Наджип Э. Н. Кыпчакско-огузский литературный язык мамлюкского Египта XIV века. АДД, М., 1965, с. 75; Фазылов Э. И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. АДД. Ташкент, 1967, с. 67, 179.

[37] Расулова Н. А. Исследование языка «Китāб ал-идрāк ли-лисāн ал-атрāк» Абӯ Хайййāна. АКД. Ташкент, 1969, с. 14.

[38] Баскаков Н. А. Алтайский язык, с. 517; Бабушкин Г. Ф., Донидзе Г. И. Шорский язык, с. 476; Дульзон А. П. Чулымско-тюркский



www.ziyouz.com kutubxonasi

§ **11. -ғайын/гэйин** аффиксли **алғайын** типидаги форма асосан XIII—XIV асрларга оид «Тафсир», «Наҳжул фародис», «Хисрав ва Ширин» ва «Муҳаббатнома» асарларида қўлланган: *Сэңә мэн йигрэк нарса ө т р ә т г ә й и н* (Таф., 72б). *Қанча барса, мэн алар бирлә барайын, аҳдымға х и л ā ф қ ы л м а ғ а й ы н* (Таф., 82а). *Йā Аҳмад, мэним өкүш тонларым бар, бир тонны сэңә бағышлағайын, кэлгил тэди эрсә,..* (НФ, 222). *Ул эвгә мэн Йусуфны ү н д ә г ә й и н тақы үзәңизгә қапуғны бағлайын* (НФ, 360).

*Уш эмдидин кэзин бэл б а ғ л а ғ а й ы н,*
*Мэни қой, өз ишимгә й ы ғ л а ғ а й ы н* (ХШ, 57а).
*Нэчә сэни йырақдын к э з л ә г ә й и н,*
*Нэчә қаш ичрә говҳар и з л ә г ә й и н* (ХШ, 65б).
*Бурун алқисса бэг мадҳын айайын,*
*Уш андын соңра нāма б а ш л а ғ а й ы н* (МН, 293б).
*Салайын өзүми өзгә адйāра,*
*Көңүлни б а ғ л а ғ а й ы н өзгә йāра* (МН, 308б).

Бу форма кейинги даврларга оид ёдгорликлардан «Шайбонийнома»да (XVI аср) ва Фурқатнинг (XIX аср) шеърий асарларида қайд қилинди:

*Кэлди хāн атланыб андын филҳāл,*
*Шаҳрны ә й л ә г ә й и н дэб пāмāл* (ШН, 34).
*Әйлэдиң бэмāр көп андак тағāфил әйлэбән,*
*Ө л ғ а й ы н ул сāатэ, гар әйлэсэң нāз азгина* (Фурқ, I, 42).

Мисоллардан кўриниб турибдики, *-ғайын/-гәйин* аффикси ёзма манбаларда асосан унли билан тугаган феълларга қўшилган (*башла+ғайын, кэзлә+гәйин* каби).

Ҳозир бу форма ўзбек тилининг айрим Хоразм шеваларида қўлланади (унли билан тугаган феъллар асосида ҳосил бўлади): *оқығайън, ишләгәйьн*[39], *бармағайън, гәлмәгәйьн*[40].

§ **12. -ғам/-гэм** аффиксли **алғам** типидаги форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир», «Қисасул анбиё» ва «Хисрав ва Ширин» асарларида анча кенг қўлланган. Мисоллар: *Ф а з л қ ы л ғ а м ва аңа артуқ б э р г ә м* (Таф., 60б). *Ҳэч махлуқдын нарса ҳāжат т и л ә м ә г ә м* (Таф., 60б). *Раҳимаға йүз ағач у р ғ а м тэб, анд ичмиш эрдиң* (Рабғ., 80а). *Мэн аны көрсәм, бирини қ у р б ā н қ ы л ғ а м* (Рабғ., 32а).

*Чэчәги ваъда бағында ачылмыш,*
*Висāл т а п ғ а м тэйү андиша қылмыш* (ХШ, 25б).

---

язык.— «Языки народов СССР» (в 5-и томах). Т. 2. Тюркские языки. М., 1966, с. 461; Мусаев К. М. Грамматика караимского языка. Фонетика и морфология. М., 1964, с. 287.

[39] Джуманазаров Ю. Морфологические особенности хазараспского говора узбекского языка. АКД. Ташкент, 1961, с. 18.

[40] Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. Тошкент, 1961, 161-бет; Бабаниязов Х. Фонетико-морфологические особенности кыпчакских говоров южного Хорезма. АКД. Ташкент, 1966, с. 31.

2—127

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Бу йолда қылмаған бир лаҳза āрāм,*
*Қуйан-тэк йүгрү, қуш-тэк үчмәсәм жāм* (ХШ, 14а).

Бу форма кейинги даврларга оид манбаларда қайд қилинмади, ҳозирги туркий тилларда мавжудлиги ҳам маълум эмас.

§ 13. Буйруқ-истак майли I шахс бирлик формаларининг этимологияси ва шаклланиши масаласи бўйича адабиётларда ҳар хил фикр ва мулоҳазалар баён қилинган. Бу формалар, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, ёзма манбаларда ва ҳозирги туркий тилларнинг айримларида истеъмолда бўлган *-ғай* аффиксли форманинг I шахс бирлиги (*ал+ғай+мэн*) асосида шаклланган. Бунда тадқиқотчилар Ж. Дени томонидан айтилган фикрга асосланадилар. Лекин Ж. Дени истак майлининг умумтуркий формаси тарихини эски турк тилидаги *-а* аффиксли *алам* (*ал+а+м*) формаси билан боғлаган. *-а* аффиксли формани эса, ўз навбатида, буйруқ, истак, келаси замон каби маъноларга эга бўлган -*qaj≈-*käj аффиксли гипотетик формадан келтириб чиқарган[41]. Шу билан бирга, Ж. Дени ёзма манбаларда ва ҳозирги туркий тилларда истеъмолда бўлган *-ғай* аффиксли формани ҳам ана шу -*qai≈-käj аффиксли гипотетик формадан келтириб чиқарган, бироқ *-ғай* аффиксли форма билан истак майли формалари ўртасида боғланиш борлиги ҳақида гапирмаган[42]. Демак, Ж. Дениниг кўрсатишича, туркий тиллар тарихида -*qaj≈*käj аффиксли гипотетик форма мавжуд бўлиб, кейинчалик бу форма асосида, бир томондан, *ал+а+м* типидаги *-а* аффиксли форма, иккинчи томондан, *ал+ғай+мэн* типидаги *-ғай* аффиксли форма вужудга келган. Истак майли формаларининг кейинги тараққиёти эса *-а* аффиксли форма асосида давом этган. Бу фикрни Н. К. Дмитриев ҳам қувватлайди. Унинг кўрсатишича, ҳозирги турк тилидаги *-айым* аффиксли *алайым* типидаги форма *-а* аффиксли *алам* типидаги формадан ривожланган (al+a+m> alajim)[43]. Шу билан бирга, Н. К. Дмитриев *-а* ва *-ғай* аффиксли формаларни семантик ва функционал мос келувчи формалар ҳисоблаб, булар истак майлининг икки хил формасини ташкил этади, деган фикрни айтади[44].

Буйруқ-истак майли I шахс бирлик формаларининг келиб чиқиш тарихини В. Қатвич ҳам *-а* аффиксли *алам* типидаги формага боғлайди. Бироқ у *-а* аффиксли форма *-ғай*(*-қай*) аффиксли формадан ривожланган, деган фикрга эътироз билдиради. Бунинг учун у қуйидаги далилларни келтиради: биринчидан, *-а* аффиксли форма истак майли асосини ташкил қилади, *-ғай* аффикси эса сифатдош формасини ясайди, иккинчидан, бу формаларнинг иккаласи ҳам ҳозир айрим тилларда истак майли маъносида парал-

[41] Deny J. Grammaire de la langue turque. Paris, 1921, § 1343.

[42] Қаранг: Грунина Э. А. Форма времени на -а/-е по памятникам турецкого языка, с. 29.

[43] Дмитриев Н. К. Турецкий язык. М., 1960, с. 52.

[44] Дмитриев Н. К. Грамматика кумыкского языка. М.—Л., 1940, с. 121—122.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лел қўлланади, учинчидан, *-ғай* аффикси таркибидаги [ғ] ундошининг тушиб қолиши ҳамма вақт ҳам мумкин бўла бермайди[45].

Буйруқ-истак майли I шахс формалари таркибидаги *-а* формантини А. М. Шчербак ҳам *-ғай* аффикси билан алоқаси йўқ, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бу *-а* форманти қадимда ҳаракат номини (имя действия) ясовчи аффикс бўлган[46].

**§ 14**. Ёзма ёдгорликларда ва ҳозирги туркий тилларда мавжуд бўлган фактлар буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формалари *-ғай* аффиксли форманинг I шахс бирлик формаси (*алғай+мэн*) асосида шаклланган, деган фикрни тасдиқлайди. Лекин *-ғай* аффиксли форма асосида буйруқ-истак майлининг ҳозирги туркий тиллардаги *-ғайым, -айым, -ым, -айын(-ай)* аффиксли *алғайым, алайым, алым, алайын (алай)* типидаги формалари, шунингдек, ёзма ёдгорликларда учрайдиган *-ғайын* аффиксли *алғайын* типидаги формаси шаклланган. Ўғуз группасидаги туркий тиллар тарихида актив истеъмолда бўлган ва ҳозирги озарбайжон ва бошқа айрим тилларда сақланган *-(й)ам* аффиксли *алам* типидаги форма эса XIII—XIV асрларга оид манбаларда учрайдиган *-ғам* аффиксли *алғам* типидаги форма асосида шаклланган. Кейингиси эса, ўз навбатида, *-ға* аффиксли *алға-мэн*[47] типидаги формада шахс-сон аффиксининг қисқариши натижасида вужудга келган, *-ғай* аффиксли форма ҳам аслида *-ға* аффиксли *алға-мэн* типидаги формага [й] ундоши қўшилиши асосида пайдо бўлган[48]: *алға+мэн>алға+й+мэн>алғай-мэн*[49].

Демак, буйруқ-истак майли I шахс бирлик формаларининг шаклланишидаги дастлабки манба *-ға* аффиксли *алға-мэн* типидаги форма бўлган. *-ға* аффиксли форма эса дастлаб ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси сифатида шаклланган[50].

Шундай қилиб, *-ға* аффиксли *алға-мэн* типидаги форма асосида дастлаб қуйидаги икки форма вужудга келади:

алға+мэн→ | →алға+м<алғам
алға+мэн→ | →алға+й+мэн>алғай+мэн

---

[45] Котвич В. Исследование по алтайским языкам (Перевод с польского). М., 1962, с. 268—269.

[46] Щербак А. М. Формы желательного наклонения в тюркских языках, с. 186, 188.

[47] Ёзма ёдгорликлар тилида бу форма тўла парадигмага эга бўлган: *алға-мэн, алға-сэн, алға; алға-биз, алға-сиз, алғалар* (Бу форманинг қўлланиши, маъноси ва бошқа хусусиятлари ҳақида қаранг: Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти, 136—139-бетлар).

[48] Ўғуз группасидаги туркий тиллардаги *-а* аффиксли форманинг *-ға* аффиксли формадан ривожланганлиги Э. А. Грунина томонидан ҳам қайд қилинган. Лекин автор *-ға* аффиксли форма *-ғай* аффиксли формадан келиб чиққан деган фикрни айтади (Грунина Э. А. Форма времени на -а/-е по памятникам турецкого языка, с. 30).

[49] Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти, 138—139-бетлар.

[50] Ўша жойда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Алғай-мэн* типидаги формадан эса қуйидаги икки форма келиб чиқади:

алғай+мэн → алғай + (ы) м > алғайым
алғай+мэн → алғай + (ы) н > алғайын

Туркий тилларда буйруқ-истак майли I шахс бирлик формаларининг тараққиёти мана шу *алғам, алғайым, алғайын* типидаги формалар асосида уч хил йўл билан давом этади. Яъни буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формалари туркий тилларнинг бир группасида *-ғайым* аффиксли *алғайым* типидаги форма асосида, бошқа группасида *-ғайын* аффиксли *алғайын* типидаги форма асосида, баъзиларида эса *-ғам* аффиксли *алғам* типидаги форма асосида ривожланади.

*Алға-мэн* типидаги форманинг *алғам* типидаги формага, *алғай-мэн* типидаги форманинг *алғайым* ва *алғайын* типидаги формаларга ўтишида, юқорида кўрганимиздек, шахс-сон аффикси таркибида ўзгариш бўлади (*алға-мэн>алғам, алғай-мэн>алғайым, алғай-мэн>алғайын*)[51]. *Алғам, алғайым, алғайын* типидаги формаларнинг кейинги тараққиётида эса *-ға* ва *-ғай* аффикслари таркибида ўзгариш юз беради. Ундош билан тугаган феълларга қўшилганда, бу аффикслар таркибидан [ғ] ундоши тушиб қолади (*ал+ғам>алам, ал+ғайым>алайым, ал+ғайын>алайын*)[52], унли билан тугаган феълларга қўшилганда эса [ғ] ундоши интервокал позицияда дастлаб [й] ундошига ўтади (*башла+ғам>башла+йам>башлайам, башла+ғайым>башла+йайым>башлайайым, башла+ғайын>башла+йайын>башлайайын*)[53]. Сўнг *башлайайын* формасини ясовчи *-йайын* аффикси таркибидан [йа] тушиб қолади (*башла+йайын>башла+йын>башлайын*), айрим тилларда *башлайайым* формасини ясовчи *-йайым* аффиксидан ҳам [йа] тушиб қолади (*башла+йайым>башла+йым>башлайым*).

Шундай қилиб, буйруқ-истак майлининг *-(й)ам* аффиксли *алам (башлайам), -(й)айым* аффиксли *алайым (башлайайым// башлайым), -айын* аффиксли *алайын (башлайын)* типидаги формалари вужудга келади. Бу формаларнинг тараққиёти айрим тил-

---

[51] *Қиёсланг:* Қараим тилида *-ғай* аффиксли феълнинг I шахс бирлик формаси ясалишида шахс-сон аффиксининг тўла ва қисқарган вариантлари параллел ишлатилади: *барғай-мен//барғай-м, келгей-мен//келгей-м* (Мусаев Қ. М. Грамматика караимского языка, с. 187). Ўзбек тилининг ўғуз группасига мансуб бўлган Хоразм шеваларида: *бармағайман//бармағайън, гәлмәгәймән//гәлмәгәйън* (Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари, 161-бет).

[52] *Қиёсланг: орғақ>орақ, тарғақ>тарақ, кәргәк>кәрәк, эшгәк>эшәк.*

[53] *Қиёсланг:* Қараим тилида кишилик олмошининг I шахс ва II шахс бирлиги жўналиш келишигида маjа, саjа формаларида қўлланади: маjа [<мағa< <мäңä<мäнгä], саjа [<саға<сäңä<сäнгä] (Щербак А. М. Сравнительная фонетика тюркских языков. Л., 1970, с. 179). Ўзбек тилининг ўғуз группасига мансуб бўлган Хоразм шеваларида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формасини ясовчи *-ғалы/-гәли* аффикси унли билан тугаган феълларга *-йалы/ -йәли* формасида қўшилади: *бармайалы* [*<бармағалы*], *гәлмәйәли* [*<гәлмәгәли*] (Абдуллаев Ф. А. Фонетика хорезмских говоров. Ташкент, 1967, с. 109).



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларда яна давом этади. Масалан, озарбайжон тилидаги *-(й)ым* аффиксли *алым* типидаги форма, хокас тилидаги *-ым* аффиксли *парым* типидаги форма, яқут тилидаги *-ыым* аффиксли *ылыым* типидаги форма *-(й) айым* аффиксли *алайым (башлайайым//башлайым)* типидаги форма асосида шаклланган. Ўзбек, уйғур, шўр тилларидаги *-ай* аффиксли *алай* (*бошлай*) типидаги форма эса *-айын* аффиксли *алайын (башлайын)* типидаги формадан шахссон кўрсаткичи *-(ы)н* тушиб қолиши натижасида вужудга келган.

Буйруқ-истак майли I шахс бирлик формаларининг шаклланиши, эволюцияси ва уларда ҳозирги туркий тиллардаги кўринишга етиб келгунга қадар юз берган ўзгаришлар бўйича юқорида айтилганларни қуйидаги схемада умумлаштириш мумкин:

алға+мэн→ | → алға + м > алғам
| → алға + й + мэн > алғай + мэн → | →алғайым
| →алғайын

1. алғам>алам
башлағам>башлайам (>башлам)
2. алғайым>алайым>алыйым>алыым>алым
башлағайым>башлайайым>башлайым
3. алғайын>алайын>алай
башлағайын>башлайайын>башлайын>башлай

§ 15. Буйруқ-истак майли I шахс бирлик формаларининг маъноси. Юқорида айтилганидек, эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврларида буйруқ-истак майли I шахс бирлигининг асосий кўрсаткичи сифатида *алайин* типидаги форма акитив истеъмолда бўлган, XV асрдан *алай* типидаги форма ҳам анча кенг қўллана бошлаган. Бошқа формаларнинг қўлланиши эса маълум даврлар билан чегараланган ёки айрим манбалардагина учрайди. Шунинг учун қуйида буйруқ-истак майли I шахс бирлик формаларининг маъноси ҳақида гапирилганда, *алайын* ва *алай* типидаги формалар бўйича мисоллар келтирамиз. Эски ўзбек тилида *алайын, алай* типидаги формалар ўртасида маънода фарқ бўлмаган[54]. Буларнинг иккаласи ҳам қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Сўзловчининг феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) бўлган истаги, тилаги, хоҳиши, орзуси, интилиши, илтимоси каби маъноларни ифодалайди: *Дуā қылың, афра орныма йāнайын* (Таф., 18б). *Мэңə замāн бэргил, мэн эвүмгə барайын* (Рабғ., 42б).

[54] Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка, с. 156. *Қиёсланг:* Ҳозирги ўзбек тили бўйича олий ўқув юртлари учун тузилган баъзи дарслик ва қўлланмаларда *олайин* ва *олай* типидаги формалар ўртасида маънода тарқ борлиги ҳақида гапирилиб, *олайин* типидаги форма маънони кучайтиш, таъкидлаш учун хизмат қилади, деб уқдирилади (Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка , с. 160; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 83-бет).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Мэни бир йэрдә кэзлә,* *о л т у р а й ы н,*
*Аның күн-тэк җамāлыны* *к ө р ә й и н* (ХШ, 93б).
*Санāдын өзгә нав атлас* *т о қ у й ы н,*
*Қыш ортада баҳāристāн* *о қ у й ы н* (МН, 294б).
*Йолыда* *т у п р а қ* *о л а й ы н* *ат үчүн,*
*Тā мэңә қылғай гузар ул шаҳсувāр* (Лутф., 169б).
*Чун элик бэрмәс кэ, өпсәм ул ситамкāр элкини,*
*Бир киши элкин* *ө п ә й* *ким, өпкәй ул йāр элкини*
(Нав. ФК, 180б).

*Мэни тақы ала бар, имāмның астāнасыға* *б а ш* *у р а й ы н*
(Ш. турк, 171).

*Арзымны* *а й т а й* *бāди сабāға,*
*Шāйад гапиргай ул гул қабāға* (Муқ., 121).

2. Сўзловчининг феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) ваъда қилишини, рози эканлигини билдиради: *Муны мэңә бэргил, сэңә бучуқ батман алтун* *б э р ә й и н* (Таф., 136б). *Қыз қарындашыңызны мэңә бэриң, атаңызны ва сизләрни мāл бирлә* *а з и з* *қ ы л а й ы н* (Рабғ., 41а). *Эй заифа, бу отуңны сөндүрмәгил, мэн сэңә таāм* *к э л т ү р ә й и н* (НФ, 107).

*Ҳикāйат мун-тэк уш аңла эмди,*
*Мэн* *а й т а й,* *сэн қулақ тут, тыңла эмди* (ХШ, 62б).
*Күчүм йэтмишчә көп* *х и д м а т* *қ ы л а й ы н,*
*Җаҳāнға эйгү атыңны* *й а й а й ы н* (МН, 292а).
*Мэн арада* *т у р а й ы н* *җāн бирлә,*
*Сизни* *й а р у ш т у р а й ы н* *хāн бирлә* (ШН, 91).

*Суварны йаңы кэндгә хизматка йыбардым, кэлгәндин соң сизләргә* *т а п ш у р а й ы н* (Ш. тар., 56). *Ушбу тиллаларны мэңә бэргил, мэн сэңә қырқ адат қой* *б э р ә й и н* (Фурқ. II, 147).

3. Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феъллар *дэб (тэб)* феъли билан бирга келганда, феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатнинг юзага келиши учун асос бўлган мақсад ёки сабаб маъноси ифодаланади: *Тайақ изиси кэлсә, тайақны қолса, аңар нэгү* *җ а в ā б* *б э р ә й и н* *т э б* *ызару кэлдим* (Таф., 28б). *Зулайҳā Йусуфға қасд қылды, Йусуф йүз эврди, Зулайҳāны* *к ө р м ә й и н* *т э б* *арқару бақты* (Рабғ., 53б). *Мэн ҳалифақа* *а й т а й ы н* *т э б* *кэлди* (НФ, 37б).

*Башынға тāҗ савдāсы* отурды,
*Б а р а й ы н* *мэн аңа* *т э б* *баш көтүрди* (ХШ, 32б).
*Замāнэ пāйи бусуңға* *й э т ә й* *д е б,*
*Түшәр ҳар кэчә ай көктин замина* (Отойи, 57а).
*Ташдын ҳам кийиб эрди йана бир,*
*Т а п м а й ы н* *д э б* *бу ҳавāдын тағйир* (ШН, 86).


www.ziyouz.com kutubxonasi

*Бу йигит бирлән урушды аны* *у р а й ы н* *т э б* *нимәрсә изләди* (Ш. тар., 47). *Хоҗаста иҗāзат* *т и л ә й* *д э б* *тоты* *қашыға барды* (ТН, 31а).

*Кәлиб-мән бир димāғым* *ч ā ғ* *э т ә й* *д ә б,*
*Көңүлни дард-у ғамдын* *с ā ғ* *э т ә й* *д ә б* (Фурқ. II, 107).

4. Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феъллар нутқ моментида мавжуд бўлмаган, лекин нутқ моментидан кейин бажарилиши мўлжалланган ёки бажарилиши мумкин бўлган иш-ҳаракатни ифодалашда ҳам қўлланади. Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феъллар бу жиҳатдан аниқлик майлидаги келаси замон маъносини ифодаловчи феълларга ўхшайди ёки уларга яқин туради. Қиёсланг: *Сизләр бу җāдулуқны андын өгрәнмиш-сизләр, мән сизләргә* *к ө р г ү г ә й и н,* *оң әликләриңизни, сол әликләриңизни бирлә* *к э с ә й и н,* *б и ч ә й и н,* *дāр тоқыб* *а с а й ы н,* *тэб айды* (Таф., 30б).

*Мән өз йолумча тоғру-оқ* *б а р а й ы н,*
*Башымға ҳақ нэ кэлтүрсә, бир* *к ө р ә й и н* (ХШ, 24а).
*Шарт қылдың ким, сэни мән* *о л т у р ә й,* *өлтүрмәдиң,*
*Чункэ йэтмәс-сэн сөзүңә, аҳд-у паймāн қылмағыл*
(Лутф., 200б).
*Тиргүзүб, дэб-сэн, Навāий җāныға миннат* *қ о й а й,*
*Гар сэн өлтүрсәң кэ, ул җāн бирлә миннатдāр эрүр*
(Наф. ҒС, 25б).

*Хāтиримға кэлди ким, ушбу йэрдә сангтоданы үстигә чықыб, оқумны төкүб* *у р у ш а й* (БН, 140). *Сэн мунда олтур, мэни ҳэч ким таныма*с, *элгә барыб, азуқ* *а л ы б* *к э л ә й и н* (Ш. турк, 130).

*Икки танāбыны* *қ ы л а й* *он танāб,*
*Йуртыңызны күйдүрүб,* *ә й л ә й* *х а р ā б* (Муқ., 38).

Келтирилган мисолларда буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феъллар ўрнида ҳозирги ўзбек тилидаги «ҳозирги-келаси замон» номи билан аталувчи *оламан* типидаги форма қўлланса, маънода деярли ўзгариш бўлмайди (яъни *көргүгәйин* ўрнида «кўрсатаман», *кэсәйин* ўрнида «кесаман» ва ҳоказо). Иккинчи томондан, аниқлик майлидаги келаси замон феълларининг ёки шу маънода қўлланувчи феълларнинг I шахс бирлик формаси замон маъносини англатиши билан бирга, сўзловчининг иш-ҳаракатни бажаришга аҳд қилгани, қарор қилгани, қасд қилгани каби маъно оттенкаларига ҳам эга бўлади. Бу жиҳатдан улар буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феълларга яқин туради. Демак, буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феъллар билан аниқлик майлидаги келаси замон маъносини ифодаловчи феълларнинг ўзаро ўхшашлигини ёки яқинлигини кўрсатувчи умумий томонлар мавжуд. Бу ўхшашлик ёки яқинлик ҳақида гапирганда, шу нарсани ҳам ҳисобга олиш керакки, бу формалар мустақил грамматик категориялар сифатида ўзига хос белгиларга эга. Шунинг учун уларни бир қаторга


www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйиб бўлмайди. Яъни буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феъллар келаси замон маъносида қўлланганда ҳам сўзловчининг иш-ҳаракатни бажаришга аҳд қилгани, қарор қилгани, қасд қилгани каби маънолар, аниқлик майлидаги келаси замон маъносини ифодаловчи феълларнинг I шахс бирлик формасида эса замон тушунчаси устун туради.

Аниқлик майлидаги келаси замон маъносини ифодаловчи феъллар билан буйруқ-истак майли формасидаги феъллар ўртасида семантик ўхшашлик ёки яқинлик бўлиши тасодифий ҳодиса бўлмасдан, маълум тарихий сабабларга эга (бу ўринда I шахс бирлик формалари кўзда тутилади). Гап шундаки, туркий тилларда майл ва замон категориялари, айниқса, буйруқ-истак майли билан ҳозирги-келаси замон ва келаси замон феъллари ўртасида тарихан дифференцияланиш жуда кучсиз бўлган[55]. Айрим формалар майл маъносини ифодалаш учун ҳам, замон маъносини ифодалаш учун ҳам хизмат қилган. Масалан, *-ғай* аффиксли *-алғай-мэн* типидаги форма мана шундай хусусиятга эга бўлган, яъни бу форма тарихан кўп маъноли бўлиб, келаси замон тушунчасини билдириши билан бирга, буйруқ, истак, орзу, тилак каби маъноларда ҳам қўлланган[56]. Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формаси эса, юқорида айтилганидек, мана шу *-ғай* аффиксли форма асосида шаклланган (*Қаранг:* § 14).

Буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феълларнинг аниқлик майлидаги келаси замон маъносини ифодаловчи феъллар билан семантик яқинлиги қуйидаги ўринларда яна ҳам аниқроқ кўринади:

а) буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феъллар шарт эргаш гапли қўшма гап таркибидаги бош гапнинг кесими вазифасида келиб, келаси замон маъносини ифодалайди. Қиёсланг: *Йā Фиръавн, агар нарса ҳуҗҗат бэргү қолса-сэн, сэңә көргүтәйин* (Таф., 30а). *Агар эримдин қорқар эрсәң, бу замāнда ағу бэрәйин, өлтүрәйин йана тавба қылайын* (Рабғ., 52б).

*Агар фармāнласаң, ҳāли барайын,*
*Аны мэн хизматыңа кэлтүрәйин* (ХШ, 59б).
*Бир нэчә күн умрдын тапсам амал,*
*Шархи ишқым назм қылай бир дастāн* (Нав. ЛТ, 93).

[55] Бу ҳақда адабиётларда қайд қилинган: Баскаков Н. А. Система спряжения или изменения слов по лицам в языках тюркской группы.— «Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков». Часть II. Морфология. М., 1956, с. 281; Севортян Э. В. Современное состояние и некоторые вопросы исторического изучения тюркских языков в СССР.— «Вопросы методов изучения истории тюркских языков». Ашхабад, 1961, с. 22; Рагимов М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 11—12; Щербак А. М. Формы желательного наклонения в тюркских языках, с. 186.

[56] Насилов Д. М. Структура времен индикатива в древнеуйгурском языке (по материалам уйгурского письма). АКД. М., 1963, с. 11—12; Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти, 139—144-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Агар эликимни қуйы қылыб, таҗавуз қылсалар, аз фурсатта андақ қ ы л а й ким,..* (БН, 222). *Атам орнына атам-сиз, сиз нэ ишни охшатсаңыз, мэн аны қ ы л а й ы н* (Ш. тар., 29).

Келтирилган мисолларда буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феъллар келаси замон маъносида қўлланган бўлиб, бу жиҳатдан ҳозирги ўзбек тилидаги *оламан* типидаги ҳозирги-келаси замон феълига тўғри келади. Чунки шарт эргаш гапли қўшма гап таркибидаги бош гапнинг кесими одатда келаси замон феъли ёки шу маънони ифодаловчи феъл формаси билан ифодаланади;

б) буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феъллар риторик сўроқ гапнинг кесими вазифасида келиб, келаси замон маъносини ифодалайди. Қиёсланг: *Эй йигит, нэчүк йығлайурсэн? Айды: нэтэк й и ғ л а м а й ы н, атамдын, анамдын айрулдум* (Рабғ., 52а).

*Җāнға тэгэдүр җафāйи ҳиҗрāн,*
*Кимдин т и л э й и н давāйи ҳиҗрāн?* (Отойи, 49а).
*Нэчүк д э й кэ, рухсāрыдын алма көз?*
*Кэ мэн айытман ким, аның сары бақ* (Нав. ФҚ, 106б).
*Җавруңыздын атам өлди, н э т э й и н?*
*Башыма қайғу өкүлди, н э т э й и н* (ШН, 211).

*Эмди йаман күндэ нэчүк буларны т а ш л а б к э т э й и н, бара билмэс-мэн* (Ш. турк, 65).

*Нэчүк т ā қ а т қ ы л а й ким, бара-бара зор этиб ишқың,*
*Көңүлдин алды сабр илэ қарāр, āхиста-āхиста*
(Фурқ. I, 23).

Бу мисолларда ҳам буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик формасидаги феъллар келаси замон маъносида қўлланган, яъни *нэтэк йығламайын* формаси «нега йиғламайман» (йиғлайман) маъносини ифодалайди ва ҳоказо.

### I шахс кўплик формалари

**§ 16**. **-алы/-эли** (унлидан кейин: **-лы/-ли**) аффиксли **алалы** типидаги форма ўзбек тилида XV—XIX асрлар учун характерли бўлиб[57], бу даврга оид манбаларда буйруқ-истак майлининг I шахс кўплигини ифодаловчи асосий форма сифатида кенг қўлланган: *Эмди маслаҳат улдур ким, аны андақ ырақ т а ш л а л ы*

---

[57] Алишер Навоий, Юсуф Амирий, Гулханий ва бошқа бир қатор ўзбек шоирлари асарларида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун фақат шу форма қўлланган (Р у с т а м о в А. Фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навои. АДД. Ташкент, 1966, с. 44; С а н а к у л о в У. Исследование языка памятника XV в. «Мухакамат-ул-луғатайн» Алишера Навои. АКД. Ташкент, 1971, с. 21; Б е к т е м и р о в Ҳ. Юсуф Амирий асарлари тилида феъл формалари.— «Ўзбек тили тарихи масалалари». Тошкент, 1977, 100-бет; И с ҳ о қ о в Ф. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари. Тошкент, 1976, 57-бет).



www.ziyouz.com kutubxonasi

(Яқиний, 321а). *Салалы ғам чэрикинә хазимат//биләли айшу ишратны ғанимат* (ДН, 233б). *Йамандын қылалы эҳтираз* (Аҳмадий, 327б). *Көрәли, қайсымыз йэңәр āхир* (Лутф., 215б). *Бахс этсә шакар най лабыңыз бирлә, соралы* (Отойи, 54а). *Йāр қаршусыда олтурубан бāда ичәли* (Сакк., 30а). *Сэниң үчүн фāтиҳа оқулы* (Нав. МН, 35). *Эмди сөзниң аслыға шуруъ қылалы* (Нав. МҚ, 166). *Андижāнға чэкәли бизләр лашкар//түзәли ул сары āҳанги сафар* (ШН, 163). *Биз аның қылған йаманлықларының қайсы бирин айталы* (Ш. тар., 56). *Хāның алдына баралы, ... арз қылалы* (Ш. турк, 163). *Биримиз бэдāр болалы* (ТН, 11б).

Бу форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Қисасул анбиё» ва «Муҳаббатнома» асарларида қайд қилинди: *Биз ҳам бөзчилик өгрәнәли* (Рабғ. Т, 40). Қиёсланг: *Биз ма бөзчилик өгрәнәлим* (Рабғ., 11а).

*Бизиң бэг йāдыға ишрат қылалы,*
*Нэчә ким йоқ турур биз сан ичиндә* (МН, 295а).
*Болалы айш-у ишрат пэшалардын,*
*Қутулсун көңлүмиз андишалардын* (МН, 302а).

Бу форма ўғуз ва қипчоқ тиллари тарихида, масалан, озарбайжон, туркман тилларига оид ёзма манбаларда, шунингдек, XIV аср қипчоқ тилларига оид бўлган «Кодекс куманикус» асарида ҳам истеъмолда бўлган[58]. Ҳозир туркман, тува тилларида иккилик маъносини ифодаловчи форма сифатида қўлланади, яъни иш-ҳаракатнинг икки шахс томонидан бажарилишини кўрсатади[59]. Олтой ва қирғиз тилларида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги маъносида қўлланади[60]. Ўзбек тилининг Қоракўл ва Хоразм шеваларида ҳамда қозоқ ва қорақалпоқ тилларининг айрим шеваларида ҳам сақланган бўлиб, буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формаси сифатида қўлланади[61].

§ **17. -алың/-әлиң** (унлидан кейин: **-лың/-лиң**) аффиксли **алалың** типидаги форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда актив истеъмолда бўлиб, кейинги даврларда унинг қўлланиши анча чегараланган: *Асбāб қуруңлар, Эрāн шаҳрына баралың* (Таф., 132б). *Эмди сэниң сөзүңдин чықмалың* (Рабғ., 133б). *Мэн сэн-*

---

[58] Хыдыров М. Н. Туркмен дилиниң тарыхыдан материаллар, 136-бет; Рагимов М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 41—43; Radloff W. Das türkischen Sprachmaterial des Codex Comanicus. SPb., 1887.

[59] Грамматика туркменского языка, с. 300; Исхаков Ф. Г., Пальмбах А. А. Грамматика тувинского языка, с. 392—395.

[60] Баскаков Н. А. Алтайский язык, с. 517; Юнусалиев Б. М. Киргизский язык, с. 496.

[61] Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари, 160-бет; Джуманазаров Ю. Морфологические особенности хазараспского говора, с. 18; Шамсиддинов И. И. Каракульский говор узбекского языка. АКД. Ташкент, 1965, с. 18; Аманжолов С. Вопросы диалектологии и истории казахского языка. Алма-Ата, 1959, с. 249; Современный казахский язык, с. 333; Баскаков Н. А. Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология. М., 1952, с. 449—450.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*ләргә болдум қаған, а л а л ы ң йа тақы қалқан* (ЎН, 32). *Барғыл, аны кэлтүргил, б а қ а л ы ң, нэ киши эрмиш* (НФ, 311).

*Нэ болса болсун уш башдын к э ч ә л и ң,*
*Бу сурат рāзыдын парда а ч а л ы ң* (ХШ, 17а).
*Сураҳи толса көп, ағзын а ч а л ы ң,*
*Бу күн майхāнада йармақ с а ч а л ы ң* (МН, 303б).
*Кэл, эй сāқий, қадаҳ кэлтүр, и ч ә л и ң,*
*Замāнэ өсрүбән жāндын к э ч ә л и ң* (ЛН).
*Гулгун атының лалыны көзгү қ ы л а л ы ң тэб,*
*Чин эли кэзәрләр йолыда ҳар бири ҳар йан*
(Отойи, 43б).

*Кэчә йашурунча барыб, атларны ч ы қ а р а л ы ң* (БН, 142). *Эмди өзгә сөзни а й т а л ы ң* (Ш. тар., 60). *Агар бири сувның бойунда болса, к э т м ә л и ң, ав болғунча о л т у р а л ы ң* (Ш. турк, 103). *Бир элгә саранжāм бэриб о л т у р а л ы ң* (Ф. нқб., 49а).

Бу форма олдинги даврларга оид ёдгорликлардан «Қутадғу билиг»да учрайди:

*Йүригил, к и р ә л и ң, мэңә ай сөзүң,*
*Нэлүк эврә кэлди йана бу ө з ү ң* (ҚБ, 180а).

Бу форма ҳозир туркман тилида[62] ва ўзбек тилининг айрим Хоразм шеваларида[63] қўлланади.

§ 18. **-алым/-әлим** (унлидан кейин: **-йалым/йәлим** ёки **-лым/-лим**) аффиксли **алалым** типидаги форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда, айниқса, «Тафсир» ва «Қисасул анбиё»да кенг истеъмолда бўлган: *Биз ул кишиниң ҳукмыны р а в ā т у т а л ы м* (Таф., 28б). *Анчақ к ө р г ү т ә л и м сэңә ким,..* (Таф., 20а). *Бөри йэгән Йусуфны қайдан б у л а л ы м* (Рабғ., 67б). *Көчүб бу йэргә к э л ә л и м* (Рабғ., 31б). *Биз бу Йусуфны бурунрақ ө л т ү р ә л и м* (НФ, 355). *Барыб анда т ү ш ә л и м ким, сизгә савуқ захмат бэрмәгәй* (СС, 90б). *Нэ йатур-сэн? Йатасы йэр дэгүл. Тур, к э т ә л и м* (СС, 136б).

*Ы з а л ы м элчи, кэлтүрсүнләр аны,*
*Сэн эмди фāриғ ич хуш достгāни* (ХШ, 29б).

Келтирилган мисолларда бу форма ундош билан тугаган феълларга *-алым/-әлим* қўшилиши билан ҳосил бўлган. Унинг унли билан тугаган феъллар асосида ҳосил бўлиши «Тафсир»да қўлланган бўлиб, бунда *-йалым/-йәлим* формасида қўшилган: *Ардымыз, ачтымыз, таāм й э й ә л и м* (Таф., 10б). *Биз ваъда хилāф қ ы л м а й а л ы м* (Таф., 21б).

XIII—XIV асрларга оид манбаларда *-алым/-әлим* аффикси баъзан лаб унлиси билан *-алум/-әлүм* формасида ҳам ишлатилган: *К и р ә л ү м-м у йā азу йоқ-му?* (Таф., 31а). *Бу эр улуғ сөз сөзләй*

---

[62] Грамматика туркменского языка, с. 299—300.

[63] Ж у м а н а з а р о в Ю. Ҳазорасп шевасининг баъзи бир феъл формалари.— «Ўзбек диалектологиясидан материаллар». II том. Тошкент, 1961, 142-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*турур, к э т ә л ү м тәдиләр* (Рабғ., 7а). Қиёсланг: *Қамуғ қарындашларының, җавабын өзи сөзләйү турур, к э т ә л и м дәдиләр* (Рабғ. Т, 19—20).

Мисоллардан кўриниб турибдики, *-алым/-әлим* аффиксининг *-алум/-әлүм* формасида ишлатилиши лаб гармонияси қонунияти билан боғлиқ эмас, яъни *кир-, кәт-* феъллари таркибида лаб унлиси бўлмагани ҳолда, бу феълларга ушбу аффикс *-әлүм* формасида қўшилган. Эски озарбайжон тилида ҳам шундай бўлган. Масалан, *вер-, ед-, ол-, көр-* каби феълларнинг таркибида лаб унлиси бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар бу феъллар бир ўринда *верәлим, едәлим, олалым, көрәлим,* бошқа ўринда *верәлүм, едәлүм, олалум, көрәлүм* формасида ишлатилган[64].

*-алым/-әлим* аффиксли *алалым* типидаги форма ўзбек тилининг XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларида қайд қилинмади[65], ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланмайди.

Бу форма қадимги ёдгорликлар тили учун характерли бўлган: ўрхун-енисей ёдгорликларида, қадимги уйғур тилига оид текстларда ва «Девону луғотит турк»да буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун фақат шу форма қўлланган[66]. «Қутадғу билиг»да ҳам бу функцияни асосан шу форма бажарган бўлиб, *-алың/-әлиң* аффиксли форма ҳам учрайди (кейингиси ҳақида ўз ўрнида гапирилди: § 17). Қадимги ёдгорликлар тилида унли билан тугаган феълларга бу аффикс *-йалым/-йәлим* эмас, балки *-лым/-лим* формасида қўшилган (*йоры+лым, ойна+лым, сүлә+лим, сәкрә+лим* каби).

*Алалым* типидаги форма ўтмишда ўғуз группасидаги тиллар учун характерли бўлиб[67], ундош билан тугаган феълларга *-алым/-әлим*, унли билан тугаган феълларга *-йалым/-йәлим* қўшилган (*ал+алым, бил+әлим, авла+йалым, йүрү+йәлим* каби).

Бу форма XIV аср қипчоқ тилларига оид «Кодекс куманикус» асарида ҳам анча кенг қўлланган. Шу даврга оид бўлган «Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия» асарининг автори ҳам қипчоқ тилларида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун шу форма қўлланганини қайд қилган[68]. Лекин бу форма ҳозир қипчоқ группасидаги туркий тилларда қўлланмайди. Ўғуз группасидаги

---

[64] Мисоллар М. Рәһимовнинг «Азәрбаjчан дилиндә фе'л шәкилләринин формалашмасы тарихи» (47—50-бетлар) китобидан олинди.

[65] Бу форма XX аср бошларидаги вақтли матбуот тилида учрайди (Т у р д и а л и е в Б. Морфологические особенности языка периодической печати 1905—1917 гг. АКД. Ташкент, 1969, с. 21).

[66] Н а с и л о в В. М. Язык орхоно-енисейских памятников, с. 59; У ш а а в т о р. Древнеуйгурский язык, с. 70; Б а т м а н о в И. А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, с. 87; К о н д р а т ь е в В. Г. Очерк грамматики древнетюркского языка, с. 30; Ф о з и л о в Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. Тошкент, 1965, 79-бет; А б д у р а х м а н о в Г. А., Ш у к у р о в Ш. Ш. Грамматический очерк старотюркского языка XI века, с. 499; Ш у к у р о в Ш. Феъл тарихидан, 11—12-бетлар.

[67] Р а г и м о в М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 38.

[68] Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия, 119-бет.


www.ziyouz.com kutubxonasi

туркий тилларнинг ҳам кўпчилигида истеъмолдан чиққан бўлиб, асосан турк, гагавуз тилларида сақланган[69].

§ **19. -ғалым/-гәлим** аффиксли **алғалым** типидаги форма XIII—XIV асрларга оид манбалардан «Тафсир», «Қисасул анбиё», «Хисрав ва Ширин»да қайд қилинди: *Эй рабб, бизгә фармāн бәргил, көккә а ғ ғ а л ы м* (Таф., 50б). *Сәниң сөзүңчә й ү р ү г ә л и м* (Рабғ., 63а).

*Ишāрат қылды шāҳ бавурчыға ким,*
*Кәтүр, хон сал ким, эмди аш й ә г ә л и м* (ХШ, 29б).

Бу форма Абу Ҳайённинг «Китабул идрок ли-лисонул атрок» асарида ҳам қайд қилинган[70]. Кейинги даврларга оид ёдгорликларда қайд қилинмади, бошқа туркий тилларга оид манбаларда ва ҳозирги туркий тилларнинг қайси бирида мавжудлиги ҳам маълум эмас.

§ **20. -ғалын/-гәлиң** аффиксли **алғалың** типидаги форма XIII—XIV асрларга оид манбалардан «Қисасул анбиё», «Наҳжул фародис», «Хисрав ва Ширин»да қўлланган: *Сиз он қой кәлтүрүң, бишүрүң, этини й ә г ә л и ң* (Рабғ., 30б). *Синаға барыб й а н а л ы ң, андын Маликка с ө з л ә г ә л и ң* (Рабғ., 126а). *Саҳрāқа чықыб о й н а ғ а л ы ң, Йусуфнуң көңли ачылсун* (НФ, 112). *Йā Муҳаммад, нәтәк ы н а н м а ғ а л ы ң сәңә ким,...* (НФ, 16—17).

*Шāҳ айды: биз икки тоб о й н а ғ а л ы ң,*
*Қайумыз йахшы ойнар, бир бақалың* (ХШ, 35б).

Бу форма ҳозир ўзбек тилининг айрим Хоразм шеваларида сақланган бўлиб[71], бошқа туркий тилларда мавжудлиги маълум эмас.

§ **21. -ғалы/-гәли** аффиксли **алғалы** типидаги форма XVI—XVII асрларга оид ёдгорликлардан «Шайбонийнома», «Шажараи тарокима», «Шажараи турк» асарларида қўлланган (унли билан тугаган феъллар асосида ҳосил бўлган)[72]: *Эмди қалачларға болуб айтатурған сөзүмизни қ о й ғ а л ы, мунчалық айтдук, йәтәр* (Ш. тар., 26). *Эмди көп сөзләдук, сөзләрни айтыб башлаған сөзүмиздин қ а л м а ғ а л ы* (Ш. турк, 23). *Бу күндин сөң сәни Көл Эрки хāн т ә г ә л и* (Ш. тар., 44).

*Ҳәч йаманлық аңа й а в у т м а ғ а л ы,*
*Сәни тәлмүртүб, аны т у т м а ғ а л ы* (ШН, 73).

---

[69] Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка, с. 219—220; Покровская Л. А. Грамматика гагаузского языка. Фонетика и морфология. М., 1964, с. 207—210.

[70] Расулова Н. А. Исследование языка «Китāб ал-идрāк ли-лисāн ал-атрāк» Абӯ Хаййāна, с. 14.

[71] *Қиёсланг:* Хонқа шевасида *-ғалънг/-гәльнг (оқъғальнг)*, Ҳазорасп шевасида *-ғалық/-гәлик (оқъғалық)* (Жуманазаров Ю. Ҳазорасп шевасининг баъзи бир феъл формалари, 142-бет).

[72] Кононов А. Н. Родословная туркмен, с. 151; Иванов С. Н. Родословное древо тюрок Абу-л-Гази-хана. Грамматический очерк. Ташкент, 1969, с. 166.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Алғалы* типидаги форма XV аср озарбайжон шоири Кишвари асарларида ҳам учрайди[73]. Бу форма ҳозир ўзбек тилининг айрим Хоразм шеваларида равишдош функциясини бажариши билан бирга, буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик маъносида ҳам қўлланади *(оқъғалъ)*[74].

§ 22. **-авуз/-эвүз** аффиксли **алавуз** типидаги форма «Тафсир» да қўлланган: *Биз тақы сэниң бирлә и с т ә в ү з, қанча барсаң ким, сэниң бирлә б а р а в у з* (Таф., 137а). *Биз аны йэңә билмәзүз, магар аның авраты бирлә б и р л ә ш ә в ү з* (Таф., 139б).

Унли билан тугаган феълларга бу аффикс **-гэвүз (-ғавуз)** формасида қўшилган: *Эмди йағмур вақты йоқ, аны тэгәвүз* (Таф., 71а). *Ғалла расида вақтыда й э г ә в ү з* (Таф., 70б).

Бу форма ўғуз группасидаги туркий тиллар, хусусан, озарбайжон, турк тиллари тарихида актив истеъмолда бўлган[75]. Лекин бу тилларда унли билан тугаган феълларга «Тафсир»даги каби *-гәвүз(-ғавуз)* эмас, балки *-йавуз/-йәвүз* формасида қўшилган[76]. Масалан, т у р к: ал+avuz, di+yevüz; о з а р б.: бах+авуз, ејли+јевүз. Ушбу форма ҳозир бу тилларда ҳам қўлланмайди.

Ҳозирги-келаси замон феълининг Тошкент, Қарши, Қарноб ва бошқа айрим ўзбек шеваларидаги *алавуз* типидаги I шахс кўплик формаси[77] ёзма ёдгорликлардаги *алавуз* типидаги форма билан шаклан ўхшаш. Бироқ улар генетик жиҳатдан ҳар хил формаларни ташкил этади. Ёзма манбалардаги *алавуз* типидаги форма *-ға/-гә* аффиксли *алға-биз* типидаги форма асосида шаклланган бўлиб, буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формасини ташкил этади (*Қаранг:* § 28). Тошкент, Қарши, Қарноб шеваларидаги *алавуз* типидаги форма эса ҳозирги замон феълининг *ала-биз* (<*ала турур биз*) типидаги I шахс кўплик формаси асосида шаклланган[78].

§ 23. **-алық/-элик** (унлидан кейин: **-лық/-лик**) аффиксли **алалық** типидаги форманинг ёзма манбаларда акс этиши XIV асрдан бошлаб кузатилади. Шу давр қипчоқ тилларига оид грамматик асарлардан «Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия»да ҳам

---

[73] Р а г и м о в М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 41—42.

[74] Ж у м а н а з а р о в Ю. Ҳазорасп шевасининг баъзи бир феъл формалари, 142-бет.

[75] Бу форма ушбу тилларда тўла парадигмага эга бўлган *-а/-ә* аффиксли истак майлининг I шахс кўплик формасини ташкил этади: *алам, аласан//аласын, ала; алавуз аласыз//аласыныз, алалар.*

[76] Р а г и м о в М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 49; Г р у н и н а Э. А. Форма времени на -а/-е по памятникам турецкого языка, с. 28—29.

[77] Г у л я м о в Я. Г. Грамматика ташкентского говора. Ташкент, 1968, с. 115; Ш е р м а т о в А. Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари.— «Ўзбек диалектологиясидан материаллар». II том. Тошкент, 1961, 207—208-бетлар; Р а ж а п о в Н. Ўзбек тилининг Қарноб шеваси (Канд. дисс.). Самарқанд, 1958, 122-бет.

[78] Ш у к у р о в Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти, 104-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қайд қилинган[79]. Лекин ёзма манбаларда бу форма кам қўлланган бўлиб, айрим асарлардагина учрайди. Масалан, XIV асрга оид манбалардан «Наҳжул фародис» ва «Кодекс куманикус»да қайд қилинди: *Биз тақы жумла йāранларқа э ъ л ā м қ ы л а л ы қ* (НФ, 40). *Бу кун сэкизинчи кун а ғ ы р л а л ы қ* (Код. кум., 83). *Бу кун а ғ ы р л а л ы қ ол улу кун* (Код. кум., 84).

XV—XVIII асрлар давомидаги ўзбек тилига оид манбалардан «Шажараи турк»[80], «Шайбонийнома» каби баъзи асарлардагина учрайди: *Хасмлық қылса, қ ы л а л ы қ ф ā н и* (ШН, 160).

XIX аср ва XX аср бошларида бу форманинг қўлланиши маълум даражада кенгайган[81]. Шу даврда рус шарқшунослари томонидан ўзбек тили бўйича тузилган қўлланма ва грамматикаларнинг айримларида ҳам қайд қилинган[82]. Лекин бу даврда *-алық/-элик* аффикси асосан [у], [ү] унлилари билан *-алуқ/-элүк* формасида қўлланган: *А л а л у қ бир-икки йүз ат илэ топ* (ҲГ, 87а). *Мавлāнā Кāтибийни бу кэчэ андақ м а ш ғ у л э т э л ү к ким,* ...(БВ, 486а)[83].

Ҳозир бу форма қирғиз, олтой тилларида ва қозоқ тилининг айрим шеваларида қўлланади[84], баъзи ўзбек шевалари, масалан, Ҳазорасп шевасида[85] ҳам мавжуд.

Демак, мавжуд фактлардан маълум бўлишича, буйруқ-истак майлининг *алалық* типидаги I шахс кўплик формаси тарихан қипчоқ группасидаги туркий тиллар учун хос бўлган, ҳозир ҳам асосан шу тиллар доирасида қўлланади.

**§ 24. -айлық/-эйлик** (унлидан кейин: **-йлық/-йлик**) аффиксли **алайлық** типидаги форма, ёзма манбалардан маълум бўлишича, ўзбек тилида, умуман, туркий тилларда кейинги даврларда пайдо бўлган.

Бу форма ўзбек тилида XIX аср охирларидан актив қўллана бошлаган[86]. Масалан, шу давр шоирлари Муқимий, Фурқат асарларида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун асосан шу форма қўлланган:

*Эй йахшылар, к э л э й л и к, бир жайга й ы ғ ы л а й л и к,*
*О й н а й л и к, к ү л э й л и к, ā м ā н б о л а й л и к.*
*Бу умр экэн бақāсыз, дунйāйи дун вафāсыз,*

---

[79] З и я е в а М. Т. Исследование памятника XIV в. «Китāб ат-туҳфат уззакиййа фил-луғат-ит туркиййа». АКД. Ташкент, 1972, с. 15.

[80] И в а н о в С. Н. Родословное древо тюрок Абу-л-Гази-хана, с. 166.

[81] М а т ғ о з и е в А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. Тошкент, 1977, 113-бет; Т у р д и а л и е в Б. Морфологические особенности языка периодической печати 1905—1917 гг., с. 21.

[82] А ш и р б а е в С. Из истории изучения грамматического строя узбекского языка (по трудам русских тюркологов 1875—1917 гг.). АКД. Ташкент, 1975, с. 32.

[83] Мисоллар А. Матғозиевнинг кўрсатилган асаридан олинди (113-бет).

[84] Ю н у с а л и е в Б. М. Киргизский язык, с. 496; Б а с к а к о в Н. А. Алтайский язык, с. 517; Современный казахский язык, с. 333.

[85] Ж у м а н а з а р о в Ю. Ҳазорасп шевасининг баъзи бир феъл формалари, 143-бет.

[86] Олдинги даврларга оид ёдгорликлардан «Шайбонийнома» (XVI аср)да қайд қилинди: *Ҳар киши кэлсэ, к ө р э й л и к аны* (ШН, 160).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ойнайлик, к у л э й л и к, а̄ м а̄ н б о л а й л и к*
(Муқ., 146).

*Б э р э й л и к иккимиз ҳам аңа лашкар,*
*Болуб жа̄н эйлэсун сарда̄ри аскар*
(Фурқ. II, 36).

*Агарчэ тапмасэк бир йахшы дилбар,*
*Йамандур гар ситамгар, а х т а р а й л и к*
(Фурқ. I, 121).

Ўзбек тили тараққиётининг кейинги даврларида, жумладан, 1920—30 йилларга оид адабиётларда ҳам бу форма буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик маъносини ифодаловчи восита сифатида актив истеъмолда бўлган. Мисоллар: *Уларни ўзимиз ила бирга олиб боришга ҳ а р а к а т қ и л а й л и қ* (Арм., 4). *Мана шу сўроққа жавобни биз тарихий ёқдан... б о ш л а й л ы қ* (МЎқит., 1927, № 6, 48-бет). *Мусобақачилик усулини қўллашни к у ч а й т и р а й л и к* (Вож., 17). *Биз ҳам умрда бир савчилик қилайлик* (А. Қод., 39).

Маълумки, ҳозирги ўзбек адабий тилида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун шу форма қабул қилинган. Ўзбек шеваларининг кўпчилигида ҳам буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун шу форма қўлланади. Шу билан бирга, айрим шеваларда бу форма баъзи фонетик ўзгачаликларга ҳам эга. Қиёсланг: Ж и з з.: *келайлъй, борэйлъй чушэйлъй*[87]; Н и ё з б.: *бора : ну//бора : нъй, кела : ну//кела : нъй*[88]; Қарши: *борайлъй//борайнув*[89]; Т о ш к.: *боръйлув, келъйнув*[90].

Бу форма ҳозирги уйғур тили учун ҳам характерли бўлиб, оғзаки нутқда *-айлуқ/-эйлуқ (барайлуқ, көрситэйлуқ)*, ёзма адабий тилида *-айли/-эйли (барайлы, көрситэйли)* кўринишида қўлланади[91]. Кейингиси олтой тилида ҳам қўлланади (*алайлы, келейли*)[92]. *-айлы/-эйли, -айлық/-эйлик* аффиксли формалар қирғиз тили шеваларида ҳам мавжуд[93].

*§* 25. **-айық/-эйик** (унлидан кейин: **-йық/-йик**) аффиксли **алайық** типидаги форма ҳам эски ўзбек тилида кам қўлланган бўлиб, унинг ёзма ёдгорликларда акс этиши XVI асрдан бошлаб кузатилади. Бунда ҳам айрим манбалардагина учрайди: *Сэңэ б э р э й и к* (БН, 132). *Өзимизниң аҳва̄лымызны а л а й ы қ* (Ш. турк, 31).

---

[87] Ғ у л о м о в Ҳ. Ўзбек тилининг Жиззах шеваси.— «Ўзбек диалектологиясидан материаллар». I том. Тошкент, 1957, 105-бет.

[88] Г а ф у р о в а Н. С. Ниязбашинский говор узбекского языка. АКД. Ташкент, 1962, с. 17.

[89] Ш е р м а т о в А. Қарши шевасининг баъзи морфологик хусусиятлари, 210-бет.

[90] Г у л я м о в Я. Г. Грамматика ташкентского говора, с. 121.

[91] Һазирқи заман уйғур тили, 216-бет.

[92] Б а с к а к о в Н. А. Алтайский язык, с. 517.

[93] А х м а т о в Т. К. Таласский говор киргизского языка. АКД. Фрунзе, 1959, с. 13; Б е й ш е к е е в Н. Киргизские говоры за пределами Киргизии. АКД. Фрунзе, 1965, с. 23.



www.ziyouz.com kutubxonasi

XIX аср ўзбек тилининг морфологиясини махсус текширган А. Матғозиевнинг таъкидлашича, бу даврга оид ёзма манбалар тилида *-айиқ/-әйик* аффиксли форма учрамайди[94]. Б. Турдиалиевнинг маълумотига кўра, XX аср бошларидаги вақтли матбуот тилида буйруқ-истак майли I шахс кўплигининг бошқа формалари билан бир қаторда шу форма ҳам қўлланган[95].

Бу форма ўзбек адабий тили тараққиётининг кейинги даврларида, айниқса, 1920—30 йилларда *-айлиқ/-әйлик* аффиксли форма билан бир қаторда анча актив истеъмолда бўлган. Масалан: *Душманларимизнинг иғвосиға қарши курашайик* (Колх., 57). *Шодлиқ билан ишлашни юқори кўтарайик* (Вож., 16). *Мана шу хилда ишимизни яхширтайиқ* (МЎқит., 1930, № 2—3, 23-бет). *Паранжиларни зўр тантана билан шу ерда куйдирайик* (Сов. ад., 7).

*-айиқ/-әйик* аффиксли форма ҳозир айрим ўзбек шеваларида қўлланади. Масалан, Найм.: *барайиқ, джирейик*[96]; Бешк.: *борәйиг*[97]; Туркистон: *баръйқ, көрьйк*[98]; Хоразм: *баръйқ, кельйк*[99].

Ҳозирги қипчоқ группасидаги туркий тилларнинг кўпчилигида ёки шу тиллар билан яқиндан алоқада бўлган бошқа туркий тилларда буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун асосан шу форма қўлланади. Масалан, қоз.: *тартайиқ, кетейік;* қ.-қалп.: *алайиқ, көрейик;* нуғ.: *барайиқ, тилейик;* бошқ.: *башлайиқ, килейек;* тат.: *алыйк//алыйык, килик//килиек;* қр.-тат.: *алайыкъ, истейикъ;* қар.: *карайых//карайык, келяйик//келейик;* қ.-балқ.: *барайыкъ, тилейик;* қум: *алайыкъ, ишлейик.*

**§ 26.** Буйруқ-истак майли I шахс кўплигининг тарихан кўп формали бўлиши ва бу формаларнинг қўлланиши маълум даврлар билан чегараланганлиги каби ҳоллар бошқа туркий тилларда ҳам кузатилади. Масалан, озарбайжон тилида ҳам шундай бўлган[100]. Шунингдек, қипчоқ группасидаги туркий тилларнинг XIV асрга мансуб бўлган ёдгорлиги «Кодекс куманикус»да буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун *алалым, алалы, алалық* типидаги формалар параллел қўлланган.

Ўзбек тили ёзма ёдгорликларида истеъмолда бўлган формалардан қуйидаги олтитаси ҳозирги туркий тилларда қўлланади: 1. *-алым/-әлим* аффиксли *алалым* типидаги форма; 2. *-алың/*

---

[94] Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси, 113-бет.

[95] Турдиалиев Б. Матбуот тилининг жонли шеваларга муносабати ҳақида.— «Ўзбек тили ва адабиёти», 1969, 5-сон, 76-бет.

[96] Валиев М. Найманский говор узбекского языка. АКД. Самарканд, 1963, с. 23.

[97] Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Бешкент район шевалари.— «Ўзбек диалектологиясидан материаллар». I том. Тошкент, 1957, 289-бет.

[98] Мухаммаджанов К. Туркестанский говор узбекского языка. АКД. Ташкент, 1970, с. 22.

[99] Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари, 160-бет.

[100] Рагимов М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 24, 30—31, 38, 41, 49—50.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*-әлиң* аффиксли *алалың* типидаги форма; 3. *-алы/-әли* аффиксли *алалы* типидаги форма; 4. *-алық/-әлик* аффиксли *алалық* типидаги форма; 5. *-айлық/-әйлик* аффиксли *алайлық* типидаги форма; 6. *-айық/-әйик* аффиксли *алайық* типидаги форма. Булардан ташқари, ҳозирги туркий тилларда буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун яна бир қатор формалар қўлланади. Масалан: *-айлы/-әйли* аффиксли *алайлы* типидаги форма (уйғур ва олтой тилларида), *-аалыңар/-ээлиңер*) аффиксли *алаалыңар* типидаги форма (тува тилида); *-ааңар/-ееңер (-аңар/-еңер)* аффиксли *алаңар* типидаги форма (шўр ва хокас тилларида), *-ыағың...(-ағың)* аффиксли *ылыағың* типидаги форма (яқут тилида).

Хокас ва шўр тилларидаги *-ааң/-еең* аффиксли *алааң* типидаги форма, тува тилидаги *-аал/-ээл(-аалы/-ээли*) аффиксли *алаал (алаалы)* типидаги форма ва яқут тилидаги *-ыах/-иэх* аффиксли *ылыах* типидаги форма I шахс иккилик маъносини ифодалайди. Тарихан I шахс кўплик маъносини ифодалаган *-алы/-әли* (*-лы/-ли*) аффиксли *алалы* типидаги форма ҳам, юқорида айтилганидек, ҳозирги туркман, олтой тилларида иккилик маъносида қўлланади.

Юқорида кўрсатилганлар ҳозирги туркий тиллардаги буйруқ-истак майли I шахс кўплик формаларининг ҳаммаси эмас, албатта. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Масалан, сариғ уйғурлар тилида бу функцияда *-іна (-іны)* аффиксли *паріна//паріны* (борайлик) типидаги форма қўлланади[101]. Агар диалект ва шева материалларини ҳам ҳисобга олсак, бу формалар сони яна ҳам кўпая боради[102]. Масалан, айрим ёдгорликларда қўлланган *-ғалың/-гәлиң, -ғалы/-гәли* аффиксли *алғалың, алғалы* типидаги формалар ўзбек тилининг Хонқа (*оқъғалъң*) ва Хазорасп *(оқъғалъ)* шеваларида сақланган.

Демак, буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун ҳозирги туркий тилларда ҳам, ўтмишда бўлганидек, хилма-хил формалар ишлатилади. Лекин бу ҳол ҳозирги туркий тилларда бошқача характерга эга. Яъни тарихан бир тилнинг ўзида, масалан, ўзбек тилида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун бир неча форма параллел қўлланиб келган бўлса, ҳозир бундай формаларнинг истеъмол доираси маълум туркий тиллар бўйича чегараланган (масалан, *-алың/-әлиң* аффиксли *алалың* типидаги форма асосан туркман тилида ишлатилади, *-алық/-әлик* аффиксли *алалық* типидаги форманинг қўлланиши эса асосан қирғиз, олтой тиллари билан чегараланган ва ҳоказо). Бундан ташқари, ҳозир ҳар бир туркий тилда (агар шева ва диалектларни ҳисобга олмасак) буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун асосан бир форма ишлатилади (масалан, ҳозирги ўзбек ёзма адабий тилида бу вазифани *-айлик* аффиксли *олайлик* типидаги форма бажаради, бошқирд, татар, нўғай, қозоқ, қорақалпоқ, қарачай-балқар,

---

[101] Малов С. Е. Язык желтых уйгуров. Алма-Ата, 1957, с. 188; Тенишев Э. Р., Тодаева Б. Х. Язык желтых уйгуров. М., 1966, с. 33.

[102] *Қаранг:* Благова Г. Ф. Строение форм желательного наклонения в тюркских языках и тенденция к сверхнормальному их усложнению, с. 17—19.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қрим татарлари, нўғай тилларининг адабий нормаси учун *-айық/-әйик* аффиксли *алайық* типидаги форма қабул қилинган ва ҳоказо).

§ 27. Буйруқ-истак майли I шахс кўплик формаларининг шаклланиши масаласи жуда ҳам мураккаб бўлиб, бу масала кўпдан бери туркологларнинг диққатини жалб этиб келади. Ҳозир бу соҳада жуда катта илмий адабиёт мавжуд бўлиб, буларда масаланинг у ёки бу томони ҳақида ҳар хил фикрлар айтилган. Бу масалага В. Котвичнинг «Исследование по алтайским языкам» номли асарида анча кенг ўрин берилган. Автор ҳозирги туркий тиллардаги буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формаларини[103] маълум даражада тўла ҳисобга олган ва уларни тузилишига (структурасига) кўра группаларга бўлган[104].

В. Котвич асосан қуйидаги масалаларга эътибор берган:

1. У буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формаларини ясовчи аффиксларни даставвал қуйидагича икки қисмга ажратади: -a+lïm, -a+lïq, -a+l, -a+q каби (яъни *-а+лым*, *-а+лық*, *-а+л*, *а+қ*)[105]. Буларда *-а* элементи истак маъносини ифодаловчи асосий формант бўлиб, барча туркий тилларда истак майли формалари мана шу *-а* аффиксли форма асосида ҳосил бўлган, яъни бу формага турли типдаги шахс-сон (личные) аффикслари қўшилиши натижасида вужудга келган[106]. Демак, В. Котвичнинг фикрича, истак майлининг I шахс кўплик аффикслари таркибидаги *-а* элементи майл кўрсаткичи бўлиб, кейингилари (*-лым*, *-лық*, *-л*, *-қ*...) эса шахс-сон маъносини ифодаловчи формантлардир..

2. *-алық*, *-алың* аффикслари таркибидаги *-лық*, *-лың* элементлари мураккаб бўлиб, бир хил маънодаги икки аффикснинг бирикувидан ташкил топган ва буларнинг ҳар бири, яъни *-л*, *-қ*, *-ң* мустақил равишда *-а* аффиксига қўшилиб, I шахс кўплик маъносини ифодалай олади. Демак, В. Котвичнинг кўрсатишича, *-алық*, *-алың* типидаги аффикслар уч мустақил аффикснинг бирикувидан ташкил топган (*-а*+*л*[*ы*]+*қ*, *-а*+*л*[*ы*]+ң каби)[107].

3. *Алаал*, *алаалы* формалари таркибидаги *-л* ва *-лы* элементлари, В. Котвичнинг изоҳлашича, бир аффикснинг икки хил кўриниши бўлиб, дастлаб *-л* формасида ишлатилган, *-лы* варианти эса кейинчалик пайдо бўлган. Кейингиси, унинг тахминича, қуйидаги икки йўл билан вужудга келган бўлиши мумкин: а) *-лық* таркибидан *-қ* тушиб қолиши билан ёки б) *-лық* аффиксининг қайта тақсимланиши натижасида. *-лық* таркибидаги [ы] унлиси икки ундошни бириктирувчи элемент бўлиши мумкин[108].

---

[103] Бу формаларни В. Котвич «истак майли» (желательное наклонение) номи билан атайди.

[104] Котвич В. Исследование по алтайским языкам, с. 255.

[105] Қулайлик учун бу аффиксларни кейинги ўринларда ишимизда қабул қилинган транскрипцион белгилар асосида кўрсатиб борамиз.

[106] Котвич В. Кўрсатилган асар, 260-бет.

[107] Ўша асар, 260—261-бетлар.

[108] Ўша асар, 263-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

4. В. Котвич *-лым* аффиксининг, хусусан, ундаги *-л* элементининг келиб чиқиш манбаи ҳақида гапириб, қуйидаги икки фаразни айтади: а) истак майлининг I шахс кўплик формасини ясовчи *-л* аффикси кўплик аффикси *-лар* билан бир хил манба асосида ривожланган. Бунда автор *-л* ва *-лар* аффиксларининг формал ва семантик ўхшашлигини ҳисобга олган. Унинг фикрича, *-лар* ҳам «умумолтой» даврида *-л* формасида бўлган ёки *-лар* аффикси охирги ундош [р] нинг тушиб қолиши натижасида истак майли I шахс кўплик аффиксининг таркибий қисмига айланган. Шу асосда *-лым* аффикси вужудга келган. Кейингиси эса эгалик формаси парадигмасини эслатади; б) иккинчи томондан, В. Котвич *-лым* аффиксининг пайдо бўлишини мўғул тилларига боғлайди. У бу аффикснинг қалмиқ тилидаги тасдиқ маъносини ифодаловчи *-лм* юкламаси билан ўхшашлиги фактига асосланади. Кейингиси эса шу маънодаги *-ла* ва *-мон* юкламаларининг бирикуви асосида вужудга келган, деган фикрни айтади (*-ла+мон>>лм*)[109].

5. В. Котвич *-айық, -алық* аффикслари таркибидаги *-қ* элементини мўғул тилидаги буйруқ-истак майлининг I ва II шахс формаларини ясашда иштирок этадиган *-ки* аффикси билан боғлайди[110].

6. Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик аффикси таркибидаги *-ң* элементини В. Котвич буйруқ-истак майлнининг I шахс кўплик формасини ясовчи *-ң* аффикси билан боғлайди. Унинг фикрича, бу аффикс дастлаб II шахс кўрсаткичи сифатида шаклланган бўлиб, кейинчалик I шахс кўплик формасини ясашда ҳам иштирок этган. Бунда автор I шахс кўплиги II шахсни ҳам ўз ичига олишини ҳисобга олган[111].

Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик аффиксларини А. Н. Кононов ҳам шу хилда таркибий қисмларга ажратади[112]. Лекин А. Н. Кононов бу аффикслар таркибидаги майл кўрсаткичи вазифасини бажарувчи *-а* формантини *-ғай* аффиксидан (*-а<-ғай*), -алым типидаги аффикслар таркибидаги *-м* элементини *бэн≈мэн* олмошидан (*-м<бен≈мен*)[113], *-алық, -ақ* типидаги аффикслар таркибидаги *-қ* элементини *-биз* олмошидан (*-қ<-в<-б<биз*)[114] келтириб чиқаради, *-алың* типидаги аффикслар таркибидаги *-ң* элементини эса II шахс кўплик маъносини ифодаловчи *-н* аффиксининг фонетик варианти сифатида қарайди[115].

Н. А. Баскаков қорақалпоқ тилидаги буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формасини ясовчи *-айық, -алы* аффикслари *-айлың* аффиксидан ривожланганини, кейингиси эса ўз навбатида *-ғай*

---

[109] Ўша асар, 263—265-бетлар.
[110] Ўша асар, 265—267-бетлар.
[111] Ўша асар, 267-бет.
[112] Кононов А. Н. Показатели собирательности-множественности в тюркских языках. Л., 1969, с. 11.
[113] Ўша жойда.
[114] Ўша асар, 13—15, 29-бетлар.
[115] Ўша асар, 12—13-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

аффиксига I шахс кўплик форманти бўлмиш *-лы* (<*-лық*) қўшилиши асосида вужудга келганини айтади. Демак, Н. А. Баскаков ҳам буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик аффикслари таркибида майл кўрсаткичи сифатида иштирок этувчи *-а(-ай, -й)* формантини *-ғай* аффиксидан келтириб чиқаради. Лекин *-лық* формантини таркибий қисмларга ажралмайдиган бир бутун аффикс сифатида қараб, *-лы* ва *-қ* аффикслари мана шу *-лық* аффиксининг қисқариши натижасида вужудга келган бўлса керак, деган тахминни айтади[116] (*-ғай*>*-ай*>*-а[й]+лық*>*-а+лық*>*-а+лы*> *-алы; -ғай*>*-ай(-й)+[л]ық*>*-ай+ық*>*-айық*).

Э. В. Севортян буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формасини ясовчи *-(й)алым* аффиксини *-(й)алы+м* тарзида икки қисмга ажратиш мумкинлигини айтади. Бундаги *-(й)алы* элементини қадимги ёдгорликлар тили учун характерли бўлган ҳамда ҳозирги айрим туркий тилларда сақланган мақсад равишдошини (супин) ясовчи *-ғалы* аффиксига боғлайди ва бу равишдош билан *-(й)алым* аффиксли буйруқ-истак формаси ўртасида семантик жиҳатдан ҳам яқинлик борлигини уқтиради. Э. В. Севортян *-м* аслида I шахс бирлик аффикси бўлиб (масалан: тат.: *алам,* озарб.: алырам), *-(й)алым* аффикси таркибида I шахс кўплик кўрсаткичи вазифасида келган, деб изоҳлайди. Шунга асосланиб, автор *-м* аффиксининг одатдаги бирлик маъносидан ташқари кўплик маъноси ҳам бўлган, деган хулосага келади[117].

Кейинги йилларда буйруқ-истак майлининг I шахс бирлик ва кўплик формалари ҳақида Г. Ф. Благова ва А. М. Шчербакнинг махсус мақолалари эълон қилинди[118].

Г. Ф. Благованинг фикрича, истак майлининг асосий кўрсаткичларини *-ай* ва *-алы* аффикслари ташкил этади, бу майлнинг бошқа формалари шулар асосида шаклланган. Булардан *-ай* аффикси сон категорияси нуқтаи назаридан нейтрал характерга эга, *-алы* аффикси эса икки қисмдан иборат бўлиб (*-а+-лы*), олдингиси (*-а-*) майл кўрсаткичини, кейингиси (*-лы*) кўплик кўрсаткичини ташкил этади. *-алы* таркибидаги *-а-* форманти ўз навбатида *-ай* аффиксига боғланади (*-а*<*-ай*). Демак, *-алы* аффикси дастлаб *-айлы* кўринишига эга бўлган. Автор ҳозирги туркий тиллардаги *-айлы, -айлық* аффиксли *алайлы, алайлық* типидаги формаларга асосланиб шундай хулосага келган[119]. Бу фикрларнинг қанчалик тўғри бўлишидан қатъи назар, Г. Ф. Благованинг мақоласи материалнинг бойлиги, туркий тиллар ва шеваларга оид факт-

---

[116] Баскаков Н. А. Каракалпакский язык, с. 449—450.

[117] Севортян Э. В. Категория сказуемости.— «Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков». Часть II. Морфология. М., 1956, с. 19.

[118] Благова Г. Ф. Строение форм желательного наклонения в тюркских языках и тенденция к сверхнормальному их усложнению.— «Советская тюркология», 1973, № 1, с. 10—25; Щербак А. М. Формы желательного наклонения в тюркских языках.— «Turcologica. К семидесятилетию академика А. Н. Кононова». Л., 1976, с. 184—190.

[119] Благова Г. Ф. Кўрсатилган асар, 11—13-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг тўла қамраб олинганлиги жиҳатдан алоҳида қимматга эга. Авторнинг таъкидлашича, мақоланинг асосий вазифаси ҳам шундан иборат бўлган (Мақоланинг номи ҳам шунга монанд). Автор текширилаётган категория бўйича деярли барча туркий тилларда мавжуд бўлган ва диалектологик тадқиқотларда қайд қилинган формаларни тўплаган, умумлаштирган, классификация қилган ва ўзига хос схемаларга жойлаштирган[120]. Шу асосда бу формаларнинг таркибий қисмлари, уларнинг характери ҳақида хулосалар чиқаришга ҳаракат қилган.

А. М. Шчербак буйруқ-истак майли I шахс кўплик формаларининг шаклланиши ва таркибий қисмлари ҳақидаги мавжуд фикрларга эътироз билдиради. Биринчидан, А. М. Шчербакнинг фикрича, истак майлининг I шахс кўплик формалари (I шахс бирлик формалари ҳам) *-а* аффикси асосида шаклланган бўлиб, этимологик жиҳатдан унинг *-ға(й)* аффиксига алоқаси йўқ. Автор кўпчилик туркий тилларда унлилар олдидан [ғ] ундошининг тушиб қолиш ҳодисаси йўқлиги, айрим туркий тилларда *-ға(й)* аффиксли форманинг *-а(й)* аффиксли истак майли формаси билан мазмунан жуда ҳам яқинлиги каби фактларга асосланиб шундай хулосага келган. Истак майлининг асосини ташкил этувчи *-а* форманти, А. М. Шчербакнинг фикрича, қадимда модал оттенкаларга эга бўлган *йаза, бара* типидаги ҳаракат номини (субъективно-адъективное имя действия) ясовчи аффикс бўлган. *-а* аффиксининг *-ай* варианти таркибидаги [й] ундошини эса *-а* ва *-ға(й)* аффиксли формаларнинг параллел қўлланиши ва ўзаро яқинлиги натижасида кейинчалик пайдо бўлган элемент сифатида қараш керак, деб изоҳлайди[121]. Иккинчидан, А. М. Шчербак, *-лы, -лық, -лың, -лым* аффиксларининг этимологияси ҳақидаги фикрлар асосли эмаслиги ҳақида гапириб, бу аффикслар таркибидаги *-лы* компонентининг этимологик жиҳатдан кўплик аффикси билан боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрга эътироз билдиради. Унинг фикрича, истак майлининг *баралы, баралық (бара-лы, бара-лық)* типидаги формалари ҳаракат номининг (имя действия) иккиламчи формаларини ташкил этади. Бу фикрнинг далили сифатида автор ҳаракат номининг *барарлы, барарлық, барғалы, барлғалық, барғанлы, барғанлық, бармақлы, бармақлық, бармалы, бармалық, барығлы, барығлық, барғулу, барғулуқ* типидаги иккиламчи ясалишларини эслатиб ўтади[122].

Юқорида буйруқ-истак майли I шахс кўплик формаларининг шаклланиши ҳақида фикр юритилган адабиётлардан айримлари ва асосийларинигина келтирдик. Шуларнинг ўзидан ҳам бу масала бўйича қанчалик изланишлар бўлишига қарамасдан ҳозиргача кўпчилик туркологлар томонидан эътироф қилинган ижобий натижага эришилмаганлиги кўриниб турибди. Ушбу масалага

---

120 Ўша асар, 17—19-бетлар.
121 Шчербак А. М. Кўрсатилган асар, 185—188-бетлар.
122 Ўша асар, 188—189-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кейинги йилларда ҳам тарқиқотчиларнинг яна мурожаат қилаётгани ва янги изланишлар давом этаётгани бунинг далилидир.

§ 28. Буйруқ-истак майли I шахс кўплик формаларининг шаклланиш манбаи ҳақида гапирган тадқиқотчилар ёзма манбаларда мавжуд бўлган муҳим бир фактни ҳисобга олмайдилар. Бу ўринда қадимги ёдгорликлар тилида учрайдиган *-ға(-гә)* аффиксли *билгә* типидаги ҳозирги-келаси замон сифатдош формаси ва шу сифатдошга шахс-сон аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлувчи *алға-биз*[123] типидаги форма, бу форманинг «Тафсир»да учрайдиган *алғавуз (йәгәвуз)* типидаги варианти каби ҳодисалар назарда тутиляпти.

Ёзма ёдгорликларда мавжуд бўлган шу хилдаги фактларни ҳисобга олиб, буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формалари мана шу *-ға* аффиксли сифатдош асосида шаклланган, деган хулосага келиш мумкин. Бунда даставвал қуйидаги икки хил форма вужудга келган бўлади:

→ алға+биз>алға-биз
алға→
→ алға+лы>алғалы

I. Кейинги тараққиёт процессида *алға-биз* формасидаги *-биз* аффиксида *-биз>-виз>-вуз/-вүз* тарзида фонетик ўзгариш юз беради. Натижада «Тафсир»да учрайдиган *алғавуз* типидаги форма вужудга келади.

Сўнг ундош билан тугаган феълларга қўшилганда, *-ға* аффиксидан [ғ] ундоши тушиб қолади (*алғавуз>алавуз*), унли билан тугаган феълларга қўшилганда эса интервокал позицияда [ғ] ундоши [й] ундошига ўтади (*башлағавуз>башлайавуз*)[124]. Шундай қилиб, ўғуз группасидаги туркий тиллар, масалан, турк ва озарбайжон тиллари тарихида истеъмолда бўлган *-(й)авуз* аффиксли *алавуз(авлайавуз)* типидаги форма ҳосил бўлади. Ҳозир бу форма озарбайжон тилида сақланган бўлиб, шахс-сон кўрсаткичи сифатида *-вуз/-вүз* эмас, балки *-г/-к* қўшилади: *алаг(<ала+г), ејләјәк(<ејләјә+к)*.

II. Буйруқ-истак майлининг *алғалы* типидаги I шахс кўплик формасини ясовчи *-ғалы* аффикси таркибида шахс кўрсаткичи йўқ, *-л(ы)* эса кўплик, жамлик аффиксидир[125]. Эҳтимол, бу формада шахс тушунчаси дастлаб эга вазифасида келган *биз* олмоши орқали ифодалангандир (*биз алғалы* каби). Бундай ҳодиса айрим туркий тилларда мавжуд. Қиёсланг: XI асрда баъзи туркий тилларда:

---

[123] Ёзма ёдгорликлар тилида бу форма тўла парадигмага эга бўлган: *алғамән, алға-сән, алға; алға-биз: алға-сиз, алғалар* (Бу форманинг қўлланиши, маъноси ва бошқа хусусиятлари ҳақида қаранг: Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти, 136—139-бетлар).

[124] Бундай ҳолларда [ғ] ундошининг тушиб қолиши ва [ғ] нинг [й] га ўтиши ҳақида қаранг: § 14, сноска №№ 52, 53.

[125] *-л(ы)* формантининг қадимги кўплик, жамлик аффикси эканлиги, юқорида айтилганидек, А. Н. Кононов, В. Котвич ва бошқа кўпчилик туркологлар томонидан қайд қилинган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*мэн йа құрдуқ* («мен ёй қурдим» маъносида), *биз йа құрдуқ* (биз ёй қурдик), *олар йа құрдуқ* (улар ёй қурдилар)[126]. Ҳозирги туркман тилида: *мен язжак* («мен язажакман» маъносида), *сен язжак, ол язжак, биз язжак, сиз язжак, олар язжаклар; мен язмалы* («мен язмалыман», яъни «мен ёзишим керак» маъносида), *сен язмалы, ол язмалы, биз язмалы, сиз язмалы, олар язмалы; мен язмакчы* («мен ёзмоқчиман» маъносида), *сен язмакчы, ол язмакчы, биз язмакчы, сиз язмакчы, олар язмакчы*[127]. Салар ва сариғ уйғурлар тилида феъл тусланишида шахс-сон аффикслари ишлатилмайди, шахс-сон маънолари эса эга вазифасида келган кишилик олмошлари орқали ифодаланади[128].

1. Қейинчалик *алғалы* типидаги форма асосида буйруқ-истак майлининг қуйидаги икки формаси вужудга келади:

$$\text{алғалы} \rightarrow \begin{cases} \text{алғалы} + \text{м}^{129} > \text{алғалым} \\ \text{алғалы} + \text{ң} > \text{алғалың} \end{cases}$$

Шундай қилиб, буйруқ-истак майли I шахс кўплигининг *алавуз* (<*алғавуз*<*алғавиз*<*алғабиз*) типидаги формасидан ташқари *-ғалы/-гәли, -ғалым/-гәлим, -ғалың/-гәлиң* аффиксли *алғалы, алғалым, алғалың* типидаги формалари ҳам вужудга келади.

2. Буйруқ-истак майли I шахс кўплик формаларининг кейинги тараққиёти мана шу уч форма асосида уч хил йўл билан давом этади: туркий тилларнинг бир группасида *алғалым* типидаги форма асосида, бошқа группасида *алғалың* типидаги форма асосида, яна бир группасида *алғалы* типидаги форма асосида ривожланади.

Бу формаларнинг кейинги тараққиётида даставвал *-ға/-гә* аффикси таркибида ўзгариш бўлади: ундош билан тугаган феълларга қўшилганда, *-ға/-гә* аффиксидан [ғ], [г] ундошлари тушиб қолади (*ал+ғалы>ал+алы>алалы, ал+ғалым>ал+алым> -алалым, ал+ғалың>ал+алың>алалың*), унли билан тугаган феълларга қўшилганда эса, биринчи навбатда, *-ға/-гә* аффикси таркибидаги [ғ], [г] ундошлари интервокал позицияда [й] ундошига ўтади (*башла+ғалы>башла+йалы>башлайалы, башла+ғалым>башла+йалым>башлайалым, башла+ғалың>башла+йалың>башлайалың*), сўнг *-йалы/-йәли, -йалым/-йәлим, -йалың/-йәлиң* аффикслари таркибидаги *-йа/-йә* форманти қисқаришга учрайди. Бунда аввал *-йа/-йә* таркибидан [а], [ә] унлилари тушиб қолади (*башла+-йалы>башла+йлы>башлайлы, башла+*

[126] Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. II том. Тошкент, 1961, 64—65-бетлар.

[127] Грамматика туркменского языка, с. 285, 305, 308.

[128] Тенишев Э. Р. Саларский язык. М., 1963, с. 29; Тенишев Э. Р., Тодаева Б. Х. Язык желтых уйгуров, с. 25.

[129] Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик аффикслари таркибидаги *-м, -ң, -қ/-к* формантларининг келиб чиқиши, характери каби масалалар бўйича, юқорида айтилганидек, адабиётларда ҳар хил фикрлар баён қилинган (*Қаранг:* § 27).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*йалым*>*башла+йлым*>*башлайлым,* *башла+йалың*>*башла+йлың*>*башлайлың*)[130]. Кейинчалик [й] ундоши ҳам тушиб қолади (*башла+йлы*>*башла+лы*>*башлалы,* *башла+йлым*>*башла+лым*>*башлалым,* *башла+йлың*>*башла+лың*>*башлалың*). Ўғуз группасидаги тилларда унли билан тугаган феълларга *-алым/-әлим* аффиксининг *-йалым/-йәлим* ёки *-йлым/-йлим* формасида қўшилиши давом этади. Бу ҳол ҳозир турк ва гагауз тилларида сақланган (*башлайалым//башлайлым, ишлейелим//ишлейлим* каби)[131]. Ўрхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида, «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк» асарларида, қипчоқ тилларига оид манбалар ва бошқа ёзма ёдгорликларда эса бундай феълларга *-лым/-лим* формасида қўшилган (*башла+лым, ишлә-лим* каби) (*Қаранг:* § 18).

Шу йўл билан *-алы, -алым, -алың* аффиксли *алалы (башлалы), алалым (башлалым), алалың (башлалың)* типидаги ва *-айлы, -айлым, -айлың* аффиксли *алайлы (башлайлы), алайлым (башлайлым), алайлың (башлайлың)* типидаги формалар вужудга келади.

3. Қипчоқ ва қорлуқ группасидаги туркий тилларда *-алың* аффиксли *алалың (башлалың)* ва *-айлың* аффиксли *алайлың (башлайлың)* типидаги формаларнинг тараққиёти яна давом этади:

а) *-алың* аффиксли *алалың* типидаги формадаги [ң] ундошининг [қ] ундошига ўтиши натижасида *-алық* аффиксли *алалық* типидаги форма ҳосил бўлади[132] (*алалың*[>*алалығ*]>*алалық*);

б) *-айлың* аффиксли *алайлың* типидаги форма асосида *-айлық* аффиксли *алайлық* типидаги форма шаклланади (*алайлың* [>*алайлығ*] *алайлық*);

в) *-айық* аффиксли *алайық* типидаги форма эса *-айлық* аффиксли *алайлық* типидаги формадан [л] ундошининг тушиб қолиши натижасида пайдо бўлади (*алайлық*>*алайық*)[133].

Шундай қилиб, буйруқ-истак майли I шахс кўплик формаларининг шаклланиши, эволюцияси ва уларда ҳозирги кўринишига етиб келгунга қадар юз берган ўзгаришлар бўйича юқорида айтилганларни қуйидаги схемада умумлаштириш мумкин[134].

---

[130] Баъзи туркий тилларда *башла+йлы, башла+йлым, башла+йлың* типидаги формаларга аналогия сифатида ундош билан тугаган феъллардан ҳосил бўлувчи *ал+алы, ал+алым, ал+алың* типидаги формаларда ҳам [й] ундоши орттирилиб, булар *ал+айлы, ал+айлым, ал+айлың* кўринишида қўлланади. Масалан, ҳозирги уйғур тили ва қирғиз тилининг айрим шеваларидаги *алайлы (ал+айлы)* типидаги формалар, олтой тилида *алалы (ал+алы)* ва *алайлы (ал+айлы)* типидаги формаларнинг параллел қўлланиши бу фикрни тасдиқлаши мумкин.

[131] Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка, с. 219—220; Покровская Л. А. Грамматика гагаузского языка, с. 208—210.

[132] Севортян Э. В. Категория сказуемости, с. 19; Абдуллаев Ф. А. Фонетика хорезмских говоров, с. 117.

[133] Абдуллаев Ф. А. Кўрсатилган асар, 117-бет.

[134] Бу ўринда асосан ўзбек тили ёзма ёдгорликларида истеъмолда бўлган формалар кўрсатилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

алға→ | →алға+биз>алға-биз
| →алға+лы<алғалы

I. алға-биз>алға+виз>алғавуз>алавуз
башлаға-биз>башлаға+виз>башлағавуз>башлайавуз

II. алғалы→ | →алғалы+м>алғалым
| →алғалы+ң>алғалың

1. алғалы>алалы//алайлы
башлағалы>башлайалы>башлайлы>башлалы
2. алғалым>алалым//алайлым
башлағалым>башлайалым>башлайлым>башлалым
3. алғалың>алалың//алайлың
башлағалың>башлайалың>башлайлың>башлалың

а) алалың[>алалығ]>алалық
ишләлиң [ишләлиг]>ишләлик
б) алайлың[>алайлығ]>алайлық
ишләйлиң [ишләйлиг]>ишләйлик
в) алайлық>алай[л]ық>алайық
ишләйлик>ишләй[л]ик>ишләйик

§ **29.** Буйруқ-истак майли I шахс кўплик формаларининг маъноси. Буйруқ-истак майлининг эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган I шахс кўплик формалари ўртасида маъно жиҳатдан фарқ йўқ. Бу формалар, юқорида кўрганимиздек, бири иккинчисининг фонетик варианти сифатида вужудга келган бўлиб, буларнинг қўлланиши эски ўзбек тили тараққиётининг маълум даврлари билан чегараланган. Эски ўзбек тили тараққиёти давомида бу формалар бири иккинчиси билан алмашиб келган, яъни янги форма (ёки формалар) пайдо бўлиши билан олдингилари истеъмолдан чиқа борган. Бироқта форма йўқки, у буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формаси сифатида эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврларида истеъмолда бўлсин.

Қуйида буйруқ-истак майли I шахс кўплик формаларининг маънолари ҳақида гапирилганда, асосан *-алы, -алың, -алым* аффиксли формалар бўйича мисоллар келтирамиз. Чунки эски ўзбек тилида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик маъносини ифодалаш учун асосан шу формалар истеъмолда бўлган, *-ғалы, -ғалым, -ғалың, -авуз (-ғавуз), -алық, -айлық, -айық* аффиксли формалар эса айрим ёдгорликлардагина қўлланган бўлиб, бир нечагина мисол учрайдики, улар асосан юқорида (шу формалар ҳақида гапирилган ўринларда) келтирилди.

Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формалари асосан қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Сўзловчи суҳбатдошига (ёки суҳбатдошларига) мурожаат



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилиб, иш-ҳаракатни биргалашиб бажаришга (ёки бажармаслик ка) чақиради, ундайди: *Эй оғул, сэн айдың, биз эшитдимиз, эмди т а д б и р, кэңэш қылалым, нэгү савāб кэлур, к ө р э л и м* (Таф., 28а). *Кэңэштилэр тақы айдылар: тэкмэ биримизниң бу тэглиг күчүмиз бар, урушыб инимизни а л а л ы м* (Рабғ., 66а). *Мэним рāйым андағ турур ким, ...җумланы а л ы б б а р а л ы ң, ҳэч тāйифта нарса қ о й м а ғ а л ы ң* (НФ, 69).

*Тур эмди, бағла бэл ким, а т л а н а л ы ң,*
*Барыб Хусрав сарāйынға и н э л и ң* (ХШ, 55а).
*И ч э л и ң бāданы, гуллар солысар,*
*Танымыз āқибат тупрақ болысар* (МН, 309а).
*Дэдилэр: эмди Тэмур Султāнға,*
*Б а р а л ы такйа қылыб йазданға* (ШН, 169).

*Макр-у фириб билэ Султāн Масъуд мирзāға элчи йыбарды ким, кэлиб Самарқанд үстигэ й ү р ү л и ң* (БН, 70).

*Йүрэкдэ дарды йоқларны нэтэр-миз?*
*Өзимиз-дэк дилафгāр а х т а р а й л и к* (Фурқ. I, 121).

Контекстда *кэл, кэлгил, кэлиң* каби сўзлар бўлганда, сўзловчининг тингловчига мурожаат қилиб, уни иш-ҳаракатни биргалашиб бажаришга чақириши, ундаши каби маънолар яна ҳам конкретлашади: *Эй қарындашларым, к э л и ң, атамыз ҳаққыны с а қ л а л ы ң* (Рабғ. Т, 213). *Абара Батға киши ызды ким, к э л г и л, т о қ ш а л ы м барабар ким, бу йāру Қайсар чэрики ҳалāк болур тэди* (Таф., 143а).

*К э л, эмди бир кэчэ хуш о л т у р а л ы ң,*
*Ойағлық маҗлисин бу түн қ у р а л ы ң* (ХШ, 28а).

*Җāни-бэг дэр ким, «бока-му-сэн?» «Бока» болсаң, к э л, к ү р э ш э л и ң* (БН, 26). *Султāн айтды: мундағ урушсақ, биздин киши қалмас, кэлиң, халқ оғлы бир йэрдин ч а п у б ч ы қ а л ы* (Ш. турк, 147).

*Эй шох, ушлашыб қол, к э л с э ң-ч и, такай бир йол,*
*О й н а й л и к, к ү л а й л и к, āмāн б о л а й л и к*
(Муқ., 146).
*Қ э л и ң, Муллā Раҳим, йāр а х т а р а й л и к,*
*Көңүл марғуби дилдāр а х т а р а й л и қ*
(Фурқ. I, 121).

2. Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формалари сўзловчининг иш-ҳаракатни бажаришга истаги, тилаги, хоҳиши каби маъноларни ифодалайди:

*Буйурды: кэлтүрүң, қушлар с а л а л ы ң,*
*Қуш алсунлар, т а м ā ш ā л а р қ ы л а л ы ң* (ХШ, 80а).
*Ул ағыз бирлэ қыл карам, дашнāм,*
*Б о л а л ы зарра муҳтарам сэндин* (Лутф., 220б).
*Күйдүрди көңүл мамлакатын йāр фирāқы,*


www.ziyouz.com kutubxonasi

*От-дэк сувны сунғыл, ғам отын* *ө ч р э л и, сāқий*
(Сакк., 30а).

*Ҳукм болды ким, Қāбулийни тапыб кэлтурсунлэр ким, бу бāбда аның билэ* *м у т ā и б а қ ы л а л ы* (Нав. МН, 254).

*Т у т а л ы бир нафас қаср ичрэ āрāм,*
*Валэ āрāм тутмай* *т а р т а л ы* *жāм* (Нав. ФШ, 127).

*Андақ ҳам болса, аз* *а й т а л ы,* *көп айтсақ, йалған болғай* (Ш. тар., 39).

3. Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формасидаги феъллар сўзловчининг иш-ҳаракатни бажаришга рози эканлиги, ваъда бериши каби маъноларни билдиради. Бундай ҳолларда сўзловчи бир шахсдан иборат бўлиши ёки у кўпчилик номидан гапирган бўлиши мумкин: *Билāлны сэңэ* *б э р э л и м,* *сэн қулың Нустасны бизгэ бэргил* (Таф., 136а). *Эмди сэниң сөзүңдин* *ч ы қ м а л ы ң* (Рабғ., 133б). *Баҳāсын биз* *с а р а н ж ā м қ ы л а л ы* *ва сэниң үчүн сатқын* *а л а л ы* (Нав. МҚ, 168).

*Ҳарна ким сэн дэсэң, андақ* *қ ы л а л ы,*
*Кэчэ-күндүз қашыңа* *й ы ғ ы л а л ы* (ШН, 51).

*Ҳар қачан Жāни-бэг хāн киши йыбарыб, сэни тилэсэ, биз-халқ, сэниң үчүн* *қ ы р ы л а л ы* *ва* *й о қ а л а л ы,* *сэни* *т у т и б б э р м э г э л и* (Ш. тар., 72).

4. Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формасидаги феъллар *дэб (тэб)* сўзи билан бирга қўлланганда, феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун асос бўлган сабаб ёки мақсад маъноси ифодаланади: *Бу сөзүмни нэтэк йорур эрмиш,* *к ө р э л и м* *т э б* *кэлдилэр* (Рабғ., 58а). *Қачан Зикрийāқа бу йарлығ кэлди эрсэ, ...тамъ тутдылар тэкмэ бир киши ким, Марйамны биз* *а л а л ы м,* *э к т и л э л и м* *тэб, биз* *т у т а л ы м* **тэб** (Таф., 17а).

*Бу йаңлығ нэчэ сөз тадбир қылды,*
*Тутуб зулфын* *й а т а л ы ң* *т э б* *йықылды* (ХШ, 43б).
*Гулгун атының лаълыны көзгу* *қ ы л а л ы ң* *д э б,*
*Чин эли кэзэрлэр йолыда ҳар бири ҳар йан*
(Отойи, 43б).
*Ким чу сордуқ шайх ҳāли суратын,*
*А л а л ы* *д э б* *ҳāлати кайфийатын* (Нав. ЛТ, 78).

*Шāиста* *х и з м а т э* *қ ы л а л ы ң* *д э б,* *...нашъа-ву башāшат билэ кириб кэлдилэр* (БН, 291). *Бу тāрихни бир кишигэ* *т а к л и ф* *қ ы л а л ы ң* *т э б* *ҳарчанд фикр қылдуқ* (Ш. турк, 2).

5. Буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формасидаги феъллар сўзловчининг (сўзловчиларнинг) иш-ҳаракатни бажаришга аҳд қилгани, қарор қилгани, қасд қилгани каби маъноларни ифодалайди. Бундай ҳолларда бу феъллар нутқ моментидан кейин бажарилиши мўлжалланган ёки бажарилиши мумкин бўлган иш-ҳаракатни кўрсатиб, аниқлик майлидаги келаси замон маъноси-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ифодаловчи феълларга ўхшайди ёки уларга яқин туради[135]. Қиёсланг: *Андын бир бэрк йип бэрдилэр ким, аны бағлағыл, бизгэ хабар қылғыл тэйү, биз* *к э л э л и м*, *аны* *т у т а л ы м* *тэдилэр* (Таф., 139б). *Йүклэриңизни* *а х т а р а л ы м*, *булмасамыз йанғай-миз* (Рабғ., 65а).

*Ағзың үчүн вужудтын* *к э ч э л и*,
*Чункэ таттуқ раҳи адам сэндин* (Лутф., 215б).
*Эйлэди ҳукм ким, қатлансунлар,*
*Бир ай өткэч, чэрик атлансунлар,*
*Ким моғул ишини* *б и р* *й а н* *қ ы л а л ы*,
*Фатҳ-у нусрат билэ* *қ а й т ы б* *к э л э л и* (ШН, 116).

*Эмди шāҳ Малик қачыб кэткэндин соң элниң нэ қылғанын* *а й т а л ы* (Ш. тар., 59).

Келтирилган мисолларда буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формасидаги феъллар маъноси жиҳатдан ҳозирги ўзбек тилидаги «ҳозирги-келаси замон» номи билан аталувчи *оламан* типидаги формага ўхшайди, яъни *кэлэлим* ўрнида «келамиз», *туталым* ўрнида «тутамиз» феъли қўлланса, маънода деярли ўзгариш бўлмайди.

Буйруқ-истак майли I шахс кўплик формасидаги феълларнинг келаси замон маъносини ифодалаши қуйидаги ўринларда яна ҳам аниқроқ кўринади:

а) шарт эргаш гапли қўшма гап таркибидаги бош гапнинг кесими вазифасида келганда: *Ул киши нэтэк ҳукм қылса, биз ул кишиниң ҳукмыны* *р а в ā* *т у т а л ы м* (Таф., 28б). *Тилэсэң, биз мунда кэлиб* *т у р а л ы м* (Рабғ., 31б).

*Агар фармāнласаң, уста* *т а п а л ы ң*,
*Тағ үзрэ бир бэзүк қаршы* *й а п а л ы ң* (ХШ, 26а).
*Ҳарнэ тапсақ, аны* *и з ҳ ā р* *э й л э л и*,
*Шарҳ этиб аслын* *п а р и д ā р* *э й л э л и* (Нав. ЛТ, 179).

*Агар сэн бэгиңни өлтүрсэң, бир элдин алған мāлларны ва эвдин кэлтүрган қошынны барчасын санға* *б э р э л и* (Ш. тар., 72). *Агар мадад бэрсэ, таңри таāлā йуртны бизгэ бэрсэ, сэни дархāн* *қ ы л а л ы* *ва сол йақда орун* *б э р э л и* (Ш. турк, 125);

б) риторик сўроқ гапнинг кесими вазифасида келганда: *Нэтэк* *с ө з л э ш э л и м* *бэшик ичиндэ сут эмэр ганж бирлэ?* (Таф., 18а). *Бөри йэгэн Йусуфны* *қ а й д ы н* *б у л а л ы м*, *өлмишни нэтэк* *и с т э л и ң?* (Рабғ., 67б).

*Агар йүз қари үзр āйин болалы,*
*Нэтиб бир күнчилик үзруң* *қ о л а л ы?* (Нав. ФШ, 113).
*Қаракөл эли билэ биз нэтэли,*
*Нэ қылыб қалъасыны* *б э р к и т э л и?* (ШН, 35).

---

[135] Буйруқ-истак майли I шахс бирлик формасидаги феълларнинг аниқлик майлидаги келаси замон маъносини ифодаловчи феъллар билан семантик ўхшашлиги ёки яқинлиги ҳақида юқорида айтилганлар бу майлнинг I шахс кўплик формаси учун ҳам тааллуқлидир (*Қаранг:* § 15).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ғāзи хāнға нэ эътимāд билә қатылалың?* (БН, 331). *Биз аның қылған йаманлықларының қайсы бирин айталы?* (Ш. тар., 56).

## II шахс бирлик формалари

§ 30. **-ғыл/-гил//-қыл/-кил** аффиксли форма[136]. Бу форма эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврлари учун характерли бўлиб, барча ёдгорликларда актив истеъмолда бўлган.

*-ғыл/-гил//-қыл/-кил* аффиксининг орқа қатор [-ғыл, -қыл] ёки олдинги қатор [-гил, -кил] вариантларида қўлланиши сингармонизм қонуни билан боғлиқ ҳодиса эканлиги маълум. Шу билан бирга, XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида бу аффикс баъзан лаб унлиси билан *-ғул/-гүл//-қул/-күл* формасида ҳам қўлланган: *Уқлатқул оғланларыңы* (Таф., 81б). *Йыл, ай кэчмишчә давлат бирлә болғул* (ХШ, 11б). *Ашықмайын атыңны сүргүл арқун* (СС, 142б). *Сэвгүл* (Рабғ., 63б). *Түшкүл* (НФ, 151). *Сэн тақы бу иккисини сэвгүл* (НФ, 159—160).

*-ғыл/-гил//-қыл/-кил* аффикси бошидаги ундошнинг жарангли [-ғыл, -гил] ёки жарангсиз [-қыл, -кил] ҳолида келиши қуйидагича:

а) унли ёки жарангли ундош билан тугаган феълларга одатда жарангли *-ғыл/-гил* вариантлари қўшилади: *бар+ғыл, кэл+гил, башла+ғыл, сөзлә+гил* каби;

б) жарангсиз ундош билан тугаган феълларга одатда жарангсиз *-қыл/-кил* вариантлари қўшилади: *ач+қыл, чық+қыл, эшит+кил, ич+кил* каби.

Лекин XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир», «Хисрав ва Ширин», «Наҳжул фародис»да ва «Қисасул анбиё»нинг қадимги қўлёзма нусхаларида жарангсиз ундош билан тугаган феълларга ҳам жарангли варианти қўшилган: *чықғыл, тутғыл, сұқғыл, айтғыл* (Таф., 10б, 24а, 26б, 27а, 65б); *уқғыл, тутғыл, чықғыл, йақғыл, бақғыл, айтғыл* (Рабғ., 9б, 17а, 85б, 88б, 91б, 145б); *йарутғыл, уқғыл, бақғыл, урушғыл, ачғыл* (ХШ, 1б, 20а, 87а, 88а, 99а); *чықғыл, ачғыл, бырақғыл, қорқғыл* (НФ, 14, 126, 245, 250). Ушбу манбаларда бу аффикснинг жарангсиз *-қыл* варианти қўлланиши деярли учрамайди.

XV асрдан бошлаб жарангсиз ундош билан тугаган феълларга бу аффикс асосан жарангсиз вариантда қўшилган бўлиб, жарангли вариантда қўшилиши айрим манбаларда учрайди. Масалан: *йүз ачғыл* (Лутф, 166а), *рāстыны айтғыл* (Ш. тар., 61).

Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича[137], XI аср тилида буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик аффикси жарангли [ғ] ундоши билан тугаган қаттиқ ўзакли феълларга жарангсиз *-қыл* формасида (*тағқа ағ+қыл, сүт сағ+қыл*), бошқа ўринларда феълнинг

---

[136] Бу форма қадимги ёдгорликлар тили учун ҳам характерли бўлган (бу ҳақда шу манбалар тилига бағишланган ишларда қайд қилинган). Ҳозирги туркий тилларда эса деярли қўлланмайди.

[137] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. II том, 49—50-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қандай товуш билан тугашидан қатъи назар, қаттиқ ўзакли феълларга жарангли *-ғыл* формасида қўшилган (*бар+ғыл, тоғра+ғыл, айт+ғыл, қач+ғыл* каби). «Қутадғу билиг»да ҳам шу ҳол кузатилади[138].

Юқорида буйруқ-истак майли II шахс аффиксининг қаттиқ ўзакли феълларга қўшилувчи *-ғыл, -қыл* вариантлари ҳақида гапирилди. Юмшоқ ўзакли феълларга қўшилувчи *-гил, -кил* вариантларининг иккаласи араб ёзувида бир хил کیل (ёки کل) формасида ک орқали берилади. Шунинг учун бу вариантларнинг ишлатилиши фақат қаттиқ вариантларга нисбатан белгиланиши мумкин.

Ўрхун-енисей ёдгорликларида буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик аффикси фақат жарангли *-ғыл/-гил* вариантларда ишлатилган[139].

Келтирилган фактлар асосида буйруқ-истак майли II шахс бирлик аффиксининг жарангли ва жарангсиз вариантлари ҳақида қуйидаги мулоҳазани айтиш мумкин: дастлаб бу аффикс жарангли *-ғыл/-гил* вариантларида ишлатилган бўлиб, [ғ], [г] ундошлари билан тугаган феълларга талаффузда енгиллик бўлиши учун *-қыл/-кил* вариантларида қўшилган (*аг+қыл, тэг+кил* каби). Регрессив ассимиляция натижасида ўзакдаги жарангли [ғ], [г] ундошлари ҳам жарангсиз [қ], [к] ундошларига ўтган (ағ-+қыл> ақ+қыл, тэг+кил>тэк+кил каби). Сўнг шунга аналогия сифатиумуман жарангсиз ундош билан тугаган феълларга жарангсиз вариантларда қўшиладиган бўлган (*айт+қыл, қач+қыл, бақ+қыл, кэт+кил, ич+кил* каби).

§ 31. *-ғыл/-гил* аффиксининг этимологияси ҳақида баъзи мулоҳазалар айтилган. В. В. Радлов бу аффикс *қыл-* (қилмоқ) феълидан ривожланган, деган қатъий хулосага келган. Ж. Дени, В. Банг, М. Ширалиев, А. Емре, А. Габэн ва бошқа кўпчилик туркологлар бу фикрни қувватлайдилар[140]. В. Қотвичнинг айтишича, бу аффикснинг келиб чиқишини *қыл-* феълига боғлаганда, унинг [н] ундоши билан келган -qïn, γïn (*-қын, -ғын*) вариантларини изоҳлашда қийинчилик туғилади. Шунинг учун бу аффикс мўғул тилидаги ki=[<*qï=] (қилмоқ) феъли асосида вужудга келган бўлиши керак, деган фикрни айтади[141]. В. Қотвичнинг бу фикрини Н. А. Баскаков ҳам маъқуллайди[142].

§ 32. **-ғын/-гин//-қын/-кин** аффиксли форма. Бу форма *-ғыл/*

---

[138] Шукуров Ш. Феъл тарихидан, 13-бет.

[139] Насилов В. М. Язык орхоно-енисейских памятников, с. 59; Батманов И. А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, с. 87; Кондратьев В. Г. Очерк грамматики древнетюркского языка, с. 27.

[140] *Қаранг:* Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 208; Рәһимов А. Азәрбајчан дилиндә фе'л шәкилләринин формалашмасы тарихи, 59—60-бетлар.

[141] Котвич В. Исследование по алтайским языкам, с. 259.

[142] *Қаранг:* Котвич В. Кўрсатилган асар, 362-бет. Примечание № 58.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*-гил/|-қыл/-кил* аффиксининг фонетик ўзгариши, яъни ундаги [л] ундошининг [н]га ўтиши натижасида вужудга келган.

*-ғын/-гин* аффиксли форманинг ёзма ёдгорликларда акс этиши XIV асрдан бошлаб кузатилади[143] (бунда ҳам айрим манбаларда, асосан, шеърий асарларда учрайди):

*Бу күн таңқа тэгин май н о ш қ ы л ғ ы н,*
*Бадиҳа бу ғазалны г о ш. қ ы л ғ ы н* (МН, 292б).
*Қ а р а м қ ы л ғ ы н йана бир қатла барғын,*
*Көңүлни ғам ғубāрыдын ч ы қ а р ғ ы н* (ДН, 261а).
*Қ э л г и н кэ, фирāқың отыда қалмады ҳāлым,*
*Бу отны өчүр васл илә, эй āби зулāлым*
(Лутф., 207б).
*Ақлың эрүр қысқа-йу бойың узун,*
*Лāф уруб й ү р ү м ә г и н күндүзүн*
(Аҳмадий, 224б).
*Сэн эмди р ā з и б о л ғ ы н сарбасарға,*
*Тарāзу-дэк баш ындүр тэк турарға*
(Амирий, 336а).
*Тухми муҳаббатыңны җāн мазраиға сачдым,*
*Б а қ қ ы н, экин пишәр-му тā āфтāб көрмәй*
(Муқ., 145).

Бу форма XIV асрга оид филологик асарлардан «Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия»да қайд қилинган[144]. Автор тингловчи буйруғи учун *-ғын/-гин* аффиксли форма қўлланади, деб уқдиргани ҳолда, *-ғыл/-гил* аффиксли форма ҳақида гапирмаган. Лекин шу характердаги бошқа асарларда фақат *-ғыл/-гил* аффиксли форма қайд қилинган[145].

Қипчоқ тилларига оид шу давр ёдгорлиги «Кодекс куманикус»да ҳам буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формаси вазифасида *-ғыл/-гил* аффиксли форма қўлланган бўлиб, *-ғын/-гин* аффиксли форма учрамайди.

Мирза Меҳдихоннинг айтишича, *-ғыл/-гил* аффикси ўрнида *-ғын/-гин* аффиксини ишлатиш кўчманчи ўзбеклар тили учун хос бўлиб[146], кейингиси [-ғын/-гин] эски ўзбек тилида оғзаки сўзлашув формаси сифатида мавжуд бўлган[147]. А. М. Шчербакнинг фикрича, *-ғын/-гин* аффиксли форма эски ўзбек адабий тилига дастлаб Олтин Ўрда адабиёти ва айрим хоразмлик адиблар

---

143 Бу форма қадимги ёдгорликларда, умуман, XIV асрдан олдинги даврларга оид манбаларда учрамайди.

144 Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия, 118—119-бетлар.

145 Р а с у л о в а Н. А. Исследование языка «Китāб ал-идрāк ли-лисāн ал-атрāк» Абӯ-Хаййāна, с. 14; Ф а й з у л л а е в а Ш. А. Исследование языка памятника XIV в. «Китāбу булгат ал-муштāк фи луғат ат-турк ва-л-кифчāк» Джамал ад-Дина ат-Туркӣ. АКД. Ташкент, 1969, с. 16; Ю н у с о в А. Исследование памятника XIV в. «Таржуман туркӣ ва ‘ажамӣ ва мугалӣ». АКД. Ташкент 1973, с. 15—16.

146 *Каранг:* Щ е р б а к А. М. Грамматика староузбекского языка, с. 155.

147 *Қаранг:* У м а р о в З. А. Грамматика староузбекского языка «Мабани ул-луғат» Мирзы Мехдихана. АКД. Ташкент, 1967, с. 18.



www.ziyouz.com kutubxonasi

(масалан, Муҳаммад Солиҳ)[148] асарлари орқали кириб келган[149]. Бизнингча, айрим ёзма ёдгорликлардагина учрайдиган *-ғын/-гин* аффиксли формани эски ўзбек адабий тилида шева хусусиятларининг акс этиши, деб қараш тўғрироқ бўлади.

*-ғын/-гин* аффиксли форма ҳозирги ўзбек тилида (*бор+гин, кел+гин, боқ+қин, тўк+кин* каби), шунингдек, уйғур, қирғиз, туркман, қарайим, олтой ва бошқа айрим туркий тилларда ҳар хил фонетик вариантларда қўлланади[150].

**§ 33.** Маълумки, ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик маъноси асосан феъл негизига ҳеч қандай аффикс қўшилмасдан ифодаланади, яъни у формал жиҳатдан феъл негизига тўғри келади (бу формани шартли равишда **аффикссиз форма** деб атаймиз).

Ёзма манбалардан маълум бўлишича, буйруқ-истак майли II шахс бирлик маъносининг аффикссиз форма билан ифодаланиши туркий тилларда қадимдан мавжуд бўлган ҳодисадир. Масалан, ўрхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида, «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» ва «Ҳибатул ҳақойиқ» асарларида ҳам бу форма кенг истеъмолда бўлган[151].

**§ 34.** Алишер Навоий ва Ҳусайн Байқаронинг шеърий асарларида буйруқ-истак майли II шахс бирлигининг аффикссиз формасига баъзан [у] унлиси қўшилиб келган. Масалан:

*Эй сабā, авāра көңлүм истәйү ҳар йан б а р у,*
*Вāди-йу таг-у бийāбāнларны бир-бир а х т а р у*
(Навоий).
*Тапа көр аны, чу тапсаң, ҳар қайан азим эсә,*
*Башына эврүл қуйун-дэк дағы алдаб қ а й т а р у*
(Навоий).
*Алдағыл, болса маҗнуни шива-ву бэихтийāр,*
*Қоймайын өз ихтийāрыға бу сары б а ш қ а р у*
(Навоий).
*Ахтарурда тапсаң ул көңлүм кэ, маҗнун шивадур,*
*Ҳар нэчүк болса, адам саҳрāсы сары б а ш қ а р у*
(Ҳ. Бойқаро).
*Эй ҷафā тиғи, кэлиб маҷруҳ көңлүмни йару,*
*Қол йалаң әйләб салыб, ҳар йан ичимни а х т а р у*
(Ҳ. Бойқаро).

---

[148] *Қиёсланг:* Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарини махсус текширган М. Я. Туробованинг кўрсатишича, бу асар тили учун *-ғыл/-гил* аффиксли форма хос бўлиб, *-ғын/-гин* аффиксли форма қайд қилинмаган (Т у р а б о в а М. Я. Морфологические особенности языка «Шейбани-намэ» Мухаммеда Салиха. АКД. Ташкент, 1966, с. 20).

[149] Щ е р б а к А. М. Кўрсатилган асар, 155-бет.

[150] Һазирқи заман уйғур тили, 216-бет; Ю н у с а л и е в Б. М. Киргизский язык, с. 496; Грамматика туркменского языка, с. 299—300; М у с а е в К. М. Грамматика караимского языка, с. 268; Б а с к а к о в Н. А. Алтайский язык, с. 517.

[151] Ш у к у р о в Ш. Феъл тарихидан, 13-бет; М а ҳ м у д о в Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида, 133-бет.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*Истәбән кәлсә йана көксүм шикāфын тапмағай,*
*Вах кә, бир марҳам қойуб ул чāк көксүм б у т к ә р ү*
(Ҳ. Бойқаро).

Мисоллардаги *бару, ахтару, қайтару, башқару, йару, бүткәрү* феъллари буйруқ-истак майлининг II шахс бирлиги вазифасида қўлланган бўлиб, «бор», «ахтар», «қайтар», «бошқар», «ёр», «буткар (давола)» ёки «боргин», «ахтаргин», «қайтаргин», «бошқаргин», «ёргин», «буткаргин» маъносини ифодалайди.

Мисоллардан кўриниб турибдики, буйруқ-истак майли II шахс бирлигининг аффикссиз формасига [у] унлисининг қўшилиб келиши, биринчидан, [р] ундоши билан тугаган феъллар учун хос (*бар+у, ахтар+у, қайтар+у* каби), иккинчидан, бу форма шеърий асарлардагина учрайди ва фақат мисра охирида келади. Бу форманинг бошқа манбаларда мавжудлиги ва ҳозирги туркий тилларнинг қайси бирида сақлангани қайд қилинмаган.

Бу форма ҳақида Навоий асарлари, умуман, эски ўзбек тили бўйича тузилган тарихий луғатларда ҳам маълумот берилган ва Навоий, Ҳусайн Бойқаро асарларидан мисоллар келтирилиб, маъноси ҳақида турлича изоҳлар берилган. Масалан, Мирза Меҳдихон ва «Абушқа» луғатининг автори бу формани оддий буйруқ формаси, Носирий келаси замон маъносини ифодаловчи форма, деб қарайди, Толий Хировий эса бу форманинг таркибидаги [у] унлисини буйруқни кучайтирувчи элемент, деб ҳисоблайди[152].

А. М. Шчербак бу форма ҳақида қуйидаги мулоҳазаларни айтади: буйруқ майлининг II шахс бирлик маъносида келган [р] ундоши билан тугаган феълларга [у] унлиси орттирилиши одатдаги ҳодиса бўлиб, *сор-, јўр-* каби феъллар охиридаги факультатив равишда унли орттирилишига, яъни бу феълларнинг *сора-, јўрä-* формасида ишлатилишига ўхшайди. Лекин *сор-, јўр-* каби феъллар охирида унли орттирилиши ҳеч қандай вазият билан боғлиқ эмас, буйруқ майлининг II шахс бирлик маъносида келган феълларга [у] унлиси қўшилиб келиши фақат шеърий асарларда учрайдиган ҳодиса бўлиб, шеърият қонуни талаби билан вужудга келган[153].

Бу форма таркибидаги [у] ҳақида А. Н. Кононов бошқачароқ мулоҳазани айтади. Унинг фикрича, бу [у] Култегин ёдномасида ва ҳозирги ўзбек тилида учрайдиган ва ундаш, ажабланиш маъносини ифодаловчи *-ғу/-гу* юкламасидан ривожланган бўлиши мумкин[154]. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиши мумкин. Чунки туркий

---

[152] *Қаранг:* Боровков А. К. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка.— «Алишер Навои». М.—Л., 1946, с. 113—114; Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка, с. 152—154; Рустамов А. Фонетико-морфологические особенности языка Алишера Навои, с. 35.

[153] Щербак А. М. Қўрсатилган асар, 154-бет.

[154] Кононов А. Н. Ценный труд по грамматике староузбекского языка.— «Общественные науки в Узбекистане». Ташкент, 1963, № 8, с. 70.



www.ziyouz.com kutubxonasi

тилларда *-ғу/-гу* нинг *-у/-ү* га ўтиши маълум ҳодисадир. Лекин буйруқ-истак майли II шахс бирлигининг аффикссиз формасига [у] орттирилиши фақат [р] ундоши билан тугаган феъллар учунгина хос бўлиши, унинг шеърий асарлардагина учраши (бунда ҳам мисра охирида келиши), бу форманинг Навоий ва Ҳусайн Бойқаро шеърларидагина ишлатилгани каби фактларни ҳисобга олсак, А. М. Шчербакнинг фикри маъқулроқ кўринади.

§ 35. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида феъл негизига *-ғур* (турли фонетик вариантлари билан) қўшилиб ҳосил бўлувчи *кўр бўлғур, ер юткур, яшамагур, бой бўлгур* типидаги форма кесим функциясида келганда, лаънатлаш, қарғаш ёки истак, тилак каби маъноларни ифодалайди ва бу форма кўпинча II шахсга, баъзан III шахсга нисбатан қўлланади. Баъзи авторлар бу формани буйруқ-истак майлининг II шахс формалари группасига қўшадилар[155].

Эски ўзбек тилида бу форма, биринчидан, жуда кам қўлланган бўлиб, айрим манбалардагина учрайди, иккинчидан, асосан гапнинг иккинчи даражали бўлаги вазифасида келади. Қиёсланг:

*Өзгәдин қылман шикāйат ким, азизим көзидә,*
*Отқа түшкүр бу көңүлдүр Лутфийни хāр әйләгән*
(Лутф., 211а).

*Бу тоймағур көзүмгә турур көрмәгән киби,*
*Ай-тэк йүзигә нэчә бу кэ мубталā бақар* (Лутф., 174б).

*Рақиб, аллыңда болмақдын хазин-мэн,*
*Тиләр-мэн, көрмәсәм ул болмағырны* (Мунис, 24).

Мисолларнинг биринчи ва иккинчисидаги *түшкүр, тоймағур* аниқловчи вазифасида, охиргисида тушум келишиги формасидаги *болмағырны* тўлдирувчи вазифасида келган.

Шунинг учун ҳам эски ўзбек тили бўйича ёзилган ишларда бу формани буйруқ-истак майли формаси сифатида қаралмайди. Масалан, А. М. Шчербак бу формани шартли равишда сифатдош группасига киритади[156]. Бизнингча, бундай қараш ҳақиқатга мос келади, яъни бу форма дастлаб сифатдош бўлиб, кейинчалик унинг сифатдошлик белгилари кучсизланган ва сифатга яқинлашган[157]. Ёзма манбаларда бу форманинг шу томони акс этган бў-

---

[155] Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 206.

[156] Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка, с. 150. *Қиёсланг:* А. М. Шчербакнинг шу китобига ёзган тақризида А. Н. Кононов бу форма буйруқ майлининг II шахс бирлик формаси сифатида қаралиши керак эди, деган фикрни айтади (Кононов А. Н. Ценный труд по грамматике староузбекского языка, с. 70).

[157] *Болмағур, түшкүр* типидаги форма қадимги уйғур тилига оид текстларда ва «Қутадғу билиг», «Девону луғотит турк» асарларида учрайдиган *-ғалыр/-гәлир (-қалыр/-кәлир)* аффиксли *болғалыр, түшкәлир* типидаги формадан ривожланган бўлиши мумкин (*Қаранг:* Шукуров Ш. *-ғалыр/-гәлир* формаси ҳақида.— «Исследования по грамматике и лексике тюркских языков». Ташкент, 1965, с. 202—203).



www.ziyouz.com kutubxonasi

либ, ҳозирги ўзбек тилидагидек буйруқ-истак майлининг II шахс формаси сифатида қўлланиши учрамайди.

**§ 36.** Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формалари қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Буйруқ маъносини ифодалайди, яъни сўзловчи суҳбатдошига феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатни бажаришни (ёки бажармасликни) буюради: *Бу тайақны киргүзгил, орнында қозғыл, азын тайақ алғыл* (Таф., 28б). *Тақы йүз мың алтун кэлтүр тэди, кэлтүрди* (Рабғ., 30б). *Сэн тақы уруғулардан соң балуқны бэнгэ сақлаб кэлгил, дэб дэди* (ЎН, 41). *Эй йигит, сэн тақы бу тавуқны ҳāли йэрдэ, кимэрсэ көрмэз йэрдэ боғузлаб кэлтүргил* (НФ, 428).

*Фалāн чадырны тиктүргил, равāн бар,*
*Аның тақын бу тақымқа барāбар* (ХШ, 81б).
*Ризā изҳāр этиб дэди: равāн бол,*
*Қыл андақ ким, туталы ул тараф йол* (Нав. ФШ, 64).
*Барыб ул хāнны салāмат тутқыл,*
*Аңа сахбāйи карāмат тутқыл* (ШН, 27).

*Хāн ул фақирға ат ва азуқ ва мāл бэриб, бу чэриккэ бармағыл тэб, «қал ач» тэди* (Ш. турк, 14).

*Жам болуб эйлэйүбэн маслаҳат:*
*Думага, дэр, бир нимэ бэриб жонат* (Муқ., 39).

2. Иш-ҳаракатни бажаришни (ёки бажармасликни) сўраш, илтимос қилиш каби маъноларни ифодалайди: *Йā Мусā, мэни бу балāдын қутқарғыл, сэңэ бутэйин* (Таф., 30а). *Эй ата, өзүңэ, бизгэ күч қылмағыл, Кунъāн шаҳрын бузмағыл, қызыңны Маликка бэргил тэдилэр* (Рабғ., 41а). *Йā рабб, атамға тақы анамға сэн раҳмат қылғыл* (НФ, 285).

*Мэни бу қазғудын āзāд қылғыл,*
*Āхир көңлүмни бир гэз шāд қылғыл* (ХШ, 65б).
*Жāҳāн тутты жамāлың, дāд қылғыл,*
*Бу мискинни бирэр ҳам йāд қылғыл* (МН, 297б).
*Көңүл қаным ичэрдин тойғыл эмди,*
*Мэни өз мэҳнатымға қойғыл эмди* (Нав. ФШ, 187).
*Барча мақсудыға йэткүргил аны,*
*Назари лутф билэ көргил аны* (ШН, 27).

*Оғуз эли Қорқутға айтдылар, бу оғланға бир йахшы ат қойғыл тэдилэр* (Ш. тар., 44).

*Кэлгэниңдэ, дилрабā, нāгāҳ ақшам кэтмэгил,*
*Күйдүрүб күйгэн йүрэк-бағрымны бирйāн этмэгил* (Муқ., 196).

3. Иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) чақириш, ундаш, даъват этиш, маслаҳат бериш каби маъноларни ифодалайди: *Эй Йусуф, бу түшлэриң йавлақ турур, аммā қарындашларыңға аймағыл* (Рабғ., 44б). *Ибрāҳимға айдылар, бу бур-*


www.ziyouz.com kutubxonasi

*хāнларға б у т к и л тэб* (Таф., 38а). *Бу дунйāны т а р к қ ы л- г ы л, с а й й ā ҳ л ы қ қ ы л ғ ы л, āламны кэзә й ү р и г и л* (НФ, 262).

*Элиң т а р т дунйāдын, б о л ғ ы л ф а р ā ғ а т,*
*Бир этмәк тапсаңан, қылғыл қ а н ā а т* (ХШ, 31б).
*Нэчә ким бәрсә чэҳраң көзләрә нур,*
*Чэчәк-тэк б о л м а ғ ы л ҳуснуңға м а ғ р у р* (МН, 302а).
*Ул мэниң сөзүмни көңүл бирлә т ы ң л а ғ ы л,*
*Āхир сэңә ҳавā билә қылмас-мэн илтиҗā*
(Сакк., 2б).

*Дэди: бу ишқдын и н к ā р қ ы л ғ ы л,*
*Дэди: бу сөздин и с т э ғ ф ā р қ ы л ғ ы л* (Нав. ФШ, 153).
*Эмди м а р д а н а б о л, эй Танбал сэн,*
*Қ ы л м а ғ ы л мулк ишини муҳмāл сэн* (ШН, 129).

*Қорқут башлық барча халқ Туманға айтдылар: таңриға ш у к р қ ы л ғ ы л* (Ш. тар., 49).

*Эй кэ, дилбар висāлын истәр-сэн,*
*Өздин өзлүк йүкин б а д а р ә й л ә* (Мунис, 52).

Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формаси *кэл* феъли билан бирга қўлланганда, иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) чақириш, ундаш, даъват этиш каби маънолар яна ҳам конкрет характерга эга бўлади:

*К э л, эй гулчеҳра сāқий, май к э т ү р г и л,*
*Мэни ҳайрат мақāмынға й э т ү р г и л* (МН, 299а).
*К э л, бэниқāб ч ы қ қ ы л уйуңдын там үстинә,*
*Аҳли замāна хобларыны бир у й а л д у р* (Отойи, 16а).
*К э л, Навāий, сөзни ҳāлā ҳ а т м қ ы л,*
*Ишқ ара изҳāри д а ъ в ā қ ы л м а ғ ы л* (Нав. ЛТ, 93).
*К э л, эй сāқий, йүкүнүб бир айақ т у т,*
*Мэңә дилбар билә қышлақ ичиндә* (ШН, 114).
*К э л, тақы йуртуңа э г ә б о л, қайта турур мэн*
(Ш. тар., 47).

*К э л эмди, Фурқатий, көп ч э к м ә афғāн,*
*Нигāрың наздыда болдуң писанда* (Фурқ. I, 36).

4. Буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формасидаги феъллар тингловчининг (II шахснинг) бирор мақсадга эришувида сўзловчининг тилагини ифодалайди. Лекин ушбу форманинг бундай қўлланиши айрим ёдгорликлардагина учрайди:

*Айытты Марйам: эй шāҳ, ш ā д б о л ғ ы л,*
*Асығсыз қазғудын ā з ā д б о л ғ ы л* (ХШ, 54б).
*Йигит-сэн, бāда ичкил, нуқл а ш а ғ ы л,*
*Бу күндин сөң йүз эллик йыл й а ш а ғ ы л* (МН, 295а).

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Умидимға мэни хурсанд эткил,*
*Умидим бу кэ, умидиңға* *й э т к и л* (Нав. ФШ, 181).
*Сэн алар орныда* *с у л т ā н* *б о л ғ ы л,*
*Шайхул ислāм бирлә* *й ā р ā н* *б о л ғ ы л* (ШН, 54).

Маълумки, ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формасига, асосан, аффикссиз формасига *-чи* юкламаси қўшилиб (*бор-чи, бер-чи* каби), асосий маънога қўшимча оттенкалар беради[158]. Бу форманинг туркий тилларда қадимдан мавжуд эканлиги «Девону луғотит турк»дан маълум. Маҳмуд Кошғарийнинг кўрсатишича, XI аср тилида буйруқ феълига *-чу/-чү//-шу/-шү* аффикси қўшилиб, буйруқ маъносини кучайтиришга хизмат қилган (*кэл-чү* — «келсангчи, албатта кел» *барма-чу* — «зинҳор борма», *барғыл-шу* — «албатта боргин, борсангчи», *кэл-шү* — «келсанг-чи, албатта кел»)[159]. Бу форма ўзбек тили ёзма ёдгорликларида қайд қилинмади.

§ 37. Буйруқ-истак майли II шахс бирлигининг аффикссиз формаси билан аффиксли формалари ўртасидаги семантик жиҳатдан ўзаро муносабат масаласи бўйича адабиётларда ҳар хил фикрлар баён қилинган.

Тадқиқотчиларнинг бир группаси *-ғыл/-гил* аффиксли формани маъно жиҳатдан аффикссиз формадан фарқ қилувчи махсус форма, деб қарайдилар. Уларнинг таъкидлашича, *-ғыл/-гил* аффиксли форма буйруқ маъносини кучайтириш учун хизмат қилади. Бу фикр дастлаб П. М. Мелиоранский томонидан айтилган эди[160]. Кейинчалик бу фикрни бир қатор тадқиқотчилар ўрганилаётган тил ёки ёдгорлик материали асосида ривожлантирдилар. Масалан, А. Н. Кононов «Шажараи тарокима» асарида аффикссиз формани «форма обычного приказания» (оддий буйруқ формаси), *-ғыл/-гил* аффиксли формани эса «форма категорического приказания» (қатъий буйруқ формаси) деб айтади[161]. И. А. Батманов енисей ёдгорликлари тилида буйруқ (императив) маъноси ҳозирги туркий тиллардагидек феъл ўзаги ёки негизи орқали, қатъий характердаги буйруқ (более категорический характер приказания или побуждения) эса *-ғыл/-гил* аффикси ёрдамида ифодаланган, деган фикрни айтади[162]. А. М. Шчербакнинг таъкидлашича, *-ғыл/-гил* аффикси ёрдамида II шахс бирлигининг қатъий буйруғини ифодаловчи махсус форма ясалади («особая форма повелительного наклонения 2-го лица единственного числа — так

---

[158] Ғ у л о м о в А. Ғ. Феъл, 48-бет; К о н о н о в А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 205.

[159] М а ҳ м у д К о ш ғ а р и й. Девону луғотит турк. III том, 225, 228-бетлар.

[160] М е л и о р а н с к и й П. М. Араб-филолог о турецком языке. СПб., 1900, с. 33.

[161] К о н о н о в А. Н. Родословная туркмен, с. 148.

[162] Б а т м а н о в И. А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, с. 87.



www.ziyouz.com kutubxonasi

называемый категорический императив — образуется при помощи аффикса -ғїл ≈ -ґіl»)[163].

Турк тилшуноси А. Ж. Эмре ҳам *-ғыл/-гил* аффиксли формани маъносига кўра аффикссиз формадан фарқлайди. Лекин унинг фикрича, *-ғыл/-гил* аффиксли форма буйруқни юмшатиш учун хизмат қилади[164].

Демак, юқорида кўрсатилган авторлар *-ғыл/-гил* аффиксли форманинг маъносини аниқлашда турли фикрда бўлсалар-да, бу формани аффикссиз формадан маънода фарқланишини эътироф қилишлари жиҳатидан уларнинг қарашлари бир хилдир.

Озарбайжон тилшуносларидан бир группаси *-ғыл/-гил* аффиксли форма аффикссиз формадан маънода ҳеч қандай фарқ қилмайди, деган фикрни айтадилар[165]. Бундай фикр ўз вақтида Маҳмуд Қошғарий томонидан ҳам XI аср туркий тилларига нисбатан айтилган эди[166].

Бизнинг кузатишимизга кўра, ўзбек тилига оид ёзма манбаларда ҳам буйруқ-истак майли II шахс бирлигининг аффикссиз формаси билан *-ғыл/-гил* аффиксли формаси айнан бир хил маъноларда параллел қўллана берган. Масалан, кесимлари буйруқ-истак майлининг II шахс бирлик формаси билан ифодаланган бир мураккаб жумланинг ўзида бир ўринда аффикссиз форма, бошқа ўринда *-ғыл/-гил* аффиксли форма ишлатилиш ҳоллари (ёки аксинча) ёзма ёдгорликларда кўплаб учраб туради. Қиёсланг:

*Мың эрсә достларың ҳам, аз тэб б и л,*
*Бир эрсә душманың, андын с а қ ы н ғ ы л* (ХШ, 52б).
*Кэл, эй ай йүзли дилбар, т у т бирәр қуш,*
*Бирәр қуш бирлә қ ы л ғ ы л бизни мадҳуш* (МН, 302б).
*Анда ким, болдум хабарсыз, дағ қойдуң җāныма,*
*Эмди билмәс-мэн д э м ә, өзүңни нāдāн қ ы л м а ғ ы л*
(Лутф., 200б).
*Җāнымға мэниң, ҳаҗр, агар қасд қылыб-сэн,*
*Җāнымдын а й ы р ғ ы л, валэ җāнāндын а й ы р м а*
(Отойи, 57а).
*Эй җāндын артуқ сэвгәним, қ а с д э т м ә āхир җāныма,*
*Р а ҳ м э т к и л, ө л т ү р м ә мэни, нāҳақ қалур-сэн қаныма*
(Сакк., 17б).

*Шайх муридға йана айтты ким, сэн өзүңни йахшы э ҳ т и й ā т қ ы л, маълумуң болса, т а ш л а ғ ы л* (Нав. МҚ, 73).

---

[163] Щ е р б а к. Грамматика староузбекского языка, с. 154; Ў ш а а в т о р. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана. М.—Л., 1961, с. 145.

[164] E m r e A. C. Türk dil bilgisi. Istanbul, 1945, S. 463.

[165] Д э м и р ч и з а д э Ә. М. «Китаби-Дәдә Горгуд» дастанларынын дили, 33-бет; М и р з ә з а д ә Һ. Азәрбајчан дилинин тарихи морфолокијасы, 226—227-бетлар; Р а г и м о в М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 43—45.

[166] М а ҳ м у д Қ о ш ғ а р и й. Девону луғотит турк. II том, 49—50, 193-бетлар; III том, 325—326-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Навāий, тэлбаликни бир* *т а р а ф* *қ ы л,*
*Йана бир лаҳза сөз башыға* *к э л г и л* (Нав. ФШ, 5).
*Мэниң оғлумға инāйат* *к ө р г ү з,*
*К ө р м ә г и л* *йат, аны* *қ ы л ғ ы л* *өз* (ШН, 30).
*Қ ы л м а ғ ы л* *Мунисиңға мунча жафā,*
*Аташын āҳыдын* *ҳ а з а р* *ә й л ә* (Мунис, 52).
*Й э т ү р г и л* *аңа āрзу йāштийāқым,*
*Муфассал* *ш а р ҳ* *қ ы л* *дард-у фирāқым* (Фруқ. II, 110).

Бу хилдаги мисолларни кўплаб келтириш мумкин эди. Лекин келтирилганларнинг ўзиёқ эски ўзбек тилида буйруқ-истак майли II шахс бирлигининг аффикссиз формаси билан *-ғыл/-гил* аффиксли формасининг параллел қўллана бергани ва бу формалар ўртасида маънода фарқ йўқлигини кўрсатиб турибди.

Буйруқ-истак майли II шахс бирлигининг аффикссиз формаси билан аффиксли формаси маънода фарқ қилмагани ҳолда, параллел қўлланиши қадимги ёдгорликлар тили учун ҳам хос бўлган[167]. Қиёсланг: *Оғланым қанға тап,* *қ а т ы ғ л а н* (Ен, Т, 84).— *Бөкмәдим,* *қ а т ы ғ л а н ғ ы л* (Ен. Т., 29). *Нэгү тэр,* *э ш и т,* *қылқы силиг* (ҚБ, 19б). — *Нэгү тэр,* *э ш и т к и л,* *киши эзгүси* (ҚБ, 211б). *Тириг* *т у т ғ ы л* *анча, йашым* *қ ы л* *у з у н* (ҚБ, 20б). *К ө з ә з г и л* *тилиңни, кэл,* *а з* *қ ы л* *сөзүң* (ҲҲ, 53).

Ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида буйруқ-истак майлининг II шахс бирлиги учун фақат аффикссиз форма қўлланади. Аффиксли форма эса баъзи тиллардагина сақланган (буларда ҳам унинг охиридаги [л] ундоши [н] ундошига ўтган: *-ғын/-гин//-қын/-кин*). Бу ҳол ҳам аффиксли форманинг аффикссиз формадан маънода фарқ қилмаслиги ва унга қўшимча маъно ифодалаш функцияси юклатилмаганлигини кўрсатади. Афтидан, туркий тиллар тараққиётининг қадимги даврларида буйруқ-истак майлининг II шахс бирлиги учун фақат аффиксли форма қўлланган бўлиб, аффикссиз форма кейинчалик вужудга келган. Шунга ўхшаш фикр В. Котвич томонидан ҳам айтилган[168].

§ 38. *-ғыл/-гил* аффиксли форманинг фонетик варианти бўлмиш *-ғын/-гин* аффиксли формани ҳам баъзи тадқиқотчилар эски ўзбек тилида маъносига кўра аффикссиз формадан фарқ қилувчи махсус форма сифатида қарайдилар. Масалан, А. М. Шчербак бу формани ҳам эски ўзбек тили учун қатъий буйруқ формаси («вторая форма категорического императива — типа баргїн — ...)»[169], деб атайди.

*-ғын/-гин* аффиксли форманинг аффикссиз формадан фарқ қилиб, баъзи маъно оттенкаларига эга бўлиши ҳозирги ўзбек тилига нисбатан маълум даражада тўғри бўлиши мумкин. Ҳозирги ўзбек тили бўйича ёзилган грамматика, дарслик ва бошқа ишларда бу форма турлича изоҳланади. Жумладан, В. В. Решетов,

---

[167] Ш у к у р о в Ш. Феъл тарихидан, 13—14-бетлар.
[168] К о т в и ч В. Исследование по алтайским языкам, с. 258—259.
[169] Щ е р б а к А. М. Грамматика староузбекского языка, с. 155.


www.ziyouz.com kutubxonasi

С. Усмонов, У. Турсунов, Ж. Мухторов ва А. Ҳожиевлар бу форма буйруқни юмшатиш, буйруқни илтимос, сўраш тарзида ифодалаш каби ўринларда қўлланади, деб тушунтирадилар[170]. А. Н. Кононов эса бу формани сўраш, истак оттенкаларига эга бўлган буйруқни ифодаловчи формалар группасига киритади ва уни «фамильярная форма» деб атайди[171].

Лекин шу нарсани ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳозирги ўзбек тилида буйруқ-истак майлининг II шахс бирлиги учун асосан аффиксссиз форма қўлланиб, *боргин* типидаги форма кам ишлатилади. Буйруқни юмшатиш, илтимос, сўраш каби маъно оттенкалари эса асосан умумий контекст мазмунидан англашилади ёки интонация, баъзан лексик элементлар, айрим грамматик воситалар (масалан, *-чи* юкламаси — *бор-чи*) ёрдамида ифодаланади. Қисқаси, буйруқ-истак майли II шахс бирлигининг аффикссиз формаси билан *боргин* типидаги форма ҳозирги ўзбек тилида асосан стилистик жиҳатдан фарқланади. Шунинг учун ҳам А. Г. Ғуломов *боргин* типидаги форма «буйруқ маъносини юмшатиб, уни илтимосга айлантириш; илтимос маъносини кучайтириб, таъкид билдириш каби оттенкаларга эга» дейиш билан бирга, қуйидаги изоҳни ҳам берган: «Лекин айрим ҳолларда, айниқса, жонли тилда бу содда (аффикссиз форма. — Ш. Ш.) ва кенгайган (*боргин* типидаги форма. — Ш. Ш.) формаларнинг маъно оттенкалари сезилмаслик ҳолга келади ҳам. Масалан: *Бориб, дадангга «Правление мажлиси эртага бўлар экан», дегин (дегин≈де)*[172].

## II шахс кўплик формалари

§ **39. -ың/-иң//-уң/-үң** (унлидан кейин **-ң**) аффиксли **алың** типидаги форма эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврлари учун характерли бўлиб, ёзма ёдгорликларда кенг истеъмолда бўлган.

Бу аффикснинг ундош билан тугаган феълларга қўшилиши қуйидагича: таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлган феълларга одатда *-уң/-үң* формасида (*тур+уң, ур+уң, қон+уң, қорқ+уң, йур+үң, көр+үң, өт+үң, кэлтур+үң, өлтүр+үң, турғуз+уң, тиргүз+үң* каби), бошқа ўринларда *-ың/-иң* формасида қўшилган (*бар+ың, кэл+иң, қутқар+ың, йэткэз+иң* каби).

Баъзан бу тартибнинг бузилиш ҳоллари ҳам учрайди: XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида таркибида лаб

---

[170] Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, с. 160; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили, 153-бет; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 82-бет; Ҳожиев А. Феъл. Тошкент, 1973, 119-бет. *Қиёсланг:* Т. Хўжаев ҳозирги ўзбек тилидаги *-гин* аффиксини буйруқ формасига қўшимча маъно берувчи юклама сифатида изоҳлайди (Ходжаев Т. Повелительное наклонение в современном узбекском языке, с. 12).

[171] Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 206.

[172] Ғуломов А. Ғ. Феъл, 46-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

унлиси бўлмаган феълларга ҳам баъзан *-уң/-үң* формасида қўшилган (*айт+уң* каби). Шу давр ёдгорлиги «Ўғузнома»да ундош билан тугаган феълларга, бу феълларнинг таркибида лаб унлиси бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, асосан *-уң/-үң* формасида қўшилган (*бар+уң, ат+уң, бол+уң* каби). XIX асрга оид ёдгорликларда, аксинча, ундош билан тугаган ва таркибида лаб унлиси бўлган феълларга ҳам асосан *-ың/-иң* формасида қўшилган (*тур+ың, бол+ың, буйур+ың, йүр+иң, кэлтүр+иң* каби).

Шуни айтиш керакки, эски ўзбек тилида бу аффикс ундош билан тугаган феълларга қўшилганда, лаб гармониясига асосан риоя қилинган. Бу тартибнинг бузилиши эса айрим ёдгорликлардагина учрайди.

§ 40. **-ыңыз/-иңиз//-уңуз/-үңүз//-уңыз/-үңиз** (унлидан кейин: **-ңыз/-ңиз**) аффиксли **алыңыз** типидаги форма, ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, эски ўзбек тилида *алың* типидаги формага нисбатан кам қўлланган.

Бу аффикснинг ундош билан тугаган феълларга қўшилиши қуйидагича: таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлмаган феълларга *-ыңыз/-иңиз* формаси қўшилган (*бар+ыңыз, кэл+иңиз, қутқар+ыңыз, йэткэз+иңиз* каби), таркибида (охирги бўғинида) лаб унлиси бўлган феълларга эса кўпинча *-уңуз/-үңүз*, баъзан *-уңыз/-үңиз* формаси қўшилган (*қон+уңуз//қон+уңыз, көр+үңүз//көр+үңиз, турғуз+уңуз//турғуз+уңыз, кэлтүр+үңүз//кэлтүр+үңиз* каби).

*-ыңыз/-иңиз* қўшма аффикс бўлиб, буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формасини ясовчи *-ың/-иң* аффиксига (*ал+ың*) қадимги кўплик кўрсаткичи бўлмиш *-з* қўшилиши асосида ҳосил бўлган (*ал+ың+[ы]з>алыңыз*).

§ 41. **-ыңлар/-иңлэр//-уңлар/-үңлэр** (унлидан кейин: **-ңлар/-ңлэр**) аффиксли **алыңлар** типидаги форма. Бу аффикснинг ундош билан тугаган феълларга қўшилиш тартиби қуйидагича бўлган: *бар+ыңлар, кэл+иңлэр, қон+уңлар, көр+үңлэр* каби.

*-ыңлар/-иңлэр* аффикси ҳам таркибли бўлиб, буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формасини ясовчи *-ың/-иң* аффиксига кўплик аффикси *-лар/-лэр* қўшилиши асосида ҳосил бўлган (*ал+ың+лар>алыңлар*).

§ 42. **-ыңызлар/-иңизлэр** (унлидан кейин: **-ңызлар/-ңизлэр**) аффиксли форма (*башла+ңызлар, сөзлэ+ңизлэр, бар+ыңызлар, кэл+иңизлэр* каби). Бу аффикс уч аффикснинг бирикувидан ташкил топган мураккаб аффиксдир: 1) *-ың/-иң* — буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формасини ясовчи аффикс; 2) *-з* — қадимги кўплик кўрсаткичи; 3) *-лар/-лэр* — кўплик аффикси (*ал+ың[ы]з+лар>алыңызлар*).

*-ыңызлар/-иңизлэр* аффиксли форма айрим ёдгорликларда қўлланган бўлиб, буларда ҳам бир неча мартагина учрайди. Мисоллар: *Эй қулларым, ишкэ* *э в э к л и к* *қ ы л м а ң ы з л а р* (Таф., 52а).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Масал бар ким, дэгэнлэрни* *д э ң и з л э р...*
*Валэ ҳам бир йолы* *ө л т у р м э ң и з л э р,...*
*Атайи хākын анда* *и с т э ң и з л э р* (Отойи 20а).

*Бир йолға* *б а ш л а ң ы з л а р* *ким, хāнлар қатыға барғайсиз* (БН, 140). *Аму суйының қибла тарафыдын бир көк атлы киши келиб, фарйāд қылыб, айтыб турур ким, мэни өткэзиңизлэр тэб* (Ш. тар., 76). *Эмди маслаҳат улдур ким, барчаңыз өзиңизлэрни өлуккэ* *с а л ы ң ы з л а р* (ТН, 29а).

§ 43. Буйруқ-истак майлининг II шахс формалари ҳам бирлик формалари каби буйруқ, илтимос, иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) чақириш, ундаш каби маъноларда қўлланган (кўплик формалари бирлик формаларидан фикрнинг бирдан ортиқ шахсга қаратилиши билан фарқланади):

1. Буйруқ маъносини ифодалайди: *Зикрийā... бузуныңа айур эрди,* *н а м ā з* *қ ы л ы ң л а р* *тэб* (Таф., 17б). *Уларны мэңэ* *к э л т у р у ң* (Рабғ., 81а). *Көк, тағ, тэңиз, түн сарыға сэнлэр* *б а р ы ң,* *дэб дэди* (ЎН, 59). *Б а р ы ң л а р,* *қайда тапар болсаңызлар,* *к э л т у р у ң л э р* *элки, азақыны бағлаб* (НФ, 343).

*Қайу йэрни ким ул тилэр,* *б и л и ң и з,*
*Уш анда бир бүзүк қаршы* *қ ы л ы ң ы з* (ХШ, 23а).
*Дэди: ул гумраҳны судраб* *к э л т у р у ң,*
*Хизматымға йэткуруб, бойнын узуң* (Нав. ЛТ, 43).
*Хāн дэди:* *а й т ы ң* *анаға ҳāлын,*
*Э й л э ң и з* *а р з* *аңа аның аҳвāлын* (ШН, 189).
*Бир йылдам йахшы йигит* *т а п ы ң* (Ш. турк, 111).
*Мэн кэ танāбыңға чықыб-мэн кэлиб,*
*Хизматымы йахшы қылыңлар билиб* (Муқ., 37).

Контекстда *буйур-, фармāнла-, йарлықа-* каби сўзлар бўлганда, буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формаси ифодалаган буйруқ маъноси яна ҳам конкретлашади: *Мусā йалавачқа* *й а р л ы қ а д ы* *эрди ким, Фиръавнқа йумшақ, татлығ* *с ө з л э ң л э р* *тэб* (Таф., 30а). *Ул жāдуны* *к э л т у р у ң,* *тэб* *б у й у р д ы* (Рабғ., 130а). *Ф а р м ā н л а д ы* *саҳāбаларқа, сизлэр тақы бу йэрдэ* *қ о н у ң л а р* *тэб* (НФ, 40—41).

*Малик* *ф а р м ā н л а д ы* *х у р м а т* *қ ы л ы ң* *тэб,*
*Сачыб алтун-күмүш, көңлин* *а л ы ң* *тэб* (ХШ, 63б).
*Б у й у р д ы* *ким, равāнрақ* *к э л т у р у ң* *ат,*
*Буйурғач ашҳāби кэлтүрдилэр бат* (Нав. ФШ, 121).

*Ылғар йигитлэригэ* *ф а р м ā н* *б о л д ы* *ким, ...маслаҳатта аның салаҳ-у савāб диди билэ* *а м а л* *қ ы л ы ң* (БН, 393).

2. Иш-ҳаракатни бажаришни (ёки бажармасликни) сўраш, илтимос қилиш каби маъноларни ифодалайди: *Мэни мунда* *қ о з м а ң л а р,* *э л т у* *б а р ы ң л а р,* *тэб фāсиҳ тил бирлэ сөзлэди эрсэ, ажаб тутдылар* (Таф., 9а). *Ачтым, таāм* *б э р и ң,* *сувсадым, сув* *б э р и ң* (Рабғ., 45б).


www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сизә тәб кәлди, Хоразмийни* *а с р а ң*,
*Қим асрарлар қамуқ шāҳлар гадāйын* (МН, 292б).
*Қашы учун җāн бәрүрәм, достлар,*
*Тақ* *қ о п а р ы ң ы з* *йасаганда мазар* (Лутф., 169б).
*Хāн қашыда гунāҳымны* *т и л ә ң и з*,
*Афв илә аҳли гунāҳны* *с и й л ә ң и з* (ШН, 180).

*Хāнларга дәдим ким, ...йана бир нәчә йигит* *қ о ш у ң ы з*, *Қармāн тарафыдын барыб, хабар алайын* (БН, 145).

*Достлар, мәнсиз дами āҳāнги* *и ш р а т* *қ ы л м а ң ы з*,
*Сиз ичиб саҳба, мәни хунхāри* *х а с р а т* *қ ы л м а ң ы з*
(Мунис, 143).

*Өтүн-, илтимāс әйлә- (илтимāс қыл-), тилә-* каби сўзлар ёрдамида буйруқ-истак майли II шахс кўплик формаларининг илтимос, сўраш каби маънолари яна ҳам конкретлашади: *Эмди нә айгу кәрәк, нә қылгу кәрәк,* *й а р л ы қ а ң* *тәб* *ө т ү н д и* (Таф., 27а).

*Т и л ә д и* *тон* *б э р и ң* *тәйү тутуб фāл,*
*Мурасса тон кизүрдиләр өңи ал* (ХШ, 81б).
*Атайи достлардын* *и л т и м ā с* *ә й л ә р* *ким, өлгәндә,*
*Д у ā й и,* *көрсәңиз қаддын,* *қ ы л ы ң* *рух-у равāныма*
(Отойи, 58а).

3. Буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формасидаги феъллар иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) чақириш, ундаш, даъват этиш, маслаҳат бериш каби маъноларни ифодалайди: *Тақы лақаб* *а т* *у р м а ң* *бир-бириңизни, йавуз фāсиқ болур* (Таф., 46б). *Бу ишни қылур болсаңыз, Йусуфны* *ө л т ү р м ә ң*, *элтиб бир қуйуга кәмишиң, йолдын кәчкәнләр алыб кәткәйләр* (Рабғ., 44б). *Тақы бириңизгә арқа чавруб* *о л т у р м а ң ы з л а р* *тақы бири-бириңизгә шафқатлыг қарындаш* *б о л у ң* (НФ, 412).

*Малика бирлә хуш* *и ш р а т* *қ ы л ы ң ы з*,
*Көрә билмәз киши багрын* *т и л и ң и з* (ХШ, 6б).
*Аҳбāб, йигитликни* *г а н и м а т* *т у т у ң ы з*,
*Өзни қарылық мәҳнатыдын* *қ о р қ у т у ң у з*.
*Āйини адāват-у хасаддын* *ө т ү ң ү з*,
*Ҳар нав илә өзни нәчә күн* *а в у т у ң у з*
(Нав. МҚ, 148—149).

*Дэдим: эй достларым,* *г а м* *й э м ә ң и з*,
*Йахшылық сөзидин өзгә* *д э м ә ң и з* (ШН, 208).

*Таң йаругыда Қанбар Али бәг қычқыра айтты ким, ганим йэтти,* *қ о п у ң л а р* (БН, 131). *Бизгә* *э л* *б о л у ң*, *тā өзүңүз өлүб, оглан-ушақларыңыз асир, олҗа болмагай* (Ш. турк, 73).

*Мунис қашыдын* *қ а ч ы ң л а р*, *аҳбāб,*
*Ким āҳи аныңдур āзар афшāн* (Мунис, 202).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Контекстда *кэлиң* феъли бўлганда, иш-ҳаракатни бажаришга чақириш, ундаш, даъват этиш каби маънолар яна ҳам конкретлашади: *Эй қарындашларым, өкүнгэй-сиз, асығ қылмағай. К э л и ң, мэним кичикликимгэ бақыб, мэңэ раҳм қылың* (Рабғ., 48б).

*Қамуғ эллэргэ қылды даъвати ъāм,*
*К э л и ң, а р з а  қ ы л ы ң  тэб дини ислāм* (ХШ, 114а).

§ 44. Юқорида буйруқ-истак майли II шахс кўплик формаларининг кўплик маъносида қўлланиши ҳақида гапирилди. Бундан ташқари, *-ың/-иң* аффиксли *алың* типидаги форма, баъзан *-ыңыз/-иңиз* аффиксли *алыңыз* типидаги форма ёзма ёдгорликларда II шахс бирлигининг ҳурмати маъносида ҳам қўлланган.

*Алың* типидаги форманинг II шахс бирлигининг ҳурмати маъносида қўлланишига мисоллар: *Эй қарындашым Йахуда, салāмат қ а л ы ң* (Рабғ., 48б). *Йā Муҳаммад, мэни азын э м г э т м э ң, с и л к м э ң* (Таф., 27а). *Сиз қаршу туруб сөзлэмишдэ ү н д э ң тақы йавуқ кэлтүрүб сөз а й м ы ш б о л у ң. Ул йэңини бурнынға қойуб сизиң бирлэ сөзлэшсэ, маълум болғай ким,...* (НФ, 421).

*Бу пāдшāлықда б а р х о р д ā р б о л у ң,*
*Өкүш йыл сағ-салāмат б а р б о л у ң* (ХШ, 6б).
*Т и р и к б о л у ң, шāҳā, даврāн барынча,*
*Қулуңыз-мэн танымда жāн барынча* (МН, 304б).
*Лутфийи мискингэ бу ҳижрāн түни*
*Р а ҳ м  қ ы л ы ң гарчэ кэ султāны-сиз* (Лутф., 189а).
*Чу қылдуқ мулкуңузга мэҳмāнлық,*
*Қ ы л ы ң сиз ҳам тариқи мэзбāнлық* (Нав. ФШ, 145).

*Мэни қ ы ш л а ң дэб, Муҳаммад Бурундуқ бэг ва Зуннун бэг бажид саъй қылурлар эди, валэ...* (БН, 242). *Хāнға айтды ким, ажаб ғāфил йатыб-сиз, т у р у ң, атланмақ кэрэк* (Ш. турк, 180).

*Тапыб мардикāрыны — сэйчас й ү р и ң,*
*Пожалиста, — дэр эрди, эмди т у р ы ң* (Муқ., 41).

*Алыңыз* типидаги форманинг II шахс бирлигининг ҳурмати маъносида қўлланишига мисоллар: *Эй ата, мэним үч васийатым бар... Иккинчи ул турур: йүзүмни түбэн тупраққа к э м ш ү ң ү з, көзүңүз йүзимгэ түшэр болса,...* (Рабғ., 33а).

*Қонақ-мэн тэб, б а с ы н м а ң ы з бизни,*
*Йарағынча қонақлалың ма сизни* (ХШ, 81б).

*Бир āқл бэги бар эрди, ул айтды: пāдшāҳ, мунға Исфиҳāнның даруғалықын бэрдиңиз... Бу кишигэ ул чақлы нимэрсэ б э р и ң и з ким, қушлы ва нокарлы болуб барғай тэди* (Ш. тар., 25).

*Ҳавā бир гул ҳайāлыда чэкэр-мэн ҳамдамым булбул,*
*Оқуб бэҳуда б и л м э ң и з, Муқимий, дастāным сиз*
(Муқ., 136).



www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 45. Буйруқ-истак майли II шахс кўплик формаларининг эволюцияси ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Бу маънони ифодалаш учун туркий тилларда дастлаб *-ың/-иң* аффиксли *алың* типидаги форма истеъмолда бўлган. Кейинчалик бу форма II шахс бирлигининг ҳурмати маъносида ҳам қўллана бошлагач, II шахс кўплик маъносини аниқроқ ифодалаш мақсадида унга *-з* ёки *-лар/-лəр* кўплик аффиксини қўшиб ҳам ишлатилган. Шундай қилиб, *-ыңыз/-иңиз* ва *-ыңлар/-иңлəр* аффиксли *алыңыз, алыңлар* типидаги формалар вужудга келган. *-ыңызлар/-иңизлəр* аффиксли *алыңызлар* типидаги форма яна ҳам кейинроқ пайдо бўлган. Бу процесс ёзма манбаларда ҳам маълум даражада акс этган. Масалан, ўрхун-енисей ёдгорликларида буйруқ-истак майлининг II шахс кўплиги учун фақат *-ың/-иң* аффиксли форма қўлланган[173]. Қадимги уйғур тилига оид текстларда *-ың/-иң* аффиксли форма кўпинча II шахс бирлик маъносида қўлланган бўлиб, II шахс кўплиги учун асосан *-ыңлар/-иңлəр* аффиксли форма ишлатилган[174]. «Қутадғу билиг»да ҳам мана шу икки форма истеъмолда бўлган[175].

Маҳмуд Кошғарий XI аср тилида бу икки формадан ташқари учинчи форма — *-ыңыз/-иңиз* аффиксли *алыңиз* типидаги форма ҳам мавжудлиги ва бу форма ўғуз ҳамда қипчоқлар тили учун хос эканлиги ҳақида маълумот берган. Маҳмуд Кошғарий умуман XI аср тилида буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик формалари, бу формаларнинг маънолари ва уларнинг диалектал хусусиятлари ҳақида анча кенг маълумот берган. Унинг кўрсатишича, биринчидан, XI аср тилида буйруқ-истак майлининг II шахс кўплик маъносини ифодалаш учун *-ың/-иң, -ыңлар/-иңлəр* ва *-ыңыз/-иңиз* аффикслари билан ҳосил бўлувчи уч хил форма қўлланган бўлиб, буларнинг ишлатилишида диалектал фарқлар бўлган. Яъни ўғузлар ва қипчоқлар кўплик учун асосан *-ың/-иң* аффиксли формани ишлатсалар, бошқа турклар *-ың/-иң* аффиксли формани бирликнинг ҳурмати маъносида ишлатиб, кўплик учун *-ыңлар/-иңлəр* аффиксли формани қўллаганлар[176]. Иккинчидан, бирликнинг ҳурмати маъноси учун кўплик формасини қўллашда ҳам ўзига хос диалектал фарқлар бўлган. Яъни бирликнинг ҳурмати маъноси учун турклар *-ың/-иң* аффиксли формани ишлатсалар, ўғуз ва қипчоқлар *-ыңыз/-иңиз* аффиксли формани қўллаганлар[177]. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий II шахс кўплиги учун *-ың/-иң* аффиксли формани қўллаш қоидага мувофиқ эканлиги, лекин бунга *-лар/-лəр* аффиксини қўшиб, *-ыңлар/-иңлəр* тарзида

---

[173] Насилов В. М. Язык орхоно-енисейских памятников, с. 60; Батманов И. А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, с. 89; Кондратьев В. Г. Очерк грамматики древнетюркского языка, с. 27.

[174] Насилов В. М. Древнеуйгурский язык, с. 68, 70; Шукуров Ш. Феъл тарихидан, 16-бет.

[175] Шукуров Ш. Кўрсатилган асар, 16-бет.

[176] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. III том, 327—328-бетлар.

[177] Ўша асар, II том, 50—51-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ишлатиш ҳам хато бўлмаслигини таъкидлайди[178]. Демак, Маҳмуд Қошғарийнинг маълумотига кўра, XI асрда *-ың/-иң* аффиксли форма (унинг бирлик ёки кўплик маъносида қўлланишидан қатъи назар) ҳамма турклар учун умумий бўлган. *-ыңыз/-иңиз* ва *-ыңлар/-иңләр* аффиксли формалар эса диалектал характерга эга бўлиб, биринчиси ўғуз ва қипчоқлар тили учун, иккинчиси бошқа турклар тили учун хос бўлган.

Маҳмуд Қошғарийнинг бу маълумотини кейинги даврларга оид манбалар ҳам тасдиқлайди. Масалан, ўғуз группасига мансуб бўлган озарбайжон тили тарихида *-ың/-иң* ва *-ыңыз/-иңиз* аффиксли формалар истеъмолда бўлган[179]. XIV асрга оид филологик асарларда ҳам мана шу *-ың/-иң* ва *-ыңыз/-иңиз* аффиксли формалар қайд қилинган[180]. Лекин қипчоқ тилларига оид шу давр ёдгорлиги «Кодекс куманикус»да асосан *-ыңыз/-иңиз* аффиксли форма қўлланган бўлиб, баъзан *-ыңлар/-иңләр* аффиксли форма ҳам учрайди.

Эски ўзбек тилида, юқорида кўрганимиздек, *-ың/-иң, -ыңыз/-иңиз, -ыңлар/-иңләр* ва *-ыңызлар/-иңизләр* аффиксли формалар истеъмолда бўлган. Лекин ёзма ёдгорликларда булардан *-ың/-иң* ва *-ыңлар/-иңләр* аффиксли формалар кенг қўлланган бўлиб, *-ыңыз/-иңиз* аффиксли форма олдинги иккитасига нисбатан кам учрайди, *-ыңызлар/-иңизләр* аффиксли форма эса айрим манбалардагина қайд қилинди.

Бу формалар ҳозирги туркий тилларда ҳам мавжуд бўлиб, буларнинг ҳозирги туркий тиллар ўртасида тақсимланиши қуйидагича: *-ың/-иң* аффиксли форма туркман, уйғур, озарбайжон, турк, гагауз, якут тилларида, *-ыңыз/-иңиз* аффиксли форма қозоқ, нўғай, қумиқ, татар, бошқирд, қрим татарлари, қарайим, гагауз тилларида, *ыңлар/-иңләр* аффиксли форма қозоқ, уйғур, қорақалпоқ, тува, хокас, шўр, олтой тилларида, *-ыңызлар/-иңизләр* аффиксли форма қозоқ, қирғиз тилларида шу тилларнинг ўзига хос фонетик қонуниятларига мувофиқ равишда турли кўринишларда ишлатилади.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, буйруқ-истак майли II шахс кўплик формаларининг параллел қўлланиши ҳозир ҳам айрим туркий тилларда мавжуд. Масалан: қ о з: *жаз+ыңыз* (II шахс бирлигининг ҳурмати маъносида), *жаз+ыңдар, жаз+ыңыздар;* у й ғ: *бар+ың* (II шахс бирлигининг ҳурмати маъносида), *барыңлар;* г а г.: *ал+ын, ал+ыныз.*

---

[178] Ўша асар, III том, 327—328-бетлар.

[179] Р а г и м о в М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 31; Д ә м и р ч и з а д ә Ә. М. «Китаби-Дәдә Горгуд» дастанларынын дили, 100—101-бетлар.

[180] Р а с у л о в а Н. А. Исследование языка «Китāб ал-идрāк ли-лисāн ал-атрāк» Абӯ Хайййāна, с. 14; З и я е в а М. Т. Исследование памятника XIV в. «Китāб ат-туҳфат уз-закиййа фил-луғат-ит туркиййа», с. 15; Ю н у с о в А. Исследование памятника XIV в. «Таржуман туркӣ ва ‘ажамӣ ва муғалӣ», с. 16.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳозирги ўзбек тилида эса бу формаларнинг тўртталаси ҳам у ёки бу даражада қўлланади (*бор+нг, бор+инглар, бор+ингиз, бор+ингизлар*). Ҳозирги ўзбек тили бўйича тузилган дарслик, қўлланма ёки бошқа ишларнинг авторлари бу формаларга нисбатан турлича муносабатда бўладилар. Биринчидан, кўпчилик ишларда[181] бу формаларнинг тўртталаси қайд қилингани ҳолда, бошқа ишларда[182] учтаси ёки иккитаси кўрсатилган. Иккинчидан, *боринг* типидаги формани авторларнинг бир группаси (А. Н. Кононов, А. Ғ. Ғуломов, С. У. Усмонов) II шахс бирлигининг ҳурмати маъноси учун ишлатилади, деб кўрсатсалар, бошқалар (В. В. Решетов, У. Турсунов, Ж. Мухторов, Т. Хўжаев) ўрни билан. II шахс бирлигининг ҳурмати учун ҳам, II шахс кўплиги учун ҳам ишлатилишини айтадилар.

### III шахс формалари

§ 46. Буйруқ-истак майли III шахс формасининг ясалишида, агар унинг фонетик вариантларини ҳисобга олмасак, ҳозирги туркий тиллар ўртасида деярли фарқ йўқ (тарихан ҳам шундай).

Туркий тиллар тарихида буйруқ-истак майлининг III шахс бирлик формасини ясовчи аффикс, ёзма манбалардан маълум бўлишича, қуйидаги фонетик вариантларда ишлатилган: 1. *-зун/-зүн* (бар+зун, бил+зүн); 2. *-зу/-зү* (бар+зу, бил+зү); 3. *-сун/-сүн* (бар+сун, бил+сүн); 4. *-су/-сү* (бар+су, бил+сү); 5. *-суны/-сүни* (бар+суны, бил+сүни); 6. *-сын/-син* (бар+сын, бил+син).

Бу формалар бир аффикснинг турли фонетик кўринишлари бўлиб, биринчидан, таркибидаги биринчи ундошнинг жарангли [-зун/-зүн, -зу/-зү] ёки жарангсиз [-сун/-сүн, -су/-сү, -сын/-син] ҳолда келиши, иккинчидан, таркибида [н] ундошининг бўлиши [-зун/-зүн, -сун/-сүн, -сын/-син] ёки бўлмаслиги [-зу/-зү, -су/-сү], учинчидан, таркибидаги унлининг лаблашган [-сун/-сүн] ёки лаблашмаган [-сын/-син] ҳолда келиши жиҳатидан ўзаро фарқланадилар. *-суны/-сүни* формасида эса [-ы/-и] унлиси орттирилган бўлиб, алоҳида группани ташкил этади.

Буйруқ-истак майли III шахс бирлик аффиксининг бундай турли фонетик вариантларда ишлатилиши туркий тилларнинг ўзига хос фонетик қонуниятлари ва ёзма манбаларнинг диалектал хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ҳодисадир.

Ўрхун текстларида бу аффикснинг *-зун/-зүн*[183], *-зу/-зү* формалари қўлланган бўлиб, кўпинча буларнинг биринчиси, баъзан ик-

---

[181] Ғуломов А. Ғ. Феъл, 46-бет; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 205—206; Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, с. 161; Ходжаев Т. Повелительное наклонение в современном узбекском языке, с. 9.

[182] Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили, 153-бет; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 82—83-бетлар.

[183] Култегин ёдномасида бу аффикс бир ўринда *-чун* формасида қўлланган: *Түрк будун йоқ болмазун тийин, будун болчун тийин...* (КТ, 29) — «Турк


www.ziyouz.com kutubxonasi

кинчиси учрайди[184], енисей текстларида эса *-зун/-зүн* формаси қўлланган[185].

Қадимги уйғур тили ёдгорликларида *-зун/-зүн* формасида қўлланган бўлиб, шу группага мансуб бўлган кейинги даврларга оид текстларда, масалан, юридик ҳужжатларда (XIII—XIV асрлар) *-зун/-зүн* билан бирга *-сун/-сүн* формаси ҳам ишлатилган[186].

Бошқа манбаларда XI асрдан бошлаб бу аффикснинг жарангсиз *-сун/-сүн, -сын/-син, -су/-сү, -суны/-сүни* вариантлари қўлланган. Лекин булардан кейинги иккитаси XI—XIV асрларга оид айрим манбалардагина учрайди.

XI аср ёдгорлиги «Қутадғу билиг»да *-сун/-сүн, -су/-сү, -суны/-сүни* вариантлари параллел истеъмолда бўлган[187].

*Иликгә т о с у л с у н бу эрдәмләрим,*
*А ч ы л с у н, мэниң к э т с ү эмгәкләрим* (ҚБ, 23б).
*Ажун эрки булдуң, у з у н б о л с у йаш,*
*Эрәж эзгү бирлә э с ә н б о л с у баш* (ҚБ, 40а).
*Илик айды: үндә, мэңә к и р с ү н и,*
*Көрәйин аны мэн, мэни к ө р с ү н и* (ҚБ, 27а).

Булардан *-сун/-сүн* варианти кейинги даврларда ҳам кенг истеъмолда бўлгани ҳолда, қолган иккитасининг ишлатилиши чегараланган. *-суны/-сүни* варианти бошқа манбаларда учрамайди, ҳозирги туркий тилларнинг қайси бирида мавжудлиги ҳам маълум эмас. *-су/-сү* варианти эса XII—XIV асрларга оид айрим шеърий асарларда, масалан, «Ҳибатул ҳақойиқ» ва «Хисрав ва Ширин» асарларида[188] учрайди:

*Да̄д испа̄ҳсалар бэг үчүн бу кита̄б,*
*Чықардым ажунда аты қ а л с у тэб* (ҲҲ, 46).
*Бэләк эттим аны ша̄ҳымға мэн-өк,*
*Ҳава̄да̄рлығымны түгәл б и л с ү тэб* (ҲҲ, 47).
*Сабр қылды бу сақынч бирлә бир йол,*
*Киши б и л м ә с ү тэб тэбрәтмәди тил* (ХШ, 75а).
*Мэни қазғу йэмәккә қ о й с у да̄им,*
*Чун йэмим қазғу болды, хуш йэгәйим* (ХШ, 57а).

---

халқи йўқ бўлмасин деб, халқ бўлсин деб...». Бу ҳол (яъни *-зун* ўрнида *-чун* ишлатилиши) адабиётларда қайд қилинган, лекин бунинг сабаби ҳали аниқлангани йўқ (Мелиоранский П. М. Памятник в честь Кюль-Тегина. СПб., 1899, с. 39; Насилов В. М. Язык орхоно-енисейских памятников, с. 59).

[184] Насилов В. М. Кўрсатилган асар, 59-бет; Кондратьев В. Г. Очерк грамматики древнетюркского языка, с. 27; Шукуров Ш. Феъл тарихидан, 22—23-бетлар.

[185] Батманов И. А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, с. 88.

[186] Шукуров Ш. Феъл тарихидан, 22—23-бетлар.

[187] Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1951, с. 301; Щербак А. М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, с. 144; Шукуров Ш. Кўрсатилган асар, 23-бет.

[188] Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида, 135-бет; Фазылов Э. И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века, с. 67.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, буйруқ-истак майли III шахс аффиксининг *-суны/-суни, -су/-су* формаларида қўлланиши XI—XIV асрларга оид айрим шеърий асарлар билан чегараланган. Булардан *-су/-су* формаси ҳозир шимолий ўзбек шеваларида сақланган[189].

Шу нарса характерлики, «Қутадғу билиг» билан бир даврга оид бўлган «Девону луғотит турк»да буйруқ-истак майлининг III шахс аффикси фақат *-сун/-сун* формасида қўлланган. Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ҳам буйруқ-истак майлининг III шахс бирлик формаси ҳақида гапирганда, фақат шу формани кўрсатади[190].

С. Е. Малов «Қутадғу билиг» тилида буйруқ-истак майли III шахс аффиксининг *-суны/-суни, -сун/-сун, -су/-су* формаларида ишлатилгани ҳақида гапириб, булардан биринчисини «полная» (тўлиқ) форма, иккинчисини «средняя — обычная» (ўртача — одатдаги) форма, учинчисини эса «сокращенная» (қисқарган) форма деб атайди[191]. Ҳақиқатан ҳам шундайга ўхшайди. Лекин *-суны/-суни* формасининг фақат «Қутадғу билиг»да (яъни биргина шеърий асарда) учраши бу фикрни тасдиқламайди.

М. Ш. Ширалиев бу аффикснинг *-су/-су* формасини *-сув/-сув* (-suv/-süv) кўринишда бўлиши керак, яъни *-сун/-сун* формасидаги [н]нинг [в]га ўтиши натижасида пайдо бўлган, деган фикрни айтади. У бу фикрни ҳозирги айрим туркий тилларда [н] ундошининг [в] ундошига ўтиши муносабати билан айтган. Авторнинг таъкидлашича, эгалик ва кесимлик аффиксларида [н] ўрнида [в] қўлланиши қипчоқ тиллари учун характерли ҳодисадир. XII аср ёдгорлиги «Ҳибатул ҳақойиқ»да буйруқ майлининг III шахс формасида [н] ундоши [в].га алмашади (*кэлсув<кэлсун, қалсув<қалсун, алсув<алсун, билсув<билсун каби*). Лекин [н] нинг [в] ўтиши ҳақида ҳозирги туркий тилларга нисбатан айтиш мумкин, тарихий нуқтаи назардан эса н>в эмас, балки ғ>в ҳодисаси кузатилади[192].

Бу фикр М. Ш. Ширалиевнинг ўзи уқдирганидек, тарихий нуқтаи назардан тасдиқланмайди, иккинчидан, бу форманинг *-сув/-сув* эмас, балки *-су/-су* тарзида бўлишини бошқа тарихий фактлар ҳам тасдиқлайди («Қутадғу билиг»да буйруқ-истак майлининг *барайын, билəйин* типидаги I шахс бирлик формасидан [н] тушиб қолиб, *барайы, билəйи* формасида қўлланишини эсланг — § 7, Сноска № 20).

Қисқаси, *-су/-су* ва *-суны/-суни* формаларининг пайдо бўлиши, характери ҳали аниқланган эмас. Агар бу формаларнинг истеъ-

---

189 Юдахин К. К. Некоторые особенности карабулакского говора.— «Ўзбек диалектологиясидан материаллар». I том. Тошкент, 1957, 36-бет; Мухамеджанов К. Туркестанский говор узбекского языка, с. 23; Абдуллаев Ф. А. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси, 90-бет.

190 Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. II том, 67—68-бетлар.

191 Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности, с. 301.

192 Ширалиев М. К. Кыпчакские элементы в азербайджанском языке (на материале диалектов и говоров).— «Исследования по грамматике и лексике тюркских языков». Ташкент, 1965, с. 15.



www.ziyouz.com kutubxonasi

мол доираси шеърий текстлар билан чегараланганини ҳисобга олсак, бу формалар шеърият талаби билан вужудга келган ҳодисадир, деган мулоҳазани айтиш мумкин бўлади. Лекин ўрхун текстларида *-зу/-зү* формасининг ва ҳозир шимолий ўзбек шеваларида *-су/-сү* формасининг мавжудлиги бу фикрни тасдиқламайди.

Буйруқ-истак майли III шахс аффиксининг *-сын/-син* формасида ишлатилиши туркий тилларда нисбатан кейинги ҳодиса бўлиб, унинг ёзма манбаларда акс этиши XIII—XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, бу форма тарихан ўғуз ва қипчоқ группасидаги туркий тиллар учун хос бўлган. Масалан, озарбайжон тилига оид ёзма манбаларда бу аффикснинг *-сун/-сүн* ва *-сын/-син* формалари параллел қўлланган. Қиёсланг: *дурсун, душсун, сахласын, кэтирсин, гылсын//гылсун, кэлсин//кэлсүн*[193]. Қипчоқ тилларига оид бўлган XIV аср ёдгорлиги «Кодекс куманикус»да ҳам шу ҳол кузатилади (*барсын, билсин, болсун, өлсүн* каби). Шу даврга оид филологик асарларнинг ҳам кўпчилигида бу формаларнинг иккаласи қайд қилинган. Қиёсланг: *бовузласун//бовузласын, сөйләсин*[194], *қашынсун, аш болсун, чызсын*[195]. Лекин «Китобул идрок»да фақат *-сун/-сүн* формаси кўрсатилган: *сынсун, кэлсүн, тағалсунлар, кэлсүнләр*[196]. Бу аффикснинг *-сын/-син* формасида қўлланиши Олтин Ўрда группасидаги адабий ёдгорликлардан «Гулистон бит туркий»да учрайди, яъни бу асарда *-сун/-сүн* билан бир қаторда *-сын/-син* формаси ҳам қўлланган[197]: *башыны й а н ч м а с ы н* (СС, 18б). *Суруң, иләйимдән к э т с и н* (СС, 21б). *Сэн эйгү бол, йаман д э с и н халāйиқ* (СС, 62б).

Буйруқ-истак майлининг III шахс аффикси ўзбек тилида XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар лаб унлиси билан келган *-сун/-сүн* формасида қўлланган. XIX асрдан бошлаб, масалан, Муқимий, Фурқат асарларида *-сун/-сүн* формаси билан бир қаторда *-сын/-син* формаси ҳам қўллана бошлаган. Ўзбек ёзма адабий тилида бу формаларнинг параллел қўлланиши асосан 1930 йилларгача давом этган. Маълумки, ҳозирги ўзбек адабий тилида ва кўпчилик ўзбек шеваларида бу аффикс *-син(-сын/-син)* формасида ишлатилади. Унинг лаб унлиси билан келган *-сун/-сүн* формаси айрим ўзбек шеваларида, асосан, «ж»ловчи шеваларда кузатилади (*турсун//турсын*)[198].

---

[193] Р ә һ и м о в М. Азәрбајҹан дилиндә фе'л шәкилләринин формалашмасы тарихи, 12-бет.

[194] З и я е в а М. Т. Исследование памятника XIV в. «Китāб ат-туҳфат уз-закиййа фил-луғат-ит туркиййа», с. 14.

[195] Ю н у с о в А. Исследование памятника XIV в. «Таржуман туркӣ ва 'ажамӣ ва мугалӣ», с. 16.

[196] Р а с у л о в а Н. А. Исследование языка «Қитāб ал-идрāк ли-лисāн ал-атрāк» Абӯ Хаййāна, с. 14.

[197] Ф а з ы л о в Э. И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века, с. 179.

[198] Ш о а б д у р а ҳ м о н о в Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Тошкент, 1962, 162-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Буйруқ-истак майлининг III шахс аффикси ҳозир ҳам ҳар бир туркий тилнинг ўзига хос фонетик қонуниятига мувофиқ равишда турли формаларда ишлатилади.

Буйруқ-истак майлининг III шахс кўплик формаси туркий тиллар тарихида ҳам, ҳозир ҳам бирлик формасига *-лар/-лəр* аффиксини қўшиш асосида ҳосил бўлади. Ёзма ёдгорликларда *-лар/-лəр* аффикси буйруқ-истак майли III шахс бирлигининг *-зун/-зүн, -сун/-сүн, -сын/-син* формаларига қўшилган бўлиб (*барзунлар//барсунлар//барсынлар, билзүнлəр//билсүнлəр//билсинлəр*), *-зу/-зү, -су/-сү, -суны/-сүни* аффиксли формаларига қўшилиши учрамайди.

§ 47. «Ўғузнома»да буйруқ-истак майлининг III шахс бирлик формасидаги *болсун* феълига баъзан II шахс бирлик аффикси *-ғыл* қўшилиб келган: *Тамға бизгə болсун буйан, көк бөри болсунғыл уран* (ЎН, 32). *Тағурақ басыб, астырыб йоқ болсунғыл дэб,...* (ЎН, 34). *Эй қағанум, сэңə йашағу болсунғыл узун* (ЎН, 57).

«Ўғузнома»да учрайдиган *болсунғыл* типидаги формани А. М. Шчербак буйруқ майлининг III шахс формаси асосида ҳосил бўлган «қатъий буйруқ формаси» (категорический императив)[199], деб атайди. Н. А. Баскаковнинг фикрича, бу форма буйруқ майли III шахсининг архаик формасини ташкил этади[200].

Бизнингча, *болсунғыл* типидаги формани буйруқ-истак (ёки буйруқ) майлининг махсус формаси ёки архаик формаси эмас, балки диалектал форма сифатида қараш тўғрироқ бўлади. Чунки, биринчидан, бу форма фақат «Ўғузнома» тили учун хос бўлиб, бошқа манбаларда учрамайди, ҳозирги туркий тилларда ҳам қўлланмайди. Иккинчидан, бу форма «Ўғузнома»да ҳам *бол-* феълидангина ҳосил бўлган. Учинчидан, юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, *болсунғыл* формаси маъно жиҳатдан буйруқ-истак майлининг одатдаги *болсун* формасидан фарқ қилмайди.

§ 48. Буйруқ-истак майли III шахс аффиксининг этимологияси, таркиби масаласи бўйича баъзи мулоҳазалар айтилган. Н. А. Баскаков буйруқ-истак майлининг III шахс формасини ясовчи *-сын/-син//-сун/-сүн* аффиксини келиб чиқиши ва семантикаси бўйича шарт феълининг *-са/-сə* аффикси билан бир группага киритади. Унинг кўрсатишича, *-сын/-син//-сун/-сүн* аффикси ҳам шарт феълининг *-са/-сə* аффикси каби дастлаб феълнинг *-ғу/-гү, -ғы/-ги* аффиксли ҳаракат номи (имя действия) формасига қўшилган, иккинчидан, *-сын/-син//-сун/-сүн* аффикси икки қисмдан (*сы+н...*) иборат бўлиб, биринчиси (*-си*) маъно ва функциясига кўра шарт феълининг *-са/-сə* аффикси билан бир манба

---

[199] Щербак А. М. Огуз-наме. Мухаббат-наме. М., 1959, с. 64.

[200] Баскаков Н. А. К вопросу о происхождении условной формы на -са/-се в тюркских языках.— «Академику Владимиру Александровичу Гордлевскому к его семидесятипятилетию. Сборник статей», М., 1975, с. 48.



www.ziyouz.com kutubxonasi

асосида ривожланган, иккинчиси (*-н*) эса маъно ва функцияси жиҳатидан ўтган замон сифатдошини ясовчи *-ган/-гән* аффикси таркибидаги *-н* билан боғлиқдир (*-ғы/-ги+-сы/-си+н*): *ал+ыгь+сын>ал+сы+н*[201].

Г. И. Рамстедт билан В. Л. Котвич ҳам буйруқ-истак майли III шахс аффиксининг асоси *-сы*[202] ёки *-су*[203] эканлигини қайд қилганлар. Лекин булар *-сын (-сун)* аффикси таркибидаги *-сы (-су)* ва *н* формантларининг характери, келиб чиқиши ҳақида гапирмайдилар. В. Л. Котвич *-сы* аффиксининг функцияси фақат III шахс формасини ясаш билан чегараланмаган бўлса керак, деган фикрни айтади. Бунда автор *-сы* аффиксининг якут тилида -ti (*ты*) формасида қўлланиши ва кейингисининг I шахс формасини ясашда ҳам иштирок этиши фактига асосланган[204].

Бизнингча, буйруқ-истак майлининг III шахс формасини ясовчи *-сун/-сүн (-сын/-син)* аффиксининг келиб чиқиши, таркиби масаласи бўйича Н. А. Баскаковнинг мулоҳазаси мавжуд тил фактларига асосланган бўлиб, анча ишонч ҳосил қилади.

**§ 49.** Буйруқ-истак майли III шахс формасининг маъноси. Эски ўзбек тилида бу форма ҳам буйруқ-истак майлининг бошқа формалари каби иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) буюриш, чақириш, даъват этиш, маслаҳат бериш, илтимос қилиш, сўраш, истак, тилак каби маъноларни ифодалашда қўлланган. Лекин бунда иш-ҳаракатнинг бажарувчиси нутқ процессида иштирок этмайди, унга II шахс орқали мурожаат қилинади:

1. Буйруқ маъносини ифодалайди: *Муҳāҗирлар тақы-оқ эвләрини сизгә бэрсүнләр... ва анлар эвләриндин чықсунлар* (Таф., 81а). *Йусуф айды: ул йэтти ашлық тэрсүнләр* (Рабғ., 60а). *Талай турур йэрни уруғуңға бэрдүрсүн, дэб дэди* (ЎН, 58). *Мэн барғынча ул күвәчкә ҳэч кимэрсә чөмчә қатмасун* (НФ, 28).

*Киши кирмәсү бағчылар бағынға,*
*Тавар сурмасунлар ҳам тарлағларынға* (ХШ, 96).
*Йыбарды кимсә ким, Шэрүйа кэлсүн,*
*Нэ ким сорсам, җавāбын арз қылсун* (Нав. ФШ, 210).
*Бэгләри барчасы атлансунлар,*
*Атланыб барчасы қатлансунлар* (ШН, 207).

*Батрақ йэтә кэлсүнләр ким, Хисрав шāҳның аскар кишиси бузулуб, пāдшāҳ қуллуғыға кэлгүсидүр...* (БН, 150). *Қара хāн элгә киши йыбарды, тэз кэлсүнләр, авға чықа-мэн тэб* (Ш. тар., 16).

---

[201] Баскаков Н. А. К вопросу о происхождении условной формы на -са/-се в тюркских языках, с. 48.
[202] Рамстедт Г. И. Введение в алтайское языкознание (Перевод с немецкого). М., 1967, с. 83.
[203] Котвич В. Исследование по алтайским языкам, с. 261.
[204] Ўша жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Контекстда *буйур-, ҳукм қыл-//ҳукм әйлә-, ҳукм бол-, фармāн қыл-//-фармāн әйлә-, амр қыл-* каби сўзлар бўлганда, буйруқ-истак майлининг III шахс формаси ифодалаган буйруқ маъноси яна ҳам конкретлашади: *Тақы Умар ҳам буйурды ким, чәрикка айтғыл, тā йүкләрин йүкләсүнләр* (Таф., 91а).

*Бу сөзләрни эшитти эрсә шāҳзāд,*
*Буйурды ким, оқуңлар, кәлсү Фарҳāд* (ХШ, 63б).
*Амр қылды ким, малāйик сарбасар,*
*Сажда қылсун ким, будур хайрāн башар*
(Нав. ЛТ, 127).

*Ҳукм болды ким, Қāбулны тапыб кәлтүрсәнләр* (Нав. МН, 254). *Фармāн болды ким, бу ташны атсун йана мән барғунча йана бир ташны таййāр қылсун* (БН, 432).

*Әйләди ҳукм ким, қатлансунлар,*
*Бир ай өткәч чәрик атлансунлар* (ШН, 179).
*Хāн чықыб, әйләди фармāн билә жар,*
*Ким Бухāрāдын йығылсун лашкар* (ШН, 194).

*Хāн ҳукм қылды ким, ҳэч мэндин қалмасун тэб* (Ш. тар., 21—22).

2. Иш-ҳаракатни бажаришга (ёки бажармасликка) чақириш, даъват этиш, маслаҳат бериш каби маъноларни ифодалайди: *Тақы атаңға айғыл кәчмиш-бармышны қойсун, қызыны йараштурсун* (Рабғ., 42б).*Сэңә бир ҳийла өгрәтәйин, ул жāдуны аның ортасынға атсунлар* (Таф., 38б). *Мажлисда сөзләйүр болсаң, көзүң ул дарвиш саҳāбалардын кәтмәсүн* (НФ, 380).

*Бурун бары оқуң, кәлсүн, көрәлиң,*
*Сачыб алтун-күмүш арсықтуралың* (ХШ, 63а).
*Қойа бэр кэ, қылсун āйāн душманы,*
*Кэ бардур адāват адувның фаны* (Нав. МҚ, 136).
*Қызыны той қылыб бэрсүн аңа,*
*Шайлық асбāбыны айырсун аңа* (ШН, 170).

*Ҳар ким... бу афъалны эшитсә, лаънат қылсун* (БН, 83). *Агар урушур ҳавасы болса, тэз кәлсүн* (Ш. турк, 51).

*Болсā умидиңиз агар биздин,*
*Манфаат көрмәсин бирәв сиздин* (Муқ., 51).

3. Истак, тилак, иш-ҳаракатни бажаришга хоҳиш билдириш каби маъноларни ифодалайди: *Салāматлық болсун сизләргә* (Таф., 69а). *Қāбилниң өфкәси кәлди, мэн Ҳāбилни өлтүрәйин, қыз йэмә халифалық мэңә қалсун, тэди* (Рабғ., 10а). *Күлгәнләрини тақы эшитәйин, көңлүм хуш болсун* (НФ, 107—108).

*Мурāдыңға саāдат йāр болсун,*
*Улаш эзгү вужудуң бар болсун* (ХШ, 28б).
*Қийāмат көркүсин ҳуснуңға нэ сөз,*
*Йырақ болсун жамāлыңдын йавуз көз* (МН, 296б).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йузүң хуршид-тэк табанда* *б о л с у н,*
*Җамāлың тā абад пāйāнда* *б о л с у н* (Отойи, 50а).

*Хаста қуллар үчүн ҳақ таāлā ул ҳумайунны хасталығдын* *а с р а с у н* (Нав. МН, 14).

*Йығлабан дэди кэ, раҳмат сизгэ,*
*Таңри* *б э р с ү н,* *басэ, қувват сизгэ* (ШН, 52).
*Худāи таāла сизгэ узақ йаш* *б э р с ү н* (Ш. турк, 149).
*Өз иши бирлэн агарчэ сормагай аварадур,*
*Ҳар нэчүн болса,* *ā м ā н* *б о л с у н* *қадрдāн, ассалāм*
(Муқ., 108).

4. Иш-ҳаракатнинг бажарилишини илтимос қилиш, сўраш каби маъноларни ифодалайди: *Агар аймышың сөз рāст эрсэ, ...мэним бу көрмэз көзүмни* *к ө р э р* *қ ы л с у н* (Таф., 129а). *Ҳэч оғлум йоқ, дуā қылың, изи Азза ва Җалла мэңэ оғул* *б э р с ү н* (Рабғ., 52б).

*Иккинчи ҳāҗатым сэндин эрүр ул:*
*Мэңэ кāбинсизин шāҳ сунмасун қол* (ХШ, 94а).

*Илтимāс қылылды ким, мэни Сāдати Мусриҳ гористāныда* *д а ф н* *қ ы л д у р с у н* (Нав. МН, 60). *Ақасы Көким Бақуйға киши йыбарды, мэн қача билмэй-мэн, ақам кэлыб* *а л а* *к ө р с ү н* *тэб* (Ш. тар., 63).

*Йэтсэ гар өз қолларыға бу хатым,*
*Қ а л м а с у н,* *албатта, тақсир, бэҗавāб* (Муқ., 113).
*Қасида айғыл ошал дилдāрға,*
*Бир* *т а р а ҳ ҳ у м* *э й л э с ү н* *мэн зāрға* (Фурқ. I, 45).

Буйруқ-истак майлининг III шахс формаси ифодалаган илтимос, сўраш маънолари баъзан иш-ҳаракатни бажаришни (ёки бажармасликни) талаб қилиш, бажарувчини шунга мажбур қилиш каби оттенкаларга ҳам эга бўлади: *Отлағымызны, сувлағымизны қурытур, мундын* *ч ы қ с у н* (Рабғ., 30б). *Йā Рузвāн, қозғыл, қатлмағыл, учмақ ичиндэ* *қ а л с у н* (Таф., 10б).

*Йазуқум бар эрсэ,* *а й с у н,* *билэйим,*
*Түлэнү сөзлэшиб, узрум қолайым* (ХШ, 81а).
*Албатта* *к э л с ү н,* *ҳāлымны* *с о р с у н,*
*А н д и ш а* *қ ы л с у н* *рози җазāға* (Муқ., 121).

5. Буйруқ-истак майлининг III шахс формаси *деб (тэб, дэбэн)* феъли билан бирга қўлланганда, мақсад маъноси ифодаланади: *Оғлыны җадуларда җадулуқ* *ө г р э н с ү н* *т э б* *қозмыш эрди* (Таф., 129а). *Фақирлар* *э ш и т м э с ү н л э р* *т э б,* *ақру-ақру сөзлэшү бардылар* (Рабғ., 146б). *Йусуфнуң көңли* *а ч ы л с у н* *т э б,* *алыб саҳрāқа чықтылар* (НФ, 112).

*Қэтэрмэзлэр ниқāб эл* *к ө р м э с ү н* *т э б,*
*Йаман көзлүг бақыб захм* *у р м а с у н* *т э б* (ХШ, 13а).


www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қийāматқа тэгин* *қ а л с у н* *атың т э б,*
*Сэниң табқуңда болдум āшинā мэн* (МН, 312а).
*Ул элик ким, сувдын арықтур, йувмас аны сувда,*
*Балки сувны* *п ā к* *б о л с у н* *д э б э н* *элки бирлэ йувур*
(Отойи, 24а).

*Фирāқнāма ким йыбарылыбтур, тасвир* *қ ы л ы л с у н* *д э б, аны тасвир қыла алур киши устāд Бэҳзāддур* (Нав. Мнш., 9). *Ул сабабдын Арсāри байның оғланларыға киши йубарды, қāрындашларыны* *а л с у н л а р* *т э б* (Ш. тар., 74).

*Итиң көрсэм, мэңэ* *у н с* *э й л э с у н* *д э б,*
*Бэрүр-мэн гāҳ көңүлни, гāҳ бағирни* (Мунис, 24).

Мисолларда буйруқ-истак майли III шахс формасидаги феъллар *дэб* феъли билан бирга мақсад эргаш гапнинг кесими вазифасида келган. Лекин бунда мақсад маъноси асосан буйруқ-истак майлининг III шахс формаси орқали ифодаланган, *дэб* феъли эса боғловчи вазифасида келган бўлиб, мақсад маъносини ҳам кучайтиради.

Буйруқ-истак майлининг III шахс формаси *дэб* феълисиз ҳам мақсад маъносини ифодалай олади. Бундай ҳолларда *дэб* вазифасини *ким(кэ), тā* боғловчилари бажаради. Қиёсланг: *Уларға анча азуқ бэриң* *к и м,* *йолда қапларын, изишлэрин* *а ч м а с у н л а р* (Рабғ., 63а).

*Ыза бэр қāсиди* *к и м,* *анда* *б а р с у н,*
*Ошул тағ қазғучы Фарҳāдны* *к ө р с ү н* (ХШ, 68а).

*Бу васила билэ ҳайāл қылылды* *к и м,* *ул āлий мақсудқа йэткэй, давлат үзэ афзан-у иқбāл* *ҳ а м и д у н* *б о л с у н* (Нав. Мнш., 10).

*Қайсы дэди: бат алыбан қуръāн,*
*Эйлэдиң, шарт* *к э,* *й э т с ү н* *икки хāн* (ШН, 146).

*Оғуз элинэ йыбарайын дэй турур мэн,* *т ā* *уларның көңли* *р ā з и* *б о л с у н* (Ш. тар., 59).

Кесими буйруқ-истак майлининг III шахс формасидаги феъл билан ифодаланган мақсад эргаш гапни бош гапга боғлаш учун *тā* боғловчиси билан бирга *дэб* боғловчиси ҳам ишлатилиши мумкин: *Ҳар сазны өзгэ авсāф бирлэ āлий қадар ҳāл таърифқылынды,* *т ā* *аҳли табиатлар андын ан-дэк* *т а л л а з з у з и* *к а с б* *қ ы л с у н* *д э б* (Аҳмадий, 321—322а).

6. Буйруқ-истак майлининг III шахс формаси қарғаш, лаънатлаш, афсусланиш каби маъноларни ҳам ифодалайди. Ушбу форманинг бундай қўлланиши асосан шеърий асарларда учрайди:

*Йүзи* *қ а р а* *б о л с у н* *көзүм, андын кэрэр-мэн бу балā,*
*Й о қ* *б о л с у н* *ул көңлүм мэниң ҳэч кирмэди фармāныма*
(Сакк., 17б).
*Қ а р а р с у н* *ушбу мэниң тāлэим кэ хасрат илэ,*
*Башым ақарды-йу болман қарыб ҳазратыда*
(Отойи, 58б).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йаман кāтиб манзили қаламдāны-дэк чаҳ ара* *б о л с у н*, *қаламы-дэк башы йара-ву йӱзи қара болсун* (Нав. МҚ, 31).

*Бāзāр чықмай энди зинҳāр, арāба* *қ у р с ы н*,
*Тā кэлгэниңчэ әйләр бэзāр, арāба* *қ у р с ы н*
(Муқ., 81).

*Х ā к* *б о л с у н* *ул танэ ким, ишқ отыда кӱймәсә,*
*З э р и п ā* *б о л с у н* *сарэ ким, анда савдā бомаса*
(Фурқ. I, 22).

7. Буйруқ-истак майлининг III шахс формаси риторик сўроқ гапнинг кесими вазифасида келиб, аниқлик майлидаги феъл функциясини бажаради. Бунда иш-ҳаракатнинг бажарилишига (ёки бажарилмаслигига) қатъий тус берилади. Бу форма бўлишли аспектда келганда, инкор маъноси, бўлишсиз аспектда келганда эса тасдиқ маъноси англашилади: *Зулайхāның көңлундәки ишқны* *н э т ә к* *б и л с ӱ н?* (Рабғ., 51а).

*Аның ким мāлы көптӱр, қазғусы бар,*
*Қарақчыдын* *н э* *қ о р қ с у н* *йоқсул, эй йāр?* (ХШ, 58а).
*Кишиниң сэнсизин нэ жāны* *б о л с у н?*
*Аның-тэк умрның нэ саны* *б о л с у н?* (МН, 296б).
*Көргӱзӱр-сэн ағызны ханда билә,*
*Жāн* *н э ч ӱ к* *б о л м а с у н* *адам сэндин?* (Лутф., 220б).

*Сафар қылмаған āрāм фарāғатын* *қ а й д а* *б и л с ӱ н?* (Нав. МҚ, 154—155).

*Қул эдиләр бары,* *н э* *қ ы л с у н л а р?*
*Шāҳның аллыға* *н э* *н а в* *к э л с ӱ н л ә р?* (ШН, 101).
*Ваҳ,* *н э ч ӱ к* *ҳ ā р* *о л м а с у н* *Мунис кэ, болмышлар азиз*
*Билмәгәнләр аны ким, нэдӱр ағыз, нэдӱр бурун*
(Мунис, 192).

Келтирилган мисолларда буйруқ-истак майлининг III шахс формасидаги *(нэтәк) билсӱн* феъли «билмайди», *(нэ) қорқсун* феъли «қўрқмайди» маъносида қўлланган ва ҳоказо.

8. Буйруқ-истак майлининг III шахс формасидаги феъллар айрим манбаларда тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида ҳам қўлланган. Мисоллар: *Бахил бэҳиштқа кирмәс, агар(чә) саид* *б о л с у н* *ва сахий тамуғқа бармас, агарчэ бандаи хабаши* *б о л с у н* (Нав. МҚ, 111).

*Хāҳ назм-у хāҳ наср* *о л с у н* *фазилат аҳлы-дэк,*
*Хāрлығ дāмāнығā чэкмиш айақ йэкбāра сөз*
(Мунис, 21).

Бу мисолларда *болсун, олсун* феъллари «бўлса ҳам» маъносида қўлланган.

§ **50**. Алишер Навоий асарларида буйруқ-истак майлининг III шахс маъносида *-сун/-сӱн* аффиксли *барсун, кэлсӱн* типидаги форма билан бир қаторда **-дик** (دیک) аффиксли *бардик, кэл-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*дик* типидаги форма ҳам қўлланган. Жарангсиз ундош билан тугаган феълларга қўшилганда *-дик* аффикси таркибидаги жарангли [д] ундоши жарангсиз [т] ундошига ўтиб, **-тик** (تیک) формасига эга бўлади (*қачтик, ичтик*). Лекин бу аффикс танглай ва лаб гармониясига мувофиқлашмайди, яъни феъл ўзагининг қандай бўлишидан қатъи назар фақат юмшоқ талаффуз қилинувчи *-дик* (دیک) ёки *-тик* (تیک) формасида қўшилади (Қиёсланг: *алдик — бэрдик, бардик — кэлдик, қачтик — ичтик*)[205].

Буйруқ-истак майлининг III шахс формасини ясовчи *-дик(-тик)* аффикси Навоий асарларида асосан бир бўғинли феълларга қўшилган. Мисоллар:

*Эмди өз ҳāлыдадур, б э р д и к жҷ а в ā б,*
*Улча биз аңа аввал қылдуқ хитāб*
(Лисонут тайр).
*Чэкибтүр саъй этиб бисйāр-бисйāр,*
*Й у в д и к баштын айақ зинҳāр-зинҳāр.*
*Йувғандын соң суйуб айвāндын а л д и к,*
*Харирин сувға йāҳуд отға с а л д и к*
(Фарҳод ва Ширин).
*Қан киби көргэн шаҳи āзāданы,*
*К ө р д и к аның гавҳари шаҳзāданы*
(Ҳайратул аброр).
*Муны б и л д и к кэ, симийāдур бу,*
*Ҳис қашыда ғалатнамāдур бу*
(Сабъаи сайёр).
*Ул дағы и ч т и к-у х у ш ҳ ā л о л д и к,*
*Ғам-у мэҳнат аңа п ā м ā л о л д и к*
(Фавоидул кибор).
*Навāий сэвди бир лолини, к э з д и к рубъи маскунда,*
*Агар арлат, агар барлас, агар тархāн, агар сулдуз*
(Ғароибус сиғар).
*Ким кэ қөңлин истэмэс, ғамгин тилини а с р а д и к,*
*Ким тилин тыйған кишини көңлидэ āзāр эмэс...*
*Тэлба көңлүмни, Навāий, забт эйлэй алмадың,*
*Эмди чэк андын элик ҳар сары б а р с а б а р д и к*
(Наводируш шабоб).

Келтирилган мисолларда *-дик(-тик)* формасидаги феъллар буйруқ-истак майлининг ҳозирги ўзбек тилидаги *-син* аффиксли

---

[205] Навоий асарларида буйруқ-истак майлининг III шахс кўрсаткичи сифатида қўлланган *-дик (-тик)* аффиксини ҳозирги ўзбек адабий тилида ўтган замон феълининг *бордик, келдик* типидаги I шахс кўплик формасини ясовчи -дик аффикси билан ыориштирмаслик керак. Навоий асарларида, умуман, эски ўзбек адабий тилида ўтган замон феълининг I шахс кўплик формасини ясовчи аффикс асосан лаб унлиси билан *-дуқ/-дүк//-туқ/-түк* формаларида ишлатилган. Масалан: *бардуқ, кэлдүк, болдуқ, көрдүк, қачтуқ, ичтүк, туттуқ, көчтүк* (*Қаранг:* Ш у к у р о в Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти, 28—29-бетлар).


www.ziyouz.com kutubxonasi

III шахс бирлик формаси маъносида қўлланган (Қиёсланг: *бэрдик жавāб* — «жавоб бэрсин», *йувдик* — «ювсин», *алдик* — «оласин» *салдик* — «солсин» ва ҳоказо).

*-дик(-тик)* аффиксли буйруқ-истак майлининг кўплик формаси одатдагидек *-лэр* аффикси ёрдамида ҳосил бўлади. Масалан:

*Ватанға йаныб халқ, āсуда дил,*
*Бары биздин о л д и к л а р аммā биҳил.*
(Садди Искандарий).
*Жунунымдын пари ройумға садда гар асар қылса,*
*Б и т и д и к л э р  көзи көңлум қушыдын төксэ қан таъвиз*
(Бадоиул васат).

§ 51. Буйруқ-истак майлининг *-дик(-тик)* аффиксли III шахс формаси кўпдан бери тадқиқотчилар диққатини жалб этиб келади. Эски ўзбек тили, хусусан, Навоий асарлари бўйича тузилган тарихий луғатларда ҳам бу форма ҳақида маълумотлар берилиб, Навоий асарларидан мисоллар келтирилган ва бу форма ҳақида баъзи мулоҳазалар ҳам айтилган[206]. Масалан, Мирза Меҳдихон буйруқ-истак майлининг III шахс формасини ясовчи *-дик(-тик)* аффиксини ўхшатиш маъносини ифодаловчи *-дэк* аффикси билан тенглаштиради[207]. «Абушқа» луғатида *-дик(-тик)* аффиксли форма буйруқнинг III шахс маъносини ифодалайди, деб таъкидланиши билан бирга, бир ўринда бу формага равишдош маъноси берилади, яна бошқа бир ўринда эса ўтган замон феълининг II шахс маъносида ҳам қўлланиши ҳақида гапирилади[208]. *-дик(-тик)* аффиксли форманинг маъносини аниқлаш ва изоҳлашда луғат автори томонидан маълум чалкашликларга йўл қўйилганга ўхшайди. Чунки Навоий асарларида бу форма фақат буйруқ-истак майлининг III шахс маъносида қўлланган.

Буйруқ-истак майлининг III шахс маъносини ифодаловчи *-дик (-тик)* аффиксли форма сўнгги вақтларгача фақат Навоий тили учун хос бўлган ҳодиса сифатида изоҳланиб, Навоийнинг шеърий асарларидангина мисоллар келтирилар эди. Масалан, бу форма ҳақида гапирилган сўнгги ишлардан бирида *-дик* аффиксини махсус морфологик кўрсаткич сифатида ажратиш учун ҳозирча асос йўқ, деган фикр айтилади ва бу форманинг Навоий асарларида буйруқ-истак майли маъносида қўлланиши шоир тилининг соф индивидуал хусусиятларини ташкил этувчи ҳодисалар жумласига киритилади[209].

Кейинги йилларда ушбу форманинг қўлланиш доираси анча

---

[206] *Қаранг:* Боровков А. К. Алишер Навоий как основоположник узбекского литературного языка, с. 113—115; Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка, с. 158—159.

[207] The Mabâni 'l-lughat being a grammar of the turki language in Persian yb Mirzâ Phân. Ed. E. Denison Ross. Calcutta, 1910, P. 88.

[208] *Қаранг:* Боровков А. К. Кўрсатилган асар, 114—115-бетлар.

[209] Щербак А. М. Кўрсатилган асар, 159—160-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

кенг эканлиги аниқланди ва бу форма ҳақидаги маълумотлар ҳам бирмунча кенгайди.

Биринчидан, бу форма Навоийнинг шеърий асарларидагина эмас, балки прозаик асарларидаги насрий текстларда ҳам ишлатилган. Масалан: *Ва ҳар кишигә бу бāбда тараддуд болса, ...ул китāбны а л д и к  в а бу маҳаллини тапыб н а з а р  с а л д и к ва б и л д и к кэ, улча мэн таърифида таҳрир қылыб-мэн, тақсир қылыб-мэн* (Муҳокаматул луғатайн). *Дэвāн түгәгәндин соңра алар хизматыға элтиб, муқāбала истидъāсы қылынды. Алар айттылар: Бир-икки күн мунда т у р д и к, биз миқдāрэ мулāҳаза қылалы* (Хамсатул мутаҳаййирин).

Иккинчидан, бу форма XIV аср охири ва XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган ўзбек шоири Хўжандийнинг «Латофатнома» асарида ҳам бир ўринда шу маънода қўлланган (Кобулда сақланаётган қўлёзма нусхасида):

*Сачың белгә йетәр билинсә сач-тэк,*
*Сачың чын мушк-у анбар с а ч с а  с а ч т и к*[210].

Учинчидан, кейинги йилларда бу форманинг Жанубий Тожикистондаги ўзбек қорлуқлари нутқида ҳам мавжудлиги ва шу маънода қўлланиши аниқланди. Лекин бу шевада, шу шевани махсус текширган Т. Йўлдошевнинг кўрсатишича, ушбу аффикс [а] унлиси билан *-даг, -таг, -лаг* формаларида талаффуз қилинади: *и: шладаг* (ишласин), *би: ширтаг* (пиширсин), *келлаг* (келсин)[211].

Бу фактлар буйруқ-истак майлининг III шахс маъносини ифодаловчи *-дик(-тик)* аффиксли форма Навоий тилида сунъий равишда пайдо бўлган одатдан ташқари ҳолат эмас, балки маълум диалектал асосга эга бўлган реал ҳодиса эканлигини кўрсатувчи далиллардир.

§ 52. Буйруқ-истак майли III шахс формасини ясовчи *-дик (-тик)* аффиксининг э т и м о л о г и я с и, т а р к и б и каби масалалар бўйича туркологик адабиётларда ҳар хил фикрлар айтилган.

Қ. Менгес *-дик* мураккаб аффикс эканлигини таъкидлаб, уни қуйидагича уч қисмга ажратади: 1) **д** — ҳаракат номи (отглагольное имя) формасини ясовчи аффикс; 2) **и** — эгалик аффикси; 3) **к** — юклама (к<өк), яъни *бар+д+ы+өк>бардик*[212] К. Брокельманнинг фикрича, бу аффикс *дик(тик)* равишидан ривожланган (Масалан, *дик турды//тик турды*)[213]. А. М. Шчербак бу фикр-

---

[210] Ходжанди. Латафат-наме (Книга о красоте). Введение, транскрипция текста, перевод, глоссарий, грамматический указатель Э. И. Фазылова. Ташкент. 1976, с. 24.

[211] Юлдашев Т. Узбекские говоры Южного Таджикистана. АКД. Ташкент, 1968, с. 22.

[212] Menges K. H. Das Čaγatajische in der persischen Darstellung von Mirzā Mahdi Hān. — «Abhandlungen der Geistes- und Sozialwissenschaftlichen Klasse». Nr 9. Akademie der Wissenschaften und der Literatur. Mainz, 1956, S. 684.

[213] Brockelmann C. Osttürkische Grammatik der islamischen Literatur-Sprachen Mittelasiens. Leiden, 1954, S. 225.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг иккаласи ҳам асоссиз эканлиги ҳақида гапириб, буйруқ-истак майлининг (А. М. Шчербакда — «предлагательно-желательное наклонение») III шахс формасини ясовчи *-дик(-тик)* аффиксини ўхшатиш маъносини ифодаловчи *-дэк* аффикси билан боғлайди[214]. Кейингисини эса *дэ-* (демоқ) феълининг ҳаракат номи (отглагольное имя) формаси деб қарайди ва ўхшатиш маъносини ифодаловчи *-дэк* аффикси Навоий тилида буйруқ-истак майлининг III шахс формасини ясашда ҳам иштирок этган, деган хулосага келади. Шунинг учун автор буйруқ-истак майлининг III шахс формасини ясовчи *-дик(-тик)* аффиксини ҳам [э] унлиси орқали *-дэк* формасида транскрипция қилган[215]. А. М. Шчербак буйруқ-истак майлининг III шахс формасини ясовчи *-дик(-тик)* аффиксининг ўхшатиш маъносини ифодаловчи *-дэк* аффикси каби унлилар гармониясига мувофиқлашмаслик ҳодисасига асосланиб шундай хулосага келган[216]. Бу фикр ҳам асосли эмасга ўхшайди. Чунки *-дэк* аффикси ёрдамида ифодаланадиган ўхшатиш маъноси билан феълнинг буйруқ-истак майли формаси ифодалайдиган маънолар ўртасида ҳеч қандай семантик боғланиш йўқ.

Туркий тиллар фонетикасига оид мавжуд фактлар асосида буйруқ-истак майлининг III шахс формасини ясовчи *-дик(-тик)* аффиксини бошқачароқ изоҳлаш мумкинга ўхшайди. Гап шундаки, биринчидан, туркий тилларда [т≈д] ва [с] ундошларининг алмашиниб келиши мавжуд ҳодиса бўлиб, бу ҳол адабиётларда қайд қилинган[217]. Масалан, бошқа туркий тиллардаги сифат ясовчи *-лы/-ли* аффикси олтой тилида *-сы/-си≈-су/-сү* ва *ду/-дү≈ -ту/-тү* формаларида параллел қўлланади: *ташсы≈таштү* (ўзб. тошли), *кумаксы≈кумакту* (ўзб. қумли)[218]. Буйруқ-истак майли III шахс аффиксининг якут тилида *-тын..., -дын...* каби формаларда қўлланиши ҳам характерли: *диэ+тин* (ўзб. десин), *бар+дын* (ўзб. борсин), *көр+дүн* (ўзб. кўрсин). Иккинчидан, туркий тилларда [н] ва [қ≈к] ундошларининг мослиги ҳам мавжуд. Қиёсланг: ўзб. *уятчан* (ёки *уятчанг*) — қ.-қалп. *уйалшакъ*.

Шу хилдаги фонетик ҳодисалар ҳисобга олинса, буйруқ-истак майлининг III шахс формасини ясовчи *-дик (-тик)* аффикси, эҳтимол, *-сын/-син(-сун/-сүн)* аффиксининг бошқача кўринишга эга бўлган диалектал варианти бўлиб чиқар.

---

214 Бундай фикр Мирза Меҳдихон томонидан ҳам айтилган (*Қаранг;* § 51).

215 Бошқа тадқиқотчиларда бу аффикс [и] унлиси орқали *-дик* формасида берилган.

216 Щербак А. М. Грамматика староузбекского языка, с. 160.

217 Кононов А. Н. Происхождение прошедшего категорического времени в тюркских языках.— «Тюркологический сборник». М.—Л., 1951, с. 116; Баскаков Н. А. К вопросу о происхождении условной формы на -са/-се в тюркских языках, с. 52—53, 56, 60; Котвич В. Исследование по алтайским языкам, с. 261.

218 Баскаков Н. А. Кўрсатилган асар, 53-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ШАРТ МАЙЛИ

§ 53. Маълумки, ўзбек ва бошқа туркий тилларда шарт майли аффиксация йўли билан ясалувчи биргина *борса* типидаги формага эга бўлиб, бу майлнинг бошқа формаларини *э(р)-* ёки *бўл-(бол-)* феъли иштирокида ҳосил бўлувчи аналитик формалар ташкил этади (масалан, ҳозирги ўзбек тилида: *борса эди, борган бўлса, бораётган бўлса, борадиган бўлса, борган бўлса эди* каби).

Шарт майли масаласи эски ўзбек тилидагина эмас, балки ҳозирги ўзбек тили[1] бўйича ҳам етарли ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам ҳозирги ўзбек тилида шарт майлига доир қатор масалалар турлича талқин қилиниб келинмоқда. Шарт майли формаларининг замон категориясига муносабати, шарт майлининг аналитик формалари, уларнинг кўринишлари ва характери шундай масалалардандир.

Аффиксация йўли билан ясалувчи *борса* типидаги форма кўпчилик ишларда «ҳозирги-келаси замон шарт майли» («настоящее—будущее время условного наклонения»)[2], баъзи ишларда «келаси замон»[3] ёки «келаси замон шарт-истак феъли»[4] номи билан аталади. Тўлиқсиз феълнинг *эди* формаси иштирокида ҳосил бўлувчи *борса эди* типидаги аналитик форма кўпчилик ишларда шарт майлининг ўтган замон формаси (прошедшее время условного наклонения) сифатида қаралади[5], баъзи ишларда «ўтган-келаси

[1] Ҳозирги ўзбек тилидаги шарт майли формалари А. Азизованинг кандидатлик диссертациясининг текшириш объекти бўлиб, бу ишда ушбу формалар синтактик планда ўрганилган (Азизова А. Г. Условный период в современном узбекском языке (Канд. дисс.). Л., 1952).

[2] Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.—Л., 1960, с. 232—233; Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Ташкент, 1965, с. 163—164; Азизова А. Г. Ўзбек тилида шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар. Тошкент, 1955, 10-бет.

[3] Ҳозирги ўзбек адабий тили. I. Фонетика, лексикология, морфология. Тошкент, 1966, 285—286-бетлар.

[4] Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1966, 153-бет.

[5] Кононов. А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 233—234; Ғуломов А. Ғ. Феъл. Тошкент, 1954, 50-бет; Азизова А. Г. Ўзбек тилида шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар, 10, 16-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

замон шарт феъли» деб номланади[6]. Баъзи ишларда эса шарт майлининг ўтган замон формаси сифатида *борган бўлса* типидаги форма кўрсатилиб, *борса эди* типидаги форма «шарт-истак формаси» («условно-сослагательная форма») номи билан алоҳида групппага ажратилади[7].

Демак, кўпчилик ишларда ҳозирги ўзбек тилидаги шарт майли формаларида замон маъноси бор, деб қаралади. Баъзи ишларда эса бу формалар замон маъносига эга эмас, деган фикр айтилади[8] ёки бу формаларнинг замон категориясига муносабати тўғрисида умуман гапирилмайди[9].

Шарт майлининг *бўл-* феъли иштирокида ҳосил бўлувчи аналитик формалари ҳақидаги қарашлар яна ҳам хилма-хил. Масалан, А. Н. Кононов *борган бўлса, бораётган бўлса, борадиган бўлса* типидаги аналитик формаларни ва шу формаларга тўлиқсиз феълнинг *эди* формаси қўшилиши асосида ҳосил бўлувчи мураккаб аналитик формаларни (*борган бўлса эди* каби) «условная модельность» (шарт модаллиги) сарлавҳаси остида бирлаштириб, бу формалар шарт майли замонларини тўлдиради ва шарт майлининг замон оттенкаларини ифодалайди, деб изоҳлайди. Булардан *бораётган бўлса, борган бўлса, борган бўлса эди* типидаги формаларнинг ҳозирги ўзбек тилида актив қўлланишини таъкидлайди ва буларнинг биринчисини (*бораётган бўлса*) «настоящее конкретное время» (конкрет ҳозирги замон) иккинчи ва учинчисини (*борган бўлса, борган бўлса эди*) «прошедшее-перфективное время» (ўтган замон перфекти) номи билан атайди[10]. ЎзССР «Фан» нашриёти томонидан чоп қилинган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» номли коллектив асарда ҳам бу формаларнинг деярли ҳаммаси қайд қилинган. Лекин уларнинг замон турларига бўлиниши ҳам, номланиши ҳам бошқачароқ берилган, яъни *келган бўлса* формаси «ўтган замон», *келаётган бўлса* — «ҳозирги замон», *келаётган бўлса эди* — «ҳозирги-ўтган замон», *келадиган бўлса эди* — «ўтган-келаси замон» номи билан аталган[11]. Бошқа ишларда эса бу формаларнинг айримларигина қайд қилинган ёки умуман кўрсатилмаган.

Таркибида шарт феъли аффикси бўлган *борса экан, борса керак, борса бўлади* каби бирикмалар ҳақида ҳам ҳар хил қарашлар бор. Айрим ишларда бу бирикмалар ҳам шарт майли формалари қаторида берилади ва булар модал маъноларни ифодалов-

---

[6] Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили, 153—154-бетлар.

[7] Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, с. 168—171.

[8] Ҳожиев А. Феъл. Тошкент, 1973, 122-бет.

[9] Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1965, 84—85-бетлар.

[10] Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 234.

[11] Ҳозирги ўзбек адабий тили. I. Фонетика, лексикология, морфология. Тошкент, 1966, 285—286-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

чи формалар сифатида қаралади. Баъзи ишларда эса бу хилдаги бирикмалар ҳақида умуман гапирилмайди.

Эски ўзбек тилида шарт майли масаласи махсус текшириш объекти бўлган эмас. Маълум давр ёки ёдгорлик тилини ўрганишга бағишланган ишларда эса шу давр ёки ёдгорлик тилида истеъмолда бўлган шарт майли формалари ҳақида қисқа ва умумий маълумотлар берилган.

Шарт майлининг аффиксация йўли билан ҳосил бўлувчи *барса* типидаги формасини эски ўзбек тили учун шартли равишда «ҳозирги-келаси замон шарт феъли» (настояще-будущее время условного наклонения) номи билан атадик. Шунинг учун шартлики, биринчидан, бу форма эски ўзбек тилида (ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда ҳам) шарт маъносидан ташқари, сабаб, пайт, истак, илтимос, тўсиқсизлик каби маъноларда ҳам қўлланган, иккинчидан, бу форманинг конкрет маъноси контекст мазмунидан англашилади. Шарт майлининг эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган аналитик формалари яна ҳам хилма-хил ва мураккаб. Шунинг учун биз бу формаларни «Шарт майлининг аналитик формалари» номи билан бир группага бирлаштирдик. Уларнинг замон категориясига муносабати ва бошқа хусусиятларини эса ўз ўрнида баён қилиб борамиз.

## ҲОЗИРГИ-КЕЛАСИ ЗАМОН ШАРТ ФЕЪЛИ

§ 54. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли формасининг ҳосил бўлиши ва бу форманинг шахс-сон аффикслари билан тусланиши бўйича, агар яқут тилини ҳисобга олмасак, ҳозирги туркий тиллар ўртасида жиддий фарқ йўқ. Бу масалада ҳозирги туркий тиллар ўртасидаги фарқлар асосан шу формани ясовчи аффикснинг турли фонетик вариантларда қўлланишида кўринади. Бу эса ҳар бир туркий тилнинг ўзига хос фонетик қонунияти билан боғлиқ бўлган ҳодисадир[12]. Бу тилларда ҳозирги-келаси замон шарт феълига шахс-сон аффиксларининг қисқарган вариантлари қўшилади (*барсам, барзам,* каби). Тува тилида шарт феъли аффикси такрорланиб келади. Бунда биринчисининг таркибидаги кенг унли тор унлига ўтади (*-за/-зе*>*-зы/-зи*) ва шахс-сон кўрсаткичлари мана шу биринчи аффиксга қўшилади: *ал+зы+м+за* (олсам), *ал+зы+ң+за* (олсанг), *ал+зы+выс+са* (олсак), *ал+зы+ңар+за* (олсангиз, олсангизлар)[13] каби. Яқут тилида эса, бошқа туркий тиллардан фарқ қилиб, ҳозирги-келаси замон шарт феъли аффикси охирида [р] ундоши билан *-тар/-тәр* (турли фонетик вариантлари билан) формасида ишлатилади ва бу формага

---

[12] Баскаков Н. А. К вопросу о происхождении условной формы на -са/-се в тюркских языках.— «Академику Владимиру Александровичу Гордлевскому к его семидесятипятилетию. Сборник статей». М., 1953, с. 37—38.

[13] Исхаков Ф. Г., Пальмбах А. А. Грамматика тувинского языка. Фонетика и морфология. М., 1961, с. 400—401.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шахс-сон аффиксларининг тўла вариантлари қўшилади: *бар+дар+бын* (ўзб. борсам), *бар+дар+ғын* (борсанг), *бар+дар+быт* (борсак), *бар+дар+ғыт* (борсангиз), *барба+тар+бын* (бормасам), *диэ+тэр+бин* (десам), *көр+дөр+бун* (кўрсам), *ыл+лар+бын* (олсам)[14] каби.

§ 55. Ёзма манбаларнинг кўрсатишича, ҳозирги-келаси замон шарт феъли формасининг шаклланишида тарихан маълум ўзгаришлар юз берган. Бу ўзгаришлар, биринчидан, шу формани ясовчи аффикс таркибида, иккинчидан, бу форманинг шахс-сон аффикслари билан тусланишида содир бўлган.

Ҳозирги-келаси замон шарт феъли аффикси дастлаб *-сар/-сәр* формасида шаклланган бўлиб, кейинчалик унинг таркибидан [р] ундоши тушиб қолган ва *-са/-сә* формасига айланган (*бар+сар>бар+са, кэл+сәр>кэл+сә*).

Бу аффикснинг *-сар/-сәр* формаси, ёзма ёдгорликлардан маълум бўлишича, туркий тилларда маълум даврларгача истеъмолда бўлган. Ўрхун-енисей ёдгорликларида ва қадимги уйғур тилига оид текстларда ҳозирги-келаси замон шарт феъли аффикси мана шу *-сар/-сәр* формасида қўлланган, яъни бу манбаларда *барса, кэлсә* ўрнида *барсар, кэлсәр* формаси қўлланган[15].

XI асрдан бошлаб бу аффикс асосан *-са/-сә* формасида қўлланган. Масалан, XI аср ёдгорлиги «Девону луғотит турк»да ҳозирги-келаси замон шарт феъли аффикси фақат *-са/-сә* формасида учрайди[16]. Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи ҳам шарт феъли аффиксининг *-са/-сә* формасинигина кўрсатган[17]. Шу давр ёдгорлиги «Қутадғу билиг»да ҳам шарт феъли аффикси *-са/-сә* формасида

---

[14] Коркина Е. И. Наклонения глагола в якутском языке. М., 1970, с. 170.

[15] Насилов В. М. Язык орхоно-енисейских памятников. М., 1960, с. 63; Ўша автор. Древнеуйгурский язык. М., 1963, с. 78; Батманов И. А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности. Фрунзе, 1959, с. 89; Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси. Тошкент, 1965, 81—82-бетлар; Gabain A. Alttürkische Grammatik. Leipzig. 1950, §§ 260—262.

[16] *Қиёсланг:* Э. Р. Тенишевнинг маълумотига кўра, *-сар/-сәр* аффиксли форма «Девону луғотит турк»да ҳам учрайди. Автор «Девону луғотит турк»нинг Б. Аталай нашри бўйича қуйидаги мисолларни келтирган: *бушмасар, боз қуш тутар* «если не растеряется, серую птицу поймает»; *івмäсäр, өрүң қуш тутар* «если не поспешит, (то) белую птицу поймает» (Тенишев Э. Р. Указатель грамматических форм к «Девону тюркских языков» Махмуда Кашгарского.— «Вопросы казахского и уйгурского языкознания». Алма-Ата, 1963, с. 206; Ўша автор. К истории тюркского условного наклонения.— «Studia Turcica». Budapest, 1871, с. 444). Бу мисоллардаги *бушмасар* «если не растеряется», *івмäсäр* «если не поспешит» сўзларининг ҳар бири аслида بوشماس ار — *бушмас эр* «спокойный человек», ايفماس ار — *эвмäс эр* «неторопливый человек» тарзида икки мустақил сўздан иборат бўлиб, аниқловчи ва аниқланмиш бирикмасини ташкил этади. Бу ҳол «Девону луғотит турк»нинг ўзбекча нашрида тўғри берилган (Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов). II том. Тошкент, 1961, 19-бет).

[17] Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, III том, 225-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлланган бўлиб, бу асарнинг Наманган нусхасида бир ўринда *эр-* тўлиқсиз феълига *-сәр* формасида қўшилган:

*Арығсыз, җафāлығ, қылынчы отун,*
*Қалы а й д ы э р с ә р, қыйар сөзини* (ҚБ, 107а).

Лекин «Қутадғу билиг»нинг Қоҳира нусхасида бу ўриндаги *эрсәр феъли* [р] сиз *эрсә* формасида келган[18].

«Қисасул анбиё»нинг Ленинград нусхасида қуйидаги ўринларда шарт феъли аффикси *-сар* формасида қўлланган: *Эр кишиниң закары кибин нарса қ ы л с а р, ташынға бири қапласалар,... эрәнләригә бойун сунмас болдылар* (Рабғ., 141б). *Абдуллā ибн Аббас Разилиллāҳ Инҳā ул күн уларға бир йашар бузағу б о ғ у з л а с а р, эмгәкләри артмаз эрди* (Рабғ., 99а). *Анлар ч ы қ а р б о л с а р, Чин-у Мāчиндин чыққайлар* (Рабғ., 160а).

Шарт феъли аффиксининг *-сар/-сәр* формасида қўлланиши ўғуз группасидаги туркий тилларнинг XIII—XIV асрларга оид ёзма ёдгорликларида ҳам қайд қилинган[19]. Шу даврларга оид уйғур тили ёдгорликларида эса шарт феъли аффикси *-сар/-сәр* формасида қўлланган[20] бўлиб, уларнинг айримларида, масалан, турфан текстларида ва X—XIII асрларга оид юридик ҳужжатларда *-са/-сә* (*-за/-зә*) формасида ҳам учрайди[21].

Демак, туркий тилларда ҳозирги-келаси замон шарт феъли аффикси дастлаб *-сар/-сәр* формасида шаклланган бўлиб, X—XI асрлардан бошлаб унинг таркибидан [р] ундоши тушиб қолган ва *-са/-сә* формасида қўллана бошлаган. Лекин бу процесс, ёзма манбаларнинг кўрсатишича, ҳамма туркий тилларда бир вақтда юз берган эмас. Масалан, Ўрта Осиё туркий тилларида ҳозирги-келаси замон шарт феъли аффикси X—XI асрлардан бошлаб *-са/-сә* формасида қўлланган бўлиб, XIV асрга қадар айрим манбаларда баъзан унинг дастлабки формаси *-сар/-сәр* ҳам учрайди. Ўғуз группасидаги туркий тилларда ҳам асосан шундай бўлган. Қадимги уйғур тилида эса бу аффикс XII—XIII асрларга қадар асосан *-сар/-сәр* формасида қўлланган.

§ **56**. Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг шахс-сон аффикслари билан т у с л а н и ш и д а ҳам тарихан маълум ўзгаришлар юз берган. Бу соҳадаги ўзгаришлар шарт феъли аффикси таркибида юз берган ўзгариш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган:

I. Шарт феъли аффикси ўзининг дастлабки кўринишида, яъни

---

[18] Ю с у ф Х о с Ҳ о ж и б. Қутадғу билиг. Қоҳира нусхаси (Фотокопия). ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Инв. 6091, 2-китоб, 163-бет.

[19] Т е н и ш е в Э. Р. Грамматический очерк древнеуйгурского языка по сочинению «Золотой блеск». АКД. Л., 1953, с. 12.

[20] Т е н и ш е в Э. Р. К истории тюркского условного наклонения.— «Симпозиум по сравнительно-исторической грамматике тюркских языков» (Тезисы сообщений). М., 1967, с. 32.

[21] Щ е р б а к А. М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана. М.—Л., 1961, с. 146; Ф о з и л о в Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, 81—82-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*-сар/-сәр* формасида қўлланганда, шахс-сон аффиксларининг фақат тўла формалари қўшилган:

| Шахслар | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *барсар-мэн, кэлсәр-мэн* | *барсар-биз, кэлсәр-биз* |
| II шахс | *барсар-сэн, кэлсәр-сэн* | *барсар-сиз, кэлсәр-сиз*<br>*барсар-сизләр, кэлсәр-сизләр* |
| III шахс | *барсар, кэлсәр* | *барсарлар, кэлсәрләр* |

Шарт феъли аффиксининг *-сар/-сәр* формасида қўлланиши, юқорида айтилганидек, ўрхун-енисей ёдгорликлари ва қадимги уйғур тилига оид текстлар учун характерли бўлиб, бу форманинг шахс-сон аффикслари билан тусланиш парадигмаси қадимги уйғур тилига оид текстларда тўла акс этган[22].

Ўрхун-енисей ёдгорликларида эса ҳозирги-келаси замон шарт феъли фақат III шахс бирлик формасида қўлланган бўлиб, I ва II шахс маънолари ҳам III шахс бирлик формаси орқали берилган. Бунда шахс-сон маънолари эга вазифасида келган кишилик олмошлари орқали ифодаланади ёки контекст мазмунидан англашилади. Масалан:

1. *Мэн қ а з ғ а н м а с а р, түрк будун өлтәчи эрти* (Мог., 17) — Мен ғайрат қилмасам, турк халқи ўлар эди.

2. *Ол йиргәрү б а р с а р, түрк будун, өлтәчи-сэн* (КТ, 28) — У ерга борсанг, турк халқи, ўласан.

3. *Өңдән қағанғару сү йорылым, тимис, й о р ы м а с а р, ...бизни өлүртәчи күк* (Тон., 63) — Шарқ томондан ҳоқонга қарши лашкар тортиб борайлик, бормасак, ...у бизни ўлдиради шекилли, деган.

Келтирилган мисолларнинг биринчисида *қазғанмасар* I шахс бирлиги (ғайрат қилмасам) маъносида, иккинчисида *барсар* II шахс бирлиги (борсанг) маъносида, учинчисида эса *йорымасар* I шахс кўплиги (бормасак) маъносида қўлланган.

Бу ҳол ҳозир сариғ уйғурлар ва саларлар тилида сақланган. Бу тилларда шарт феълининг шахс-сон маъноси эга вазифасида келган кишилик олмошлари орқали ифодаланади[23]. С а р. уйғ.: мен (мыстер) кел'се — «если я приду», «если мы придем», сен (сiler) кел'се — «если ты придешь», «если вы придете», гол (голар) кел'се — «если он придет», «если они придут»; с а л а р: men (piser) oxyse — «если я читаю», «если мы читаем».

II. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли аффикси *-са/-сә* форма-

---

[22] Т е н и ш е в Э. Р. К истории тюркского условного наклонения.— «Studia Turcica». Budapest, 1971, с. 444; Ф о з и л о в Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, 82-бет.

[23] Т е н и ш е в Э. Р., Т о д а е в а Б. Х. Язык желтых уйгуров. М., 1966, с. 33; Т е н и ш е в Э. Р. Саларский язык. М., 1963, с. 39.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сида қўлланганда, бу феълнинг шахс-сон аффикслари билан тусланиши қуйидагича икки хил кўринишга эга бўлган:

а) шахс-сон аффиксларининг тўла вариантлари қўшилади:

| Шахслар | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *барса-мэн, кэлсә-мэн* | *барса-миз, кэлсә-миз (барса-биз, кэлсә-биз) барсавуз, кэлсәвуз* |
| II шахс | *барса-сэн, кэлсә-сэн* | *барса-сиз, кэлсә-сиз барса-сизләр, кэлсә-сизләр* |
| III шахс | *барса, кэлсә* | *барсалар, кэлсәләр* |

б) шахс-сон аффиксларининг қисқа вариантлари қўшилади:

| Шахслар | Бирлик | Кўплик |
|---|---|---|
| I шахс | *барсам, кэлсәм* | *барсақ, кэлсәк* |
| II шахс | *барсаң, кэлсәң* | *барсаңыз, кэлсәңиз барсаңызлар, кэлсәңизләр* |
| III шахс | *барса, кэлсә* | *барсалар, кэлсәләр* |

Кўринадики, *-са/-сә* аффиксли шарт феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланишида биринчи ва иккинчи парадигма ўртасидаги фарқ I ва II шахс формаларига тааллуқли бўлиб, III шахс формалари ҳар иккала ҳолатда ҳам бир хил кўринишга эга, яъни ҳар иккала парадигмада ҳам III шахс бирлиги *барса, кэлсә* формасида, III шахс кўплиги *барсалар, кэлсәләр* формасида қўлланади.

*-са/-сә* аффиксли шарт феълида шахс-сон аффиксларининг тўла формалари қўшилиши, яъни унинг биринчи парадигма бўйича тусланиши (I шахс кўплик формасини ҳисобга олмасак) туркий тилларда XIII—XIV асрларга қадар давом этган. Шу билан бирга, XI асрдан бошлабоқ бу феълнинг иккинчи парадигма бўйича тусланиши, яъни унга шахс-сон аффиксларининг қисқарган вариантлари қўшилиши ҳам кузатилади. Демак, XI—XIV асрлар давомида *-са/-сә* аффиксли шарт феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланишида ҳар икки парадигма амалда бўлган. Шу билан бирга, бу даврга оид манбалар ўртасида маълум фарқлар ҳам бор.

Масалан, XI аср ёдгорлиги «Қутадғу билиг»да I ва II шахсларнинг бирлиги учун ҳар иккала форма параллел қўллана берган:

**I шахс бирлиги**: *тэсә-мэн, барса-мэн, йүрсә-мэн, көрсә-мэн, сөзләсә-мэн* (ҚБ, 29б, 35а, 59а, 127б, 142а, 206б); *айсам, йитүрсәм, болсам, тиләсәм* (ҚБ, 14а, 132б, 202а);

**II шахс бирлиги:** *тэсә-сэн, уқса-сэн, билмәсә-сэн, кэлмәсә-сэн,*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*илса-сэн, тутмаса-сэн, кэлсә-сэн* (ҚБ, 17б, 30а, 31б, 55а, 120б, 162б, 176а, 206а); *тиләсәң, кирсәң, бэрсәң, сөзләмәсәң, унутсаң, эшитсәң* (ҚБ, 25а, 54а, 117а, 141а, 149а, 194б).

**I шахс кўплиги** «Қутадғу билиг»да фақат биринчи парадигма бўйича, яъни *-миз* ёрдамида ҳосил бўлган форма учрайди: *тору урса-миз, тору тузса-миз* (ҚБ, 145а).

Шу давр ёдгорлиги «Девону луғотит турк»да *-са/-сә* аффиксли шарт феъли асосан III шахс бирлигида ишлатилган бўлиб, баъзан I ва II шахс бирлик формалари ҳам учрайди: *тиләсә-сэн, барса-сэн, қолсам* (МҚ, I, 146, 380, 383; III, 225).

Демак, XI аср тилида *-са/-сә* аффиксли шарт феълининг I ва II шахс бирлиги бўйича шахс-сон аффиксларининг ҳар иккала формаси (*барса-мэн//-барсам, барса-сэн//барсаң*) параллел қўллана берган. I шахс кўплиги эса биринчи парадигма бўйича ҳосил бўлган (*барса-миз*). II шахс кўплиги ҳам XI аср тилида биринчи парадигма асосида (*барса-сиз//барса-сизләр*) ясалган бўлиши керак. Лекин ҳар иккала ёдгорликда ҳам шарт феълининг II шахс кўплигида истеъмолда бўлмаганлиги учун бу ҳақда қатъий ҳукм чиқариш қийин.

XII аср ёдгорлиги «Ҳибатул ҳақойиқ» асарида *-са/-сә* аффиксли шарт феъли асосан III шахс формасида қўлланган бўлиб, баъзан II шахс бирлик формалари ҳам учрайди: *оқусаң, өгәр эрсә-сэн* (ҲҲ, XIV, IX).

XIII аср ёдгорлиги ҳисобланган «Тафсир»да эса I ва II шахсларнинг бирлиги ҳамда II шахс кўплиги бўйича ҳар иккала парадигма формалари параллел қўлланган. Қиёсланг:

**I шахс бирлиги:** *барса-мэн, көрсә-мэн, йэткүрсә-мэн, мусулма̄н болса-мэн, кэлтүрсә-мэн, элтсә-мэн, тэсә-мэн* (Таф., 9а, 10б, 11а, 27а, 38а, 137б); *көргүтсәм, тиләсәм, тиләмәсәм, дуа̄ қылсам, ра̄зи болмасам, фида̄ қылсам, бэрсәм, ха̄р қылсам, кара̄мати қылсам* (Таф., 38а, 60б, 71а, 73б, 86б, 133б);

**II шахс бирлиги:** *унутса-сэн, оқыса-сэн, өгрәтсә-сэн, көргүтсә-сэн, йығламаса-сэн, сөзләмәсә-сэн, айса-сэн, ҳала̄к қылса-сэн, барса-сэн, қайда ким болса-сэн, тутунса-сэн, бэлгү қылса-сэн* (Таф., 2б, 5а, 6а, 10б, 13б, 17б, 20а, 24а, 26б, 30а, 39а); *биләйин тэсәң, хорлуқ қылсаң, көрсәң, тиләсәң, айтмасаң, атын атасаң, фа̄риғ болсаң* (Таф., 16б, 49б, 56б, 90б, 100а, 130б, 137б).

**II шахс кўплиги:** *арза қылса-сиз, айса-сиз, аймаса-сиз, нэ ким тиләсә-сиз* (Таф., 27а, 28а, 40а). *има̄н кэлтүрсә-сизләр, қатлса-сизләр, барса-сизләр, өтсә-сизләр* (Таф., 28а, 29б, 30б); *барса-ңыз, йүз эвүрсәңиз, нэ ким қылсаңыз, кирсәңиз, сабр қылмасаңыз, билсәңиз, чықарылсаңыз, куфр кэтүрсәңиз* (Таф., 42а, 42б, 46а, 50б, 56а, 74б, 82а, 83б, 85а).

**I шахс кўплиги** «Тафсир»да асосан биринчи парадигма бўйича *-миз* қўшилиши билан ҳосил бўлиб, баъзан иккинчи парадигма асосида, яъни *-қ/-к* ёрдамида ясалиши ҳам кузатилади: *кэлтүрсә-миз, билсә-миз, тиләсә-миз, индүрсә-миз, мунда болса-миз* (Таф., 8б, 28а, 32а, 40б, 70б, 83а, 119б); *барур болсақ* (Таф., 93а).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу билан бирга, «Тафсир»да I шахс кўплигининг *-вуз(-вүз)* қўшилиши билан ясалиши ҳам учрайди: *Т и л ә с ә в ү з, ҳақ йолда турғайвуз* (Таф., 126а).

XIV аср ёдгорликларида *-са/-сә* аффиксли шарт феълининг шахс-сон формалари асосан иккинчи парадигма асосида, яъни шахс-сон аффиксларининг қисқарган вариантлари ёрдамида ясалган бўлиб, айрим манбаларда баъзи формаларнинг биринчи парадигма асосида, яъни шахс-сон аффиксларининг тўла вариантлари билан ясалиши ҳам кузатилади. Масалан, «Қисасул анбиё»да I ва II шахсларнинг бирлиги ва II шахс кўплиги учун иккинчи парадигма формалари қўлланган (*барсам, барсаң, барсаңыз* каби). I шахс кўплиги учун эса кўпинча биринчи парадигма (*барсамиз*), баъзан иккинчи парадигма формаси (*барсақ*) қўлланган. «Хисрав ва Ширин»да II шахс бирлик ва кўплиги учун иккинчи парадигма формаси қўлланган бўлиб (*барсаң, барсаңыз*), I шахс бирлиги учун ҳар иккала парадигма формаси параллел истеъмолда бўлган (*барсам, барса-мэн*). I шахс кўплиги учун эса асосан *барсақ* типидаги иккинчи парадигма формаси, баъзан *барсамиз (барса-биз)* типидаги биринчи парадигма формаси қўлланган. «Наҳжул фародис», «Муҳаббатнома» ва «Гулистон бит туркий» асарларида иккинчи парадигма формалари қўлланган (*барсам, барсаң, барсақ, барсаңыз*)[24].

Шундай қилиб, туркий тилларда *-са/-сә* аффиксли шарт феълининг шахс-сон аффикслари билан тусланиши XI—XIV асрлар давомида икки хил кўринишга эга бўлган. Юқорида келтирилган фактлардан маълум бўлишича, шарт феълининг тусланишида шахс-сон аффиксларининг тўла формалари дастлаб актив истеъмолда бўлиб, кейинчалик қисқарган формаларининг активлашуви ҳисобига улар ўз мавқеини йўқота борган. Ниҳоят, XV асрга келиб кўпчилик туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек адабий тилида ҳам шарт феълининг шахс-сон аффиксларининг қисқарган формалари билан тусланиши тугал шаклланган, яъни фақат *барсам, барсаң, барса; барсақ, барсаңыз* (баъзан: *барсаңызлар*), *барсалар* формаларида қўллана бошлаган.

I шахс кўплик формаси бўйича кўпчилик туркий тилларда *барсақ* типидаги форма шаклланган бўлиб, айрим тилларда *барсамиз* (ёки *барсавуз*)[25] типидаги форманинг қўлланиши давом этган. Масалан, озарбайжон тилида XVIII асрга қадар асосан *барсавуз* типидаги форма қўлланган бўлиб, *барсақ* типидаги форма айрим манбалардагина учрайди. XVIII асрдан бошлаб эса *барсақ* типидаги форма активлашгач, *барсавуз* типидаги форма бутунлай истеъмолдан чиққан[26].

---

[24] «Муҳаббатнома» ва «Гулистон бит туркий» асарларида ҳозирги-келаси замон шарт феълининг I шахс кўплик формасида қўлланиши қайд қилинмади.

[25] Бу форма *барса-биз* типидаги форма асосида шаклланган: *барса-биз*> *барса-виз*>*барсавуз.*

[26] Р а г и м о в М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке. АДД, Баку, 1966, с. 66.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хокас, тува, чулим турклари тилларида ҳозир ҳам *барса-миз* (*барсавуз*) типидаги форма (турли фонетик вариантларида) қўлланади[27]. Хокас: *піс парзабыс;* тува: *алзывысса* (ал+зы+*выс*+*са*); чулим: *позавыс*//*ползавыс*. Олтой тилида эса *барза*+*быс* ва *барза*+*к* формалари параллел ишлатилади[28]. *Барсавуз* типидаги форма ҳозир ўзбек тилининг Тошкент ва Қарши шеваларида турли фонетик вариантларда қўлланади[29]: Тошк: *барсавуз*//*борсавуза*//*борсавза*//*борсов;* Қарши: *боссавуз*//*боссов*.

XX аср бошларида ўзбек матбуоти тилида *барсақ* типидаги форма билан бир қаторда *барса-миз* типидаги форма ҳам қўлланган: *Ўзимиз билсамиз ҳам болаларға билдура олмасмиз* (Осиё, 1903,3). *Қаратуб қўйсамиз, тузатмоқ мумкин бўладур* (Деҳқон, 1916, 4, 8)[30]. Бу форма 1920—1930 йилларнинг биринчи ярмига оид баъзи бадиий адабиётларда ҳам учрайди. Масалан: *Қарасамиз, жуда шўх бўлуб кетвотканга ўхшади* (Толиб, 6). *Ўзимизни ширинликдан тийсамиз, тегишли маблағ йиғилган бўладир* (Юруш, 46). *Агарда биз розилик берсамизчи?* (А. Қод., 144).

XV—XIX асрларга оид ўзбек тили ёдгорликларида истеъмолда бўлмаган *барса-миз* типидаги форманинг бу давр адабиётида кўриниши ёзма адабий тилда шева хусусиятларининг, хусусан, Тошкент шевасининг акс этишидаги бир ҳолат бўлса керак.

Ниҳоят, шарт феълининг I ва II шахс кўплик формалари бўйича ёзма манбалар тилида яна айрим жузъий ўзгачаликлар кузатилади. Гап шундаки, сингармонизмли туркий тиллардаги каби эски ўзбек тилида ҳам шарт феълининг I шахс кўплик формаси ясалишида шахс-сон аффикси қаттиқ ўзакли феълларга орқа қатор жарангсиз *-қ* формасида, юмшоқ ўзакли феълларга эса олд қатор жарангсиз *-к* формасида қўшилган. Лекин «Бобирнома»да ҳозирги ўзбек адабий тили ва қорлуқ группасидаги ўзбек шеваларидаги каби қаттиқ ўзакли феълларга ҳам бу аффикснинг кўпинча юмшоқ *-к* варианти қўшилган. Масалан: *Буларны тутурсәк* (تو‌تورساک) *ва талатсәк* (تالاتساک) *нэ айб болғай?* (БН, 79). *Ушбу фурсатда бир иш қылалсәк* (قيلالساک), *нэчүк болғай?* (БН, 101). *Агар сизни алыб Танбал қашыға барсәк* (بارساک), *ишимиз илгәри барур эди* (БН,

---

[27] Баскаков Н. А. и Инкижекова-Грекул А. И. Хакасский язык.— «Хакасско-русский словарь». М., 1953, с. 459; Исхаков Ф. Г., Пальмбах А. А. Грамматика тувинского языка. М., 1961, с. 401; Дульзон А. П. Чулымско-тюркский язык. — «Языки народов СССР» (в 5-и томах). Т. 2. Тюркские языки. М., 1966, с. 460.

[28] Баскаков Н. А. Алтайский язык. — «Языки народов СССР» (в 5-и томах). Т. 2. Тюркские языки. М., 1966, с. 517.

[29] Гулямов Я. Г. Грамматика ташкентского говора. Ташкент, 1968, с. 123; Ширматов А. Каршинский говор узбекского языка. АКД. Ташкент, 1960, с. 31.

[30] Турдиалиев Б. Морфологические особенности языка периодической печати 1905—1917 гг. АКД. Ташкент, 1969, с. 21.



www.ziyouz.com kutubxonasi

144). Бу ҳол «Шайбонийнома»да ҳам кузатилади: *Ылғасәк* (ایلغاساک) *осру хуш айанда кәлур* (ШН, 128).

XIX аср охирларидан бошлаб ёзма адабиётда бу ҳодиса кенгроқ ўрин ола бошлаган ва, ниҳоят, ҳозирги ўзбек адабий тили учун умумий норма сифатида қабул қилинган.

Бундай ҳодиса бошқа баъзи грамматик формалар бўйича ҳам кузатилади. Масалан, «Бобирнома» ва бошқа айрим манбаларда *-ды* аффиксли ўтган замон феълининг I шахс кўплик формаси ясалишида ҳам худди шундай бўлган (*бардуқ* ўрнида *бардуқ* формаси қўлланиши тўғрисида гап бораяпти)[31]. Бу нарса тасодифий ҳодиса эмас, балки эски ўзбек адабий тилида XV—XVI асрлардан бошлабоқ сингармонизм қонунининг, биринчи навбатда, грамматик формалар чегарасида бузила бошлаганини кўрсатувчи фактдир.

Эски ўзбек адабий тилида XIV—XV асрлардан бошлаб шарт феълининг II шахс кўплиги учун *-ңыз/-ңиз* аффикси билан ясалувчи *барсаңыз* типидаги форма шаклланган бўлиб, бу форма II шахс бирлигининг ҳурмати маъносида ҳам қўлланган. Масалан: *Эй Руҳуллāҳ, сиз пайғамбарлық бирлә нәчук фаҳр қылсаңыз, бизләр тақы эзгү оғуллар дуāсы бирлә фаҳр қылур-биз* (Рабғ., 138б).

*Ижāзат бэрсәңиз таң йақтусы-тэк,*
*Жаҳāнға ҳуснуңыз жавын йайайын* (МН, 292б).
*Мэн бир шикаста қулуңдур-мэн заъифлар көңли-тэк,*
*Сорсаңыз шикасталарның ҳāлыны, болғай савāб*
(Сакк., 14б).

*Эмди инāйат қылыб, ...иш кучни киши қара умидигә қоймасаңыз, йахшырақ болғай* (Нав. Мнш., 11). *Қāсим бэг йана арз қылдыким, йана бир нэәрсә агар Танбалға йибәрсәңиз, нә болғай?* (БН, 119). *Атам орныға эмди атам-сиз, сиз нэ ишни охшатсаңыз, мэн аны қылайын* (Ш. тар., 29). *Халқ айтдылар: пāдшāҳым, бу кишигә нэчә қатла алтун бэрсәңиз, харж қыла турур* (Ш. турк, 80).

Келтирилган мисолларда *барсаңыз* типидаги форма шарт феълининг II шахс кўплиги маъносида эмас, балки II шахс бирлигининг ҳурмати маъносида қўлланганини исбот талаб қилмайди. Демак, бу форма эски ўзбек адабий тилида икки вазифани бажарган (II шахс кўплиги ва II шахс бирлигининг ҳурмати). Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам (бошқа кўпчилик туркий тилларда ҳам) *барсаңыз* типидаги форма шундай хусусиятга эга. Шаҳар типидаги ўзбек шеваларининг кўпчилигида бу формада *-ңыз*>*-йыз* (*-йъз*) ҳодисаси содир бўлиб, *борсайъз* (<*борсангиз*) тарзида қўлланади ва асосан II шахс бирлигининг ҳурмати маъносини ифодалаш учун ишлатилади. Бу шеваларда шарт феъли-

---

[31] Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти. Тошкент, 1976, 32-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг II шахс кўплиги учун *борсайла(р), борсаларынг* типидаги формалар қўлланади (Бу ҳақда ўзбек шевашунослигига оид асарларда қайд қилинган).

Шу билан бирга, айрим ёдгорликларда шарт феълининг II шахс кўплиги учун *барсаңызлар* типидаги форма ҳам қўлланган. Масалан:

*Кэ дāим бир навāға йэткэй эрдим,*
*Агар уишақ қадрыны билсәңизләр* (Отойи, 20а).

*Агар мундақ қылмасаңызлар, қай йол билән кэлиб-сиз, ошал йол билән барың* (БН, 140). *Нә болғай, кадхуда болсаңызлар?* (Ш. тар., 52. Сноскада).

Лекин бу форма эски ўзбек адабий тили учун нормал ҳол бўлмаган. Чунки ёзма ёдгорликларда шарт феълининг II шахс кўплик маъносини ифодалаш учун ҳам, II шахс бирлигининг ҳурмати маъносини ифодалаш учун ҳам асосан *барсаңыз* типидаги форма қўлланган. *Барсаңызлар* типидаги форма ҳозир қипчоқ тилларида, масалан, қозоқ тилида (*барсаңыздар, берсеңиздер*)[32], шунингдек, баъзи ўзбек шеваларида, масалан, Хоразм шеваларининг ўгуз группасида (*барсаңызла, гәлсәңъзлә*)[33] қўлланади.

*Барсаңызлар* типидаги форма шарт феълининг *барсаңыз* типидаги II шахс кўплик формасига кўплик аффикси *-лар/-ләр* қўшилиши билан ясалган бўлиб (*барсаңыз+лар>барсаңызлар*), бу форманинг пайдо бўлишини қуйидагича изоҳлаш мумкин. *Барсаңыз* типидаги форма дастлаб шарт феълининг II шахс кўплик формаси сифатида шаклланган бўлиб, кейинчалик айрим тилларда бу форма II шахс бирлигининг ҳурмати маъносини ифодалаш учун ҳам қўллана бошлаган. Шу сабабли бу тилларда шарт феълининг II шахс кўплик маъносини аниқроқ ифодалаш учун *барсаңыз* типидаги формага *-лар/-ләр* аффиксини қўшиб ҳам ишлатиладиган бўлган. Шундай қилиб, бу тилларда шарт феълининг II шахс кўплиги учун *барсаңызлар* типидаги форма шаклланган, *барсаңыз* типидаги форма эса асосан II шахс бирлигининг ҳурмат маъносини ифодалаш учун қўлланадиган бўлган. Афтидан, бу ҳол қипчоқ группасидаги туркий тиллар учун хос бўлган. Ҳозир шу группага мансуб бўлган қозоқ тилида *барсаңыз* типидаги форманинг II шахс бирлигининг ҳурмати учун қўлланиши, шарт феълининг II шахс кўплиги учун эса *барсаңыздар* (*<барсаңызлар*) ва *барсаңдар* (*<барсаңлар*) формалари мавжудлиги бу фикрни тасдиқлайди. Ўзбек тилининг баъзи ёзма ёдгорликларида *барсаңызлар* типидаги форманинг қўлланиши мана шу қипчоқ тиллари ёки қипчоқ типидаги ўзбек шевалари хусусиятларининг эски ўзбек адабий тилида акс этишидаги бир ҳолат бўлса керак.

Шарт феълининг шахс-сон формаларида содир бўлган ўзгаришлар ва бу формаларнинг эволюцияси, шаклланиши ҳақида

---

[32] Современный казахский язык. Фонетика и морфология. Алма-Ата, 1962, с. 351—352.

[33] Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. Тошкент, 1961, 162-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

юқорида айтилганларни умумлаштириб, қуйидагича хулосалаш мумкин: биринчидан, шарт феълининг шахс-сон формаларида бўлган ўзгариш шарт феълининг аффикси таркибида юз берган ўзгариш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган, яъни шарт феълига шахс-сон аффиксларининг қисқарган формада қўшилиши *-сар/-сәр* аффикси таркибидан [р] ундоши тушиб қолиб, *-са/-сә* формасига айланиши билан боғлиқ бўлган ҳодисадир (*барсар-мэн>барса-мэн> барсам* каби), иккинчидан, туркий тилларда шарт феълидаги шахс-сон формаларининг шаклланиши бир хил йўналишда бўлиб, умумий ҳолатни ташкил этади, яъни шарт феълининг шахс-сон формалари ҳозирги туркий тилларнинг деярли ҳаммасида иккинчи парадигма асосида ҳосил бўлади (*барса+м, барса+ң, барса, барса+қ, барса+ңыз, барса+лар* каби). Хокас, олтой, чулим турклари, тува тилларидаги *парза+быс, парза+выс, алзы+выс+са* типидаги формалар ва ўзбек тилининг Тошкент, Қарши шеваларидаги *барсавуз//борсавуза//борсавза//борсов* типидаги I шахс кўплик формалари, шунингдек, айрим туркий тиллардаги *барсаңызлар* ва *барсаларың* типидаги II шахс кўплик формалари бундан истиснодир.

**§ 57.** Ҳозирги-келаси замон шарт феъли аффиксининг, хусусан, *-сар/-сәр* аффиксининг этимологияси ва унинг эволюцияси ҳақида турли фикрлар айтилган[34].

Айрим туркологлар *-сар/-сәр* аффиксининг пайдо бўлишини ўғуз группасидаги туркий тиллар тарихида келаси замон феълини ясаш учун хизмат қилган *-ысар/-исәр* (*барысар* — «боради», *кәлисәр* «келади») аффикси билан боғлайдилар[35]. Масалан, шундай фикрни Қ. Фой айтган эди. Шу билан бирга, Қ. Фой *-сар/-сәр* аффиксли шарт феъли билан *-ысар/-исәр* аффиксли келаси замон феъли ўртасида маъно томондан катта фарқ борлигини ҳам уқдирган[36]. М. Ш. Рагимов, аксинча, келаси замон феълининг *-ысар/-исәр* аффикси шарт феълини ясовчи *-сар/-сәр* аффиксининг кейинги кўринишидир, деган фикрни айтади[37]. А. М. Шчербакнинг фикрича, келаси замон феълининг *-ысар/-исәр* аффиксли формаси билан шарт майли формаси бир хил манба асосида

---

[34] Тенишев Э. Р. К истории тюркского условного наклонения, с. 447—448; Щербак А. М. О происхождении формы условного наклонения в тюркских языках.— «Советская тюркология», 1976, № 2, с. 13—16.

[35] Н. З. Гаджиева *-ысар/-исәр* аффиксли форма билан *-сар/-сәр* аффиксли формани айнан бир форманинг ўзи деб қарайди. Шунга кўра, автор *-сар/-сәр* аффиксли формани аниқлик майлига киритиб, уни замон формаси сифатида қараш ва бу формани шарт майлининг *-са/-сә* аффиксли формасидан фарқлаш зарур, деган фикрни айтади (Гаджиев Н. З. Соотношение категорий времени и наклонения в тюркских языках.— «Вопросы категорий времени и наклонения глагола в тюркских языках». Баку, с. 33—34).

[36] Foy K. Azerbajğanische Studien mit einer Charakteristik des Südtürkischen.— MSoS. Jahr. VI—VII (II Abtheilung: Westasiatische Studien). Berlin, 1903, S. 162.

[37] Рагимов М. Ш. История формирования наклонений глагола в азербайджанском языке, с. 77.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шаклланган. Автор *-ысар/-исәр* аффиксли келаси замон формасининг тузилиши, қисман, семантикаси жиҳатдан шарт майли формасига яқинлиги каби фактларга асосланиб шундай хулосага келган[38].

Бир қатор адабиётларда айтилишича, шарт майлининг *-сар/-сәр* аффикси аслида икки мустақил аффикснинг бирикувидан ташкил топган қўшма аффиксдир (*-са/-сә+р*). Буларнинг биринчиси (*-са/-сә* форманти) истак, орзу маъносидаги феъл ясовчи аффикс[39] бўлиб, иккинчиси (*-р* форманти) ҳозирги-келаси замон сифатдошини ясовчи аффиксдир[40]. Бу фикр кўпчилик туркологлар томонидан эътироф қилинган[41]. Шу билан бирга, *-сар/-сәр* таркибидаги *-са/-сә* форманти ҳақида турли мулоҳазалар айтилган.

Масалан, А. Н. Баскаков *-сар/-сәр* таркибидаги *-са/-сә* форманти семантик ва генетик жиҳатдан *исте-* (хокас тилида — «привыкать, присвоивать», уйғур ва бошқа тилларда — «хотеть, желать») сўзининг хокас тилида сақланган *ис* (имение, имушество) ўзаги билан боғлиқ бўлиши мумкин[42], деган тахминни айтади.

Г. И. Рамстедт *-сар/-сәр* таркибидаги *-са/-сә* формантини тунгус тилида «говорить, пологать, желать, делать» маъносида қўлланувчи *са-* формасидаги мустақил феълдан келтириб чиқаради[43]. Г. И. Рамстедтнинг бу фикрини Э. В. Севортян ҳам қувватлайди[44]. Қ. Броккельман билан В. Банг ҳам *-сар/-сәр* таркибидаги *-са/-сә* формантининг пайдо бўлишини «считать, думать» маъносидаги *са-* феълига боғлайдилар[45].

Агар туркий тилларда шарт феълининг қадимдан ҳозирга қа-

---

[38] Щербак А. М. О происхождении формы условного наклонения в тюркских языках, с. 17.

[39] *Қиёсланг:* В. В. Радловнинг кўрсатишича, шарт майлининг *-сар/-сәр* аффикси сифатдошнинг *-сы(қ)/-си(к)* аффиксли қадимги формасига *-ар/-әр* қўшилиши асосида ҳосил бўлган: *ачсы(қ)+ар>ачсар, әрси(к)+әр>әрсәр* (Radloff W. Die alttürkische Inschriften der Mongolei, Neue Folge. SPb., 1897, SS. 96—97). Демак, В. В. Радловнинг фикрича, *-сар/-сәр* таркибидаги *-са/-сә* ва *-р* формантларининг иккаласи ҳам сифатдош кўрсаткичидир.

[40] Рамстедт Г. И. Введение в алтайское языкознание (Перевод с немецкого). М., 1957, с. 121, 168; Баскаков Н. А. К вопросу о происхождении условной формы на -са/-се в тюркских языках, с. 45—47; Brockelmann C. Osttürkische Grammatik der islamischen Literatur-Sprachen Mittelasiens. Leiden, 1954, § 185-a; Räsänen M. Materialien zur Morphologie der türkischen. Helsinki, 1957, S. 214.

[41] *Қиёсланг:* ўрхун-енисей ёдгорликлари тилидаги *-сар/-сәр* аффиксли формани П. М. Мелиоранский равишдош сифатида қарайди (Мелиоранский П. М. Памятник в честь Кюль Тегина. СПб., 1899, с. 85, 90).

[42] Баскаков Н. А. К вопросу о происхождении условной формы на *-са/-се* в тюрских языках, с. 40.

[43] Рамстедт Г. И. Введение в алтайское языкознание, с. 121, 167—168.

[44] Севортян Э. В. Аффиксы глаголообразования в азербайджанском языке. М., 1962, с. 298. Сноска № 120.

[45] Brockelmann C. Osttürkische Grammatik der islamischen Literatur-Sprachen Mittelasiens, § 185-a; Bang W. Das negative Verbum der Türksprachen. — «Sitzuagsbereichte der Pressischen Akademie der Wissenschaften». XVIII. Berlin, 1923, SS. 116—117.



www.ziyouz.com kutubxonasi

дар истак, орзу маънoларида ҳам қўлланиб келаётгани ҳисобга олинса, *са-* феълининг аслида тунгусча ёки туркий бўлишидан қатъи назар, *-сар/-сәр* аффикси таркибидаги *-са/-сә* форманти мана шу *са-* феъли асосида ривожланган, деган фикр ҳақиқатга тўғри келади (*-са/-сә* форманти формал жиҳатдан ҳам *са-* феълига мос келади). Бу ўринда «Девону луғотит турк»да келтирилган *са-* (*сады* — «санади, ҳисоблади») феълини ҳам ҳисобга олиш керак[46]. Маҳмуд Қошғарийнинг истак, орзу маъносидаги феъл ясовчи *-са/-сә* аффикси *сады нәңни* (нарсани санади) иборасидан олингандир, масалан, *эр сувсады* «одам сувни ўз хоҳишидан санади, хоҳлади, истади» демакдир[47], деган маълумоти ҳам шарт феълининг *-сар/-сәр* аффикси таркибидаги *-са/-сә* форманти *са-* формасидаги мустақил феъл асосида ривожланган, деган фикрни қувватлайди.

Маълумки, «Девону луғотит турк»да истак, орзу каби маъноларни ифодаловчи *-са/-сә* аффикси исмларга (от ва сифат) ҳам, феълларга ҳам қўшила берган. Масалан: *сувсамақ* (сувга ташна бўлмоқ, сувсамоқ), *ачығсамақ* (аччиқ нарсани истамоқ), *сатсамақ* (сотишни истамоқ, сотмоқчи бўлмоқ). Шу билан бирга, Маҳмуд Қошғарий *-са/-сә* аффикси феълнинг ўзак-негизига бевосита эмас, балки *-ығ/-иг* аффикси орқали ҳам қўшилиши, лекин бу қоида [р] ёки [л] ундоши билан тугаган феъллар учунгина хос бўлиб, доим амалда эмаслиги тўғрисида изоҳ берган: «Охирида [р] ҳарфи бўлган сўзларда истак феълини ясаш қоидаси бирмунча бошқачадир. Бу вақтда қалин ҳарфли сўзларда [ғ], ингичка ҳарфли сўзларда [г] ҳарфи қўшилади: *ол эвгә б а р ы ғ с а д ы* (у уйга бормоқ истади), *мэн сэни к ө р у г с ә д и м* (мен сени кўришни истадим). *Барығсады* ўрнига *барсады, көругсәди* ўрнига *көрсәди* деб қўллаш ҳам мумкин. Лекин асосан юқоридагисини қўллаш одатдир. Буларнинг асли *барды, көрди* дир. Охирида [л] бўлган сўзларда ҳам [ғ] ҳарфи (ёки [г] ҳарфи. — Ш. Ш.) қўлланади: *ол андан йармақ а л ы ғ с а д ы* (у ундан танга олишни истади)»[48].

А. Н. Баскаков «Девону луғотит турк»да келтирилган *сувсады, барығсады, билигсәди* типидаги формани ҳамда ҳозирги тува ва бошқа айрим туркий тилларда истеъмолда бўлган *бар+ық+са-* (боришни истамоқ), *бил+ик+се-* (билишни истамоқ) типидаги формани ҳисобга олиб, *-са/-сә* аффикси дастлаб фақат отларга, шунингдек, *-ығ/-иг* аффикси орқали феълдан ясалган исмларга қўшилган ва бу ясалиш феълнинг истак формасини ҳосил қилган. Сўнг фонетик турғун бўлмаган *-ығ/-иг* форманти факультатив ҳодисага айланган ва Маҳмуд Қошғарий даврида *-са/-сә* аффикси феълнинг ўзак-негизига ҳам бевосита қўшиладиган бўлган. Шундай қилиб, *-са/-сә* дастлаб отдан (исмдан) феъл ясовчи

---

[46] М а ҳ м у д  Қ о ш ғ а р и й. Девону луғотит турк. III том, 265-бет.
[47] Ўша асар, I том, 278-бет.
[48] Ўша жойда.



www.ziyouz.com kutubxonasi

аффикс сифатида вужудга келган, кейинчалик феълдан феъл ясовчи, яъни феълнинг модал формасини, хусусан, истак формасини ясовчи аффикс вазифасини ҳам бажара бошлаган. Мана шу истак феълига *-ар/-ер//-ыр/-ир* аффикси қўшилиши билан ҳозирги-келаси замон сифатдоши ҳосил бўлган. Шарт феъли формаси шу сифатдош асосида ривожланган *(бар+ығ+са>бар+[ығ]+са+р>бар+са+р>барсар>барса)*»[49], деган хулосага келади.

В. Банг, А. Габэн ва бошқа бир қатор олимлар ҳам шундай хулосага келганлар, яъни шарт феълининг *-са/-сә* аффикси *-ығсар/-игсәр* аффиксидан келиб чиққан, деб ҳисоблайдилар[50].

Г. И. Рамстедтнинг кўрсатишича, *са-* феъли энклитика сифатида қўлланганда, феълнинг ўзак-негизига эмас, балки *-ы, -у, -а* аффиксли исм формасига (глагольное имя) қўшилган *(кэлсә<кэлүсә), -ығ/-иг* аффиксли *(келиг, кэлигсә)* формани эса Г. И. Рамстедт юқоридаги феъл билан боғлиқ бўлган бир кўринишдир, деб уқдиради. Шу билан бирга, Г. И. Рамстедт *са-* феъли дастлабдаёқ феъл негизига бевосита қўшила берган бўлиши ҳам мумкин[51], деган фикрни ҳам айтади.

Ҳақиқатан ҳам, *-са/-сә* формантининг дастлаб отдан (исмдан) феъл ясовчи аффикс бўлганлиги ва «Девону луғотит турк»даги *барығса-, кэлигсә-* типидаги форма, шунингдек, ҳозирги тува тилида сақланган *барықса-, биликсә-* типидаги форма ҳисобга олинса, Н. А. Баскаковнинг *-са/-сә* аффикси дастлаб феълнинг *-ығ/-иг* аффиксли формасига қўшилган, деган фикрига эътироз бўлмайди.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, туркий тилларда шарт феъли аффиксининг этимологияси ва унинг эволюцияси бўйича Г. И. Рамстедт ва Н. А. Баскаков томонидан баён қилинган фикрлар ўртасида жиддий зиддият йўқ. Аксинча, булар бири иккинчисини тўлдиради. Яъни, мавжуд фактларнинг кўрсатишича, биринчидан, шарт феълининг *-сар/-сәр* аффикси таркибидаги *-са/-сә* форманти, Г. И. Рамстедт айтганидек, истак, орзу («говорить, пологать, желать, делать») каби маъноларни ифодаловчи *са-* феълидан келиб чиққан, иккинчидан, Н. А. Баскаков айтганидек, *-са/-сә* дастлаб отдан (исмдан) феъл ясовчи аффикс сифатида шаклланган бўлиб, феълнинг фақат *-ығ/-иг* аффиксли формасига қўшилган. Сўнг фонетик турғун бўлмаган *-ығ/-иг* форманти факультатив ҳодисага айланиб, кейинчалик бутунлай тушиб қолган ва натижада *-са/-сә* аффикси феълнинг ўзак-негизига бевосита қўшиладиган бўлган *(бар+ығ+са>бар+[ығ]са>бар+са>барса* каби), учинчидан, Г. И. Рамстедт, Н. А. Баскаков ва кўпчилик туркологлар айтганидек, мана шу *барса* типидаги истак феълига *-р* аффикси қўшилиши билан ҳозирги-келаси

[49] Баскаков Н. А. К вопросу о происхождении условной формы ча -са/-се в тюркских языках, с. 45—47.

[50] *Қаранг:* Вопросы методов изучения истории тюркских языков. Ашхабад, 1961, с. 156.

[51] Рамстедт Г. И. Введение в алтайское языкознание, с. 168.



www.ziyouz.com kutubxonasi

замон сифатдош формаси ҳосил бўлган (*барса+р>барсар*). Сўнгра бу форма шарт феъли вазифасида қўллана бошлаган ва унда истак, орзу каби маъно оттенкалари ҳам сақланган. Кейинчалик бу форма таркибидан сифатдош кўрсаткичи *-р* тушиб қолган (*барсар>барса*). Шундай қилиб, шарт феълининг *барса* типидаги ҳозирги-келаси замон формаси вужудга келган.

Шарт феъли формасининг туркий тилларда қадимдан ҳозиргача истак, орзу каби маъноларни ифодалаш учун ҳам актив қўлланиб келаётгани, бу форманинг ҳозирги-келаси замон маъносига эга бўлиши, Маҳмуд Кошғарийнинг истак, орзу маъносидаги феъл ясовчи *-са/-сә* аффикси *сады нәңни* (нарсани санади) иборасидан олинган, деган маълумоти, «Девону луғотит турк»да келтирилган «санамоқ, ҳисобламоқ» маъносидаги *са-* феълининг мавжудлиги ва бошқа фактлар ҳам бу фикрни тасдиқлаши мумкин.

### Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг қўлланиши ва маънолари

§ 58. Туркий тилларда, шу жумладан, эски ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон шарт феъли формаси одатда эргаш гапнинг кесими, баъзан мустақил содда гапнинг кесими вазифасида қўлланади ва турли маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Бу форманинг конкрет маъноси контекст мазмунидан англашилади.

Ҳозирги-келаси замон шарт феъли эски ўзбек тилида қуйидаги ўринларда қўлланган:

§ 59. Шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапнинг кесими орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун зарур бўлган шартни кўрсатади. Бундай ўринларда ҳозирги-келаси замон шарт феъли келаси замон ёки «умумзамон», баъзан ўтган замон маъносида келади. Бу форманинг қайси замон маъносида келганлиги бош гапнинг кесими орқали аниқланади, яъни бош ва эргаш гапларнинг кесимлари замон нуқтаи назардан ўзаро мослашган бўлади:

1. Бош гапнинг кесими келаси замон феъли ёки келаси замон тушунчасини англатувчи бошқа формалар билан ифодаланганда, ҳозирги-келаси замон шарт феъли ҳам келаси замон маъносини билдиради. Бундай ҳолларда бош гапнинг кесими қуйидаги формалар билан ифодаланган бўлиши мумкин:

а) *-ғу* аффиксли келаси замон феъли билан:

*Қ ы л с а л а р маҳшарда эл тақва-ву тāат бирлә ф а х р,*
*Мән сәниң ишқың билә қ ы л ғ у м д у р ул дам ифтихāр*
(Отойи, 19а).

*Аңа дағы м у л ā ҳ а з а қ ы л ы л с а, давлат м у в ā ф и қ б о л ғ у с ы д у р* (Нав. Мнш., 104б). *Султāн Аҳмад мирзā улуғ пāдшāҳдур, қалын чәрик билә к ә л с ә, бәгләр мәни ва вилāйатны т а п ш у р ғ у л а р ы д у р* (БН, 19—20). *Анларның нәчүк кәлгәнләрини таңрим б у й у р с а, а й т қ у м т у р у р* (Ш. тар., 62);

б) *-ғай(-ға)* аффиксли *барғай-мән* (*барға-мән*) типидаги фор-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ма билан: *Айғанымызны қ ы л м а с а, зиндāнға к э м и ш г ә й- м э н* (Рабғ., 57а);

*Й а н с а м, йана ғурбатны ҳ а в а с қ ы л м а ғ а-м э н,*
*Ҳижрāн отыға танымны х а с қ ы л м а ғ а-м э н,*
(Нав. Мнш., 101б).

*Андын йана ҳар маслаҳат р о й б э р с ә, аңа йараша а м а л қ ы л ғ а й-б и з* (БН, 154). *Ҳар кимниң қурбāны м а қ б у л т ү ш- с ә, Иқлиманы ул а л ғ а й* (Ф. иқб., 18б);

в) *-р (-мас)* аффиксли ҳозирги-келаси замон феъли билан ифодаланади. Бундай ҳолларда *-р(-мас)* аффиксли форма келаси замон маъносида келган бўлади: *Өтрүмиздә бузрук дарйā, арқа- мызда Фиръавн қылыч т а р т с а, биздин бир кимэрсә қ о з м а с, барчаны ө л д ү р ү р* (Таф., 31а).

*Хāн ағаң бирлә й а р а ш с а ң филҳāл,*
*Бат Танбалны қ ы л у р-б и з п ā м ā л* (ШН, 91).
*Мундақ у р у ш с а қ, биздин киши қ а л м а с* (Ш. турк, 147).
*Йахшылар, қылды той, дэмәң зинҳāр,*
*Х о б б о л м а с, э ш и т с ә хэш-у табāр* (Муқ., 53);

г) *ала-мэн (<аладур-мэн<ала турур мэн)* типидаги форма билан ифодаланади. Бундай ўринларда бу форма ҳам келаси замон маъносида келган бўлади:

*Қарамы отыдын қалмады базм ичрә савуғлуқ,*
*К э л с ә ң, к э т ә д ү р тийраликин дағы йаруғлуқ*
(Нав. Мнш., 101а).

*Аның тамāмыны б а й ā н қ ы л с а қ, сөз у з а қ б о л а т у- р у р* (Ш. турк, 178);

д) буйруқ-истак майли формалари билан ифодаланади:

I ш а х с: *Ул киши нэтәк ҳ у к м қ ы л с а, биз ул кишиниң ҳукмыны р а в ā т у т а л ы м* (Таф., 28б).

*С о й у р қ а с а ң мэни, тоғру а й а й ы н,*
*Азын бу ҳийла қылмақны қ о й а й ы н* (ХШ, 19а).
*Бир нэчә күн умрдын т а п с а м ā м ā н,*
*Шарҳи ишқым н а з м э т ә й бир дāстāн* (Нав. ЛТ, 93).

II ш а х с: *Қарға салың, тэвә ч ы қ с а, қ у р б ā н қ ы л ы ң* (Рабғ., 32б). *Йахшылық қ ы л а а л м а с а ң, йаманлығ ҳам барэ қ ы л м а* (Нав. МҚ, 156).

III ш а х с: *Нэ ким мэн с ө з л ә с ә-м э н, кишилар аны у қ- с у н л а р* (Таф., 29а).

*Бир қийа б а қ с а ң закāти ҳусн үчүн, эй көрккә бай,*
*Лутфийи мискиндин өлгүнчә дуā б о л с у н сэңә*
(Лутф., 160б).
*Х ā к б о л с у н ул танэ ким, ишқ отыда к ү й м ә с ә,*
*З э р и п ā б о л с у н сарэ ким, анда савдā б о л м а с а*
(Фурқ. I, 22);



www.ziyouz.com kutubxonasi

е) ҳозирги-келаси замон шарт феъли келаси замон маъносида қўлланганда, бош гапнинг кесими от ёки от туркумидаги сўзлар билан ифодаланган бўлиши ҳам мумкин: *Имāндын соң ул ким товба қылмаса, ошанлар зāлимлардын турурлар* (Таф., 46б). *Ҳар вафāға йүз жафā тартмасаң, гунāҳкāр-сэн* (Нав. МҚ, 109). *Бу ҳикāйатны байāн қылсаң, бисйāр мунāсибдур* (ТН, 75а).

*Дэдим: атым көп эрүр, эй нāдāн,*
*Бирини алсалар, āхир нэ зийāн* (ШН, 192).
*Фурқат ичрә өлсәм-у маҳшар ара,*
*Дāманыңдын ушласам, нэдүр жавāб?* (Фурқ. I, 50).

2. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, «умумзамон» маъносини ифодалаганда бирор шахс ёки предметнинг одатдаги, доимий белгисига айланган, бажарилиши маълум бир грамматик замон билан чегараланмаган иш-ҳаракатни кўрсатади· Бундай ўринларда бош гапнинг кесими кўпинча *-р (-мас)* аффиксли ҳозирги-келаси замон феъли билан, баъзан *бара турур мэн* (>*барадур-мэн*>*бара-мэн*) ёки *барғай-мэн* типидаги форма билан ифодаланган бўлиб, бу формалар ҳам «умумзамон» маъносида келган бўлади: *Сизләрниң араңызда бир эр бар эрмиш, өфкәси кэлмишдә азақын йэргә тэпсә, тизиңә тэги йэргә кирүр* (Рабғ., 69б). *Ошу қыз андағ көрүклүг эрди ким, күлсә көк таңри күлә турур; йығласа, көк таңри йығлайа турур* (ЎН, 28). *Эшәккә ҳарнэ йүкләсәң, көтәрүр ва қайан сурсаң, ул йан барур* (Нав. МҚ, 133). *Ҳиндустāнның жамэ рудларының бу хāсийаты бар: бир йарым қары қазса,*• *албатта, сув чықар* (БН, 183). *Йаманға йандашсаң, балāсы йуқар, қазанга йандашсаң, қарасы йуқар* (Гулх., 41). *Ул вилāйат халқының үч хиссасы дэҳқāнчилик бирлә тириклик қылсалар, бир ҳиссасыдын бирмунчасы касби ҳунар қылыб, аз ададлары таҳсили илм қылур болғай* (Фурқ· II, 126).

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг «умумзамон» маъносида қўлланиши одатда ҳикматли иборалар, мақоллар, афоризмлар учун характерли:

*Йығлаб йүзүңүздин алайын зулф ниқāбын,*
*Гул йахшы ачылмас, кэчәләр йағмаса йамғур*
(Отойи, 20б).

*Эр киши көп йасанса, бэва болғай, бу сифат зуāфатға шива болғай* (Нав. МҚ, 139). *Бу масал бар ким, қапудағы қапмаса, қарығунча қайғурур* (БН, 90). *Өзбәкниң мақāлы турур: ит сэмирсә, эгәсин қапар* (Ш. турк, 8).

*Ким кэ ичсә ишқ жāмыдын шарāб,*
*Болғай маъшуқы үчүн масти харāб* (ТН, 53б).

3. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли айрим манбаларда ўтган замон маъносини ифодаловчи *барган бўлса* типидаги анали-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тик форма ўрнида ҳам қўлланган: *Мэни нэ учун урар-сэн? Й а з у қ қ ы л с а, аны урғыл* (Рабғ Т, 32). *Кимгә йоқсуллуқ б э р с ә м, хор қылмадым* (Таф., 133б). *Бизни йахшы йол бирлә башламасаңыз, йолдашыңызға н э қ ы л с а қ, сизгә шуны қылурмиз* (Ш. турк, 69).

Бу мисолларда *йазуқ қылса, бэрсәм, нэ қылсақ* феъллари «гуноҳ қилган бўлса», «берган бўлсам», «нима **қилган бўлсак» маъ**носида қўлланган.

Ҳозирги-келаси замон шарт феъли формаси шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, бош ва эргаш гаплар ўртасидаги муносабатни кўрсатиш учун *агар (гар), мабāда* каби боғловчилар ҳам қўлланади. Бундай ҳолларда шарт маъноси яна ҳам конкретлашади: *А г а р сизләр Фиръавн табару б а р с а с и з л ә р, иккиңизни Фиръавн өлдүрүр* (Таф., 29б).

*А г а р к ө р с ә сэни, ҳам лāла солғай,*
*Сэниң-дэк гул магар учмақда болғай* (МН, 307б).
*Г а р рақибиң т ү ш с ә мэниң колума,*
*Арқасыдын тасмалар көп тилә-мэн* (Лутф., 226б).
*Бāдадын бир дам фарāғат истәмә, г а р и с т ә с ә ң,*
*Давр аҳлы мэҳнатыдын тапқа-сэн бир дам фарāғ*
(Нав. ФК, 102б).

*А г а р а ҳ д қ ы л с а л а р, қуллуққа кэлгүмдүр* (БН, 150). *А г а р сэн бәгиңни ө л т ү р с ә ң, бир элдин алған мāлларны ва эвдин кэлтүргән қошынны барчасын санға бэрәлиң* (Ш. тар., 72). *Аммā, м а б ā д ā бу сирр зāҳир болса,.. эриң бирлә сэни āшиқи қылдурғумдур* (ТН, 13а).

*Дост зикрини г а р э т с ә м т а ъ т и л,*
*Өзгә сөздин тилим алкан болсун* (Мунис, 188).
*Өлдүрүр, ч а қ с а м а б ā д ā кана, газзандалары,*
*Турфа қышлақ, жин урган аны паррандалары*
(Муқ., 211).

*Гунāҳымны м а б ā д ā қ ы л м а с а ң а ф в,*
*Ошал күндүр мэни рози сийāҳым* (Фурқ. I, 141).

Шундай қилиб, эски ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон шарт феъли формасининг шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапнинг кесими орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг бажарилиши учун зарур бўлган шартни кўрсатиш бу форманинг асосий функциясини ташкил этади.

Ҳозирги-келаси замон шарт феъли формасининг шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши қадимги ёдгорликлар тилида ҳам бу форманинг асосий функциясини ташкил этган (бу ҳақда шу манбалар тилини текширишга бағишланган адабиётларда қайд қилинган). Мисоллар: *Ол йиргәрү б а р с а р, түрк будун, өлтәчи-сэн* (КТ, 28). *Тоғмах болмасар, қарымақ, өлмәк болмаз* (Уйғ. II, 11). *А б а м б и р ө к бу әтөзүмин т и т с ә р-м э н...*


www.ziyouz.com kutubxonasi

*ағрығығ, қорқунчығ, барчаны титмиш, ыдаламыш болур-мэн* (Олт. йор., 175).

*Буларығ қозуб сэн бәрү к э л с ә-с э н,*
*Ол ишләр бузулға, өкүнч булға-сэн* (ҚБ, 206а).
*Қ а л ы к э л с ә, эзгү ағырлады сөз,*
*А б а ң к э л м ә с ә, болға йарлығ учуз* (ҚБ, 117а).
*А б а ң қ о л с а м, узу барыб,*
*Тутар эрдим сүсин тарыб* (МҚ, I, 380).

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда ҳам бу форманинг асосий функциясини ташкил этади (бу ҳақда адабиётларда қайд қилинган).

§ **60.** Ҳозирги-келаси замон шарт феъли *барса э(р)ди* типидаги шарт-истак формаси маъносида ҳам қўлланади. Бунда бош гапнинг кесими *барур эрди (бармас эрди)* ёки *барғай эрди* типидаги аналитик форма билан ифодаланган бўлади: *Сэн айтқан сөзни қ а б у л қ ы л с а қ, бунларға и л и н м ә г ә й э р д ү к* (Рабғ., 133б). *Агар бу Муҳаммад ҳақ эрдүкин б и л с ә м, мэн кэндү өзүмни ф и д ā қ ы л ғ а й э р д и м* (Таф., 146а—146б). *Оқ бирлә у р с а м, ҳ а л ā қ қ ы л ғ а й э р д и м* (НФ, 32).

*Оғулдын өзгәләр қ ы л с а бу ишни,*
*К э т ә р г ә й э р д и шāҳ ул танда башны* (ХШ, 10а).
*Хожандий сөзләрин Хоразмий мискин,*
*Э ш и т с ә, йүкүниб қ ы л ғ а й д ы т а ҳ с и н* (ЛН, 157б).
*Хизматыңда т у т м а с э р д и м бу умид*
*Ким, мэни мундақ ф а р ā м у ш ә й л ә с ә ң* (Лутф., 223а).

*Биз агар сизни алыб Танбал қашыға б а р с ә к, бизниң ишимиз и л г ә р и б а р у р э д и* (БН, 144).

*Й э т ә р э р д и башым авжи самāға,*
*Дэсәң Фурқат ғулāми хайриҳāҳым* (Фурқ. I, 141).

Келтирилган мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги *қабул қылсақ, билсәм, урсам, қылса, эшитсә, фарāмуш әйләсәң, барсәк, дэсәң* феъллари «қабул қилсак эди», «билсам эди», «урсам эди», «қилса эди», «эшитса эди», «фаромуш айласанг эди (унутсанг эди)», «десанг эди» маъносида қўлланган.

Ҳозирги-келаси замон шарт феъли формасининг *барса э(р)ди* типидаги шарт-истак формаси маъносида қўлланиши ҳозирги ўзбек ва бошқа бир қатор туркий тилларда ҳам мавжуд. Бу ҳол қадимги ёдгорликлар тили учун ҳам хос бўлган[52]. Қиёсланг: *Илтәрис қаған қ а з ғ а н м а с а р, уду бэн өзүм қ а з ғ а н м а с а р, ил йэмә, будун йәмә йоқ эртәчи эрти* (Тон., 64). *Мэн инилигү бунча башлайу қ а з ғ а н м а с а р, түрк будун өлтәчи эрти, йоқ болтачы эрти* (Мог., 17). *Өтүг бирим өтәгләгүлүк йыл ай өд қолу са-*

[52] Ш у к у р о в Ш. Феъл тарихидан. Тошкент, 1970, 35—36-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*қыш* *т о л с а р*, *т ү к ә с ә р*, *мунта әтөз қодуп, киши ашунынта тоғар эртимиз* (Олт. йор., 154).

*Азыб йүгрүр эрдим, айу бэрди йол,*
*Күйәр эрдим отқа, к ү з ә з м ә с ә ол* (ҚБ, 20б).

Бу мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги *қазғанмасар* феъли «ғайрат қилмаса эди (ғайрат қилмасам эди)», *толсар* — «тўлса эди», *түкәсәр* — «тугаса эди», *күзәзмәсә* — «асрамаса эди» маъносида қўлланган.

§ **61.** Ҳозирги-келаси замон шарт феъли истак маъносини ифодалайди: *Билгил ким, кимни к а р ā м а т и қ ы л с а м, тāаты бирлә қылғам* (Таф., 133б). *Ул сабабдын ҳар кимни т у т с а м, бэрк тутар-мэн* (Амирий, 333а).

*Көзүң көңлүм алурға м а й л қ ы л с а,*
*Турубтур ушмунак җāн ҳам назарда* (Отойи, 4б).
*Умиди ул ким, иш т а п с а итмāм,*
*Тамāшāға кэлиб сарви гул андāм* (Нав. ФШ, 118).

*Ул қачмаққа м а й л қ ы л с а, рāм кийик қачмас* (БН, 358).

*Х а й р қ ы л с а ң, бāға кир, бир сарвны āзāд қыл,*
*Сайр эдәндә бир күни рафтāрыңа өлмишди қул*
(Фурқ. I, 128).

Келтирилган мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги *карāмати қылсам* феъли «каромат қилишни истасам», *тутсам* — «тутишни истасам, тутмоқчи бўлсам», *майл қылса* — «майл қилмоқчи бўлса», *тапса* — «топишни истаса, топмоқчи бўлса», *ҳайр қылсаң* — «хайр қилишни истасанг, хайр қилмоқчи бўлсанг» маъносида қўлланган. Бу мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт феъли қўшма гап (асосан тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар) таркибида келган.

Истак маъносида бу форма асосан мустақил содда гапнинг кесими вазифасида қўлланади:

*Барэ, бир түнлә хуш қаршуңда б о л с а м,*
*Уш андын субҳ шамъи йаңлығ ө л с ә м* (ХШ, 97б).
*Бу нийатым өзүңгә фарз б и л с ә ң,*
*Саңа ҳар кэ дэсәм, а р з қ ы л с а ң* (ДН, 236а).
*Түн-у күн сāйа-дэк йаныда б о л с а м,*
*Нэ қылса, ҳукм-у фармāныда болсам* (Нав. ФШ, 204).

*Мэн барыб кичик хāн дадамны к ө р с ә м ва ҳам бāис болуб, кэлтүрүб к ө р г ү з т ү р с ә м* (БН, 125). *Ташна болған нафасымны аның зилāли васлы бирлән с э р ā б ә й л ә с ә м. Бу ишдә мэңә нэ маслаҳат көрсәтүр-сэн?* (ТН, 5б).

*Қаны бир йāрэ кэ, гулгашт әйләсәк қол ушлашыб,*
*Бэхалāл, āхиста-āхиста шаби маҳтāблар*
(Фурқ. I, 182).

Контекстда *истә-*, *тилә-* каби феъллар бўлганда, ҳозирги-келаси



www.ziyouz.com kutubxonasi

замон шарт феъли ифодалаган истак маъноси конкретлашади: *Анларны т и л ә д и ким, ө л м ә с ә л ә р* (Таф., 9а). *Хāтирим т и л ә р ким, бу кун саҳрāқа ч ы қ с а қ* (НФ, 310).

*Биз эмди заифлықٍ бирлә, эй ҳақ,*
*Т и л ә р-б и з ким, сэңә қ у л л у қ қ ы л с а қ* (ХШ, 3б).
*Т и л ә р-м э н ким, йүзүңгә с а ж д а қ ы л с а м,*
*Висāлның қадрының шукрыны б и л с ә м* (МН, 304а).
*Ақл и с т ә р э р д и ким, к ө р с ә равāн җāн сувратын,*
*Қāматың сарви бу ишкә рāст көргүзди қийāм*
(Лутф., 204а).
*Қасди ким, йāрдын бир сөз р и в ā й а т ә й л ә с ә,*
*И с т ә р ә м, сурған сайы башын ҳ и к ā й а т ә й л ә с ә*
(Нав. ҒС, 10б).

*Кāшкэ, шāйад(кэ)* сўзлари ёрдамида бу маъно яна ҳам конкретлашади: *К ā ш к э бу Қарунға бэрилгән мāл, тавар бизгә б э р и л с ә тэб,...* (Рабғ., 96а).

*Дариғā, к ā ш к э ҳақ аввал атамны*
*Муҗаррад т у т с а, б э р м ә с ә анамны* (ХШ, 56а).
*Итиң, эй к ā ш к э, б о л с а қарыным,*
*Өзин э т с ә бу йэрдә ҳамнишиним* (ДН, 250а).
*Йэргә к и р с ә м к ā ш к э, чун йэтмәс ул айға элиг,*
*Мушкил аҳвāлә түшүбтүр, йэр қатық-у көк йырақ*
(Лутф., 193а).
*Ҳаҗрыда ҳар дам җафāсыдын өләр-мэн йүз карат,*
*К ā ш к э бир қатла ө л с ә м ул ситамкāр аллыда*
(Мунис, 66).
*Эртә-йү кэч тынғышыб саладур-миз қулақ Хоқандга,*
*Қ ы л с а ш ā й а д бизгә ҳам дэб бир мусулмāн а с с а л ā м*
(Муқ., 108).

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг истак маъносида қўлланиши «Қутадғу билиг» ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам учрайди[53]: *Азқына кичики эмгәкин ө г с ә р-м э н* (Уйғ. III, 31).

*Тиләгим бу ол, мэн билә б о л с а, мэн*
*Элиг бир қылыб, мэн т а п у ғ қ ы л с а-м э н* (ҚБ, 141а).
*Саңар ызтым эрди қадашыңны мэн,*
*Тиләгим бу эрди: маңа к э л с ә-с э н* (ҚБ, 142а).

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг истак маъносида қўлланиши ҳозирги ўзбек[54] ва бошқа бир қатор туркий тиллар[55] учун

[53] Ф о з и л о в Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, 83—84-бетлар; Ш у к у р о в Ш. Феъл тарихидан, 35-бет.

[54] Ғ у л о м о в А. Ғ. Феъл, 49—50-бетлар; И б р о ҳ и м о в С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси. Тошкент, 1967, 220-бет; Г у л я м о в Я. Г. Грамматика ташкентского говора, с. 124.

[55] Б а с к а к о в Н. А. К вопросу о происхождении условной формы на -са/-се в тюркских языках, с. 38, 45; К у з н е ц о в П. С. Условное наклонение в турецком языке.— «Академику Владимиру Александровичу Гордлевскому к



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам характерли. Айрим туркий тилларда эса бу форманинг бундай қўлланиши маълум сабабларга кўра кейинчалик истеъмолдан чиққан. Масалан, озарбайжон тилида бу форма XVIII асрга қадар истак маъносида ҳам анча актив истеъмолда бўлиб, кейинги даврларда, шунингдек, ҳозирги озарбайжон тилида бу маънода қўлланмайди. Бунинг сабаби, озарбайжон тилшуноси М. Ш. Раҳимовнинг таъкидлашича, бу тилда истак майлининг махсус формаси, яъни *-а/-ә* аффиксли *алам, алаг* типидаги форманинг шаклланиши ва актив истеъмолда бўлиши билан боғлиқдир[56].

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг туркий тиллар тарихида ва ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида истак маъносида актив қўлланиши тасодифий ҳол эмас, балки шу формани ҳосил қилувчи аффикснинг характери билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. Яъни бу формани ясовчи *-са/-сә* аффикси, юқорида айтилганидек, истак, орзу, хоҳиш каби маъноларни билдирувчи *са-* феъли асосида шаклланган бўлиб *(Қаранг:* § 57), бу маънолар ҳозирги-келаси замон шарт феъли формасида ҳам сақланган.

§ **62.** Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг II ва III шахс формалари илтимос, маслаҳат каби маъноларда ҳам қўлланади, яъни буйруқ-истак майли формалари ўрнида келади: *Идрис йалавач малик Алмутдын ҳāжат қолды, айды: кэрәк ким, учмақны, тамуғны мэңә к ө р г у т с ә-с э н, тэб айды* (Таф., 10б). *Бу кундин соң уларға қаҳр қ ы л м а с а ң, ө л т у р м ә с ә ң тэди* (Рабғ., 132б). *Кэрәк ким, мэни ул āрзумқа т э г и р с ә ң и з* (НФ, 180).

*Тиләр-мэн ким, бизиң тил бирлә пайдā,*
*Китāби ә й л ә с ә ң бу қыш қатымда* (МН, 292а).
*Т э г у р с ә ң нāмаи āшиқ тилидин,*
*Х а б а р б э р с ә ң бир айның манзилидин* (ДН, 236а).
*А ч с а ң йузуңни, ақса кeзум йашы нэ ажаб,*
*Чун сэл ақар ҳамиша, агар йаз ачылса сай*
(Отойи, 68а).

*Көңлидәгини арз қылыб дэр ким, Мирзā ш а р т қ ы л с а л а р ким, мэниң эликимни қавий қылыб, сөзумдин тажаввуз қылмасалар* (БН, 222).

Келтирилган мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги феъллар илтимос маъносида қўлланган, яъни *көргутсәсэн* феъли «кўрсатгин», *қаҳр қылмасаң* — «қаҳр қилмагин», *өлтурмәсәң* — «ўлтирмагин», *тэгурсәңиз* — «етказинг», *әйләсәң* — «айлагин», *тэгурсәң* — «етказгин», *хабар бэрсәң* — «хабар бергин»,

---

его семидесятипятилетию. Сборник статей». М., 1953, с. 160; Х о ж а е в Б. Туркмен дилинде ишлигиң шерт формасының уланылышы ве маңылары.— «Труды Института языкознания». Вып. IV. Ашхабад, 1962, с. 64—65; И с х а к о в Ф. Г., П а л ь м б а х А. А. Грамматика тувинского языка, с. 402; П о к р о в с к а я Л. А. Грамматика гагаузского языка. Фонетика и морфология. М., 1964, с. 218.

[56] Р ә һ и м о в М. Азәрбајчан дилиндә фе'л шәкилләринин формалашмасы тарихи. Бакы, 1965, 153-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ачсаң* — «очгин», *шарт қылсалар* — «шарт қилсинлар», *тажаввуз қылмасалар* — «тажаввуз қилмасинлар» маъносини ифодалайди.

Контекстда *нэ болғай, нэ болур, нэ болды, нэтти, нэтәр* сўзлари бўлганда, ҳозирги-келаси замон шарт феъли ифодалаган илтимос маъноси яна ҳам конкретлашади (Бундай ҳолларда ҳозирги-келаси замон шарт феъли одатда II шахс формасида қўлланади). Бу ҳол шеърий асарлардагина қайд қилинди:

*Нэ болғай, мэн гадāны йāд қылсаң?*
*Висāлың бирлә көңүл шāд қылсаң?* (ЛН, 150б).
*Башымға тиғи ғам сурсаң нэ болғай?*
*Бу сөз дэгүнчә өлтүрсәң, нэ болғай?* (Нав. ФШ, 137).
*Шāҳā, бизгә назар қылсаң, нэ болды?*
*Гадāны муътабар қылсаң, нэ болды?* (Отойи, 60б).
*Аның зулфы, сөзи ичрә мэниң қиссам узун болды,*
*Сабā, нэ болды, йэткүрсәң, аңа бу дāстāнымны?*
(Сакк., 22а).
*Эл нэчә мэндин йашурғайлар сэни, вāҳ, бир кэчә,*
*Нэтти, кулбам сары кэлсәң бары элдин йашурун?*
(Нав. ҒС, 73б).
*Нэ балāлардур кэ, Мунис чэкди ҳижрāн ранжыдын,*
*Нэтти, аны қоймасаң, жāнā, йана āзāрға?*
(Мунис, 63).
*Мың салāм эткән кишигә бир салāм этсәң, нэтәр?*
*Иззатың тутганны сэн ҳам эҳтирāм этсәң, нэтәр?*
(Муқ., 172).
*Мэниңчүн, нэ болур, бир нāлаи имдāд йэткүрсәң?*
*Муқимий, йэтмәс āҳым, нāтавāн жāның-мэн, эй қумри*
(Муқ., 140).

Бу мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги феъл орқали сўзловчи тингловчига (II шахсга) мурожаат қилиб, феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатни бажаришни илтимос қилади.

Қуйидаги мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт феъли маслаҳат, иш-ҳаракатни бажаришга ундаш, чақириш маъносида қўлланган: *Йā Зикрийā, сэңә нишāн ул турур ким, үч күн кимэрсәгә сөзләмәсә-сэн. Андағ йарлықады* (Таф., 17б). *Аййуб кэлиб Баҳилға айтды: вақт болмады-му, имāн кэлтүрсәң, мусулмāн болсаң?* (Рабғ., 76б). *Сэңә маслаҳат андағ турур ким, бу кэчә чықсаң тақы Мадина тарафынға барсаң* (НФ, 19).

*Эмди тадбир бу ким, шāҳи замāн,*
*Балхдын кэлсә-йу қылса фармāн.*
*Ҳар нә ким ул дэсә, андағ қылсақ,*
*Гул киби суҳбатыдын ачылсақ* (ШН, 204).
*Ул замāн сайри гулистāн әйләсәк қол ушлашыб,*
*Рашкдын әйләб гул-у булбулны йаксāн иккимиз*
(Фурқ. I, 93).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги *сөзләмәсә-сән* феъли «сўзламагин», *имāн кэлтүрсәң* — «имон келтиргин», *мусулмāн болсаң* — «мусулмон бўлгин», *чықсаң* — «чиққин», *барсаң* — «боргин», *кэлсә* — «келсин», *қылса фармāн* — «фармон қилсин», *андағ қылсақ* — «андоқ қилайлик», *ачылсақ* — «очилайлик», *сайр әйләсәк* — «сайр айлайлик» маъносида қўлланган.

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг илтимос, маслаҳат каби маъноларда қўлланиши ҳозирги ўзбек тили учун ҳам характерли[57]. Бу ҳодисанинг бошқа бир қатор туркий тилларда ва уларнинг тарихида ҳам мавжудлиги қайд қилинган[58].

§ **63.** Ҳозирги-келаси замон шарт феъли чоғиштириш эргаш гапнинг кесими вазифасида келади ва бу типдаги эргаш гаплар бош гапдаги иш-ҳаракатни қиёслаш, таққослаш йўли билан изоҳлайди. Бундай ҳолларда одатда эргаш гап таркибида *нәтәк, нәчүк, нәчә, нә(нә), қандағ(қайдағ)* каби олмошлар, бош гап таркибида эса *андағ, шундағ, анча, шу* каби олмошлар бўлади: *Нә көрәр-сән тэсә, йәрдин көк н э т ә к к ө р ү н с ә, а н д а ғ-о қ көрүнүр тэди* (Рабғ., 28б). *Сиз пайғамбарлық бирлә н э ч ү к ф а ҳ р қ ы л с а ң ы з, бизләр тақы эзгү оғуллар дуāсы бирлә а н д а ғ фаҳр қылур-биз* (Рабғ., 138б). *Аммā өзгәниң шариф зāтыға бэҳад мазаллат к ө р с ә, а н ч а тафавут қылмас кә,...* (Нав. МҚ, 100). *Сэндин н э к ө р с ә, новкарларың ш у н ы қылур* (Ш. турк, 140).

*Āнчунāн лāғар, ҳарāби ким, заифлик бāбыда,*
*Қантарыб қ а й д а ғ кэ үч күн к э т с ә ң и з, ш у н д а ғ турар*
(Муқ., 79).

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг бундай қўлланиши ҳозирги ўзбек тили учун ҳам характерли[59].

§ **64.** Ҳозирги-келаси замон шарт феъли сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага келиш сабабини кўрсатади. Эски ўзбек тилида мазкур форма бу вазифада кам қўлланган бўлиб, асосан шеърий асарларда кузатилади: *Қылмыш тāатыны қ а з ā қ ы л с а ң, булар қамуғны қылдылар* (Рабғ. Т, 610).

*Табассумыны ҳ а в а с қ ы л с а Лутфий, айб этмәң,*
*Көңүл игигә шифā истәр-у илāҗ тиләр*
(Лутф., 176а).

---

[57] Ғ у л о м о в А. Ғ. Феъл, 50-бет; А з и з о в а А. Г. Ўзбек тилида шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар, 27-бет; Г у л я м о в Я. Г. Грамматика ташкентского говора, с. 124.

[58] К у з н е ц о в П. С. Условное наклонение в турецком языке, с. 160; Р ә һ и м о в М. Азәрбајчан дилиндә фе'л шәкилләринин формалашмасы тарихи, 155-бет; Х о ж а е в Б. Түркмен дилинде ишлигиң шерт формасының уланылышы ва манылары, 65-бет; У р у с б и е в И. Х. Спряжение глагола в карачаево-балкарском языке. Черкесск, 1963, с. 180.

[59] А б д у р а ҳ м о н о в Ғ. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент, 1964, 224—226-бетлар; А с қ а р о в а М. Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гаплар. Тошкент, 1960, 46—47-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йузигә көп тикә· б а қ с а м, мәңә кулуб айтур:*
*Атайи, нә көзи тоймас гада̄ эмиштүк-сән*
(Отойи, 54б).
*Лаълидин тир көрмәк э т с ә м а̄ р з у, айб этмәңиз,*
*Ҳәч ким. өлтүрмәк этмәйдүр мусиҳа̄дын тамъ*
(Нав. ҒС, 51а).
*Наргисдин көз боста̄н ачғай,*
*Қ ы л с а ң та̄кә а р з и д и й д а̄ р* (Мунис, 242).

Келтирилган мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги *қаза̄ қылсаң* феъли «қазо қилганинг учун», *ҳавас қылса*- «ҳавас қилгани учун», *бақсам* — «боққаним (қараганим) учун», *этсәм а̄рзу* — «орзу этганим учун», *қылсаң арзи дийда̄р* — «арзи дийдор қилганинг учун» маъносида қўлланган.

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг сабаб маъносини ифодалаши ҳозирги ўзбек ва бошқа айрим туркий тилларда ҳам кузатилади[60].

§ **65**. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапнинг кесими орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади· Бунда бош гапнинг кесими ўтган замон ёки келаси замон феъли ёки буйруқ-истак майли формаси билан ифодаланган бўлиши мумкин: *Нәтәк ким, аҗаб нарсалар к ө р с ә л ә р, айтты: Са̄ра қары урағут, аның иләру айа̄лы болмадуқ эрди* (Таф., 54а). *Исма̄ил к ә л с ә, мундағ сифатлығ киши көрмәккә кәлмиш,... тәгәй-сән, тәб Ибра̄ҳим барды* (Рабғ·, 31б).

*Айа̄ сән кита̄бны оқыған киши,*
*Т у г ә т с ә ң, дуа̄дын унутма мәни* (ХШ, 116а).
*С ө з л ә с ә, ағзыдын шаккар көрүнүр,*
*Садаф лаълыдын говҳар көрүнүр* (Отойи, 23б).

*Қайда ким, җузвий рангин сөз йа̄ маънийи на̄зук к ө р с ә, тасарруф қылурға а̄дат қылыбдур* (Нав. МН, 98). *Мәват вила̄йатыға й э т с ә, бу тағлар улуғрақ болур* (БН, 354). *Ул уйға к и р и б б а р с а, көрәр ким, мулла̄ларның ақ сақаллықларыдын бир киши олтуруб турур* (Ш. турк, 115). *Бир нәчә вақт өтүб, мазкур Раҳма̄нқули қой җа̄лла̄бдын қойны т а л а б қ ы л с а, мән сәндин ҳәч нимәрсә алғаным йоқ, дәб инка̄р қылыбдур* (Фурқ· II, 147).

Келтирилган мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги феъллар *-ганда* аффиксли равишдош ўрнида келган, яъни *көрсәләр* феъли «кўрганларида», *кәлсә* — «келганда» *тугәтсәң* — «тугатганингда», *сөзләсә* — «сўзлаганда», *көрсә* — «кўрганда», *йэтсә* — «етганда», *кириб барса* — «кириб борганда», *талаб қылса* — «талаб қилганда» маъносида қўлланган.

*Қачан (қачан ким)* сўзи ёрдамида ҳозирги-келаси замон шарт феъли орқали ифодаланган пайт маъноси яна ҳам конкретлашади: *Қ а ч а н к ә л с ә л ә р, сәңә сала̄м қылурлар* (Таф., 77а). *Қ а-*

[60] Ғ у л о м о в А. Ғ. Феъл, 51-бет; Р ә һ и м о в М. Азәрбајҹан дилиндә фе'л шәкилләринин формалашмасы тарихи, 153—155-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*чан өфкәләсә, бир вилāйатны харāб қымағынча өфкәләри өчмәс эрди* (Рабғ., 41а). *Қачан ким мэн элкимни бу қадахдын чықарсам, сиз эликләриңизни қатғай-сиз* (НФ, 26).

*Қачан бу тутхавуллар кэтсә йолдын,*
*Сэн өз йолуң көрүб худ билгә-сэн чын* (ХШ, 106б).
*Қачан өлсәм, сэңә қадрым билүргәй,*
*Бу йолға түшсә Афлāтун тэлўргәй* (МН, 304а).
*Қачан ким йэтсә заъф-у ранжҗдын банд,*
*Сэни ҳам муҳрадын қылғай баруманд* (Нав. ФШ, 85).

*Қачан хāн эшикинә кэлсә, ҳэч киши ман қылмағай* (Ш. турк, 33).

*Сурмалар тартыб қачан көрсәң көзигә, дāима,*
*Өзгә бэргәй, қолыда āйина, ара, баччағāр*
(Муқ., 57).

Бундай ҳолларда *қачан* (*қачан ким*) ўрнида *ҳар қачан, ҳар дам, ҳар замāн, ҳар күн, дам-бадам* каби пайт билдирувчи сўзлар ҳам қўлланади: *Ҳар қачан кāрвāн йэтилишсә, табл урарларды* (Таф., 89б).

*Рашк элиндә қан йутар җāным сарāҳы-дэк мудам,*
*Дамбадам өпсә пийāла нāзанинларның лабын*
(Отойи, 48б).
*Ҳар күн ул ишкә, қылса бинāсы,*
*Шāҳ кэлиб әйләгәй тамāшāсы* (Нав. СС, 74).

*Ҳар қачан Ғāзи хāнның иниси Ҳāҗи хāнны оғлы билә даргāҳқа йыбарса,.. сизләр қатылың* (БН, 331). *Ушбу чақда ҳам бир киши бир кишидин сорса, «элиңниң умақы нэ турур», тэб сорар* (Ш. тар., 34).

*Ҳар дам күйәр-мэн, йāдымға түшсәң,*
*Бир көрмәгүнчә йоқдур қарāрым* (Муқ., 158).

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши қадимги ёдгорликлар тили учун ҳам характерли бўлган[61]: *Анча сақынтым; көздә йаш кэлсәр, этидә көңүлтә сығыт кэлсәр, йантуру сақынтым* (КТ, 33). *Мунтағ тисәрмэн, отру ол йэкләр маңа ынча титиләр* (Олт. йор., 155).

*Анадын-му билгә туғар бу киши,*
*Азу өгрәнүр-му, йэтилсә йашы?* (ҚБ, 66а).
*Кэлсә ума, түшүргил,*
*Тынсын аның аруқлуқ* (МҚ, II, 366).

Бу мисолларда ҳам ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги феъллар пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гап-

---

[61] Фозилов Э. Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, 83-бет; Шукуров Ш. Феъл тарихидан, 34-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

даги иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади, яъни *кэлсэр* феъли «келганда», *тисэр-мэн* — «деганимда», *йэтилсэ* — «етилганда», *кэлсэ* — «келганда» маъносида қўлланган.

Демак, ҳозирги-келаси замон шарт феълининг пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, *-ганда* аффиксли равишдош функциясини бажариши туркий тилларда қадимдан шаклланган. Ушбу форманинг бу функцияси ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда яна ҳам активлашган (бу ҳақда ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларга бағишланган адабиётларда қайд қилинган). Шу билан бирга, ҳозирги туркий тилларнинг баъзиларида, масалан, озарбайжон тилида ҳозирги-келаси замон шарт феълининг бу функцияси истеъмолдан чиққан[62].

Бу ўринда шу нарсани эслатиб ўтиш керакки, қадимги ёдгорликлар тилида ҳам, эски ўзбек тилида ҳам, ҳозирги туркий тилларда ҳам ҳозирги-келаси замон шарт феъли пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида қўлланганда, маъно ва функцияси жиҳатдан *-ганда* аффиксли равишдошга айнан мос келмайди. Чунки *-ганда* аффиксли равишдошнинг вазифаси бош ва эргаш гаплар ўртасидаги замон муносабатини кўрсатишдан иборат бўлиб, пайт маъносини ифодалайди, яъни бу равишдош эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапнинг кесими орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини кўрсатади. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли эса пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, бир томондан, пайт маъносини ифодаласа, иккинчи томондан, унда шарт оттенкаси ҳам мавжуд бўлади, яъни бундай ҳолларда шарт-натижа муносабати кўрсатилади.

§ 66. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келади, яъни бу форма ифодалаган иш-ҳаракат бош гапнинг кесими орқали ифодаланган иш-ҳаракатнинг юзага чиқишига монелик қилмайди: *Сэн қайда ким б о л с а с э н, сэни эзгу тутар* (Таф., 39а).

> *Аның-тэк йүз йыл и з д э с э ң, тапулмаз,*
> *Қуруғ қазғу йэмэкиң асғы болмаз* (ХШ, 70б).
> *Агар мың йыл т и р и л с э Хатами тай,*
> *Сэниң атың эшиткэч, йэрлэр өпкэй* (МН, 294а).
> *Йāрдын агар к э л с э қылыч башыма,*
> *Зарра фирāқ этмэгэ-мэн ихтийāр* (Лутф., 169а).
> *Атайини гар ө л т у р с э ң, ошал айдын көңул үзмэс,*
> *Фалак, сэн ҳам нэчэ қылдың бу муңлуғ бирлэ ситизā*
> (Отойи, 55б).
> *Ким ул гоҳардын а л с а халқ ҳар дам,*
> *Йүз ылда болмағай мыңдын бири кам* (Нав. ФШ, 14).

*Агар он күн ө г р э т ү б о л т у р с а, тили өгрүлмэс* (Ш. турк, 23).

---

[62] Рәһимов М. Азәрбајҹан дилиндә фе'л шәкилләринин формалашмасы тарихи, 169-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ҳар бала̄-йу җабр к э л с ә, йанмаға̄й ҳаргиз Муқим,*
*А̄шиқ аҳлыны урубан ҳа̄р қылмақ шунчалар*
(Муқ., 171).

Келтирилган мисолларда ҳозирги-келаси замон шарт феъли формасидаги *(қайда) болса-сэн, издәсәң, тирилсә, кэлсә, өлтүрсәң, алса, өгрәтиб олтурса* феъллари «(қаерда) бўлсанг ҳам», «истасанг ҳам», «тирилса ҳам», «келса ҳам», «ўлтирса ҳам», «олса ҳам», «ўргатса ҳам» маъносида қўлланган.

Тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, ҳозирги-келаси замон шарт феъли одатда *ҳам* юкламаси билан қўлланади:

*Киши ким көтрүр алтмыш батман а̄са̄н,*
*Бэш артуқ й ү к л ә с ә ң ҳ а м қорқмаз андан* (ХШ, 48б).
*Агар күн т у ғ м а с а ҳ а м йақту қылға̄й,*
*Йүзүң нуры бу дайниниң сара̄йын* (МН, 292б).
*Гар мэни ҳаҗр ағрығы ө л т ү р с ә ҳ а м кэлмәс сораб,*
*На̄гаҳа̄н раҳмың кэлиб, ҳа̄лымға па̄зма̄н болға-сэн*
(Отойи, 42а).

*Ул ширин изтира̄блар қылур кэ, йана муъҗиби ҳазл болур. С а ф а̄ ҳ а т қ ы л с а ҳ а м элдин қутулмас* (Нав. МН, 155). *Абдулла̄ ха̄н тирик турғанда йуртны талаб қылмақ охшамас. Агар а л с а л а р ҳ а м бошларын бэрүрләр* (Ш. турк, 146). *Биз қой к ө р м ә с ә к ҳ а м қый көргән эрдик* (Гулх., 42).

*Дэди: ҳар күни б э р с ә ң он сом ҳ а м,*
*Барылмайды, қой завуты, хоҗам* (Муқ., 41).

Баъзи манбаларда *ҳам* юкламаси ўрнида *-да* юкламаси ишлатилиши ҳам учрайди:

*А̄лам болдум сэниң ишқыңда элгә,*
*А̄лам б о л с а ң-д а йигрәк бил элгә* (ХШ, 82а).

*Эмди па̄дша̄ҳ-сиз, ө л т ү р с ә ң и з-д а сиз билүр-сиз ва т и р г ү з с ә ң и з-д а сиз билүр-сиз* (Ш. турк, 178). *Ачылур ағзы д э с ә ң и з-д а вуз-у ғусл қылыш,..* (Муқ., 211).

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг *-да* юкламаси билан қўлланиши эски ўзбек тили учун характерли бўлмаган. Бу ҳол айрим манбалардагина кузатилади.

Бундан ташқари, ҳозирги-келаси замон шарт феъли тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида қўлланганда, контекстда *нэчә (ким), ҳар нэчә(ким), қанча(ким), агарчэ, гарчэ* каби боғловчи вазифасида келган сўзлар бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳол асосан шеърий асарларда учрайди: *Малик Са̄раға н э ч ә с ө з л ә с ә, җава̄б аймады* (Рабғ., 30а).

*Уш эмди көрмән, аны н э ч ә б а қ с а м,*
*Саза̄м өзни тэгән-тэк отқа йақсам* (ХШ, 24б).
*Н э ч ә к и м и л м ә с ә ң и з к ө з г ә бизни,*
*Көңүл җа̄н ичрә асрар мэҳриңизни* (МН, 307а).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Йүзүңгә н э ч ә бақсам, тойман, эй җāн,*
*Сэни сэвдүм ҳақиқат, қойман, эй җāн* (ЛН, 154б).
*Қамыш ҳам ҳāли эрмэс ким, бэрүр қанд,*
*Н э ч ә а й ы р с а ң аның бандыдын банд* (ДН, 247б).
*Б у й у р с а г а р ч э ишқың таркыны ақл,*
*Ул ишни мэн қыла алман тааққул* (Нав· ФК, 129а).
*Қоймағумдур этәгин, к э т с ә м эликтин ҳ а р н э ч ә,*
*Бармағумдур āстāныңдын, агар барса башым*
(Бобир, 25).

*Нāла қылман, ҳ а р н э ч ә йāр б э д ā д ә й л ә с ә,*
*Айб эрүр ишқ аҳлы маъшуқ элкидин д ā д ә й л ә с ә*
(Мунис, 42).

*А г а р ч э т а п м а с ә к бир йахшы дилбар,*
*Йамандур гар ситамкāр, ахтарайлик* (Фурқ. I, 121).

Бу мисолларда ҳам ҳозирги-келаси замон шарт феъли тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келган, яъни *сөзләсә* феъли «сўзласа ҳам», *бақсам* — «боқсам (қарасам) ҳам» *илмәсәңиз көзгә* — «кўзга илмасангиз ҳам», *айырсаң* — «айирсанг ҳам», *буйурса* — «буюрса ҳам», *кэтсәм* — «кетсам ҳам», *бэдāд әйләсә* — «бедод айласа ҳам», *дāд әйләсә* — «дод айласа ҳам», *тапмасәк* — «топмасак ҳам» маъносида қўлланган. Бу маъно *нәчә(ким), ҳар нәчә(ким), агарчэ, гарчэ* сўзлари ёрдамида яна ҳам аниқроқ сезилиб турибди.

Ҳозирги-келаси замон шарт феъли тўсиқсизлик маъносида «Қутадғу билиг» ва «Девону луғотит турк»да ҳам қўлланган: *Йылан йарбуздын қачар, қ а н ч а б а р с а, йарбуз отру кэлир* (МК, III, 46).

*Эсиз, эзгүләр өлсә, тупрақ болур,*
*Н э ч ә б о л с а тупрақ, көр, аты қалур* (ҚБ, 70а).

Ҳозирги-келаси замон шарт феъли тўсиқсизлик маъносида ҳозирги туркий тилларда ҳам актив қўлланади ва бунда ҳар хил туркий тилларда турли грамматик, лексик воситалар иштирок этади. Масалан, бу вазифани туркман тилида *-да* ёки *ҳам* юкламаси[63], ўзбек тилида кўпинча *ҳам,* баъзан *-да*[64] юкламаси, озарбайжон тилида *-да* юкламаси бажаради[65]. Уйғур тилида бу ўринда *-му* юкламаси қўлланади[66]. Бундан ташқари, контекстда нисбий олмошлар, ўрин, пайт, миқдор-даража равишлари ва бошқа лексик воситалар, шунингдек, *агарчи, гарчи, гарчанд* каби боғловчилар ҳам бўлиши мумкин.

---

[63] Ходжаев Б. Условная форма глагола в современном туркменском языке. АКД. Ашхабад, 1958, с. 9.

[64] Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 416.

[65] Грамматика азербайджанского языка. Фонетика, морфология, синтаксис. Баку, 1971, с. 401.

[66] Һазирқи заман уйғур тили. II қисм. Морфология ва синтаксис. Алмута, 1966, 414-бет.


www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 67. Ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги *дэсә* феъли буйруқ-истак майли формасидаги феълларга қўшилиб келганда, истак, мақсад маънолари ифодаланади. Бунда буйруқ-истак майли формасидаги феъл билан *дэсә* феъли бирликда мақсад эргаш гапнинг кесимини ташкил этади. Бундай ҳолларда *дэсә* феъли шахс-сон аффиксларини ҳам қабул қилади *(дэсәм, дэсәң, дэсә, дэсәк, дэсәңиз, дэсәләр): Ҳар ким... көңлүмдин қайғу кэтсун дэсә, сураи инъāмны өкүш оқысун* (Рабғ., Т, 200). *Ул ҳам йалаң айағ болса, нэткәй, кафш алай дэсә, баҳāсы қайдын йэткәй* (Нав. МҚ, 168).

*Көргүзәйин дэсәңиз йүзүмни,*
*Өзгә қылмаң бу дэгән сөзүмни* (ШН, 151).

*Агар мақсудуңға йэтәй дэсәң, ҳар муйи ким, башыңда ва таныңда бар, аны алғыл* (ТН, 12а).

*Алай дэсә, конторда йоқ бир пақир,*
*Дэсә алмайын, ул закāлат күйир* (Муқ., 41).

Мисоллардаги *кэтсун дэсә* бирикмаси «кетишини истаса», *алай дэсә* — «олмоқчи бўлса», *көргүзәйин дэсәңиз* — «кўргазмоқчи бўлсангиз», *йэтәй дэсәң* — «етишни истасанг», *алай дэсә* — «олмоқчи бўлса», *дэсә алмайын* — «олишни истамаса» маъносини ифодалайди.

*Дэсә* феъли *-ғай* аффиксли *барғай-мэн* типидаги формага ёки ҳозирги-келаси замон феълининг I шахс формасига *(барур-мэн, барур-миз)* қўшилиб келганда ҳам шу маъно ифодаланади. Бундай ҳолларда кўрсатилган формалар буйруқ-истак майли формаси маъносида келган бўлади: *Дэсәң таāмың зāйэ болмағай, йэдүр* (Нав. МҚ, 112).

*Эй Навāий, җāның алур-мэн дэсә, қайғурмағыл,*
*Җāнға миннат қой, мунуң бирлә гар этсә эктифā*
(Нав. ҒС, 12б).

*Ушбу душманны йасар-мэн дэсәңиз,*
*Аны боғзыдын асар-мэн дэсәңиз,*
*Қалмағай-биз дэсәңиз қайғусыға,*
*Ул нафс башларының отрусыға,*
*Ушбу йэтти нимәни кэлтүрүңүз,*
*Ҳар бири бирлә бирин йэткүрүңүз* (ШН, 143).

Бу мисолларда *дэсәң зāйэ болмағай* феъли «зое бўлишини истамасанг (зое бўлмасин десанг)», *алур-мэн дэсәң* — «олишни истасанг», *йасар-мэн дэсәңиз* — «ясашни (енгишни) истасангиз», *асар-мэн дэсәңиз* — «осмоқчи бўлсангиз», *қалмағай-биз дэсәңиз қайғусыға* — «қайғусига қолишни истамасангиз» маъносида қўлланган.

§ 68. Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг II шахс формаси *-чы/-чи* юкламаси билан бирга қўлланиб, мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келади. Бунда илтимос, буйруқ, маслаҳат каби маънолар ифодаланади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Көңул қан бағлады мāнāнди булбул,*
*Айā, эй ғунча лаб,* *к ы л с а ң-ч ы, х а н д а* (Фурқ. I, 36).
*Көзләргә җаҳāн болды танг-у тар, к э с ә ң-ч и,*
*Қылмай бу балā мунча мэни зāр, к э с ә ң-ч и* (Муқ., 209).

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг бундай қўлланиши XIX асрдан бошлаб кузатилади, ҳозирги ўзбек тилида эса актив тус олган[67].

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг *-чы/-чи* юкламаси билан қўлланиши бошқа туркий тилларда, ҳам мавжуд[68]. Туркий тилларнинг бир группасида эса, асосан, ўғуз группасидаги туркий тилларда бундай ҳолларда *-чы/-чи* юкламасининг вазифасини *-а/-ә* юкламаси бажаради: *барсана* («барсанг-чи» маъносида), *барсаныза* («борсангиз-чи» маъносида)[69].

«Хисрав ва Ширин»да ва «Гулистон бит туркий» асаридаги шеърий текстларда ҳозирги-келаси замон шарт феълининг II шахс бирлигига *-ан/-ән* қўшилиши билан ҳосил бўлувчи *барсаңан, кэлсәңән* типидаги форма ҳам қўлланган:

*Көчуб нақшыны қалмады маҗāлың,*
*Қийāс эт, к ө р с ә ң ә н, нэ болғай ҳāлың* (ХШ, 19а).
*Агар шāҳлыққа қайра т э г с ә ң ә н сэн,*
*Дариғā, мэн қатыңда болмағай-мэн* (ХШ, 44а).
*Бу икки ҳāҗатым б и т к ү р с ә ң ә н сэн,*
*Азынны қ ы л с а ң а н, райыңча мэн-мэн* (ХШ, 94а).
*Тамаъ аз тут, агар көп й э с ә ң ә н ҳам,*
*Футуҳ үзрә футуҳуң болғай ул дам* (ХШ, 88б).
*Нэчә бас тэб, мэни э м г ә т с ә ң ә н ҳам,*
*Тэңиз-тэк қайнамақым артар ул дам* (ХШ, 88б).
*Э к с ә ң ән хайр уруқын, бичкә-сэн,*
*Көзәгә нэ қуйсаң, аны ичкә-сэн* (СС, 4а).
*Ҳар ким кэ нафсын йэңәр, баҳāдур ул,*
*Паҳлавāн б о л с а ң а н, аның бики бол* (СС, 146б).

Мисоллардан англашилишича, бу форма маънони кучайтиш, таъкидлаш вазифасини бажаради. М. Ш. Рагимов бу форманинг

---

[67] Ғ у л о м о в А. Ғ. Феъл, 52-бет; К о н о н о в А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 233; Р е ш е т о в В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, с. 166; И б р о ҳ и м о в С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси, 202-бет; Г у л я м о в Я. Г. Грамматика ташкентского говора, с. 126.

[68] Б а с к а к о в Н. А. Каракалпакский язык. II. Фонетика и морфология. М., 1952, с. 451; Ю л д а ш е в А. А. Система словообразования и спряжения глагола в башкирском языке. М., 1958, с. 174; Современный казахский язык, с. 352.

[69] К о н о н о в А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. М., 1956, с. 220—221; Д м и т р и е в Н. К. Грамматика башкирского языка. М.—Л., 1948, с. 165; Б а с к а к о в Н. А. Каракалпакский язык, с. 451; П о к р о в с к а я Л. А. Грамматика гагаузского языка, с. 219; Р ә һ и м о в М. Азәрбајчан дилиндә фе'л шәкилләринин формалашмасы тарихи, 159—160-бетлар; У р у с б и е в И. Х. Спряжение глагола в карачаево-балкарском языке, с. 180.


www.ziyouz.com kutubxonasi

озарбайжон тилида (оғзаки нутқда) мавжудлигини қайд қилган ва бу форма ўғуз группасидаги туркий тиллар учун хос бўлган *барсана* типидаги формага [н] қўшилиши билан ҳосил бўлган, деган хулосага келган (*барсана+н*$>$*барсанан*)[70].

**§ 69.** Ҳозирги-келаси замон шарт феъли *кэрәк* сўзи билан бирга қўлланиб (*-са/-сә+кэрәк*), мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келади. Бу форма эски ўзбек тилида асосан феъл ўзагидан англашилган иш-ҳаракатни бажариш зарурлиги, кераклиги маъносида қўлланган[71]: *Мэн уйғурның қағаны бола-мэн ким, йэрниң төрт булунынуң қағаны б о л с а м к э р ә к т у р у р* (ЎН, 33).

*Нэ Хусрав ким, бу кун ҳам хусрави Чин,*
*К э р ә к ө г р ә н с ә пāдшāҳлықны сэндин* (ХШ, 6а).
*К ө р с ә м к э р ә к ай-у кун булутсыз,*
*Сачны кэтәриң йаңақыңыздын* (Лутф., 217а).
*Аның ким, көңли тапмыш ақлдын нур,*
*К э р ә к т у т с а мэни бу иштә маъзур* (Нав. ФШ, 62).
*Шукр, Бāбирни билгур-мэн дэгән эрмиш ул ай,*
*Лāжарам, бандаларны шāҳлар б и л с ә к э р ә к*
(Бобир, 2).
*Пāдишāҳ б о л с а к э р ә к чопан-дэк,*
*Мардирāҳ б о л с а к э р ә к чопан-дэк* (ШН, 79).

*Хожаста айды ким, дарвāқэ, сафари дарйā қылсаң ва жабдуқ-у асбāби йол м у ҳ а й й ā қ ы л с а ң к э р ә к* (ТН, 9а). *Ф и к р қ ы л с а л а р к э р ә к кэ, биз халқны бу қадаргина орусча хат ва лисāн билмағымыздын Русийа халқыға нэ фāйдадур ва фāйдасы өзимизғадур* (Фурқ. II, 150).

*Панд эрур сэңә, Муқимий, ушбу сөз, ҳажв эйләсәм,*
*Баш алыб к э т с ә ң к э р ә к бу шаҳардын, Асрāрқул*
(Муқ., 71).

Келтирилган мисолларда *болсам кэрәк турур* бирикмаси «бўлишим керак», *кэрәк өргәнсә* — «ўрганиши керак», *көрсәм кэрәк* — «кўришим керак», *кэрәк тутса* — «тутиши керак», *билсә кэрәк* — «билиши керак», *болса кэрәк* — «бўлиши керак», *муҳаййā қылсаң кэрәк* — «муҳайё қилишинг керак», *фикр қылсалар кэрәк* — «фикр қилишлари керак», *кэтсәң кэрәк* — «кетишинг керак» маъносида қўлланган.

Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг бундай қўлланиши ўзбек тилида кейинги даврларда ҳам давом этган. Масалан, 1920 йилларга оид адабиётларда *-са+кэрәк* формаси асосан шу маънода қўлланган: *Ўзбекистон маориф комиссарлиги мана шу асосий масалани... ҳ а л қ и л с а к е р а к д и р* (МЎқит., 1925, № 1,

---

[70] Р ә һ и м о в М. Азәрбаjчан дилиндә фе'л шәкилләринин формалашмасы тарихи, 160-бет.

[71] Ф а з ы л о в Э. И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. АДД. Ташкент, 1967, с. 70. *Қиёсланг:* Щ е р б а к А. М. Грамматика староузбекского языка. М.—Л., 1962, с. 162.

www.ziyouz.com kutubxonasi

18). *Охирги ҳисобда биримиз, ё байналминал сармоядорлиқ ёки биз ютқазсақ керак* (Комм., 1927, № 12, 18). *Аҳмад Яссавийнинг бу асари.. адабиёт, айниқса, эл тарихимиз учун катта аҳамиятлик саналса керак эди* (МЎқит., 1927, № 6, 30). *Ўзим Азизбекни олиб, тезда хизматларига юрсам керак* (А. Қод., 120).

Бу мисолларда ҳам *-са+кэрэк* формаси иш-ҳаракатнинг бажарилиши зарурлиги, кераклиги маъносида қўлланган, яъни *ҳал қилса керакдир* бирикмаси «ҳал қилиши керак», *ютқазсақ керак*— «ютқазишимиз керак», *саналса керак эди* — «саналиши керак эди», *юрсам керак* — «юришим керак» маъносини ифодалайди.

Маълумки, *-са+кэрэк* формаси ҳозирги ўзбек тилида тахмин, фараз, ноаниқлик каби маъноларда қўлланади[72]. *-са+кэрэк* формасининг бундай қўлланиши ўзбек тилида кейинги даврларда юзага келган бўлиб, ёзма ёдгорликларда кам учрайди. Қиёсланг: *Ҳар мың йылда қырқ арқа өтсэ кэрэк* (Ш. тар., 65).

*Болдым асир қайдын ишқыда аны, Фурқат,*
*Чит растасыда умрым өтсэ кэрэк зирилләб*
(Фурқ. I, 54).

*-са+кэрэк* формаси бошқа туркий тилларда ҳам ҳозир тахмин, фараз, ноаниқлик каби маъноларда қўлланади[73].

Айрим туркий тилларда *-са+кэрэк* формаси кейинчалик бутунлай истеъмолдан чиққан. Масалан, озарбайжон тили тарихида бу форма анча кенг истъемолда бўлиб, асосан иш-ҳаракатни бажариш зарурлиги, кераклиги маъносида қўлланган. Ҳозирги озарбайжон тилида эса бутунлай қўлланмайди[74].

Демак, мавжуд фактларнинг кўрсатишича, *-са+кэрэк* формаси дастлаб иш-ҳаракатни бажариш зарурлиги, кераклиги маъносини ифодаловчи форма сифатида вужудга келган. Тарихий тараққиёт давомида бу форманинг семантикасида ўзгариш юз берган ва ҳозирги туркий тилларда тахмин, фараз, ноаниқлик каби маъноларни ифодаловчи форма сифатида шаклланган.

Ўзбек миллий адабий тилининг шаклланиш йилларида, хусусан, 1920 йилларга оид асарларда *-са+мумкин* формаси ҳам истеъмолда бўлган. Бу форма ҳозирги-келаси замон шарт феълига *мумкин* модал сўзи қўшилиши билан ҳосил бўлиб, тахмин, фараз, ноаниқлик каби маъноларни ифодалайди: *Шул романнинг бирин-*

---

[72] Ғуломов А. Ғ. Феъл, 52-бет; Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, с. 167; Джураев Б. Шахрисябзский говор узбекского языка. Ташкент, 1964, с. 164, 167—168; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси, 222-бет; Гулямов Я. Г. Грамматика ташкентского говора, с. 126.

[73] Баскаков Н. А. Каракалпакский язык, с. 452; Юлдашев А. А. Система словообразования и спряжения глагола в башкирском языке, с. 174; Ходжаев Б. Условная форма глагола в современном туркменском языке, с. 14.

[74] Рәһимов М. Азәрбајчан дилиндә фе'л шәкилләринин формалашмасы тарихи, 180, 182, 184, 186-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*чисини таваккул қилиб, ўзим ё з и б ю б о р с а м м у м к и н* (Толиб, 3). *Шул сабабдан япроқлар эрталаб оч, кечқурун тўқ бўлур, д е й и л с а м у м к и н* (Ўсимл., 76). *Улар ўз меҳнатлари билан яшайлар, д е с а м у м к и н э д и* (Ким, 5). *Ақл ишчисининг учинчи хил дам олуви — иш системаларини навбатлаш, деб т а ъ б и р қ и л и н с а м у м к и н* (МЎқит., 1930, № 2—3, 54). *Ўт бўлмаған вақтларда молларға бу нарсаларни б е р и л с а м у м к и н д и р* (Колх., 59).

Келтирилган мисолларда *ёзиб юборсам мумкин, дейилса мумкин, деса мумкин эди, таъбир қилинса мумкин, берилса мумкиндир* бирикмалари «ёзиб юборишим мумкин», «дейилиши мумкин», «дейиш мумкин эди», «таъбир қилиниши мумкин», «берилиши мумкин» маъносида қўлланганй англашилиб турибди.

Ҳозирги ўзбек тилига бағишланган баъзи ишларда *-са+мумкин* формасининг ҳозирги ўзбек тилида мавжудлиги ҳақида гапирилади, лекин мисол келтирилмайди[75]. Аслида, бу форма ўзбек тили тараққиётининг олдинги даврларида истеъмолда бўлмаганидек ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланмайди.

**§ 70.** Ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги феъл такрорланиб келади. Бунда такрорланган феълнинг биринчиси ҳозирги-келаси замон шарт майли формасида, иккинчиси бошқа майл ёки замон формаларида келади (*барсам-барай, барса-барсун, барса-барар, барсаң-бардың* каби). Бундай бирикмалар сўзловчининг иш-ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигига бефарқ қараши, рози бўлиши, рухсат бериши, қатъий буйруқ каби маъноларни ифодалайди. Бу маънолардан қайси бири ифодаланиши иккинчи компонентнинг қандай формада келишига боғлиқ: *Эй Лот, бу сөздин й а ғ ы л с а ң-й а ғ ы л д ы ң, йоқ эрсә сэни ташлаб, бу йолдын чықарғай-миз* (Рабғ., 38а). *Мэңә муҳлат бергил, қийāматқа тэги нә қ ы л с а м-қ ы л а й ы м... мэн сэңә муҳлат бэрдим, нә қ ы л с а ң-қ ы л ғ ы л* (НФ, 279).

*Нэ б о л с а-б о л с у н, уш башдын кэчәлиң,*
*Бу сурат рāзыдын парда ачалың* (ХШ, 17а).
*Нэчә хашматлы султāн б о л с а-б о л с у н,*
*Айытман мāл үчүн мадҳ-у санā мэн* (МН, 311б).
*Маāни ичрә, шāҳым, қыл йарар-сэн,*
*Ажунда ҳарнэ қ ы л с а ң-қ ы л, йарар-сэн* (ЛН, 146а).

*Эй ана, мусулмāн болғыл, агар болмасаң, ө л с ә м-ө л ә р м ә н, сэниң эмчәгиңни эммәс-мэн* (Ш. тар., 13).

*Муқимий, Нисбатий өлди, дэмиш-сэн, ө л с ә-ө л м и ш д ү р,*
*Малул болма, җаҳāн ҳāли қалур-му ҳэч расāлардын*
(Фурқ. II, 118).

Ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги феълнинг бундай қўлланиши айрим ёдгорликлардагина қайд қилинди. Ҳозирги

---

[75] Ғ у л о м о в А. Ғ. Феъл, 52-бет; И б р о ҳ и м о в С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси, 222-бет.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзбек[76] ва бошқа кўпчилик туркий тилларда[77] бу типдаги форманинг қўлланиши активлашган бўлиб, турли маъно оттенкаларини ифодалашга хизмат қилади.

## ШАРТ МАЙЛИНИНГ АНАЛИТИК ФОРМАЛАРИ

§ 71. Эски ўзбек тилида ҳам ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тиллардаги каби шарт майлининг *эр-* тўлиқсиз феъли ёки *бол-* кўмакчи феъли ёрдамида ҳосил бўлувчи аналитик формалари истеъмолда бўлган. Шу билан бирга, бу формаларнинг тузилиши ва қўлланиши бўйича эски ўзбек тилининг ўзига хос томонлари ҳам бор.

Шарт майлининг *эрсэ* ва *болса* ёрдамида ҳосил бўлувчи аналитик формалари кўпчилик адабиётларда «шарт модаллиги» («условная модальность»)[78] ёки «перифрастик формалар»[79] номи билан аталиб, шарт майлининг замон маъноларини тўлдиришга, конкретлаштиришга ва шарт маъноси билан боғлиқ бўлган турли модал маъноларни ифодалашга хизмат қилади, деб изоҳланади. Бу типдаги формалар эски ўзбек тилида ҳам шундай вазифани бажарган. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли формасига *эрди* тўлиқсиз феъли қўшилиши билан ҳосил бўлувчи *барса эрди* типидаги аналитик форма эса ҳар хил номлар билан аталиб, турлича изоҳланади (*Қаранг:* § 75).

### Шарт майлининг *эр-* тўлиқсиз феъли ёрдамида ҳосил бўлувчи аналитик формалари

§ 72. Эски ўзбек тилида шарт майлининг *эр-* тўлиқсиз феъли иштирокида ҳосил бўлувчи аналитик формаларида шарт феъли

---

[76] Ғуломов А. Ғ. Феъл, 51-бет; Решетов В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, с. 165—166; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси, 220-бет; Гулямов Я. Г. Грамматика ташкентского говора, с. 126.

[77] Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка, с. 169—170; Ходжаев Б. Условная форма глагола в современном туркменском языке, с. 14—15; Урусбиев И. Х. Спряжение глагола в карачаево-балкарском языке, с. 214.

[78] Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 234; Уша автор. Грамматика современного турецкого литературного языка, с. 249—250; Азизова Г. А. Ўзбек тилида шарт ва тўсиқсиз эргаш гаплар, 10—11-бетлар; Мусаев К. М. Грамматика караимского языка. Фонетика и морфология. М., 1964, с. 293; Покровская Л. А. Грамматика гагаузского языка, с. 220—224.

[79] Михайлов М. С. Исследования по грамматике турецкого языка. Перифрастические формы турецкого глагола. М., 1965, с. 35, 46, 68, 81, 92; Тумашева Д. Г. Перифрастические формы татарского глагола.— «Вопросы татарского языкознания». Кн. 2-я. Казань, 1965, с. 174—177; Ходжаев Б. Условная форма глагола в современном туркменском языке, с. 5—6; Сулайманов К. Перифрастические формы узбекского глагола. АКД. Л., 1968; Турсункулова К. А. Перифрастические формы глагола в узбекском и казахском языках. АКД. Ташкент, 1972.



www.ziyouz.com kutubxonasi

аффикси биринчи компонентга (асосий феълга) ёки иккинчи компонентга (тўлиқсиз феълга) қўшилган. Шунга кўра, бу формалар даставвал икки группага бўлинади:

1) шарт феъли аффикси асосий феълга қўшилиб, тўлиқсиз феъл аниқ ўтган замон феъли формасида *(эрди)* келади. Шу йўл билан *-са+эрди* формаси ҳосил бўлади;

2) шарт феъли аффикси тўлиқсиз феълга қўшилиб (*эрсә*), асосий феъл аниқлик майли формасида келади: *барды эрсә, барур эрсә (бармас эрсә)* каби.

***-са+эрди*** **формаси**

§ 73. Ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда қўлланувчи *-са+эрди* формаси эски ўзбек тилида ҳам актив истеъмолда бўлган.

Эски ўзбек тилида бу форманинг шахс-сон аффикслари билан тусланиши қуйидагича бўлган:

а) XV асрдан олдинги даврларга оид ёдгорликларда шахс-сон аффикслари кўпинча тўлиқсиз феълга *(барса эрдим)*, баъзан асосий феълга *(барсам эрди)* қўшилган. Айрим ёдгорликларда бир вақтнинг ўзида ҳар иккала компонентга қўшилиши (*барсам эрдим*) ҳам учрайди. Қиёсланг: *Агар билсә эрдим йавуқ-му турур...* (Таф., 112а). *Сизләр анда тэгмиштә, мэн Лотны көрсәм эрди* (Рабғ., 39б). *Мэн туғмаздын ашну өлсәм эрди* (ХШ, 56а). *Мэңә адаб қылсалар эрди* (НФ, 226). *Зийāрат қылса эрдиләр* (НФ, 404). *Андын соң кирсә эрдиң,...* (Рабғ., 148а). *Агар эшитсә эрдук, билсә эрдук, болмағай эрдук...* (Таф., 97а). *Агар билсә эрдиңиз мэн билдукимни, кулмәгәй эрдиңиз* (Таф., 61а). *Агар мунларға мундағ қылсам эрдим, мусулманлықдын қайтғай эрдим* (НФ, 76);

б) XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда эса шахс-сон аффикслари асосий феълга қўшилган: *Тапсам эрди ким, нэдур андын мурāд* (Нав. ЛТ, 206). *Агар оқур ҳайāл қылсаң эди, оқуй алмас эдиң* (БН, 452). *Инāйат қылсаңыз эди, савāбға шэрик болур эрдиңиз* (Ш. тар., 73). *Кāшкэ бу йэрдә болсәк эрди, җāнāн иккимиз* (Фурқ. I, 93).

*-са+эрди* формасининг шахс-сон аффикслари билан тусланишидаги бундай ҳар хилликлар ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда ҳам кузатилади. Масалан, қозоқ тилида шахс-сон аффикслари асосий феълга қўшилса *(көрсем еді, көрсең еді, көрсек еді, көрсеңдер еді//көрсеңіздер еді)*[80], бошқирд тилида тўлиқсиз феълга қўшилади (*алһа инем, алһа инең, алһа инек, алһа инегез, алһа инеләр)*[81]. Ўзбек ва уйғур тилларида эса асосий феълга ёки тўсиқсиз феълга, ёки бир вақтнинг ўзида ҳар иккала компонент-

[80] Современный казахский язык, с. 352.
[81] Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка, с. 168.



www.ziyouz.com kutubxonasi

га қўшилиши мумкин: ў з б.: *олсам эди//олса эдим//олсам эдим*[82]; у й ғ.: *барсам еди барседим//барсам едим*[83].

Айрим ёдгорликларда *-са+эрди* таркибидаги тўлиқсиз феъл қисқариб, *-сады(-сәди)* ёки *-сайды(-сәйди)* формасида ҳам қўлланган, *-сады* формаси XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да, *-сайды* формаси XIX асрга оид ёдгорликларнинг айримларида қайд қилинди: *Агар б о л с а д ы рāст, ул вақтда āси болмазды* (Таф., 82б). *Агар бир қатра сув дарйā т а м с а д ы, қамуғ аччығ дарйāлар сувы шор болмағайды* (Таф., 67а). *Умрлар хат қылмас эдим, к э л м э с э й д и хатларың* (Муқ., 110). *Бāрэ билдим, қ ы л м а с а й д ы ң бэвафāлық кāшкэ* (Фурқ. I, 97).

*-са+эрди* формасининг қисқарган вариантлари ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда ҳам мавжуд. Ушбу форманинг бундай қўлланиши айниқса ўғуз группасидаги туркий тиллар учун характерлидир. Масалан, турк, озарбайжон тилларида бу форма фақат *-сайды* (*-сәйди*) кўринишида ишлатилади[84]. Туркман тилида эса *-сады(-сәди)* шаклида қўлланиб, унга шахс-сон аффикслари икки марта қўшилади: *алса-м+ды-м, алса-ң+ды-ң, алса-к+ды-к, алса-ңыз+ды-ңыз, алса-(лар)+ды-лар*[85].

Ёзма ёдгорликларда *-са+эрди* формасининг актив қўлланиши XIII—XIV асрлардан бошланган. Бу форма қадимги ёдгорликлар тили учун характерли бўлмаган: ўрхун-енисей текстларида ҳам, қадимги уйғур тилига оид ёдгорликларда ҳам, «Девону луғотит турк»да ҳам учрамайди. «Қутадғу билиг»да эса бир неча мартагина қўлланган[86]:

*Қ ы л у б э р с э э р д и мэниң ишлэрим,*
*К ө р ү б э р с э э р д и ичим ташларым* (ҚБ, 22а).
*Ачыб к ө р с э э р д и ң қара йэр қатын,*
*Нэ өзрүм талу эр йатур ынчықын* (ҚБ, 171а).

Қадимги ёдгорликлар тилида *-са+эрди* формаси ўрнида ҳам *-са* аффиксли ҳозирги-келаси замон шарт феъли қўллана берган (*Қаранг:* § 60).

*-са+эрди* формаси ўрнида ҳозирги-келаси замон шарт феъли қўлланганлиги бош гапнинг кесими вазифасида келган *-р(-мас)+эрди* (ёки *-ғай+эрди*) формасидаги *эрди* тўлиқсиз феъли орқали англашилади, яъни бош гапнинг кесими таркибидаги тўлиқсиз феъл эргаш гапнинг кесими учун ҳам алоқадор бўлади. Бу ҳол эски ўзбек тилида ҳам кузатилади, ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда ҳам мавжуд (*Қаранг:* § 60).

---

[82] Х о д ж и е в А. Недостаточный глагол в узбекском языке. АДД. Ташкент, 1968, с. 28.

[83] Һазирқи заман уйғур тили, 218-бет.

[84] К о н о н о в А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка, с. 244; Г а д ж и е в а Н. З. Азербайджанский язык.— «Языки народов СССР» (в 5-и томах). Т. 2. Тюркские языки. М., 1966, с. 79.

[85] Х о ж а е в Б. Түркмен дилинде ишлигиң шерт формасының уланылышы ве манылары, 52-бет.

[86] Ш у к у р о в Ш. Феъл тарихидан, 36—37-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

§ 74. *-са+эрди* формасининг маъноси ва қўлланиши. Эски ўзбек тилида ҳам бу форма ҳозирги ўзбек[87] ва бошқа туркий тиллардаги[88] каби қўшма гап таркибидаги эргаш гапнинг ёки мустақил содда гапнинг кесими вазифасида қўлланган.

I. Эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Бажарилиши исталган, орзу қилинган, лекин юзага чиқмаган иш-ҳаракатни кўрсатади. Шунинг учун бош гапдаги иш-ҳаракат ҳам амалга ошмаган бўлади. Бунда *-са+эрди* формасида ҳам шарт, ҳам истак маънолари мавжуд бўлади. Бундай ҳолларда бош гапнинг кесими қуйидаги формалар билан ифодаланган бўлади:

а) *-р(-мас)+эрди* формаси билан: *Агар Āдам... бир сāат сабр қылса эрди, Ҳавā Āдамға кэлүр эрди* (Рабғ., 5а).

*Валэким уқсам эрди зулфың атын,*
*Бэрүр эрдим тāҗ ким, бэрсә сифатын* (ХШ, 84б).
*Гар көрсә эрди йүзүң үзә зулфи мусалсал,*
*Лайли дэмәс эрди араби шāҳи қабāйил* (Лутф., 199б).

*Мавлāнā тирик болса эрди, җāны бирлә инсāф бэрүр эрди* (Нав. МН, 232). *Агар ул маълум болса эди, ушбу сэкиз киши билән хоб урушур эдүк* (БН, 139). *Агар атаң нāдāнлық қылыб, мэниң бирлән йағы болмаса эрди, мундақ йэтим болуб, сарғарыб йүрмәс эрдиң* (Ш. тар., 50). *Агар бу қадаргина билмәсәм эрди,.. пул бэриб ва ҳам илтиҗā қылыб йаздурур эрдим* (Фурқ. II, 150);

б) *-ғай+эрди* формаси билан ифодаланади: *Ул күн ул сөздә мэн болсам эрди, зиндāнны унамағай эрдим* (Рабғ., 57а). *Агар ҳāлым бурунқы-тэк болса эрди, аны тақы сындурғай эрдим* (НФ, 307).

*Өлэрдә қалмағай эрди көңүлдә бу ҳасрат,*
*Рақиб ит бикин эшикинә зāр болса эди* (Сакк., 24а).

*Мавлāнā Бу-Али дэвāнавāр йүрүр. Дэвāна болмаса эрди, «Бу-Али» тахаллус қылғай-му эрди?* (Нав. МН, 122).

*Ичидә болмаса эрди бу ҳāл,*
*Қайдын олғай эди зāҳир бу мақāл?* (ШН, 144).
*Қатра-қатра қанымны төкмәгәй эрди ғамзаң,*
*Лаҳза-лаҳза ҳāлымға салсаң эрди пинҳāн көз*
(Мунис, 141).

Келтирилган мисолларда ҳар иккала гапдаги (бош ва эргаш гаплардаги) иш-ҳаракат ўтган замонга тааллуқлидир. Баъзан иш-ҳаракат келаси замонга алоқадор бўлиши ҳам мумкин, яъни нутқ

---

[87] Ходжиев А. Недостаточный глагол в узбекском языке, с. 25.

[88] Юлдашев А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. М., 1965, с. 233.



www.ziyouz.com kutubxonasi

моментидан кейин бажарилиши исталган, орзу қилинган иш-ҳаракат кўрсатилади: *Бир фурсат эътибар қылғу-дэк тāрих б о л с а э р д и, йахшы б о л у р э р д и, тэб өтүн қылдылар эрсә, анларның өтүнләрини қабул қылдым* (Ш. тар., 5).

*Йана бир к э л с ә э д и ул мāҳи хуршид лиқā,*
*Қ а л м а ғ а й э р д и көңул зарраи армāн ичрә*
(Мунис, 53).

2. *-са+эрди* формаси пайт маъносида ҳам қўлланади, яъни пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади. Бунда бош гапнинг кесими *-р(-мас)+эрди* формаси билан ифодаланади: *Ҳамзаның āдаты андағ эрди ким, авдын к э л с ә э р д и, йэгү нарса қ о р л а р э р д и* (Таф., 27б). *Қайу бир қарындашдын йалбару сув т и л ә с ә э р д и, сувлары бар эркән, қ а й т а р у р э р д и л ә р* (НФ, 355). *Аның билә ким масала б а ҳ с қ ы л с а э р д и, мулзам болмағунча қ у т у л м а с э р д и* (Нав. МН, 142).

*Ҳар сары б а р с а э д и ҳазрати хāн,*
*Йүрүб андақ кэ Сулаймāни замāн,*
*Қушлары үстигә к э л ү р л ә р э д и,*
*Башыға с ā й а қ ы л у р л а р э д и* (ШН, 97).

Мисоллардаги *кэлсә эрди, тиләсә эрди, баҳс қылса эрди, барса эрди* феъллари «келганда», «тилаганда», «баҳс қилганда (баҳслашганда)», «борганда» маъносида қўлланган.

Контекстда *қачан(ким), ҳар қачан* каби пайт билдирувчи сўзлар бўлганда, *-са+эрди* формаси ифодалаган пайт маъноси яна ҳам конкретлашади: *Қ а ч а н ул мэңә қасд қылмаға к э л с ә э р д и, қаттығ үн қылыб, мэндин қачар эрди* (Рабғ., 73б).

*Қ а ч а н к и м тахт үзә о л т у р с а э р д и,*
*Жаҳāн халқына фармāн с у р с а э р д и,*
*Турурлар эрди бэш саф халқ өңиндә,*
*Ҳисāбсыз эрди ҳам қуллар соңында* (ХШ, 73а).

*Ҳ а р қ а ч а н наълин шарāкигә эҳтийāж в ā қ э б о л с а э р д и, ҳамул дастур билә муҳаййā шарāк зāҳир болур эрди* (Нав. МҚ, 73).

Бу мисолларда ҳам *-са+эрди* формасидаги феъллар пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади, яъни *кэлсә эрди, олтурса эрди, сурса эрди, вāқэ болса эрди* феъллар «келганда», «ўтирганда», «сурганда (юритганда)», «воқе бўлганда» маъносида қўлланган.

3. *-са+эрди* формаси «Тафсир»да тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида ҳам қўлланган: *Атасы нэчә п а н д б э р с ә э р д и, үч тақы артуқрақ ынқырақ қылур эрди* (Таф., 38а).

Бу мисолда *панд бэрсә эрди* феъли «насиҳат қилса ҳам» маъносида келган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

II. *-са+эрди* формаси мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келганда истак, орзу каби маъноларни ифодалайди: *Сизләр анда тәгмиштә, мән Лотны көрсәм эрди* (Рабғ., 39б). *Бу āлам ичиндә бир қара йәр болса эрди тақы анда ҳақиқат иқāмат қылса эрдүк, тәди эрсә,...* (НФ, 378).

*Киши мән-тәк бу шарбат ичсә эрди,*
*Нә таң расвāи болуб рāз ачса эрди* (ХШ, 84а).
*Жамāлың-тәк кишиниң йоқ жамāлы,*
*Дариғā, болмаса эрди завāлы* (МН, 296б).
*Айағың тупрағын гар тапсам эрди,*
*Аны элниң көзидин йапсам эрди* (ДН, 250б).
*Хирāмың чағы йолдаш олсам эрди,*
*Сукуның вақты қолдаш олсам эрди* (Нав. ФШ, 173).
*Нә үчүн айни камāли ҳусн ара тапмыш завāл?*
*Болса эрди мәҳри раҳшāн мāҳи табāныңча хоб*
(Мунис, 88).

*Нә хуштур бир түни, эй дилнавāзым,*
*Икәв болсак эди бир пирāханда* (Фурқ. I, 28).

*-са+эрди* формаси ифодалаган истак, орзу маъноси *кашкә* (*кāш*) сўзи ёрдамида яна ҳам конкретлашади: *Кāшкә биз тақы болса эрдүк тупрақ,... тәйү āрзулайурлар* (Таф., 123б). *Кашкә мән бу балāлардын қуртулсам эрдим. Нәтәк қылыб қуртулғай-мән, билмәс-мән* (Рабғ., 130а). *Кāшкә бу шаҳар халқы мунда мәним тāат қылғанымны билсә эрдиләр тақы халāйиқ арасында ибāдатым бирлә машҳур болса эрдим,... тәб хатиринда кәчрүр* (НФ, 404).

*Тотийалықға ақарған көзләримға кāшкә*
*Йэтсә эрди дамāныңдын бир ғубāр, эй сарвинāз*
(Фурқ. I, 83).

*-са+эрди* формаси эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, истак, орзу маъноларини ифодалаганда ҳам маънони кучайтириш учун *кāшкә(кāш)* сўзи қўлланади: *Кāшкә мән тири болса эрдим, сәңә нусрат бәргәй эрдим* (Таф., 138б). *Кāшкә сәниң бирлә чықса эрдим, нә бодуқуңны көзүм бирлә көргәй эрдим* (Рабғ., 47б).

*Сабā кāш эрди сөз кәлтүрсә мәңә ул шаккар лабдын,*
*Алурдым кāми ширин, гарчә болса талх пайғāмы*
(Фурқ. I, 113).

§ 75. Ўзбек ва бошқа туркий тилларга оид адабиётларда *-са+эрди* формаси ҳар хил номлар билан аталади: «ўтган замон шарт феъли» («прошедшее время условного наклонения»)[89], «условно-

[89] Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка, с. 168; Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 233; Ўша автор. Родословная туркмен. Сочинение Абу-л-Гази хана хивинского.



www.ziyouz.com kutubxonasi

сослагательная форма»[90], «шарт-орзу формаси» («условно-желательная форма»)[91]. А. А. Юлдашев бу формани маъноси ва функциясига кўра мустақил майл формаси сифатида ажратиш зарурлигини айтади[92].

Бизнингча, *-са+эрди* формасини шарт майли формалари группасига киритиш ва уни «шарт-истак формаси» («условно-желательная форма») номи билан аташ тўғри бўлади. Чунки бу форма **эски** ўзбек тилида ҳам, ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда ҳам мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келганда истак маъносини ифодалайди, эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда эса унда ҳам истак, ҳам шарт маънолари мавжуд бўлади.

**-*ды+эрсә* формаси**

**§ 76.** Бу формада шахс-сон аффикслари асосий феълга қўшилади: *Йавуқрақ б а р д ы м э р с ә,... барча айақ туттылар* (Амирий, 330б). *Кунъāндын ч ы қ т ы м ы з э р с ә, тэвәләримиз ағызларын бағладуқ* (Рабғ., 65а). *Дэвāнын а ч т у қ э р с ә, бу матлаи кэлди ким,...* (Нав. МН, 60). *Э ш и т т и ң э р с ә Йусуфның җамāлын,...* (МН, 293а). *Мэн өлмишдә сиз мэни о қ ы д ы ң ы з э р с ә, сақындым ким,...* (Таф., 18б). *Йавлының бу қылған ишин а й т д ы л а р э р с ә,... ҳайрāн қалды* (Ш. тар., 47).

XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларнинг айримларида *-ды+эрсә* таркибидаги *эрсә* қисқариб, бу форма *-дыса(-дисә)*[93] кўринишида ҳам қўлланган. Бу ҳол «Хисрав ва Ширин» тили учун хос бўлиб, «Тафсир» ва «Гулистон бит туркий»да ҳам учрайди: *Агар умми б о л д ы с а, китāб ыбардым* (Таф., 88а).

*Чыраған эрдиң җаҳāн йүзин йарутған,*
*Йақын к э л д и м с ә күйдүрдүң тан-у җāн* (ХШ, 89а).
*Көрәр-сэн ким, нэчә бу йэргә кэлдим,*
*Нэ ким ф а р м ā н л а д ы ң с а, сөзүң алдым* (ХШ, 55б).
*Чэчәк с о л д ы с а, бостāн бар болсун,*
*Йануты йэрингә гулзāр болсун* (ХШ, 72б).
*Ким қ ы л д ы с а мушāҳада дунйā ғарāйибин,*

---

М.—Л., 1958, с. 149; Ғ у л о м о в А. Ғ. Феъл, 50-бет; Ф а з ы л о в Э. И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века, с. 70; И в а н о в С. Н. Родословное древо тюрок Абу-л-Гази-хана. Грамматический очерк. Ташкент, 1969, с. 164; М и р з а е в М., У с м о н о в С., Р а с у л о в И. Ўзбек тили, 154-бет.

[90] Р е ш е т о в В. В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка, с. 170.

[91] Х о җ а е в Б. Түркмен дилинде ишлигиң шерт формасының уланылышы ве маңылары, 52-бет; Грамматика туркменского языка. Часть I. Фонетика и морфология. Ашхабад, 1970, с. 295—296.

[92] Ю л д а ш е в А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках, с. 234.

[93] Бу форма «Аттуҳфатуз закияту филлуғатит туркия» (Тошкент, 1968) асарида ҳам қайд қилинган: *Бий турды эсә, турар-мән//Бий т у р д ы с а, турар-мән* (130-бет).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Болды ҳамиша аҳди назар жāн физāйы ул*
(СС, 99б).

*-ди+эрсә* формаси қадимги уйғур тилига оид ёдгорликлар ва «Қутадғу билиг»да актив қўлланган бўлиб, «Девону луғотит турк» ва «Ҳибатул ҳақойиқ»да ҳам учрайди[94]. Бу форма XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда ҳам актив истеъмолда бўлиб, кейинги даврларда унинг қўлланиши анча чегараланган.

Ўзбек тилида *-ды+эрсә* формаси асосан XIX асрга қадар қўллаган бўлиб, кейинги даврда ҳам айрим манбаларда учрайди. Масалан, бу форма Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида ҳам бир неча марта қўлланган: *Бу вақт Отабекнинг тусига ҳалигидек ўзгариш ч и қ д и э р с а-д а, лекин сездирмасликка тиришиб жавоб берди* (А. Қод., 12). *...ёқутдек эринлари остидаги садафдек оқ тишлари к ў р и н и б к е т д и э р с а-д а, бироқ унинг бу ҳоли тезлик билан тундликка алишинди* (А. Қод., 30).

Ҳозирги ўзбек тилида *-ды+эрсә* формаси ёзма нутқда ҳам, оғзаки нутқда ҳам ишлатилмайди. Бу форма ҳозир турк, гагауз, татар, бошқирд, қарачай-балқар, қараим ва бошқа айрим туркий тилларда турли фонетик вариантларда қўлланади:[95] т у р к: yazdıysam (<yazdı isem), yazdıysan, yazdıya; г а г.: *алдыйсам, алдыйсан, алдыйсак, алдыйсаныз, алдыйсалар,* т а т.: *чықтым исе, чықтың исе, чықты исе;* б о ш қ.: *килдем иһе, килдең иһе, килди иһе;* қ.-балқ.: *алдым эсе, алдынъ эсе, алды эсе//алдыесе//алдыйесе, алдым эдим эсе//алдым эдим эсем//алдым эди эсем.*

§ 77. *-ды+эрсә* формаси қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Пайт маъносини ифодалайди, яъни пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади. Бунда бош гапнинг кесими асосан *-ды* аффиксли ўтган замон феъли билан ифодаланган бўлади: *Дарйā қырағынға т э г д и л ә р э р с ә, Мусā йалавачның қарны ачты* (Таф., 10б). *Кунъāндын ч ы қ т ы м ы з э р с ә, тэвәләримиз ағызларын бағладуқ* (Рабғ., 65а). *Ул кимэрсәгә йавуқ б о л д у қ э р с ә, ул кимэрсә тақы марҳабā қылды* (НФ, 64).

*Булутда кэзләб эрди ай-тэк өзин,*
*Шаҳирга й э т т и э р с ә, ачты йузин* (ХШ, 11а).

*Атының йурушигә б а қ т ы м э р с ә, дэдим ким,...* (Яқиний, 314б). *Сабабын с о р у л д ы э р с ә, āбāдāнғына жавāб айтмады* (Нав. МН, 98).

---

[94] Н а с и л о в В. М. Древнеуйгурский язык, с. 86—87; Ш у к у р о в Ш. Феъл тарихидан, 37—39-бетлар; М а ҳ м у д о в Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. Тошкент, 1972, 133-бет.

[95] К о н о н о в А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка, с. 250; Ю л д а ш е в А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках, с. 244; П о к р о в с к а я Л. А. Грамматика гагаузского языка, с. 223; М у с а е в К. М. Грамматика караимского языка, с. 293; У р у с б и е в И. Х. Спряжение глагола в карачаево-балкарском языке, с. 203—204.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Туштум эрсә қолыға, лутф этти,*
*Кирдим эрсә йолыға, лутф этти* (ШН, 150).

*Оғлан бир йашыға йэтти эрсә, Қара хāн элгә савун салды тақы улуғ той қылды* (Ш. тар., 13). *Көзум көзигә тушти эрсә, бэҳуш болдум* (Гулх., 105).

Келтирилган мисолларда *-ды+эрсә* формасидаги *тэгдиләр эрсә* феъли «текканларида (етганларида)», *чықтымыз эрсә* — «чиққанимизда», *йавуқ болдуқ эрсә* — «яқинлашганимизда», *йэтти эрсә* — «етганда», *бақтым эрсә* — «боққанимда (қараганимда)», *сорулды эрсә* — «сўралганда», *туштум эрсә* — «тушганимда», *кирдим эрсә* — «кирганимда», *тушти эрсә* «тушганда» маъносида қўлланган.

*-ды+эрсә* формаси ифодалаган пайт маъноси пайт билдирувчи сўзлар ёрдамида яна ҳам конкретлашади: *Қачан кирдиләр эрсә кэми ичингә, Хизр йалавач отурды* (Таф., 6а). *Қачан Йусуфны қуйуғдын чықардылар эрсә, қарындашларына хабар болды, кэлдиләр* (Рабғ., 48а). *Бу күн тамуғға кивүрдүм эрсә, от ичиндә тақы «āллāҳ» тэйүр, мэни үндәйүр* (Рабғ., 60б). *Бир күн Мусā элгә кирди эрсә, бу Сāмири Қутби бирлә уршу турур* (Рабғ., 83а). *Қачан ким чэрик ғазāт қылу Шāмқа бардылар эрсә, өзи тақы Умардын дастур тиләб чэрик бирлә барды* (НФ, *128*). *Сабāҳ хабар туттуқ эрсә, өтүб эрди* (Нав. МН, 60).

2. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли маъносида қўлланади: *Ким аны йығлатды эрсә, қийāмат күни мэн аны йығлатғам* (Таф., 137а). *Бу ишдин йағмадың эрсә, сэни ташлағай-мэн* (Рабғ., 26а).

*Агар тақсир тушти эрсә, кэчүр-сэн,*
*Йигитлик мун-тэк-оқ болур, йигит-мэн* (ХШ, 84б).
*Хирадгар болды эрсә чāра пайванд,*
*Натижҗа чāрады тапқай хирадманд* (Нав. ФШ, 63).

Мисоллардаги *йығлатды эрсә, йағмадың эрсә, тушти эрсә, болды эрсә* феъллари «йылатса», «йағмаса (қайтмаса)», «тушса», «бўлса» маъносида қўлланган.

3. Ўтган замон маъносида қўлланади: *Агар ул қийāматда ваъда қылды эрсә, мэн бу күн бэргәй-мэн* (Таф., 132б). *Бу йолны қойдуң эрсә, қайу йолны тутуб турур сэн?* (Рабғ., 58б). *Йā Расӯлāллāҳ, нэтәк ким қисмат қылдың эрсә, қисматыңа рāзи болдуқ* (НФ, 77).

*Үлөлди эрсә, шāх, сэн бар болғыл,*
*Қайу ким туғды, бир күн өлгүси, бил* (ХШ, 72а).
*Эшиттиң эрсә Йусуфның җамāлын,*
*Сэни ҳусн ичрә сад чандāн йаратты* (МН, 293а).
*Нāгиҳāн кэлдиң эсә бармақ үчүн йанымдын,*
*Нэ үчүн көргүзәдүр-сэн, дэгил, эй умр, шитāб?*
(Мунис, 78).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу мисолларда *-ды+эрсә* формасидаги феъллар шарт майлининг ўтган замон маъносини ифодалайди. Яъни *ваъда қылды эрсә* феъли «ваъда қилган бўлса», *қойдуң эрсә* — «қўйиган бўлсанг», *қисмат қылдың эрсә* — «қисмат қилган бўлсанг», *өлди эрсә* — «ўлган бўлса», *эшиттиң эрсә* — «эшитган бўлсанг», *кәлдиң эсә* — «келган бўлсанг» маъносида қўлланган.

4. *-са+эрди* формасидаги шарт-истак феъли маъносида қўлланнади: *Агар й а р л ы қ а м а д ы э р с ә, васла̄мат отының ҳәч ыссығы қалмағай эрди* (Таф., 38б). *Агар а л д ы м э р с ә, Кунъа̄нға эләтүб атаңға тәгүргәй эрдим* (Рабғ., 51а).

Мисоллардаги *йарлықамады эрсә, алдым эрсә* феъллари «ёрлиқамаса эди (илтифот қилмаса эди)», «олсам эди» маъносида қўлланган.

5 . *-ды+эрсә* формаси айрим манбаларда тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида ҳам қўлланган: *Нәчә ким б а р д ы э р с ә, ҳаргиз билиши, көриши түшмәди* (Таф., 9б). *Фиръа̄вн нәчә җаҳл қылды, тизгинни т у т т ы э р с ә, йығмады* (Таф., 31а).

*Нәчә ким т а п м а д ы м с а йол қатыңда,*
*Қамар бағландым эмди хидматыңда* (ХШ, 84а).

Мисолларда *-ды+эрсә* формасидаги *барды эрсә, тутты эрсә, тапмадымса* феъллари «борса ҳам», «тутса ҳам», «топмаса ҳам» маъносида қўлланган.

Қадимги уйғур тилига оид ёдгорликлар ва «Қутадғу билиг»да ҳам *-ды+эрсә* формаси шу маъноларда қўлланган. *Қиёсланг:*

1. *Қачан ол моғочлар Бидилхимқа т ә г д и л ә р э р с ә р, ол йултуз шук турды* (Покл., 134).

2. *Йақын т ә г д и э р с ә қадашқа барыб,*
*Атындын қузы түшти, тәгди йүриб* (ҚБ, 122а).

3. *Бу бәгләр от ол, отқа барма йағуқ,*
*Қалы б а р д ы ң э р с ә, күйүрмәк ануқ* (ҚБ, 29б).

4. *Бирөк аңар сизләр кәргәк б о л т у ң у з л а р э р с ә р, сизләрни илтгәй эрди* (Уйғ. III, 69).

5. *Қалы б и л д и ң э р с ә ичим, эй бөгә,*
*Бу күн сүргәй эрдиң мәни мың сөкә* (ҚБ, 185а).

6. *Кәнтү әтөзүмин и г и д т и м э р с ә р, тилин азуқ йалған сав сөзләдим эрсәр,... тсуйда, йазуқда болайын* (Уйғ. II, 76).

7. *Ата ө л д и э р с ә, оғул бар тириг,*
*Бирисин йитүрдүм, тутайы бириг* (ҚБ, 62б).

8. *Йа̄ кү тау тынлығларығ о л ү р т д и ң э р с ә р, йәмә әмин йүрүндәкин, түкәл қылғалы удуң* (Олт. йор., 15б).

9. *Нәчә т у т т у м э р с ә аны мән қатығ,*
*Ол анча тирәнди, иләтти татығ* (ҚБ, 141б).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мисолларнинг биринчи ва иккинчисида *-ды+эрсә* формасидаги *тэгдиләр эрсәр, тэгди эрсә* феъллари пайт (етганларида, борганида) маъносида, учинчисида *бардың эрсә* — ҳозирги-келаси замон шарт феъли (борсанг) ўрнида, тўртинчи ва бешинчисида *кәргәк болтуңузлар эрсәр, билдиң эрсә* — шарт-истак формаси (керак бўлсангизлар эди, билсанг эди) маъносида, олтинчи ва еттинчисида *игидтим эрсәр, өлди эрсә* — ўтган замон шарт феъли (гуноҳ қилган бўлсам, ўлган бўлса) маъносида қўлланган, саккизинчи ва тўққизинчи мисоллардаги *өлүртдиң эрсәр, туттум эрсә* феъллари тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келган (*олүртдиң эрсәр* — «ўлдирган бўлсанг ҳам», *туттум эрсә* — «тутган бўлсам ҳам, кўндиришга ҳаракат қилган бўлсам ҳам»).

Демак, қадимги уйғур тилига оид ёдгорликлар ва «Қутадғу билиг»да, шунингдек, эски ўзбек тили тараққиётининг олдинги даврларида *-ды+эрсә* формаси актив қўлланган бўлиб, унинг маъно ва функциялари ҳам кенг бўлган. Лекин унинг асосий функцияси пайт маъносини ифодалашдан иборат бўлиб, бошқа маъно ва функциялари кам ривожланган.

Ҳозирги туркий тилларда бу форманинг асосан пайт маъносини ифодалаш функцияси сақланган[96].

**-р(-мас) + эрсә, -асы + эрсә** формалари

§ 78. *-р(-мас)+эрсә* формаси ўзбек тилида XV асрга қадар актив истеъмолда бўлиб, кейинги даврларда унинг қўлланиши анча чегараланган.

Шахс-сон аффикслари иккинчи компонентга қўшилади: *Ғайр ҳāшакын, агар с а в у р м а с э р с ә м, бас, нэдүр?* (Нав. ФҚ, 126а). *Нэчә биз көни с ө з л ә р э р с ә к, ынанмағай-сэн* (Рабғ., 47а). *Гар җāн т и л ә р э р с ә ң, йэтә көргил бурун андын* (Лутф., 217а). *Агар учтмаҳ т и л ә й ү р э р с ә ң, бэрәйин* (Рабғ., 80б). *Нэтәк ч ы қ а р у р э р с ә ң и з, сиз билиң* (Рабғ., 78а). *Йүз руфийа алтунға с а т а р э р с ә л ә р, харидāр-мэн* (Таф., 136б).

§ 79. *-р(-мас)+эрсә* формаси асосан шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида қўлланган, яъни бу форма ифодаланган иш-ҳаракат бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши (ёки юзага чиқмаслиги) учун зарур бўлган шартни кўрсатади: *Агар булардын имāн нишāнын б у л у р э р с ә ң, закут алғыл; имāн нишāнын б у л м а з э р с ә ң, бузғыл* (Таф., 45б). *Агар эримдин қ о р қ а р э р с ә ң, бу замāнда ағу бэрәйин, өлтүрәйин йана тавба қылайын* (Рабғ., 53а). *Бизгә ы н а н м а з э р с ә ң,... ул арқыш халқыңа тақы сорғыл* (Рабғ., 66а). *Агар т и л ә р э р с ә ң, мэңә бир сажда қылғыл* (НФ, 370).

*Ширин сөзин мэңә ким а й т у р э р с ә,*
*Танымдын сүргә-мэн өз җāным эрсә* (ХШ, 92а).

[96] Ю л д а ш е в А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках, с. 244.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Навāий, фāний ол, и с т ә р э с ә ң кāм,*
*Нэчүк ким болдылар фарҳāд-у Баҳрāм* (Нав. ФШ, 211).
*Гар тануқ и с т ә р э с ә ң бу сөзгә,*
*Сарипул тэгрәсидә чық тузгә* (ШН, 47).
*Нāмаңға т и л ә р э р с ә ң гар афшāн,*
*Қыл йāды руҳим билә зар афшāн* (Мунис, 202).

Келтирилган мисолларда *-р(-мас)+эрсә* формасидаги *булур эрсәң* феъли «топсанг», *булмаз эрсәң* — «топмасанг», *қорқар эрсәң* — «қўрқсанг», *ынанмаз эрсәң* — «ишонмасанг», *тиләр эрсәң* — «тиласанг», *айтур эрсә* — «айтса», *истәр эсәң* — «истасанг» (тиласанг), *тиләр эрсәң* — «тиласанг» маъносида қўлланган.

Бундан ташқари, айрим ёдгорликларда *-р(-мас)+эрсә* формасининг пайт ва тўсиқсиз эргаш гапларнинг кесими вазифасида келиши, шарт-истак формаси маъносида қўлланиши ҳам учрайди:

1. *Нэчә биз көни с ө з л ә р э р с ә к, бизгә ынанмағай-сэн* (Рабғ., 47а).

2. *Сидқ намāзын қ ы л у р э р с ә ң адā,*
*Йусуфи садиққа қыл иқтидā* (Хайдар, 119а).
3. *Ғуссадын өлгәй эрди, т а п м а с э с ә*
*Шэъри-дэк йāри ҳамзабāн шуарā* (Мунис, 19).

Мисолларнинг биринчисида *сөзләр эрсәк* феъли тўсиқсиз эргаш гапнинг кесими вазифасида келган бўлиб, «сўзласак ҳам» маъносини, иккинчисида *қылур эрсәң адā* — пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келган бўлиб, «адо қилганингда» маъносини ифодалайди, охирги мисолда эса *тапмас эсә* феъли шарт-истак формаси ўрнида, яъни «топмаса эди» маъносида қўлланган.

*-р(-мас)+эрсә* формаси[97] «Қутадғу билиг»да актив қўлланган бўлиб, маъно ва функцияси ҳам кенг бўлган: Масалан:

1. *К э л и р э р с ә давлат кишигә кулә,*
*Тутуб бэкләгүси кичиглик билә* (ҚБ, 67а).
2. *Качан сөз с о р а р э р с ә бэгләр саңа,*
*Узатма сөзүңни, эй эрсик тоңа* (ҚБ, 149б).
3. *Узун қылды элкиң, йорық қылды сөз,*
*С э в ә р-с э в м ә з э р с ә, саңа ачты көз* (ҚБ, 208б).
4. *Өлүмүг т ы з а р э р с ә дунйā нәңи,*
*Йулуб өлмәгәй эрди бэгләр бэги* (ҚБ, 50а).
5. *Көни с ө з л ә р э р с ә, тилиң тэбрәсү,*
*Сөзүң эгри эрсә, өзүң кэзләсү* (ҚБ, 44а).

Мисолларнинг биринчисида *-р(-мас)+эрсә* формасидаги *кэлир эрсә* феъли шарт эргаш гапнинг кесими (яъни «келса» маъносида), иккинчисида *сорар эрсә* — пайт эргаш гапнинг кесими («сўраганда» маъносида), учинчисида *сэвәр-сэвмәз эрсә* — тўсиқсиз эргаш

---

[97] Бу форма ўрхун-енисей ва қадимги уйғур тили ёдгорликларининг айримларида учрайди (Шукуров Ш. Феъл тарихидан, 40—41-бетлар).


www.ziyouz.com kutubxonasi

гапнинг кесими («севса ҳам, севмаса ҳам») вазифасида келган, тўртинчи мисолдаги *тызар эрсә* феъли шарт-истак формаси ўрнида (яъни «тўхтатиб қолса эди» маъносида), охирги мисолда эса *сөзләр эрсә* феъли келаси замон («сўзлайдиган бўлса») маъносида қўлланган.

*-р(-мас)+эрсә* формаси эски ўзбек тилида, юқорида қайд қилинганидек, асосан ҳозирги-келаси замон шарт феъли маъносида қўлланган. Ҳозирги ўзбек тилида эса ёзма нутқда ҳам, оғзаки нутқда ҳам ишлатилмайди. Ҳозир бу форма (турк yazarsam//yazar isem)[98], гагауз *(алырсам//аларсам)*[99], қарачай-балқар *(алыр исем)*[100] ва бошқа айрим туркий тилларда сақланган бўлиб, ҳозирги-келаси замон шарт феъли маъносида қўлланади.

§ **80.** «Тафсир»да *-асы* аффиксли келаси замон феълига *эрсә* қўшилиши билан ҳосил бўлувчи *-асы+эрсә* формаси ҳам қўлланган бўлиб, маъносига кўра *-р(-мас)+эрсә* формасига ўхшайди, яъни бу форма ҳам ҳозирги-келаси замон шарт феъли маъносини ифодалайди. Қиёсланг: *Ул мусулмāн боласы эрсә, улуғ болур, аны уштмаҳқа кивүргәй ва агар кāфир боласы эрсә, тамуғқа кивүргәй* (Таф., 56б).

Мисолдаги *мусулмāн боласы эрсә, кāфир боласы эрсә* феъллари «мусулмон бўлса», «кофир бўлса» маъносида қўлланган.

*-асы+эрсә* формаси бошқа манбаларда қайд қилинмади, ҳозирги туркий тилларнинг қайси бирида мавжудлиги ҳам маълум эмас.

### *-миш+эрсә, -ған+эрсә,-б+эрсә* формалари

§ **81.** Ўтган замон феълининг *-мыш, -ған, -б* аффиксли формалари эски ўзбек тилида бир хил маънода қўлланган[101]. Шу феълларга *эрсә* қўшилиши билан ҳосил бўлувчи *-мыш+эрсә, -ған+эрсә, -б+эрсә* формалари ҳам маъносига кўра бир группани ташкил этади, яъни бу формаларнинг учаласи ҳам шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, ҳозирги ўзбек тилидаги *борган+бўлса* типидаги аналитик форма маъносини ифодалайди.

Бу формалар ҳозирги ўзбек тилида ишлатилмайди. Эски ўзбек тилида ҳам кам қўлланган бўлиб, айрим ёдгорликлардагина учрайди:

1. **-мыш+эрсә** формаси XIII—XIV асрларга оид ёдгорликлардан «Тафсир» ва «Хисрав ва Ширин»да, Муниснинг (XVIII—XIX асрлар) шеърий асарларида қайд қилинди: *Агар Муҳаммад*

---

[98] Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка, с. 250.

[99] Покровская Л. А. Грамматика гагаузского языка, с. 220.

[100] Урусбиев И. Х. Спряжение глагола в карачаево-балкарском языке, с. 202.

[101] Шукуров Ш. Ўзбек тилида феъл замонлари тараққиёти, 50—52, 57—59, 65—66, 68—69-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*аталары дининдин азын йаңы дин* *чықармыш эрсә*, *йығмасун сэни андын* (Таф., 19б).

*Ким уш йигләр салāм ызды сэңә көп,*
*Отурмыш эрсәңән тәрк ашуқуб қоп* (ХШ, 31а).
*Қэл, мэниң бағрымны көр, йүз пāра ҳар бир дағыда,*
*Көрмиш эрсәң бāғ ара гар лāлаи садбарг кам*
(Мунис, 184).

Бу форма қадимги уйғур тилига оид ёдгорликлар ва «Қутадғу билиг»да ҳам қўлланган бўлиб, буларда ҳам кам учрайди[102]. Мисоллар: *Азу олартын адын қайу ажунларта тоғмыш эрсәр, йэмә инчип бу дарнының күчи күсүни үзә ол йавыз йоллартын озмағы, қутрулмағы болур* (Уйғ. II, 45).

*Өкүш нәң көрү, тозмыш эрсә көзи,*
*Йана қорқар эрсә байатқа өзи...* (ҚБ, 102б).

2. **-ган+эрсә** формаси XVIII—XIX асрларга оид шеърий асарларда қайд қилинди:

*Дами ҳāлымны сор ким, өлгән эрсәм жāн тапай, йоқса*
*Давā ҳаргиз бу дардымға, Мусиҳā, әйләй алғай-му?*
(Мунис, 273).
*Йүкләнгән эрсә ғалла, йүрсин āмāн кэ маъзур*
*Эски, солағы чыққан, бэкāр арāба қурсын*
(Муқ., 81)
*Мэн нэчүк көргүм бу дунйāда дами хурсандилик,*
*Дард-у ғам болған эсә рози азалда қисматым*
(Фурқ. I, 132).

3. **-б+эрсә** формаси «Ўғузнома» ва Фурқатнинг шеърий асарларида қайд қилинди: *Атам чамат атуб эрсә, мэнүң тапум эрүр-му?* (ЎН, 42).

*Итләриң кэлиб эрсә сорғалы ҳазин ҳāлым,*
*Йоқ эди бизāатда жуз дили кабāб хижил*
(Фурқ. I, 126).

Бу формалар ҳозирги туркий тилларнинг айримларида сақланган. Масалан, *-мыш+эрсә* формаси турк (*yazmişsam*//*yazmişsem*)[103], гагауз (*алмышсам, алмышсан, алмышса*)[104] тилларида, *-ған+эрсә*, *-б+эрсә* формалари қарачай-балқар тилида қўлланади (*алгъан эсем, алгъан эсенъ, алгъан эсе, алыб эсем, алыб эсенъ, алыб эсе*)[105].

---

[102] Шукуров Ш. Феъл тарихидан, 40-бет.
[103] Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка, с. 250.
[104] Покровская Л. А. Грамматика гагаузского языка, с. 223.
[105] Урусбиев И. Х. Спряжение глагола в карачаево-балкарском языке, с. 202.


www.ziyouz.com kutubxonasi

* *
*

§ 82. Шарт майлининг аналитик формалари таркибида тўлиқсиз феъл такрорланиб келиши ҳам мумкин. Бунда тўлиқсиз феълнинг биринчиси аниқ ўтган замон феъли формасида *(эрди)*, иккинчиси шарт майли формасида (*эрсә*) келади (*бардым эрди эрсә* каби).

Шарт майлининг бу типдаги мураккаб аналитик формалари XV асрдан олдинги даврларга оид манбаларнинг айримларида қайд қилинди:

1. *Кāшкә мән өлсә эрдим, мунда оңдын унутулдым эрди эрсә* (Таф., 18а).

2. *Қачан Расул алайхиссаламм Мадинага кирди эрди эрсә, Мадина хатунларыны көрди: өз олукләригә йығлайурлар* (Рабғ. Т, 809).

Мисолларнинг биринчисида *унутулдым эрди эрсә* феъли «унитилган бўлсам» маъносида, иккинчисида *кирди эрди эрсә* — пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида, яъни «кирганда» маъносида қўлланган.

Бу типдаги мураккаб аналитик формалар «Қутадғу билиг» ва қадимги уйғур тили ёдгорликларида ҳам қўлланган[106]: *Мән ол өтдә йалаңуқларның йиртүчүлүг әт көз үзә айығ қылмышығ көрүр билир эртим эрсәр,...* (Олт. йор., 155).

*Өлүр эрди эрсә қамуғ игләгән,*
*Киши қалмағай эрди розы йэгән* (ҚБ, 46б).
*Узыр эрдиң эрсә, тур, ач эмди көз,*
*Эшитмәдиң эрсә, эшит мэндә сөз* (ҚБ, 10а).

Қиёсланг: *Марғилонга қайтиш қуруқ туҳматга қолиш билан фарқсиз эканлигини яна бир қат тушунган эди эса-да,... шом билан аср оралари Марғилонга кирган эди* (А. Қод., 239). *Мунинг қочиши гарчи бу шаҳодатнинг бирор адоват юзасидан бўлган сиёсат эканини англатар эди эса ҳам мен яна ҳануз Отабекни кафолатда сақлар эдимки,...* (А. Қод., 116).

Шарт майли аналитик формаларининг ҳосил бўлишида тўлиқсиз феълнинг такрорланиб келиши ҳозир қарачай-балқар тили учун характерли. Масалан: *алдым эдим эсе//алдым эдим эсем//алдым эди эсем, алгъан эдим эсе//алгъан эдим эсем//алгъан эсим эди*. Қарачай-балкар тилида *ала, алыўчу (-чан), алыб, алыр, аллықъ* формасидаги феъллардан ҳам шу тартибда шарт майлининг мураккаб аналитик формалари ҳосил бўлади[107].

---

[106] Шукуров Ш. Феъл тарихидан, 44—45-бетлар.
[107] Урусбиев И. Х. Спряжение глагола в карачаево-балкарском языке, с. 204—205.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Шарт майлининг *бол*-кўмакчи феъли ёрдамида ҳосил бўлувчи аналитик формалари

§ 83. Бу формалар асосий феълнинг сифатдош формасига *бол*-кўмакчи феълининг ҳозирги-келаси замон шарт формаси (*болса*) қўшилиши билан ҳосил бўлади (*барған болса* каби).

Ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги феълга *бол*- кўмакчи феъли қўшилиши билан ҳосил бўлувчи *-са+бол-* формаси эса маъносига кўра шарт феъли группасига кирмайди (*Қаранг:* § 89).

### *-мыш+болса, -ған+болса, -дуқ+болса* формалари

§ 84. Бу формалар маъно ва функциясига кўра бир группани ташкил этади, яъни булар шарт майлининг ўтган замон формаси вазифасини бажаради. Бу формалар эски ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларида ёки айрим ёдгорликларда қўлланган бўлиб, III шахс формасида учрайди:

1. **-мыш+болса** формаси асосан XIII—XIV асрларга оид ёдгорликларда қўлланган бўлиб, кейинги даврларга оид манбаларнинг айримларида учрайди: *Маккадын Мадинаға к э л м и ш б о л с а л а р, āхиратда тақы сāбиқ болғайлар* (Таф., 68а). *Ул бөри мэним Йусуфумны көңләк үчүн ө л т ү р м и ш б о л с а, көңләкни нэчүн алыб кэтмэмиш?* (Рабғ., 47б). *Тақы нэ иш б у й у р м ы ш б о л с а, ул иш тақы ҳақ турур* (НФ, 45). *Эмди ким билүр, бу дағы оғрылардан кэлиб, өзини аййāрлық суратына т а ъ б и й а қ ы л м ы ш б о л с а* (СС, 103а).

*Икинч билгә айытты: эркли таңри,*
*Йаратыб көкдә т ө р т м и ш б о л с а қаршы* (ХШ, 107б).

*Мунча панд-у насиҳат ва ташни-ву малāмат ва āнт-у аймāн билә бирәв ким, мутанаббиҳ б о л м а м ы ш болса, бир нэчә иза-ву азāб билә ҳам болмағусыдур* (Нав. Миш., 21).

Бу форма ҳозир турк (yazmis olsa) ва озарбайжон (*алмыш олса*) тилларида қўлланади[108].

2. **-ған+болса** формаси ўзбек тилида асосан XV асрдан бошлаб қўлланган бўлиб, бунда ҳам айрим ёдгорликлардагина учрайди: *Арзадāшт қылыб,... йыбарылыб эрди, й э т к ә н б о л с а, арзға йэткүрмиш болғай* (Нав. Миш., 6). *Агар йаман иш қ ы л м а ғ а н б о л с а, бу көтәргәнләрни бэхāст мутаҳаррак қылур,... агар йаман иш қ ы л ғ а н б о л с а, ҳаракат қылмас* (БН, 165). *Мэн нэ йол бирлән пāдшāҳлық қылыб й ү р и г ә н б о л с а м, сэн ҳам ошул йол бирлән йүригәй-сэн* (Ш. тар., 48).

*К ү й м ә г ә н б о л с а бирәв мэҳр-у муҳаббат отыға,*
*Шам-дек тā субҳ өртәб табб-у тāбым ким дэсүн?* (Муқ., 223).

---

108 М и х а й л о в М. С. Исследования по грамматике турецкого языка, с. 44; Ю л д а ш е в А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках, с. 245.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Нэ учун дашт-у бийāбāнларны тинмəсдин кэзəр,*
*Қылмаған болса агар āҳуны шайдā көзлəриң*
(Фурқ. I, 58).

Бу форма олдинги даврларга оид ёдгорликлардан «Тафсир»да қайд қилинди: *Ким-ким ынанған болса таңрыға,... чықарылмыш тақы барча қазғулардын бу дунйāда* (Таф., 94а).

*-ған+болса* формаси ҳозирги ўзбек ва бошқа кўпчилик туркий тилларда қўлланади[109].

3. **-дуқ+болса** формаси «Тафсир»да қўлланган: *Қайда болур мэңə оғул, йавнамадуқ, қатылмадуқ болса мэңə бир кимэрсə* (Таф., 12б). *Қайу киши дарйāда ғарқа болса,... ажалы йэтмəдук болса, хизр... аны дарйāдын чықарур* (Таф., 10а).

Мисоллардаги *-дуқ+болса* формасидаги *йавнамадуқ, қатылмадуқ болса, йэтмəдук болса* феъллари ҳозирги ўзбек тилидаги «яқинлашмаган, тегмаган бўлса», «етмаган бўлса» маъносида қўлланган.

### *-р(-мас)+болса, -адурған+болса* формалари

§ 85. *-р(-мас)+болса* формаси эски ўзбек тилида шарт майлининг шу типдаги бошқа аналитик формаларига нисбатан анча актив қўлланган.

Шахс-сон аффикслари кўмакчи феълга қўшилган: *Бир сөз айтур болсам, айтур-мэн, 5асэ, қорқунч илə* (Мунис, 66). *Биз Маккага барур болсақ, биз бурун эвлəримизгə барғай-миз* (Таф., 93а). *Гар барур болсаң, мэни өлтүр дағы бол равāн* (Отойи, 8а). *Аны кэлтүрмəс болсаңыз, сиз тақы кэлмəң* (Рабғ., 63а). *Ҳар вақт умāрāлар көрүнүшкə барур болсалар,...* (Ш. турк, 85).

§ 86. *-р(-мас)+болса* формаси қуйидаги маъноларда қўлланган:

1. Ҳозирги-келаси замон шарт феъли маъносида: *Сэниң таңриң мэңə оғул бэрүр болса, мусулмāн болайын* (Рабғ. Т, 415). *Ким Муҳаммадны тақы Абу Бакрны кэлтүрүр болса, йүз тэвə сэвүнч бэрəлиң* (НФ, 20).

*Муғал-тэк эв бэрүр болсаң, тилəр бал,*
*Көңүл бэрсəң, жāн алмаққа қылур ал* (ХШ, 77б).
*Эй көңүл, ул сиймтан васлын қылур болсаң ҳавас,*
*Қыл йүзүң алтуныны ғам бостāнындын имтиҳāн*
(Отойи, 47б).
*Барур болсаң, сэңə ҳамрāҳлық əйлəй,*
*Дэмəй ҳамрāҳлық, чāкарлық əйлəй* (Нав. ФШ, 104).

*Шайбāний хāнға киши йубарур ким, Шайбāний хāн аны алур болса, оғлы Шайбāний хāнға Самарқандны бэргəй* (БН, 97—98).

---

[109] Юлдашев А. А. Кўрсатилган асар, 237—241-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ө т к ә р ү р б о л с а ң, көңүлни бәпāк,*
*Таңла расвā болур-сән āдами хāк* (ТН, 67а).
*Йаруғлығ т и л ә р б о л с а ң, ашкыныңы төк ким,*
*Таң атмас, төкүлмәй саҳар чағы йулдуз* (Мунис, 132).

Келтирилган мисолларда *-р(-мас)+болса* формасидаги *бәрүр болса, кәлтүрүр болса, бәрүр болсаң, қылур болсаң хавас, барур болсаң, алур болса, өткәрүр болсаң, тиләр болсаң* феъллари «берса», «келтирса», «берсанг», «ҳавас қилсанг», «борсанг», «олсанг», «ўткарсанг», «тиласанг (истасанг)» маъносида қўлланган.

2. Шарт майлининг келаси замон маъносини ифодалайди. *-р(-мас)+болса* формаси бу жиҳатдан ҳозирги ўзбек тилидаги *-адиган+бўлса* формасига ўхшайди: *Бу ишни қ ы л у р б о л с а ң ы з, Йусуфны өлтүрмәң, бир қуйуғға кәмишиң* (Рабғ., 44б).

*Āхир бәгāна тәб гирйāн эшикиңдин қ у в а р б о л с а ң,*
*Күләр йүз көргүзүб, аввал кишини āшнā қылма*
(Сакк., 16б).
*Дәдиләр: ҳар нә қылур-сиз, қылыңыз,*
*У р у ш у р б о л с а ң ы з эмди, кәлиңиз* (ШН, 39).

*Мәниң ҳāлымға қ а р а м а с б о л с а ң, нә үчүн мәни қары кишигә алыб бәрдиң?* (Ш. тар., 53).
*Ө л д ү р ү р б о л с а ң мән бәчāраны,*
*Зулф занҗири билән өлдүр асыб* (Ҳув., 17).
*Хоҗайин бәрди Ташкәнтдин тыл,*
*Той қ ы л а р б о л с а ң, қой өзиңгә кафил* (Муқ., 51).

Мисоллардаги *қылур болсаңыз, қувар болсаң, урушур болсаңыз, қарамас болсаң, өлдүрүр болсаң, қылар болсаң* феъллари ҳозирги ўзбек тилидаги «қиладиган бўлсангиз», «қувадиган бўлсанг», «урушадиган бўлсангиз», «қарамайдиган бўлсанг», «ўлдирадиган бўлсанг», «қиладиган бўлсанг» маъносида қўлланган.

3. *-р(-мас)+болса* формаси пайт маъносида қўлланади, яъни пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиб, бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш вақтини кўрсатади: *Қадрий сөгәл болса, сормаңыз; ө л ү р б о л с а, бармаңыз җанāзасына* (Таф., 63б). *Қачан кимәрсә Давудға к ә л ү р б о л с а, дастур қолуб кирүр* (Рабғ., 104а). *Қачан бизгә к ә л ү р б о л с а, йәңигә икки алма алыб кәлүр эрди* (НФ, 171).

*К ү л ә р б о л с а, төкәр эрниндә тузын,*
*Сүчүг болмаз туз ул шакарда ширин* (ХШ, 12б).
*Ул қ ы л у р б о л с а қуръāни āғāз,*
*Чықмас ул хайлдын аслā āвāз* (ШН, 15).
*А т л а н у р б о л с а ң җамāлыңны ачыб майдāн ара,*
*Афтāб әйләр көзини халқаи чашми рикāб*
(Мунис, 83).

Бу мисолларда *өлүр болса, кәлүр болса, күләр болса, қылур*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*болса āғāз, атланур болсаң* феъллари «ўлганда», «келганда», «кулганда», «қироат қилганда», «отланганингда» маъносида қўлланган.

*-р(-мас)+болса* формаси қадимги ёдгорликлардан «Қутадғу билиг»да қўлланган:

*Йалавач билир болса эрдәм қамуғ,*
*Бәзүйүр бәги аты элдә улуғ* (ҚБ, 99а).
*Қалы атланур болса бәгләр сүгә,*
*Йā қушқа, чөгәнгә, йā эл көргүгә..* (ҚБ, 97а).
*Бушар болса бәгләр, кәлиб өфкәси,*
*Йырақ турғыл анда, тәгүргәй йасы (ҚБ, 34а).*

*-р(-мас)+болса* формаси ҳозир хокас тили учун характерли бўлиб, татар, бошқирд, қирғиз ва бошқа айрим тилларда ҳам қўлланади[110].

§ 87. Айрим ёдгорликларда *-адурған* аффиксли сифатдошга *болса* қўшилиши билан ҳосил бўлувчи **-адурған+болса** формаси ҳам қўлланган: *Ҳушгой ким, сөзни рифқ-у бувāсā билә айтқай, көңүлгә йүз ғам кәләдүрған болса, аның сөзидин қайтғай* (Нав. МҚ, 126). *Йана баъзи жавāхир-у жарāвыны ҳам йашуруб чықадурған болса, забат қылғайлар* (БН, 334—335).

Бу форма ҳозир татар ва бошқа айрим тилларда шу кўринишда сақланган[111]. Ҳозирги ўзбек тилидаги *-адиган+бўлса (борадиган бўлса)* формаси шу форманинг фонетик ўзгарган кўринишидир. Келтирилган мисоллардаги *кәләдурған болса, йашуруб чықадурган болса* феъллари ҳозирги ўзбек тилидаги «келадиган бўлса», «яшириб чиқадиган бўлса» феълларига мос келади.

* *
*

§ 88. Шарт майлининг **бол-** кўмакчи феъли иштирокида ташкил топган аналитик формаларига тўлиқсиз феълнинг *эрди* формаси қўшилиши билан мураккаб типдаги аналитик формалар ҳосил бўлади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилидаги *ёзган бўлса эди* типидаги аналитик форма *-ган* аффиксли ўтган замон сифатдошига кўмакчи феълнинг *бўлса* формаси ва тўлиқсиз феълнинг *эди* формаси қўшилиши билан ҳосил бўлган[112].

Шарт майлининг бу типдаги мураккаб аналитик формалари асосан XIII—XIV асрларга оид ёзма ёдгорликларда қўлланган бўлиб, шарт-истак, пайт каби маъноларни ифодалайди. Қиёсланг: *Кāшкә ул күн-оқ өлмиш болса эрдиң, сатғын алмағай эрдим* (Рабғ., 51а). *Агар бу халāйиқ мәним йолумча йүримиш болса эрдиләр, мәңә ингән сәвүклүг болғай эрдиләр* (НФ, 275). *Агар бурунрақ айтылмыш болса эрди, фақир өз матлаим-*

---

[110] Юлдашев А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках, с. 243.

[111] Ўша асар, 242-бет.

[112] Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка, с. 234.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ни айтмағай эрдим* (Нав. МН, 233). *Қачан Расул алайҳиссалāмға ваҳи к э л у р б о л с а э р д и,... андын сақларлар эрди* (Таф., 112а). *Биз дунйāда муъаззин āвāзыны э ш и т у р б о л с а э р д у к, ҳэч дунйā иши бирлә машғул болмас эрдук* (НФ, 241).

*А л у р б о л с а л а р э р д и элгә чавган,*
*Фалакдын тоб алурлар эрди āсāн* (ХШ, 35б).
*Қ ы л у р б о л с а м э д и айтқанларымны,*
*Болур эдим муҳаққақ пāрсā эр* (СС, 63а).

* *
*

§ 89. Ҳозирги-келаси замон шарт формасидаги феълга *бол-* кўмакчи феъли қўшилиши билан ҳосил бўлувчи *-са+бол-* бирикмасини тузилишига, яъни таркибида шарт феъли аффиксининг бўлишига кўрагина шарт майлининг аналитик формалари группасига қўшиш мумкин. Эски ўзбек тилида *-са+бол-* бирикмаси асосида ҳосил бўлувчи қуйидаги формалар истеъмолда бўлган: *-са+болур (-са+болмас), -са+болғай, -са+боладур.* Бу формалар асосий феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарилиши мумкинлиги (ёки мумкин эмаслигини) кўрсатади.

1. **-са+болур (-са+болмас)** формаси эски ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврлари учун умумий бўлиб, ёдгорликлар тилида актив қўлланган: *Буларны бу сāатда ө л д у р с ә б о л м а з* (Таф., 9а). *Сизләргә йалған с ө з л ә с ә б о л м а з* (Рабғ., 141а). *Киши қайда өләрин б и л с ә б о л м а с* (МН, 308б). *Ҳар кишиниң аслыны б и л с ә б о л у р ахлāқдын* (Лутф., 213а). *Бир нәчә матлаълары бар ким, табъ аҳли қашыда о қ у с а б о л у р* (Нав. МЛ, 34). *Ҳэч йэрдин кэмәсиз ө т с ә б о л м а с* (БН, 161). *Зарб уруш билә муны а л с а б о л у р* (ШН, 199).

2. **-са+болғай** формаси асосан XV аср ва ундан кейинги даврларга оид ёдгорликларда учрайди: *Бу бир нәчә калимāт бирлә нэ навъ таърифларын а й т с а б о л ғ а й, тавсифларыныӊ йүздин биригә й э т с ә б о л ғ а й* (Нав. МҚ, 59). *Ҳэч андақ иш зāҳир болмады ким, д э с ә б о л ғ а й...* (БН, 18). *Д э с ә б о л ғ а й аз қатāры кафшбардāрыңдадур* (Фурқ, I, 188).

3. **-са+боладур** формасининг қўлланиши XV асрдан бошлаб кузатилади. Бунда ҳам айрим ёдгорликлардагина учрайди: *Йүз сары қоймақ учун йүз уруб ҳамул тупрағы кимйāлыққа т а п с а б о л м а й д у р* (Нав. Мнш., 18). *Йана бадҳāлдур,... элик билә узуб й э с ә б о л а д у р* (БН, 368).

Бу типдаги формалар ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тилларда ҳам истеъмолда бўлиб, юқорида кўрсатилган маънода қўлланади.

* *
*

§ 90. Демак, эски ўзбек тилида шарт майлининг ҳар хил типдаги аналитик формалари истеъмолда бўлган. *-са+эрди* ёрдами-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да ҳосил бўлувчи *барса эрди* типидаги шарт-истак формаси эски ўзбек тилида ҳам актив қўлланган бўлиб, турли маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган. Эски ўзбек тили учун *эрсә (эсә)* ёрдамида ҳосил бўлувчи аналитик формалар ҳам характерли бўлган. Лекин бу типдаги аналитик формаларнинг қўлланиш даражаси ҳар хил бўлган. Шу асосда ҳосил бўлувчи *барды эрсә, барур эрсә (бармас эрсә)* типидаги формалар XV асрга қадар актив истеъмолда бўлиб, кейинги даврларда ҳам маълум даражада қўлланиб келган. *Бармыш эрсә, барған эрсә, барыб эрсә* каби бир қатор формалар эса маълум даврларда истеъмолда бўлган ёки айрим манбалардагина акс этган. Шарт майлининг *болса* ёрдамида ҳосил бўлувчи аналитик формаларининг қўлланиши яна ҳам чегарали бўлган (Бу формалар маъно ва функцияси бўйича *эрсә* ёрдамида ҳосил бўлувчи формалар билан ўхшаш). Эски ўзбек тили тараққиётининг кейинги даврларида *болса* ёрдамида ҳосил бўлувчи *барған болса, барадурған болса (борадиган бўлса)* каби аналитик формаларнинг активлаша бориши натижасида *эрсә* ёрдамида ҳосил бўлувчи аналитик формаларнинг қўлланиши чегаралана борган ва, ниҳоят, XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб бу формалар истеъмолдан чиққан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек тилининг тарихий тараққиёти давомида феъл майллари бўйича ҳам бошқа грамматик категориялардаги сингари маълум ўзгаришлар юз берган: майл маъносини ифодаловчи янги формалар вужудга келади, натижада қадимги формаларнинг бир группаси ўз мавқеини йўқота боради, баъзилари эса маълум даврларга келиб истеъмолдан чиқади ёки кам қўлланадиган бўлиб қолади, айрим формалар шаклан ўзгариб, такомиллаша боради.

Бу ҳол айниқса буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун характерли бўлган. Яъни XV асрга қадар, хусусан, XIII—XIV асрларга оид ёзма ёдгорликларда *-ғалың/-гәлиң*, *-ғалым/-гәлим*, *-алың/-әлиң*, *-алым/-әлим*, *-алы/-әли*, *-алық/-әлик*, *-авуз/-әвүз* аффиксли *алғалың, алғалым, алалың, алалым, алалы, алалық, алавуз* типидаги формалар истеъмолда бўлган. Бу давр тили учун *алалың, алалым* типидаги формалар характерли бўлиб, бошқа формалар кам қўлланган ёки айрим манбалардагина учрайди. Кейинги даврларда *алалы* типидаги форманинг қўлланиши активлашган бўлиб, бу форма XV—XVIII асрлар давомида буйруқ-истак майли I шахс кўплигининг асосий кўрсаткичи сифатида актив истеъмолда бўлган, *алалың* типидаги форманинг қўлланиши анча чегараланган, *алалым, алалық* типидаги формалар айрим манбалардагина учрайди, *алғалың, алғалым, алавуз* типидаги формалар эса умуман қўлланмаган. Булардан ташқари, XVI асрдан кейинги даврларга оид ёзма манбаларнинг айримларида буйруқ-истак майли I шахс кўплигининг *-ғалы/-гәли*, *-айық/-әйик*, *-айлық/-әйлик* аффиксли *алғалы, алайық, алайлық* типидаги формалари ҳам учрайди. XIX аср охирларидан бошлаб *алайлық* типидаги форманинг қўлланиши активлаша борган бўлиб, бу форма ҳозирги ўзбек тилида буйруқ-истак майлининг I шахс кўплиги учун адабий норма сифатида қабул қилинган ягона формадир.

Юқорида қайд қилинган формалар бир хил манба асосида шаклланган бўлиб, бири иккинчисининг фонетик варианти сифатида вужудга келган ва ўзбек тили тараққиёти давомида бу фор-



www.ziyouz.com kutubxonasi

малар бири иккинчиси билан алмашинган. Бирорта форма йўқки, у буйруқ-истак майлининг I шахс кўплик формаси сифатида ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврларида актив истеъмолда бўлган бўлсин.

2. Эски ўзбек тилида феъл майлларининг кўп формали бўлиши, бир хил маънони ифодалаш учун кўпинча параллел формалар қўлланиши маълум тарихий шароитлар билан боғлиқ бўлган ҳодисадир, яъни параллел қўлланувчи формаларнинг айримлари қадимги (архаик) формаларни ташкил этса, баъзилари диалектал хусусиятга эга бўлган ёки бошқа туркий тиллардан ўтган формалардир. Шунинг учун ҳам бундай формаларнинг кўпчилиги ўзбек тили тараққиётининг маълум даврларида истеъмолда бўлган ёки айрим ёдгорликлардагина учрайди.

Масалан, ўзбек тили тараққиётининг ҳамма даврларида буйруқ-истак майли I шахс бирлигининг асосий кўрсаткичи сифатида *-айын/-әйин* аффиксли *алайын* типидаги форма актив истеъмолда бўлган, *-ай/-әй* аффиксли *алай* типидаги форма эса XV асрдан бошлаб активлаша борган. XIII—XIV асрларга оид ёзма ёдгорликларда бу маънони ифодалаш учун *-ғайын/-гәйин, -ғайым/-гәйим, -ғам/-гәм, -айым/-әйим, -(й)ам/-(й)әм* аффиксли *алғайын, алғайым, алғам, алайым, алам* типидаги формалар ҳам қўлланган (*алғайын, алайым* типидаги формалар кейинги даврларда ҳам айрим манбаларда учрайди). Булардан *алғайын, алғайым, алғам* типидаги формалар қадимги (архаик) формалар бўлса, *алайым* типидаги форма ўғуз ва қипчоқ группасидаги туркий тиллар учун, *алам* типидаги форма эса ўғуз группасидаги туркий тиллар учун хос формалардир.

3. Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган майл формаларидан бир группаси ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланмайди: булардан айримлари баъзи ўзбек шеваларида сақланган. Масалан, буйруқ-истак майли I шахс кўплигининг *-ғалың/-гәлиң, -ғалы/-гәли, -алың/-әлиң, -алық/-әлик* аффиксли *алғалың, алғалы, алалың, алалық* типидаги формалари Хоразм шеваларида, *-алы/-әли* аффиксли *алалы* типидаги формаси Қоракўл ва айрим Хоразм шеваларида, *-айық/-әйик* аффиксли *алайық* типидаги формаси қипчоқ типидаги айрим ўзбек шеваларида, шу майлнинг *-су/-сү* аффиксли *алсу* типидаги формаси шимолий ўзбек шеваларида қўлланади. Навоий асарларида буйруқ-истак майлининг III шахс маъносида қўлланган *-дик(-тик)* аффиксли *алдик* типидаги форма Жанубий Тожикистон территориясидаги ўзбек қорлуқлари нутқида сақланган.

4. Ёзма манбаларнинг кўрсатишича, ўзбек тилида феъл майллари формаларининг тараққиётини учта асосий босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқични XIV аср охирларигача бўлган давр ташкил этади. Бу давр эски ўзбек адабий тилининг шаклланиш арафаси бўлиб, параллел қўлланувчи функциядош формаларнинг кўплиги, қадимги (архаик) формаларнинг актив қўлланиши, диалектал ёки бошқа туркий тилларга хос бўлган формаларнинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўплаб истеъмолда бўлиши билан характерланади. Иккинчи босқич XIV аср охирларидан XIX асрнинг охирларига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда ўзбек адабий тили шаклланган бўлиб, унинг грамматик қурилиши, хусусан, майл формалари маълум даражада тартибга тушган. Ўзбек тилида феълнинг майл формалари тараққиётидаги учинчи босқич XIX аср охирларидан бошланган бўлиб, бу давр янги ўзбек адабий тилининг шаклланиш арафасини ташкил этади. Бу даврда матбуот вужудга келди, ўзбек тилида газета, журнал ва китоблар нашр этила бошлади. Бу эса, ўз навбатида, адабий тил билан халқ сўзлашув тилининг янада яқинлаша боришига ва адабий тилнинг халқ сўзлашув тили ҳисобига янада бойиб боришига замин яратди. Бу ҳол феъл майллари соҳасида ҳам ўз аксини топди. Масалан, ўзбек ёзма адабий тилида буйруқ-истак майлининг *алайлық (олайлик)* типидаги I шахс кўплик формасининг активлашуви, шу майлнинг III шахс формасини ясовчи *-сун/-сүн* аффиксининг *-син (-сын)* формасида қўлланиши шу даврдан бошланди. Шарт майлининг *барған болса, барадурған болса (борадиган бўлса)* каби аналитик формаларининг активлаша бориши натижасида шу маънода қўлланувчи *барды эрсә, барған эрсә, барур эрсә* типидаги аналитик формалар истеъмолдан чиқа бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

## I. МАНБАЛАР

### 1. Ўрхун-енисей ёдгорликлари ва қадимги уйғур тилига оид манбалар

**Ен. Т** — Енисей текстлари (Малов С. Е. Енисейская письменность тюрков. М.—Л., 1952).
**КТ** — Култегин шаънига қўйилган ёднома (Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1951).
**Мог.** — Могилян шаънига қўйилган ёднома (Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. М.—Л., 1959).
**Олт. йор.** — Олтин йоруқ [Золотой блеск] (Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1951).
**Покл.** — Поклонение волхвов (Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1951).
**Тон.** — Тонюқуқ шаънига қўйилган ёднома (Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности. М.—Л., 1951).
**Уйг.** — Уйгурика (К. Мюллер нашри). Берлин, II — 1911, III — 1922.

### 2. XI—XIV асрларга оид манбалар

**Код. кум.** — Кодекс куманикус (В. В. Радлов нашри). СПб., 1887.
**МК** — Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов). Тошкент, I том — 1960; II том — 1961; III том — 1963.
**МН** — Хоразмий. Муҳаббатнома (Қўлёзма). Британия музейи, Add. 7914.
**НФ** — Наҳжул фародис (Я. Экман нашри). Анқара, 1956.
**Рабғ.** — Рабғўзий. Қисасул анбиё (Қўлёзма). СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, С—245.
**Рабғ. (Т)** — Рабғўзий. Қисасул анбиё (Қўлёзма). ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 1834.
**СС** — Сайфи Саройи. Гулистон бит туркий (Э. И. Фозилов нашри). Тошкент, 1973.
**Таф.** — Тафсир (Қўлёзма). СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, С—197.
**ХШ** — Қутб. Хисрав ва Ширин (А. Зайончковский нашри). Варшава, 1958.
**ЎН** — Ўғузнома (А. М. Щербак нашри). Москва, 1959.
**ҚБ** — Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Қўлёзма. Наманган нусхаси). ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 1809.
**ҲҲ.** — Аҳмад Югнакий. Ҳибатул ҳақойиқ (Рашид Раҳматий Арат нашри). Истанбул, 1951.

### 3. XV—XIX асрларга оид манбалар

**Амирий** — Юсуф Амирий. Банг ва чоғир орасинда мунозара (Қўлёзма). Британия музейи, Add. 7914.
**Аҳмадий** — Аҳмадий. Руджоманинг орасинда мунозара ва мубоҳаса (Қўлёзма). Британия музейи, Add. 7914.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**БН** — Заҳириддин Муҳаммад Бобир. Бобирнома (Н. И. Ильминский нашри). Қазань, 1857.
**Бобир** — Бобир. Девон (А. Н. Самойлович нашри). Петроград, 1917.
**Гулх.** — Гулханий. Зарбулмасал (Ф. Исҳоқов нашри). Тошкент, 1976.
**ДН** — Юсуф Амирий. Даҳнома (Қўлёзма). Британия музейи, Add. 7914.
**ЛН** — Хожандий. Латофатнома (Қўлёзма). Британия музейи, Add. 7914.
**Лутф.** — Лутфий. Девон (Қўлёзма). Британия музейи, Add. 7914.
**Мунис** — Шермуҳаммад Мунис. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Юнус Юсупов). Тошкент, 1957.
**Муқ.** — Муқимий. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Ғулом Каримов). Тошкент, 1958.
**Нав. ЛТ** — Алишер Навоий. Лисонут тайр (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Шарофиддин Эшонхўжаев). Тошкент, 1965.
**Нав. МЛ** — Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн (М. Қатрмер нашри). Париж, 1841.
**Нав. МН** — Алишер Навоий. Мажолисун нафоис (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Суйима Ғаниева). Тошкент, 1961.
**Нав. Мнш.** — Алишер Навоий. Муншаат (Қўлёзма). Салтиков-Шчедрин номидаги Ленинград Давлат кутубхонаси, Х—55.
**Нав. МҚ** — Алишер Навоий. Маҳбубул қулуб (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи А. Н. Кононов). М.—Л., 1948.
**Нав. СС** — Алишер Навоий. Сабъаи сайёр (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи Порсо Шамсиев). Тошкент, 1956.
**Нав. ФК** — Алишер Навоий. Фавоидул кибар (Қўлёзма). ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 774.
**Нав. ФШ** — Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин (Танқидий текст, тайёрловчи Порсо Шамсиев). Тошкент, 1963.
**Нав. ҒС** — Алишер Навоий. Ғароибус сиғар (Қўлёзма). ЎзССР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. № 790.
**Отойи** — Отойи. Девон (Қўлёзма). СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, В—2456.
**Сакк.** — Саккокий. Девон (Қўлёзма). Британия музейи, Or. 2079.
**ТН** — Тўтинома (Қўлёзма). СССР ФА Шарқшунослик Институтининг Ленинград бўлими, С—172.
**Ф. иқб.** — Мунис бин Авазбий ва Муҳаммад Ризо Огаҳий. Фирдавсул иқбол (Қўлёзма). СССР ФА шарқшунослик институтининг Ленинград бўлими, С—571.
**Фурқ.** — Фурқат. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Ҳолид Расул). Тошкент, I том — 1959; II том — 1959.
**ШН** — Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома (П. М. Мелиоранский нашри). СПб., 1908.
**Ш. тар.** — Абулғози Баҳодирхон. Шажараи тарокима (Илмий-танқидий текст, тайёрловчи А. Н. Кононов). М.—Л., 1958.
**Ш. турк** — Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк (Н. Румянцев нашри). Қазань, 1825.
**Яқиний** — Яқиний. Ўқ [ва] ёй орасинда мунозара (Қўлёзма). Британия музейи, Add. 7914.
**Ҳайдар** — Ҳайдар Хоразмий. Маҳзанул асрор (Қўлёзма). Британия музейи, Add. 7914.
**Ҳув.** — Ҳувайдо. Девон (Литографик нашр). Тошкент, 1913.

## 4. 1920—30 йилларга оид манбалар*

**Арм.** — Армуғон (Тўплам). Тошкент, 1922.
**А. Қод.** — Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. Тошкент, 1958
**Вож.** — Вожатий (Журнал). Тошкент, 1933, 4-сон.

---

* Ушбу манбалар (асарлар)нинг кўпчилиги араб ёзуви ёки лотин алфавити асосида нашр қилинган бўлиб, буларни биз қулайлик учун ҳозирги ўзбек графикаси асосида транслитерация қилдик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Ким** — Дельштейн С. Ким нима билан яшайдур. М., 1924.
**Колх.**— (Коллектив). Колхоз болалари. III ўқув йили учун дарслик китоби (Қишлоқ варианти). Тошкент, 1931.
**Комм.**— Коммунист (Журнал). Тошкент, 1927, 12-сон.
**МЎқит.**— Маориф ва ўқитғучи (Журнал). Тошкент, 1925, 1-сон; 1927, 6-сон; 1930, 2—3-сонлар.
**Сов. ад.**— Совет адабиёти (Журнал). Тошкент, 1935, 3-сон.
**Толиб** — Муҳаммаджонов М. Эски мактаб турмуши ёки Толиб. Тошкент, 1923.
**Юруш** — Иркутов А. Юруш (Повесть). Тошкент, 1932.
**Я. йўл** — Янги йўл (Журнал). Тошкент, 1926, 7—8-сонлар.
**Ўсимл.**— Вагнер Й. Ўсимликларнинг тузилиши ва яшашлари тўғрисида ҳикоялар. Тошкент, 1924.

## II. ТУРКИЙ ТИЛЛАР ВА ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ

**Анд.**— Андижон шеваси.
**Бешк.**— Бешкент шеваси.
**бошқ.**— бошқирд тили.
**гаг.**— гагауз тили.
**Жизз.**— Жиззах шеваси.
**Ниёзб.**— Ниёзбоши шеваси.
**Найм.**— Найман шеваси.
**нўғ.** — нўғай тили.
**озарб.**— озарбайжон тили.
**тат.**— татар тили.
**Тошк.**— Тошкент шеваси.
**турк** — турк тили.
**Хоразм** — Хоразм шеваси.
**қар.**— қараим тили.
**Қарши** — Қарши шеваси.
**қ.-балқ.**— қарачай-балқар тили.
**қоз.**— қозоқ тили.
**қр.-тат.**— қрим татарлари тили.
**қум.**— қумиқ тили.
**қ.-қалп.**— қорақалпоқ тили.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУНДАРИЖА


Кириш . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 3
Буйруқ-истак майли . . . . . . . . . . . . . . . 8
I шахс бирлик формалари . . . . . . . . . . 10
I шахс кўплик формалари . . . . . . . . . . 25
II шахс бирлик формалари . . . . . . . . . . 46
II шахс кўплик формалари . . . . . . . . . . 57
III шахс формалари . . . . . . . . . . . 64
Шарт майли . . . . . . . . . . . . . . . . 78
Ҳозирги-келаси замон шарт феъли . . . . . . . . . 80
Ҳозирги-келаси замон шарт феълининг қўлланиши ва маънолари . 94
Шарт майлининг аналитик формалари . . . . . . . . 114
Шарт майлининг *эр-* тўлиқсиз феъли ёрдамида ҳосил бўлувчи аналитик формалари . . . . . . . . . . . 114
*-са+эрди* формаси . . . . . . . . . . . 115
*-ды+эрсә* формаси . . . . . . . . . . . 120
*-р(-мас)+эрсә, -асы+эрсә* формалари . . . . . . 124
*-мыш+эрсә, -ған+эрсә, -б+эрсә* формалари . . . . 126
Шарт майлининг *бол-* кўмакчи феъли ёрдамида ҳосил бўлувчи аналитик формалари . . . . . . . . . . . 129
*-мыш+болса, -ған+болса, -дуқ+болса* формалари . . . 129
*-р(-мас)+болса, -адурған+болса* формалари . . . . . 130
Умумий хулосалар . . . . . . . . . . . . . . 135
Шартли қисқартмалар . . . . . . . . . . . . . 138


www.ziyouz.com kutubxonasi